


R 577

ISSN 2010-5517

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Iyun – 2019

2  
1



Асеф Азерли. «Севшиганлар»



Саки́т Мамедов. «Гүзаллар»

572

# Jahon ADABIYOTI

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



**Жамоатчилик  
кенгаши:**

Сирожиддин САЙИД  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Эркин АЪЗАМОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Абдураҳим МАННОНОВ  
Шухрат РИЗАЕВ  
Комилҷон АЛЛАМЖОНОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
Муҳиддин ОМОН

**МУАССИСЛАР:**  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ЖУРНАЛ

<1997 йил июндан >  
чиқа бошлаган

**Бош муҳаррир:**

Аҳмадҷон  
МЕЛИБОЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Муҳиддин РАҲИМ  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБОВ  
Жамила АҚҚАРОВА  
Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА

Экз  
№ 1

**НАВОИЙ САБОҚЛАРИ**

Жон ва жонон можароси. Навоий ғазалига. *(Н. Комилов шарҳи)*. .....3

**МУҲАРРИР МИНБАРИ**

А.МЕЛИБОЕВ. “Дадангмасман, Неъмат акангман...” .....9

**ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ**

А.С.Пушкин. Шеърлар *(Рус тилидан М.Мирзо тарж.)*. .....17

Замонавий озарбайжон шеърлятидан.

*(Озарбайжон тилидан У. Қўчқор ва Ўктамой тарж.)*. .....68

**НАСР**

С.ЦВЕЙГ. Кристина. Роман. *(Рус тилидан А.Пардаев тарж.)*. .....25

АНОР. Албатта учрашамиз. Ҳикоя. *(Озар тилидан М.Ҳазратқулов тарж.)*. .....85

А.ШИМШИРГИЛ. Амир Темур. Тарихий рисола. *(Турк тилидан Т.Қаҳҳор тарж.)*. .....97

А.ЗИЁ. Фурбатдаги ҳаётим. Ҳикоя. *(Араб тилидан М. Сайдумаров тарж.)*. .....138

**АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА**

Д.ҚУРОНОВ. Бир ижодий баҳс хусусида. ....150

М.МАҲМУД. Чўлпоннинг шогирди. ....160

**САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР**

А.ДУНКАН. Саҳнадаги Афродита. *(Рус тилидан Г.Саид Ғани тарж.)*. .....166

**ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ**

Н. ҲАЙДАРОВА. Ўзбек анимация санъати. ....191

Глобус.....194

Муковамизда.....202

Комус.....204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....206

# NAVOIY SAVOQLARI

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ЖОН ВА ЖОНОН МОЖАРОСИ

Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган “Хазойин ул-маоний” девонида икки мингдан ортиқ ғазаллар бор. Шарқ адабиётида бирор шоирга бунчалик кўп ғазал ёзиш nasib қилмаган. Аммо гап фақат сонда эмас. Навоий калбидан қуюлиб чиққан ғазалларнинг ҳар бири – даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккуридан гувоҳлик берадиган бир бадий дурдона, мўъжизадир. Бу лирик миниатюраларнинг яратилганига беш ярим асрдан ошди, лекин кеча ёзилгандай ҳамон руҳимиз, шууримизни ғалаёнга солиб, дилларга ҳаловат бағишлайди, ўқиган сари яна ўқигингиз, байтлар қаърига жойланган сеҳрни ва сирли маъноларни теранрок, тўларок англаб олгингиз келади. Буюк ўзбек шоири салафлари ижодхонасида камолотга кўтарилган кўҳна жанрнинг имкониятларини истеъфода этиб бемисл маҳорат кўрсатиш, ҳазон билмас шеърини гулшанлар яратиш баробарида ўзи мустақил равишда янги усул – услублар ихтиро қилди, ижодий тажрибалар, жасоратли изланишлар йўлидан бориб, ғазал инкишофини баланд чўққиларга олиб чиқди.

Яхлит маъноли, воқеабанд ғазаллар яратиш улуғ Навоийнинг шундай услубий ихтироларидандир. Максуд Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик тусини олади, муайян равия, поэтик ифода тарзига айланади. Турфа инсоний хислатлар, воқеа-ходисалар тасвирига бағишланган туркум ғазаллар шундан далолат беради.

Яхлит маъноли ғазал радиф сўзга урғу бериб, шоирона ваҳиятни намोён этиш ё бирор-бир ҳодисадан таъсирланиб, хис-ҳаяжонни тўқиб солиш, шу воқеа моҳиятини очиш, ёхуд муайян анъанавий тушунча-тамсиллар, образ-ифодалар атрофида суҳансозлик қилиш, лутф кўрсатиш ниятининг мевасидир. Чунончи, улуғ шоир жон ва жонон мавзусида бир туркум ажиб дилбар ғазаллар яратганким, шулардан бирини қуйида тўла келтирамиз:

*Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда жоно, жон эрур,  
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур.  
Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,  
Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур.  
Бўлса жонон бордурур жон ҳам, чу жонон қилди азм  
Жон кетиб жонон билди, жондин менга ҳижрон эрур.  
Жон менга жонон учундур, йўқ жонон жон учун,  
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вале осон эрур.  
Борса жон жонон йитар, гар борса жонон жон кетар,*

*Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур.  
Хушдурур жону жаҳон жонон била, жонон агар  
Бўлмаса, жон ўйлаким ўлмас-жаҳон зиндон эрур.  
Жоним ол, эй, ҳажру жононсиз манга ранже айлама,  
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.*

“Жон” сўзи ўн тўққиз, «жонон» сўзи ўн олти марта такрорланиб келган. Бирок бу кайтариқлар бизга нохуш туюлмади, аксинча, кучли завк уйғотади, шоирнинг заковати, топқирлигига қойил қоламиз. Қаршимизда – ўзига хос бутун бир ғазал-тажнис, яъни бир ўзакли талаффузи, шакли ўхшаш, аммо маънолари хилма-хил сўзлар воситасида барпо бўлган хайратомуз санъат намунаси. Аёнки, тажнис классик шеърятимизда кенг тарқалган усул, лекин етти байтли ғазалда икки жинсдош сўзнинг бошдан охир ҳар гал янги маънода, янги жило, янги товланиш билан бундай занжирланиб келиши фавқулодда ҳодиса. Гўё уста заргар бир бўлак жавохирдан турфа тароватли марварид доналарини суфталаб, ипак ипга тизиб чиққандай. Ва лекин шу нарса ҳам эсда турсинким, улуғ шоир сўз соҳибқирони эканини кўз-кўз қилиш учунгина бу санъатга қўл урган эмас. Бу санъат замирида Навоий қалбида ҳамиша яшнаб, кўқариб турган эзгу-ардоқли фикрлар: ишқ, вафо, садоқат ҳақидаги мунаввар, муборак ғоялар порлаб диққатимизни тортади. Сўз-тафаккур хизматида санъат фикр ва ғоянинг кўрки, тарғиботчиси.

Бутун ғазал сўз додини бериб тажнисни узлуксиз давом эттириш бир санъат бўлса, буни муҳим ижтимоий-ахлоқий ғоя билан боғлаб ривожлантириш орқали ғўзал бир тасвирини вужудга келтириш яна бир санъат юксак шоирлик маҳоратининг, уйғоқ, уйғун тахайюл, табиатда қудратли ва саҳий истиъдоднинг нашъу намоси, сеҳркорлиги. Шоирнинг усталигини қарангки, байтлар бир-бири ила мантиқан пайвандланиб, етакчи, сарбон ғояни теранлаштира бориш асносида лирик қаҳрамоннинг туйғулари ҳам байтдан байтга кучайиб, унинг юрагидаги дарди, эҳтирос-ҳаяжонлари жўшиб бораверади, жон ва жонон можароси зўраяди, висол шодлиги-ю хижрон азоблари, ошиқ изтироби ва ёр истиғноси орасидаги драматик зиддият таранглашади. Ғазални шарҳлаганимизда бу хусусият янада равшанроқ кўзга ташлана боради. Аммо бу ишни бошлашдан олдин ҳамма гапларимиз келиб тақаладиган «жон» ва «жонон» сўзларига изоҳ бермоқчимиз.

Жонон сўзнинг жондан келиб чиққани аниқ. Лекин қандай қилиб? Балки бу «жон каби», «жонга ўхшаш» (жондан ширин) деган маъноларни аңлатар? Яъни: жонмонанд-жонмон-жонон тарзида бирикманинг ихчамлашиб бориши оқибатида содир бўлгандир. Форс тилида сўзни мана шундай ихчамлаб, талаффузни енгиллаштириш ҳодисаси бор. Аммо Судий Басनावийнинг фикрича, жонон жон сўзининг кўплигидир. Маҳбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат-эҳтиром билдириш мақсадида шундай қилинган бўлса ажаб эмас, чунки бу яхши одатимизга ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари, жон-жононларнинг жони (жони жонҳо, жони жонон), туганмас, ўлмас жон маъносига ишлатилиб, бора-бора тилда мустаҳкамланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, барча маъноларда ҳам жонон (муаннас шакли жонона) инсон учун энг қимматли, энг азиз ҳисобланган жон билан баробар қўйилгани, хаттоки, ундан ортиқроқ

билиб, эъзозланаётгани аён бўлмоқда. Жонон, махбуб, маъшук, дилбар, дилором, санам буларнинг барчаси Ёрнинг сифат-синонимлари. Улардан ҳар бири шеърятда ўз мавриди, ўз маком-нисбатида қўлланиб келинган. Чунончи, жонон сўзи тилга олинганда, албатта, жон сўзи ҳам қўшиб зикр этилган. Воқеан, бир-бирига вобаста бу тушунчаларни яна ҳам тўлиқроқ тасаввур этмоқчи бўлсак, жон сўзининг келиб чиқиш моҳиятини ҳам билишимиз даркор. Зеро, қадимги аждодларимиз буни ҳозир биз тушунгандай тушунмаганлар. Ҳозир биз жонни танадан ажратиб тасаввур килолмаймиз. Жон, яъни тириклик материянинг олий даражада уюшган шакли бўлмиш биологик ҳаётнинг (демак, инсон вужудининг ҳам) хусусияти деб қараймиз. Қадимгилар эса, жон бошқа, тана-жисм бошқа, деб тушунганлар. Боз устига, уларнинг тасаввурича, жон, рух – олий неъмат, бирламчи борлик бўлиб, жисм қуйи ҳаюло – тўрт унсурдан таркиб топган бир қолип. Агар жон бўлмаса, вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу “вайрона”ни жон обод қилиши мумкин. «Ошиқ дили дўстга мунтазир ва беқарор талпинганидай, жисм руҳга муштоқ ва мухтождир», – дейди “Кашф ул-махжуб” китобининг муаллифи Хужвирий. Алишер Навоий асарларида учрайдиган «жисми вайроним», «тан уйи», «вужуд хокистари» сингари ибораларни шу маънода англашимиз керак. Унингча, жонсиз жисм – каро тупрок: “Жисмдан жонсиз на ҳосил эй мусулмонларки, ул бир каро тупроқдурурким гулу райҳони йўк”. Жоннинг шоирлар кўп қўллайдиган иккинчи рамзий номи “равон” (юриб турувчи) эканини эътиборга олсак, жон жисмга қарама-қарши ўларок доимо ҳаракатдаги нарса, яъни ҳаёт рамзи деб қаралгани маълум бўлади. Шунинг учун у жисм билан курашади, ўз асли-мутлак Рухга бориб қўшилишга интилади, дея талкин қилинган. “Жоним оғзимга келди”, “жон риштаси”, “жон кирди” қабилдаги халқ иборалари ҳам шу тасаввурлар таъсирида туғилган. Мазкур тасаввурлар, шу билан бирга, абадий ҳаёт ҳақидаги, Масих (Исо), Хизр тўғрисидаги армонли ривоятларнинг яратилишига ҳам сабаб бўлган. Гўё Масих ўз нафаси билан ўлган одамни тирилтирар, Хизр бўлса оби ҳаёт-тириклик сувини топиб ичгани учун мангу яшаб, одамларни эзгулик манбаига етаклар эмиш...

Алишер Навоий тасвирлаган ошиқнинг севган ёри худди шундай нафасли киши, унинг лаблари ўликка ҳам жон бағишлай олади, бу лаблардан ўпган ошиқ абадий ҳаёт топади. Фақат бу эмас, жонон лабларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида сеҳр кўрсатиш қудратига эга ва соҳирлик ишида улар ғоят иноқ-иттифокдирлар. Қисқаси, ғазалнинг ушбу ривоятга асосланган биринчи байтининг мазмуни бундай: “Жонгинам, лабларингнинг ҳар бири ўлган одамни тирилтиришда жон ўрнидадир, улар иккови бу ишда жуда иноқдирлар”. Байтдаги “жонон” сўзининг иноқ, иттифокдан ташқари, яна бир – жонга жон, жон бериб жон олиш, деган қадимий маъноси ҳам бор. Масалан, урушда фидойилик кўрсатган кишиларга нисбатан шундай дейилган. Навоий ғазалга бу маънони ҳам сингдира олган: жононнинг икки лаби ошиқка жон бағишлашда бир-бири билан тортишиб, баҳслашади – бири жон олса, иккинчиси жон ато этади. Ҳа, бу Ёр дийдорига муштоқ, кўнгли муҳаббат бодаси-ла лиммо-лим одам учун табиий ҳолдир. Ошиқ жонон ёдида шунчалик азият чекадики, ўзининг бор-йўқлигини унутиб қўяди, бироқ жонон ҳузурини ҳамда висол уни қайта ўзига келтиради. Висол лаҳзасидаги бу руҳий ҳолат, қониқиш, Ёр лабла-

ридан олинган бўсаннинг лаззати жонга бекиёс ҳузур бағишлайди. Жон Жонон – Аллоҳ билан қовушиб, йўқ-йўқ, бирлашиб кетади. Улар орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди: жон-жононга, жонон эса жонга айланади. Яъни: “Жоним жонондан шу даражада тўйиб коникдикки, улар шундай бирлашиб кетдиларки, қайсиси жон, қайси бири жонон эканини билмай қолдим – жон бўлса, жонон қани, жонон бўлса жон қани?”. Биринчи байтнинг бевосита давоми бўлмиш иккинчи байтнинг мазмуни шундан иборат.

Муҳаббат қиёмида ошиқнинг “буду нобуду тенг бўлиб” қолиши, жонон жилвасида эриб кетиши Навоий ижодида кўп маротаба учрайдиган хуш тасвирлардан. Чунончи, шоир бошка бир ғазалида бундай дейди: “Ёр буди (Аллоҳ вужуди) ичра нобуд ўлгай менким ўртада ўзгаликдан, демаким, ўзликдан осор қолмағай? Ишқ тариқати шуки, агар бу йўлга кирган одам ҳақиқий ошиқ бўлса у ўзини маъшуканинг бир бўлагига айлантириши, орада “у” – “мен” деган фарқланишга ўрин қолдирмаслиги керак. Ахир, висол чоғида юз берадиган муҳаббат қиёми “ўзни нутиш ва маҳбубдан айри тасаввур қилмасликдир” (Хужвирий. Кашф ул-маҳжуб, 19-бет). Бу ошиқи беқарор орзиқиб қутган дам, унинг учун олий мукофот.

Чунки ошиқнинг кўнгли ва жони тинимсиз равишда жононга қараб интилади, жононсиз яшашни дўзах азоби деб билади. Зотан, жононсиз жоннинг унга кераги йўқ. Жононсиз жон танни ҳам қийнок ва уқубатлар гирдобига солади.

Жоннинг доимий суратда жононга талпиниши, висолга ташналигини инсоннинг ўз идеалига, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг кўркем, нурафшонлиги билан жозибали бўлган дўст сари интилиши, деб билмок керак. Дўст – кишининг севган ёри ҳам, эътиқодимон тимсоли мукамал инсон ҳам, одамзод ҳеч қачон тўймайдиган ҳаёт ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ёки Худо ҳамдир. Яхши инсонни севиш – ҳаётни севиш, ҳаётни севиш – ҳақиқатни, Ҳақни севиш демек. Буюк Навоий ҳаётотида етилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари мужассам. Шу маънода жононга бўлган муҳаббат реал турмуш, муҳитдан коникмаган, зулм ва зўрлик пажмурда этган, дунёнинг нотекис ва нотўқислигидан озурда кўнгилнинг қидирган оромгоҳи, сиғинадиган ва суянадиган ягона паноҳхонаси бўлганини унутмайди. “Ҳазойин ул-маоний” дебочасида шоир ўз ғазаларининг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий турткиларни бундай қайд этади: “Олдимга онча душворликлар юзланди ва теграмда онча саъб гирифторликлар айланди ва бошимга сипехр онча бало тошини отди ва ишқ сипоҳининг лагадқуби (тепкилари) заиф пайкарим била сўнгақларимни онча оёқ остида ушотдиким, не ўзимдан хабарим, не ўзлугим била ўзимдин асар қолди”. Бу ахволимни шарҳ этсам тушунадиган бир мушфик инсон тополмадим, шу боис дардларимни шеър қилиб ёздим, дейди Навоий.

Ёрга бўлган ишқнинг шиддат ва шарофатини шу тахлит камоли эътиқод билан таърифлаб келиб, улуғ шоир учинчи байтда фикрларини янада равшанроқ баён қилади: “Агар жононинг бўлса – жонинг ҳам бор, агар жонон кетишга чорланса, билгилки, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Демак, жондан ажраласан ва ҳижрон азобида қоласан. Жон билан жононнинг ажралмаслиги ҳақидаги бу ғоя кейинги байтларда янгича

киёсланиш ёрдамида давом этади. Масалан, тўртинчи байтнинг мазмуни бундай: “Жон менга жонон учун керак, аксинча, жонон жон учун эмас. Чунки жононсиз яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз умр кўриш осон”.

Жигарсўхта, шайдойи ошиқ кўнгил муножотини мана шу маромда ўрганиб-ўртганиб изҳор этган. Висолдан сархуш, бироқ ёрдан жудо бўлиш муқаррарлигини олдиндан сезгандай жони талвасада. Хижрон азобларига қайта гирифтор бўлмаслик учун жондан кечишга ҳам рози. Тўртинчи байтдаги “жонсиз умр осон эрур” жумласи бизга ғалатиноқ туюлиши мумкин. Дарҳақиқат, қандай қилиб одам жонсиз яшай олади? Чамаси, бу ўринда шоир жон ва жонон баҳсининг мажозий ботиний маъносини чуқурлаштира бориб, инсон учун маънавий ҳаётнинг афзаллигини таъкидламоқчи бўлган. Унинг назарида, ҳақиқий ҳаёт маънавий ҳаётдир, зероким, жонон, кўриб ўтганимиздай, ана шу маънавий фазилатларнинг йиғма тимсоли. Навоий сўз ўйини – тажнисдан мантиқ силсиласига ўтади: модомики жон билан жонон бир экан, бири иккинчисисиз тасаввур этилмас экан, жонони йўқ (ишқсиз) одамлар жонсиз кишилардир. Улар тирик юрадилар-у, лекин руҳан, қалбан ўлганлар. Шунинг учун умрлари осон кечади. Аммо энг қизиғи шундаки, шоир ўзининг бу фикридаин қайтади – ахир ишқ барча мулоқотда бўлиши шарт, ишқсиз, жононсиз умуман ҳаёт йўқ. Бу хулоса бешинчи байтда ўз ифодасини топган: “Жон кетса, жонон йўқолади агар жонон кетса жон кетади”. Шундай бўлгач, жононсиз ва жонсиз қандай яшаш мумкин?

Бу фикр олтинчи байтга келиб мазмунон яна кенгайди, жонон фақат ошиқнинг жони билан баробар нарса бўлиб қолмай, балки “жону жаҳон”га тенг, бутун мавжудотни ўз ичига оладиган тушунчага айланади. Энди ошиқ ўз жони, ўз шахсияти ҳақида қайғуриш билан чегараланмайди. Унинг учун дунёнинг барча ширинлиги, лаззати, ҳатто азоб ва ҳўрсинишлари ҳам Жонон билан хуш. Жонон билан маъноли ва зебо: “Жону жон жаҳон билан хушдир, агар жонон бўлмаса, жон бўлмайди деганинг ҳам, бу кенг жаҳон зиндонга айланади”. Навоий такрорий бўлсада, хижрон оғирлигини бот-бот таъкидлаб, охири еттинчи байтда илтижо ва тавалло оҳангини кучайтиради ва ғазални шу пафос билан якунлайди. Зору нотавон ошиқ жондан кечиш эвазига бўлса ҳам жонон васлидан маҳрум этмасликларини ёлвориб сўрайди: “Эй, хижрон, майли жонимни олгин, аммо жононсиз яшаш азобини менга раво кўрма. Чунки жононсиз Навоий жонидан безордир”.

Маълум бўладики, таҳлил этганимиз ғазалда ошиқнинг икки ҳолати – висол лаҳзасидаги ҳаловат, жоннинг яйраши ва ёрдан ажралганда юз берадиган руҳий кийноқлар қиёсланиб тасвир этилган. Бошқача айтганда, жон ва жонон баҳси васл ва хижрон қиёси негизига қурилган. Висолга мушарраф бўлган ошиқ бу бахтнинг абадий барқарорлигини истаб агар жонон ташлаб кетса нималар бўлиши мумкинлигини зорланиб гапиради. Бу Алишер Навоийнинг айна шу ғазалда қўллаган бадий усули. Жон ва жонон можаросига бағишланган бошқа ғазалларида шоир яна ўзгача санъат, ўзгача усулларни синаб кўради. Масалан, “Қасди жоним қилди хажр, эй қотили хунхор, кел” сатри билан бошланадиган ғазалда жонондан ажралган, фироқдаги ошиқнинг изтироблари тасвирланади.

У ёрига ғойибона мурожаат қилиб: “Жон нақдини овучда ушлаб турибман, агар келсанг, йўлингга сочаман”, – дейди. Руҳ ҳам, жон ҳам жонон

йўлига мунтазир, ошиқнинг нияти бўлса жонини жононга топшириш: “Жон етибдур оғзима, дерман лабингга топширай, Лутф этиб қилгил мени жон бирла миннатдор, кел”. Ажойиб, шоирона тасвир, мўъжизакор таъбнинг тенгсиз неъматини! Ҳаётбахш нафасли маҳбуб висолига муштоқ ошиқнинг интизорлигидан жони оғзига келган. Шу бетоқат жонимни келиб олгин, мени азобдан кутқар, сендан миннатдор бўламан, дейди у. Аммо бу айни ҳолатда ошиқ учун янгидан жон топиш ҳам. Чунки Навоий вафат этган маҳбуб лаби жон бағишлаш қудратига эга-да!

“Севингил, эй кўнгил, охирки, жисминг ичра жон келди”, деб бошланадиган ғазал эса бунинг акси ўлароқ жонон келгандан кейинги шодлик рухий кўтаринкилик кайфиятини тараннум этади. Ёр бемор бўлиб ётганда ошиқнинг жони ачишиб, баттар қийналади. Ёки ёрдан келган мактуб, ёрга юборилган нома ёхуд ёр муждасини келтирган хабарчи кабутарлар тасвири ҳам Навоийга ошиқ калби хаяжонлари билан қўшилиб кетади. Жонондан келган жон исини (ҳам хабар, ҳам хушбўй маъносидан) келтирса, жавоб номасини ёзганда ошиқ уни жон риштаси билан чирмаб, ҳар бир сўзи, ҳарфи ёрдамида гўё қийналган жони нишонларини жўнатади. Бу каби ғазалларда муайян образнинг чизгилари намоён, тасвир характерли деталлар асосида давом этган ва шу ҳаётини ашъ – сурат таъсирида лирик туйғулар қулф уриб, қайнаб чиқади. Хуллас, Навоийнинг воқеабанд, яхлит маъноли асарлари унинг лирик меросидаги ўзига хос поэтик ходиса, туркумлар ичидаги ҳар бир ғазалнинг махсус усулда битилгани эса бутунлик, гармонияга интилган нуктадор шоирона тафаккурнинг рангин оламида алоҳида-алоҳида кўринишлардир. Шу сабабли улуғ шоир ижодининг тадқиқотчилари учунгина эмас, балки унинг асарларини ўқиб, баҳра олишни ният қилган китобхонлар учун ҳам бу хусусиятларни билиш зарур.



## “ДАДАНГМАСМАН, НЕЪМАТ АКАНГМАН...”

Ёкимли нутқ инсоннинг қиёси йўқ маънавий бойлиги, жавоҳирлар тўла сандиғи. Яхши сўз, яхши хабар кўнгилга қувонч бахш этади, юракка мойдек ёқади, шифобахш малҳамдек таъсир қилади. Халқимизда тилга доимо эътиборли бўлиш, ҳар сўз, ҳар иборани етти ўйлаб гапириш, қисқа сўзлаш, муомала одобига риоя қилиш хусусида кўплаб ҳикматлар мавжуд.

Улуғ устозлар “Тилингизга эҳтиёт бўлинг! Тил сабаб инсон бошига кўп кулфатлар келиши мумкин. Киши дилини оғритадиган, кўнглини со-вутадиған, шаънини оёқ ости қиладиган сўзларни айтишдан тийилинглр, ширинсўз бўлинглр. Чунки тилдан етган озор найза озоридан ёмон”, деб уқдиришади. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Тил офатлари” китобидан иктибос: “Инсонга энг итоатсиз аъзо – тил. Чунки бу суяксиз аъзонинг осонгина ҳаракатга келиши ва ҳеч бир машаққатсиз югуриқлиги кутилмаган оқибатларга сабаб бўлади”.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида нутқ ва муомала одобига алоҳида эътибор берилган. Асарнинг еттинчи бобида қуйидагиларни ўқиймиз: “Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни қўлингдан келса), сўз эшитмақдин қочмағилким, киши сўз эшитмақ била суҳангўйлик ҳосил қилур... Ёлғон ва беҳуда сўз айтмақ девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундок сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин”.

Кайковус одамларни тўрт тоифага бўлади: “Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керақдур. Бири ул-дурким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ ке-рак. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керақдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундан қочмоқ керақдур”.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида тил одоби, яъни ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортикча эрк бермаслик хусусида қуйидагилар баён қилинади: “Тил ақл

ва билимнинг таржимонидир. Билки, кишини нуроний қилувчи восита унинг очик ва мазмундор тилидир... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондир, қара, у сени доим эшикда пойлаб ётади. Эй мағрур уй хўжаси, хушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эркинлик берсанг, ўйламасдан сўзласанг, у бир кунмас, бир кун бошингни ейди...”.

Абу Райҳон Беруний дейдики, тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи “тавҳари шариф”га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг ушбу сўзлари айна ҳақиқатдир: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”.

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, макол ва маталлар асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган бўлиб, бу ноёб хазина биз ва биздан кейинги авлодлар учун ҳам тенгсиз мерос ҳисобланади. Бу хазинадан баҳраманд бўлган буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар, айна чоғда, ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу хазинанинг мақомини янада баланд кўтардилар.

Нутқ ўз-ўзидан равон, оҳангдор ёки ёқимли бўлиб қолмайди. Чолғучи бирор куйни ўрганмоқчи бўлса, уни неча юз бор ижро қилибгина муддаосига эришади. Мусаввир янги бир асар яратгунча қанча заҳмат чекади. Ҳеч ким бирданига Сукрот ёки Абдулла Қаҳҳор даражасига кўтарилмайди. Нутқ маҳоратини эгаллаш учун йиллар давомида тинимсиз машқ қилиш, ўқиш, ўрганиш керак. Қадимги юнон нотиғи Демосфен ўзининг паст, ҳазин овозини яхшилашга жазм қилиб, ертўлага тушар экан-да, тўла шифтига ўтқир тигли ханжарни осиб қўйиб (бошини димоғдорона баланд кўтармаслик учун), узлуксиз машқ қилар экан. Шарқда воизлик маҳоратини тобига келтириш учун ёш воизлар тоғу тошларга чиқиб машқ қилишган, ўзларини муҳим баҳсларга, уларда юзага келиши мумкин бўлган мураккаб ҳолатларга тайёрлашган. Улуғ Пётр овози паст, нутқи равон бўлмаган кишиларни таълим муассасаларига қўймаслик хусусида фармойиш берган. Ферузхон мақом йўлларини бузиб ижро этадиган созандаларни жазолаган. Водий вилоятларида бугун ҳам сўзи дағал, табиатан кўрс, кизиккон, сал нарсага асабийлашадиган одамларни совчиликка юборишмайди. Негаки, бундай кишилар ноўрин бир сўз ёки ибора билан битиб турган ишни бузиб қўйишлари мумкин.

Жалолиддин Румий шогирдларидан: “Сўз не учун керакдур?” деб сўрайди ва бу саволга ўзи жавоб қайтаради: “Сўз – англамаганлар учун. Англаганларга сўзнинг ҳожати йўқдур”.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий турмуш тарзи, орзу-умидлари, зулм ва истибодга қарши курашлари, шу билан бирга, эзгу фазилатлари, бағрикенглиги, мард ва тантилиги, ҳақсўз ва меҳнатсеварлиги, энг аввало, унинг сўзида, сўзлаш ва тинглаш одоби-

да, мақолу маталларда, ҳикматли ривоятларда ўз ифодасини топган. Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинг ўрни ва зарурати бор, борди-ю улардан бирортаси парваришсиз қолса, боғнинг кўрки бузилади, таровати сусаяди. Бинобарин, тилимиздаги ҳар бир мақол ва матал, сўз ва ибора, ноёб айтимлар, топилма ташбеҳлар, “қоса тагидаги нимқоса”лар ҳам шундай мақомга эга. Ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали биз халқимизнинг олис ўтмишига назар ташлаймиз, қосиб ўтилган машаққатли йўллардан хабардор бўламиз. Шу маънода тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи кўприкка қиёслаш мумкин. Бу кўприк бизни эзгу амалларга, инсоний қомилликка, саховатпешалик ва бағрикенгликка, ҳалол-поқликка даъват этади. “Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан адашади” деганларидек, ўзлигимизни йўқотмаслик, буюқ хазинамиздан бебаҳра қолмаслик учун ҳам тилимизни асрашимиз лозим.

Собик тузум шароитида ўзбек тили таназзулга юз тутгани, унга эътибор сусайгани мана, салкам ўттиз йилдики, тўхтовсиз таъкидлаб келинмоқда. Бу – бор гап, аммо шу ўттиз йил ичида бу кемтик тўғриландими, тилимизнинг мақоми ўзига муносиб даражада баландландими, деган саволга жавобимиздан қониқмаймиз. Албатта, маълум ишлар қилинди. 1989 йилнинг 19 октябрь куни бўлиб ўтган мамлакат Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили деб эълон қилинди. Мустақиллик Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди, тилимиз байроқ, герб, мадҳия каби муқаддас тимсоллардан бирига айланди. Унинг қаддибастини тиклаш чора-тадбирлари белгиланди. Кўплаб ташкилотларда бу иш учун масъуллар тайинланди. Расмий йиғинлар “Ассалому алайкум” деган табаррук қалом билан бошланиб, ўзбек тилида олиб борилиши, хоҳловчилар учун ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилиши кўнглимизни кўтарди. Уларда сабоқ олганларга “Ўзбек тилини ўрганиш курсларида ўқиди”, деган ҳужжат берилди. Қанча одам бу курсларни шитоб билан тугатди, бу хусусдаги маълумотномалар мутасадди идораларга жўнатилди. Аммо... минг таассуфки, бу ишлардан пичоқчага соп бўлгудек ҳам натижа чиққани йўқ. Бирор кишининг “Мен Ўзбекистонда шунча йил яшаб, ўзбек тилини билмаслигимдан хижолатда эдим, мана, озроқ ҳаракат қилиб, ишхонада, маҳаллада, кўча-кўйда одамлар, кўниқўшнилари билан мулоқот қила оладиган бўлдим”, деганини эшитганимиз йўқ. “Зўр билан бўлган иморат охири вайронадур”, деган гап бор. Бунинг маъноси шуки, ҳар қандай тилни мажбурлаб, режа-топшириқ асосида, ҳаммани бир жойга тўплаб ўргатиб бўлмайди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларини ёдга олайлик. Кўп соҳада мураккаб муаммолар йўлимизга кўндаланг бўлиб турар, ички ва ташқи хуружлар асосий эътиборни ўзига қаратган, уларнинг олдини олиш учун туну кун ишлаш, шусиз ҳам қотган бошни янада қотиришга тўғри келарди. Шунда фаоллардан бирида “Тил масаласини биров кечиктириб турсак бўлмасмикин, қайси тилда бўлмасин, бир-биримизни яхши тушуниб турибмиз-ку, нимаси ёмон”, деган “беозоргина” таклиф пай-

до бўлди ва у кўпларга мойдек ёқди. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказиладиган хоналарнинг эшиклари ёпилиб, бу ишга хоҳловчиларни жалб қилувчи эълонлар ёпиштирилган жойидан сидириб олинди. Машғулотлар қандай ўтаётгани ва уларнинг натижаси ҳақида ҳисобот сўраш тақа-тақ тўхтади. Қўштиллилик тарафдорлари энгил нафас олдилар. Оксокол ёзувчимиз Иброҳим Раҳимнинг “Тилимизни ҳаққа чўкиганими?” сарлавҳали мақоласи боис адабий жамоатчиликда юзага келган жонсараклик ҳам аста-секин сўнди.

1989 йили Бельгиянинг қадимий Брюгге шаҳрида бўлганимизда, маҳаллий университетнинг истараси иссиқ ёш ходими бироз ийманиб келиб, даврамизга қўшилганини ҳамон эслайман. “Исмим Йохан Вандевалле, сизлар билан суҳбатлашишни жуда-жуда хоҳлайман”, деди у ўзбек тилида. Унинг бийрон сўзларини, ширали талаффузини эшитиб хурсанд бўлдик. Ёшлигида ота-онаси билан дам олгани Туркияга борганида, икки ҳафта маҳаллий болалар билан ўйнаб, ўттиз-қиркга туркча сўзнинг маъносини билиб олибди-ю, бу тилни ўрганишга жиддий киришиб кетибди. Бир ярим йилда саводи яхшигина чиққач, ўзбек, тожик, қозок тилларини ҳам ўргана бошлабди. Ҳозиргача жаҳон халқларининг ўттиздан ортик тилларида сўзлаша олар экан.

Ҳамроҳларимиздан бирининг: “Шунча тилни ўрганиш сизга нима берди, ҳаётингизда қандай ўзгариш содир бўлди?” – деган саволига Йохан “Бошқа тилларини ўрганишим менга шу халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатларидан хабардор бўлиш имконини берди, дунёқарашим ўзгарди, билимим кенгайди, чўх муҳими – она тилимга, тарих ва маданиятимизга ҳурматларим кучайди, тилини, адабиётини ўрганган халқлар ёшлари билан суҳбатлашиш, янги дўстлар орттириш нияти пайдо бўлди. Ўзбекистонда бўлдим. Жуда ажойиб жой, тили ширин, ҳамма меҳмондўст, болалар чўх кўп, хурсанд бўлдим, бизда жужукчалар оз”, деб жавоб қайтарди.

Йоханнинг шу жавобини эслаб эканман, хўш, бизда нега шундай бўлмади, шу ерда туғилиб ўсган, вояга етган, бобоси, ота-онаси ва ўзининг умри шу ерда ўтаётган, келажак насллари ҳам шу юртда умргузаронлик қиладиган одамлар нега энди, ўттиз-қиркга оддий муомала сўзимизни, беш-олтита одатимизни, бир-иккита ахлоқий кадриятимизни, ақалли салом-алигимизни ўрганишмади, деган савол пайдо бўлади. Аммо шу заҳоти ичимдан келаятган “Тилимизни ўрганмаганлардан ўпкаламайлик, айбдор – ўзимиз”, деган раддияни эшитаман.

Тайсон исмли америкалик тадқиқотчи олим юртимизга келиб, қисқа вақт ичида ўзбек тилини, урф-одатларимизни, чойни ўгириб ичишни, қўлни ювганда панжаларни силкитмасликни, нонни тескари ушламасликни, қўлда ош ейишни чунонан ўрганиб олдики, унинг равон нутқини тинглаган, чойни тўкмай уч марта қайтаришини кўрган кишининг завқи келади.

Бир гал у билан бозор ораладик. Аини пишиқчилик пайти. Қовунчи дехконлар олдига келамиз. Тайсон ўртача қовунни қўлига олиб, неча пул, деб сўрайди (у ўзбекчани грамматика қоидалари орқали ўргангани боис,

бизга ўхшаб, “неччи” демайди). Деҳқон бобо: “Пажалиста, 5 руб”, дейди. Тайсон ўрисча билмагани учун, ажабланиб менга ўгирилади. Тушунтираман. Ҳамроҳим қовуннинг нарҳини тушунади, аммо ёши бир жойга бориб қолган оксокол деҳқон Эски Жўва бозорида ўзбекча гапирмай, нукул “Патхади народ, свой агарод” деяётганига тушунмайди.

Ёш инглиз тадқиқотчиси Африка жангалзорларида яшайдиган ёввойи қабила ҳудудига бориб қолади. Кундалик асарида ёзишича, бир ҳафта мобайнида ёввойилар билан имо-ишора орқали сўзлашади, икки ойдан кейин уларнинг энг муҳим ўн-ўн бешта сўзини ўрганади, бир йилдан кейин тилларини дурустгина тушуниб, улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетади, қабила аъзоларига муаллимлик қилиб, ўз мамлақати, бошқа ҳудудларда яшайдиган одамлар, кемалар, айсберглар, самолётлар, балиқ овлайдиган қуруллар, турли касалликлар, заҳарли ўт-ўланлар, денгиз ва океан жонзотлари ҳақида сўзлаб беради.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари, айниқса, мухтарам элчилар қисқа вақти ичида тилимизни, расм-русумларимизни ўрганиб олишади-ку, “Ассалому алайкум, Ўзбекистондай гўзал юртга элчи бўлиб келиш мен учун шараф”, дейишади-ку ўзбекчасига. Заруратни ҳис қилган одам тилнигина эмас, бошқа нарсаларни ҳам ўрганади. Таассуфки, биз тил ўрганиш, урф-одатларимизни ҳурмат қилиш заруратини пайдо қила олмадик. Ҳаво бирдан исиб кетса, биров айтмаса ҳам енгил кийинамиз, совиб кетса иссиқ кийиниб оламиз-ку, худди шундай, бошқазабон ҳамюртларимизни “Бир жойда яшаб туриб, шу ернинг нонини еб, сувини ичгандан кейин тилини ўрганмасак уят бўлар экан”, деган хулосага келтира олмадик. Аксинча, “Пажалиста, патхади народ, палавина сахар, палавина мёд”, деб туравердик. Оқибат шунга яраша бўлди...

Муаммога бошқа тарафдан ёндошайлик – бугун, шу тарзда кетаверсак – эртага, ундан кейин, худди собиқ тузум пайтида бўлганидек, даврага, йиғинга, машваратга битта бошқа тилли киши келиб қўшилса, дарҳол унинг забонига ўтамиз, бу билан илғор, замонавий киши эканлигимизни намоён қилмоқчи бўламиз, аслида эса ўзимизни ўзимиз беҳурмат қиламиз.

Вилоятларимиздан бирида бизга бугунги фаол ибора билан айтганда “вундеркинд” болаларни кўрсатишди. Қойил қолмасликнинг иложи йўқ – ҳар биттаси камида учта хорижий тилни билади, бийрон сўзлашади, шу тилларда шеър ўқийди, қўшиқ куйлайди, воизлик қилади. Аммо... етти отаси ўзбек бўлган бу истеъодларнинг деярли барчаси ўзбек тилида дудуқланиб, чала-чулпа гапиради, “Дорихона” сўзини талаффуз қилса, урғуни ҳар икки “о”га қўяди. Яна мисол керакми? Бундан беш-олти йил аввал истеъодли шогирдлари билан чет элга борган ҳурматли олимларимиздан бири мезбонларга мамлакатимиз талаба-ёшлари инглиз тилини пухта билишларини намоён этмоқчи бўлади. Шогирдлар аввалдан тайёрланган матнларни завқ билан айтишади, жамоа бўлиб инглиз тилида қўшиқ куйлашади. Аммо... мезбонлар улардан Ўзбекистонда кечаётган бугунги жараёнлар, байрамлар, тарихий шаҳарлар, ёшларнинг қизиқишлари, урф-одатлар, диний маросимлар ҳақида сўрашганида, ўзбекча қўшиқ

куйлаб беришни илтимос қилишганида, бир-бирларига қараб жим туриб қолишади. Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганида хурматли зиёлиларимиздан бири телекўрсатувга катнашиб, “Набирам инглиз тилида бемалол гаплаша олади, яна кўшимча француз, корейс тилларини ўрганмоқда, просто молодец”, деди. Яхши гап, аммо шу ёш йигитчанинг ўзбекчаси қандай экан-а? – деб ўйлаб қолдим.

Шу ўринда айтиб ўтмасак бўлмас. Бир гуруҳ эл-юрт хурматиغا сазовор кишилар яқинда иккинчи тил масаласини кўтаришди. Шунчаки таклиф бўлганида, майли эди. Эркин замон, кўнгилнинг кўчаси кенг. Аммо бу – “чуқур” ўйланган, кўтариш вақти аниқ топилган таклифлиги кўриниб турибди. Шунга қарамай, уларни қойиш фикридан йироқман. Сабаби, фақат бизда эмас, собиқ иттифокнинг деярли барча худудларида, ҳатто узоқ-яқин хорижий давлатларда (масалан Африкада) ҳам дунёқараши, фикрлаш тарзи совет мафқураси таъсирида метиндай шаклланган, шу мафқурага ҳали-ҳануз садоқатли одамлар бор. Собиқ тузум узоқ йиллар давомида олиб борган ғайриинсоний сиёсатнинг натижаси бу. Аммо... ким учундир ихтиёрий танлов, ким учундир тақдирнинг танланмаган тақозоси дейиш ҳам мумкин. Иккинчи тил ҳақидаги таклифдан биз учун гоёт муҳим хулоса келиб чиқади: огоҳ бўлмасак, тилимизнинг мавқеи ҳақида қайғурмасак, ўзимизни ўзимиз ерга ураверсак, ха-ху демай ёнимизда, атрофимизда, бир жамоа, бир маҳалла, бир чойхона, бир дастурхонда айни шундай фикрлайдиган одамларнинг янги авлодлари ҳам пайдо бўлади. Йиғинларда улар билан ёнма-ён ўтирамыз, наҳорошларда қошиқларимиз шарақ-шурук овоз бериб, навбатма-навбат лаганга бош уради. Кўлимизни дуога бирга очамиз. Лекин тилимиз, дилимиз бошқа-бошқа. Ҳайратланарли эмас, ачинарли бир ҳолат.

Ўзбекистонга келган америкалик, буюк британиялик ёки япониялик сайёҳга бизнинг шу тилларда амал-тақал қилиб сўзлашимиз улар учун жиддий воқеа эмас. Ёнларида таржимонлар бор, керакли нарсаларни тунтириб беришади. Уларга бизнинг ўзбекча талаффузимиз, ўзбекона фикрлашимиз, тилимизнинг оҳангини “аслият”дан эшитиш, ишонинг, гоёт муҳим. Французлар толмас санъаткоримиз Муножот Йўлчиеванинг кўшиқларини нега бор вужудлари билан, кўзларидан қувонч ва ҳайрат ёшлари думалаб тинглашади – улар кўшиқнинг сеҳрли таъсирида халқимизни, юртимизни, воҳаю водийни ҳис этишади, ҳали кўрмаган ноёб тарихий обидаларимизни, буюк ипак йўлларини, бугун ҳам эзгу ният билан улуғ сафарга отланаётган ҳикмат қарвонларини тасаввур қилишга ҳаракат қилишади. Муножотхоним ўзининг ноёб санъати, юксак ижро маҳорати билан хорижлик муҳлисларга Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд диёрнинг мафтункор манзараларини, одамларининг беғубор қалбини мусаввир янглиғ намоиш этади десак, муболаға бўлмайди. Японларнинг, корейсларнинг, хитой ёки ҳиндларнинг мусиқасига, сўзлаш, саломлашиш одобига, талаффузда товушларнинг ўзаро уйғунлашувидан ҳосил бўладиган оҳанрабо майинлик ва беғуборликка эътибор берганмисиз? Сўз, жумлагина эмас, ҳарфлар, товушлар, урғу, бўғинлар, тутуқ белгиларигача соф миллий либосда-я! Бу билан улар ҳақли равишда фахр-

ланадилар, бу бойликни бебаҳо хазина янглиғ асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бус-бутун қолдирадилар. Тилимизнинг жаранги, латофати, ифода имкониятлари ҳеч бир халқнинг тилидан қолишмайди, аммо буни эътироф этган ҳолда, унга аста-секин зиён етаётганини сезиб туриб ҳам қулоғимизни кимирлатмай тураверсак бўлмас.

Икки оғиз сўз – инглиз тилини ўрганиш ҳақида. Биз уни дунёдаги барча тиллардан зўрлиги, алифбоси мукамаллиги учун эмас, бугунги замонавий илмий манбалар асосан шу тилда эканлиги учун ўрганмоқдамиз. Бундай илм бошқа бир тилда бўлганида, табиийки, ўша тилни ўрганар эдик.

Биз рус тилини ўрганар эканмиз, бу адабиётининг “чексиз уммонига хос толстойча донишмандликни, шолоховча ҳайратланарли драматизмни, чеховча бекиёс одампарварликни ва борликни бунинча нозик идрок этишни...” (Ч.Айтматов) ўрганамиз. Француз, испан, хинд ёки корейс тилларига кизиқар эканмиз, бу адабиётлардан ҳам айни шундай фазилатларни кидирамиз. Бугун дунё мамлакатларида Ўзбекистонга, халқимиз тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, ҳунармандлиги ва бошқа соҳаларга кизиқиш кучаяётганининг боиси ҳам шунда.

Матбуот жим эмас: тилга эътиборсизлик ҳақида тинимсиз ёзилмоқда. Аммо биз ёзиб чарчамаяпмиз, қулоғи том битган маъмурлар эса кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишдан чарчаётганлари йўқ. Боз устига, айримлари қаддиларини ғоз тутиб, “Қайси газета, яна ёзибдими, кўяверинг, обунаси пачава, ҳадемай қоғоз матбуотнинг куни тугайди, қулоғимиз тинчийди..”, дея писанда қилмоқдалар. Пойтахтнинг серкатнов кўчаларидан бири ўртасидаги паннода “плов”га чексиз муҳаббат изҳор қилинган. “Отопительные системы” жумласи ўзбек тилига “Иссиқ қилиш” деб ўгирилган. Ўзбекнинг тили, мўътабар таомини масхаралашнинг бундан ортиқ намунаси бўлмаса керак. Мана, неча йилдирки, кир ювиш қуқуни номидаги кўк чойни мириқиб ичиб ётибмиз. Баъзи кўчалар тил, ном нуктаи назаридан шундай қиёфага кирдики, хорижлик меҳмон унинг Ўзбекистон худудида эканлигига шубҳа қилиши ҳеч гап эмас. Маданий-маиший муассасалар, емакхона, ичмакхона, кийим-кечак бичмакхоналарга, намоёиш залларига ном танлашда қайсидир узоқ мамлакатдан келган ажнабий мутахассис маслаҳат бераётганга ўхшайди.

“Зўр ТВ” телеканалининг кўпчиликка маъқул келадиган кўрсатувлари бор, албатта. Аммо тилимизни ошқора камситадиган, одоб-ахлоқимизга тўғри келмайдиган бачкана кўрсатувлар ҳам талайгина. Ҳар битта кўрсатув номига биттадан хорижий сўз қўшиш нима дегани? Бу хусусда қуюнчак олимимиз Раҳмон Кўчкор ғоят таъсирчан мақола ёзди, лекин гап эгасини топмади. “Бетимнинг қаттиғи – жонимнинг ҳузурини” бўлди, тамом-вассалом. Ўзини ҳурмат қиладиган халқ бунга тоқат қилмаслиги керак.

Очиғини айтганда, тилимизни асраш борасида қиладиган ишларимиз, унга ҳурматимиз ночор ахволда. Эътиборсизлик кундан-кунга илдиз отмоқда, бу ҳолни хаспўшлашга уринмайлик. Телекўрсатув, радио-эшитириш, кино ва сахна асарларида, воизларнинг маърузаларида ўзбек

адабий тили жиддий лат емоқда. Кўриб, билиб турибмиз. Икки-уч тил бир-бирига қоришиб кетди, бўтканинг ўзи. “Идора”, “дўкон”, “тижорат”, “сармоя”, “кафолат”, “бўнак”, “бай очиш”, “очиклик”, “буюртма”, “пойдевор” каби қанчадан-қанча латиф сўзларимиз ўрнига бошқа тиллардаги сўз ва ибораларни тўғри келса-келмаса ишлатмоқдамиз. Кўшни киргизистонликлар улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳар бири 120 босма табоқдан иборат уч жилдли илмий-адабий энциклопедияни нашр этишди. Бизда Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган, энциклопедия талабларига тўла жавоб бера оладиган жиддий тадқиқотдан бошқа яна бирор жиддий иш борми?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов бир гапни айтиб берган эди. У кишининг бир танишлари бошқа тилда сўзлашишга шу қадар берилиб кетган эканки, телефон жиригласа, гўшакни кўтариб, беихтиёр “Да-да” дер экан. Неъмат ака ҳар гал шу танишига кўнғирок қилганида, навбатдаги “Да-да”ни эшитиб, “Дадангмасман, Неъмат акангман”, дер экан. Бир раҳбар расмий идораларда узоқ муддат ишлади, яхши ишлар қилди, аммо ким билан гаплашмасин, телефон гўшагини қўйишдан олдин, албатта: “Есть ака, тушундим ака, конечно, есть” деб кўярди. Унинг учун “Хўб бўлади” дейиш эскилик саркити эди, назаримда.

Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан бир иқтибос келтиришга зарурат бор деб ўйлайман: “Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларга бериш керак... Миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини таниганидан кейин рус мактабига бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқисин. Ундан кейин Германия, Франция, Англия мамлакатларига, ҳатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкага юбориб ўқитиш керак..”.

Тил – тирик, ҳаракатчан вужуд, у ҳам худди инсон каби парваришга, диққат-эътиборга, меҳр-мурувватга муҳтож. Тўғри парваришланган ниҳол ўсиб-улғайиб мевага киргани каби, тилга эътибор ҳам ҳар янги авлодга шундай маънавий мева берадики, унга қиёс топишнинг иложи йўқ. Бу ҳақиқатни унутадиган бўлсак, йиллар ўтиб ўзбек тилини ўрганиш курсларини бошқалар учун эмас, ўзимиз учун қайта тиклашимизга тўғри келади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ





**АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН**

(1799 – 1837)

*Минҳожиддин МИРЗО  
таржимаси*

**ШОИР**

*Токи у муқаддас қурбонлик учун,  
Шоирни Апаллон\* чорламас экан.  
Беҳаловат дунё ташвишу юкин  
Забтида кўрқувга гарқдир журъат, шаън.*

*Муқаддас сози ҳам сукутга тобе,  
Совуқ тушлар гўё дилига оғу.  
Дунёдаги ночор инсонлар ичра,  
Балки ҳаммадан ҳам ночорроқдир у.*

*Лекин фақат ёлғиз илоҳий сўзнинг  
Сезгир қулоқларга етса хабари.  
Тўлғониб кўз очар шоирнинг қалби,  
Сесканиб уйғонган бургут сингари.*

*Зерикар у дунё эрмакларидан  
Миш-мишдан ётсирар баландда ҳар он.  
Халқ тобе ҳукмдор оёғларига  
Мағрур бошин эгмас шоир ҳеч қачон.*

*Беҳаловат дилдан изтироб тошар,  
Куйилар бежилов нурдек тонгларга.  
Юғурик шамолдек соҳилга шошар...  
Ҳамда шовуллаган эманзорларга...*



## БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ

*Эй ишқ фаввораси, мангу фаввора!  
Бу икки атиргул мендан илтифот.  
Қанчалар севаман шилдирашларинг  
Шоирона кўз ёш – маҳзун хуш баёт.*

*Сенинг кумуш янглиг соҳир тўзонинг  
Менга совуқ шабнам пуркайди ногоҳ:  
Шилдираб оқавер, қувонч чашмаси,  
Айлагил, у ниҳон сиригдан огоҳ...*

*Эй ишқ фаввораси, маҳзун фаввора!  
Сенинг мрамарингга айладим савол:  
Олис ўлка мадҳин туйдим, сукутинг...  
Мария сўровин олдингми малол...*

*Наҳотки, мангуга ёдлардан ўчдинг,  
Эй ҳарамнинг рангпар юлдузи, не ҳол!  
Ва ёки Мария, Зарема асли,  
Бахт орзуси каби тотли бир хаёл?*

*Ё фақат тасаввур уйқуси ичра  
Зулмат аке эттирган хаёлий иқбол.  
Яралган лаҳзалик ҳиссиётлардан,  
Ё кўнгил ичра у мажҳул бир тимсол?*

Улғу шоирлар ўз халқини тилларда дoston қилиб, дунёга тараннум этади. Шунинг учун уларнинг номи миллат тимсолига айланади. Миллат, миллий адабиёт ҳақидаги ҳар қандай суҳбат аввало шу миллатга мансуб шоирлар даҳосининг эътирофи ва эҳтироми билан бошланади. Ўзбекларда Алишер Навоий, озарбайжонларда Низомий Ганжавий, тожикларда Абдураҳмон Жомий туркманларда Махтумқули, украинларда Тарас Шевченко, қozoқларда Абай ва ҳоказо.

Рус адабиётида Александр Сергеевич Пушкин сиймоси ана шундай ўрин тутади. Шуниси, аҳамиятлики, бир умр озодлик ва ҳурликни куйлаган шоир рус халқи учун қанчалар сеvimли бўлса, ўзбек китобхони учун ҳам шунчалар ардоқлидир. Балки, бу унинг шеърятдаги юксак бадият, кўнгил озодлиги, ёниқ муҳаббат, покиза изтироблар, теран маънолар, шарқона руҳ, ҳикмат садоларининг сезилиб туриши билан боғлиқдир. Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори туфайли мамлакатимизда нашрга тайёрланаётган 100 жыллик рус адабиёти дурдоналарининг биринчи жилди Пушкин асарлари билан нашр этилганида ҳам катта маъно бор.

Ўзбек китобхони Пушкин шеърларини меҳр-муҳаббат билан ўқийди, ундан баҳра олади. Бу баҳрамандликнинг бардавомлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ўз даврида Ҳамид Олимжон “Пушкиннинг бир асарини яхшилаб таржима қилиш шеърый жиҳатдан бир поғона ўсиш демакдир”, деган эди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов эса бу шеърятнинг бетакрор жозибаси ва элимизнинг шоирга муҳаббатини шун-

## БУЛБУЛ

Булбулим, эй менинг булбулижоним,  
 Тинглагил, митти куш руҳимда не ҳол.  
 Эй ўрмон эркаси, кичик бўлсанг ҳам,  
 Сенинг уч қўшигинг ўзгармас алҳол.  
 Мен-чи, бир паҳлавон ўғлон эрсам-да,  
 Уч улуг юк: ҳасрат, қайғу менга ёр!  
 Биринчи қайғум шу: – менинг ёш чоғим,  
 Эрта уйлантириб қўйдилар атай.  
 Иккинчи ҳасратим: – қора тулпорим,  
 Зўриқиб, толиқди, оҳ, нени айтай!  
 Учинчи ҳасратим: айтсам қалбимни  
 Ғижимлар изтироб, ғаму аламлар.  
 Гўзал севгилимдан жудо қилдилар  
 Ишқ тотти бегона ёвуз одамлар.  
 Энди жонсиз тан-чун қазинглар қабр,  
 У кенг дала ичра топмай ҳеч озор.  
 Бош томоним узра экингиз гуллар,  
 Алвон, у чечаклар мангу бўлсин ёр.  
 Оёқ томонимда тоза бир булоқ,  
 Зилол сувлари-ла шилдираб турсин.  
 Токи бунга келган ҳур гўзал қизлар,  
 Бошига гуллардан чамбарак кийсин,  
 Бундан ўтган чоғда қариялар ҳам  
 Ҳовучлаб сув ичиб хуш роҳат туйсин...

дай эътироф этган эди: “Халқимизни олийжаноб, гўзал гоялари, эзгу ҳисларига ошино қилгани учун биз Пушкиндан миннатдормиз. Лекин буюк Пушкин ҳам ўзбек халқидан миннатдор бўлса арзийди. Уни худди ўз фарзандидай бағрига олгани, ардоқлани учун”.

Пушкин шеърлари ўтган давр мобайнида бир неча марта ўзбек тилига таржима қилинди. Биз аввало Пушкин шеърятини Ҷулпон, Ойбек, Усмон Носир, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Шухрат, Туроб Тўла, Мамарасул Бобоев, Ҳамид Ғулом, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али каби устоз шоирлар таржималари асосида ўқиганмиз, шоир даҳосини, унинг шеърӣй меросини англашимизда бу таржималар катта аҳамиятга эга. Ўзбек китобхони Пушкин шеърятига ошино қилгани учун бу устозлардан ҳаммиша миннатдордир.

Ҳар бир давр шеърятининг ўз руҳи, шиّدати бор. Улуглар адабий меросининг қиммати, қадри яна шундаки, у ҳамма даврларда замон руҳи билан уйғунлашиб ўзининг янги ва янги маъно қирраларини намоиши этаверади.

Ўз даврида Пушкин асарларини она тилимизга юксак бадий маҳорат билан ўғирган улуг устозларимиз руҳи покларига чексиз ҳурмат ва эҳтиром билдирган ҳолда, биз ҳам шоирнинг бир қанча шеърларини таржима қилишга жазм этдик. Бу эсуръатимизни улуг шоир шеърятига меҳру муҳаббатимиз рамзи сифатида қабул қилишингиздан умидвормиз.

Таржимон

## ТУТҚУН

Ўтирибман, панжара, зах зиндон ичра  
Боқилган ёш бургут тушов забтида.  
Менинг гамгин дўстим қанотин ёзиб  
Қонли емак чўқир ойна ортида.

Чўқир ва ташлар у қарар дарчага  
Худдики мен билан бирдек нияти.  
Қийқириб, қараркан чорлаб дер гўё:  
“Учайлик, бизга ёр эрк муҳаббати!

Бизлар хур қушлармиз, вақт етди дўстим!  
Кетайлик, оқ тоғлар чорлар бу замон.  
Фақат шамол... ва мен, озод учғувчи,  
Денгиз ортидаги ўлкалар томон!..”

## ФАРИШТА

Жаннат эшигида нозик фаришта  
Бош эгиб нур ичра турар бокира.  
Қайғули исёнкор иблис саргашта  
Учарди дўзахий жарликлар узра.

У инкор руҳи ва у гумон руҳи,  
Пок руҳга боққанча ҳис қилиб уни.  
Ихтиёрсиз элас-элас англарди  
Илк бора туйганча меҳр тафтини.

“Кечиргил, эй дарё, қошинга етдим,  
Бежиз дуч келмадим, сендек зиёга:  
Кўндан неки келса шуқр айладим,  
Нафрат-ла боқмадим, буткул дунёга!”

## ТУН

Сен учун меҳрли сасдекман шу тоб,  
Кечиккан тун, сукут, беради азоб.  
Тўшагим ёнида гамгин шам боқар,  
Оловли шеърларим жимирлаб оқар.  
Оқади ишқимиз жилгаси бўлиб,  
Сенинг ифор тўла исминга тўлиб,  
Қоронгида гўё сассиз сўзларинг,  
Пинҳони ошкордек порлар кўзларинг:  
Улар дер, мулойим, иқрор меники,  
Севгилим, мен фақат, фақат сеники!..

## ЕР ВА ДЕНГИЗ

Денгизнинг у мовий тинч сатҳи узра,  
 Тўлқинлар еллар-ла ўйнар басма-бас.  
 Мағрур кемаларнинг елканлари-ю  
 Қайиқларни чайқар эрка, бу нафас.

Қалбимга ташивиш ўй ортганда юкин,  
 Хуш эринчоқлик-ла тарк этгум уни.  
 Унутгум, ул илҳом парисин куйин,  
 Менга ёқимлироқ денгиз шовқини.

Тўлқинлар, соҳиллар бўйлаб ўкириб,  
 Шовуллаб, мавжланиб турган кез бот-бот.  
 Қалдироқ ларзага солганда кўкни,  
 Чақмоқлар зулматда ярқ этган заҳот.

Узоқлашиб боргум шундан денгиздан  
 Меҳмондўст эманзор бағрига у чоқ.  
 Ер мен-чун бир содиқ дўстдай туюлар,  
 Аянчли балиқчи турар бадқовоқ.

У яшар омонат, шалоқ қайиқда  
 Аёвсиз кўр гирдоб эрмаги бўлиб.  
 Мен эса барқарор сокинлик аро  
 Водий дарёсининг шўх шовқинига...  
 Қулоқ солгум дилим мавжларга тўлиб...

## ҚИШ КЕЧАСИ

Зулмат билан кўкни ёпади бўрон,  
 Қор қуюнларини учирар ҳар ён.  
 Бирда ҳайвон каби ўқирар нолон,  
 Бирда бола каби йиғлайди чунон.  
 Гоҳи у пурган кетган том узра  
 Похолларни титиб соларкан шовқин.  
 Манзилга кечиккан йўлчи мисоли  
 Деразамиз чертиб ўқирар бетин.

Бизни ўша кўҳна кулбамиз нечун,  
 Бунча тутқун гамга, бунча қоронгу.  
 Мунис бувигинам дарча ёнида  
 Нечун жимсан, дилга ўй солдим у?  
 Ёки увиллаган у бўрон забти,  
 Сени толиқтириб қўйдими бу сас.

Ё сокин гингишган урчуз овози  
Мудратиб кўйдими сени бир нафас?

Кел, шўрлик ёшлигим мунис ҳабиби  
Ичайлик, кўнгилдан унутилсин гам.  
Қани у андуҳни қувғувчи қадах,  
Токи юрак бу кун ёзилсин бир дам.  
Кўшиқ айт, мен учун денгиз ортида  
Қандай тинч яшаган у читтак тиниб.  
Куйла, мен чун тонгда у бўй етган қиз,  
Сувга чиқар эди қандай талпиниб.

Зулмат билан кўкни ёпади бўрон,  
Қор қуюнларини учирар ҳар ён.  
Бирда ҳайвон каби ўқирар нолон,  
Бирда бола каби йиғлайди чунон.  
Кел, шўрлик ёшлигим мунис ҳабиби,  
Ичайлик, кўнгилда унутилсин гам.  
Қани у андуҳни қувғувчи қадах,  
Токи бу қон юрак ёзилсин бир дам...

## БЎРОН

Кўрдингми қояда тўлқинлар аро  
Зулматда қутуриб турганда бўрон.  
Оқ кўйлакли қизни, пок мавжлар узра  
Денгиз соҳил билан ўйнашган у он.  
Кўрдингми, чақмоқнинг шаффоф нурлари  
Уни ёритганда алвондай ҳар чоқ.  
Шамол ўзин уриб ҳар ёнга, унинг –  
Ҳарир ётинчигин қилганда учоқ.  
Бўронли у зулмат ичра мафтункор –  
Мавжели тўлқинлар-ла денгизлар азал.  
Осмон кўк, буёқсиз қандай жилвакор,  
Лекин ишон менга қоядаги қиз,  
Тўлқиндан-да гўзал, бўрондан гўзал!

## БАХТИЁР БЎЛАРДИМ...

Бахтиёр бўлардим тарк эта олсам,  
Пойтахт ва саройнинг шовқинларини.  
Сокин эманзору дарё бўйига  
Қочиб кетолсайдим ташлаб барини.

О, бари шунчалар жонга тегди-ку,  
Олтин балиқчадек дарё тубидан  
Тезроқ чиқармикин маҳтал қилмай у?

Бирам орзиқтирар ойдин тун ичра  
 Сокин тўлқин аро бўлар намоён.  
 Яшил сочларига ўралиб олиб  
 Тик қиргоқда ажиб ўлтирар шоён.  
 Оппоқ мавжлар каби оёқларига  
 Суркалиб шовуллаб ўйнар тўлқинлар.  
 Кўзлари дам хира, дам ярқирайди  
 Худди милтираган юлдуздек улар.

Лабларида нафас йўқ сира, лекин  
 Бир зум тинмас жўшқин тўлқинлар саси.  
 Шунчалар аччиқдир, нафассиз кўк-кўк  
 О ўша лабларнинг совуқ бўсаси.

Азоблайди дилни бу ҳол, лек тотли,  
 Билолмам мен уни қандай атайин.  
 Англаганим шуки, ёз чилласида  
 Совуқ асал сувга ташина вужуднинг  
 Бир зум чанқоғини босолмас тайин.

У сирли ўйноқи бармоқлари-ла  
 Сочларимга теккан лаҳза-да, силаб.  
 Бошим узра ўша онларда совуқ  
 Гўё даҳшат чопиб ўтгандек бўлар  
 Шунда юрагим ҳам кетар гутирлаб.

Бу интиқ, интизор қутилган севги  
 Титратса-да мени шу лаҳза, шу он.  
 Ҳаётни тарк этсам розиман дердим,  
 Қалбдан туйиб фақат ул муҳаббатин.  
 Майли магар яна чексам-да фигон  
 Вужудим-ла такрор туймоқ истайман  
 Унинг бўсаларин тотли лаззатин.

О унинг сўзлари, сўзлари эса...  
 Унга яқин эрур ненинг товуши.  
 Унга баробару тенг келар балки  
 Гўдакнинг илк сўзи, илк чуғурлаши...

Май ойининг мовий осмонларида  
 Ҳар лаҳза гумбурлаб ёнган ул чақин.  
 Ё сув жилдираши, ё Боян созин  
 Жарангдор куйлари шунчалар... яқин.

**УНИНГ КЎЗЛАРИ**

*Шунчалар дилбар у – мен сизга айтсам,  
Қанча ўктам дилга солғувчи гавго.  
Жануб юлдузига тенг қиёс этсам,  
Шеърый таърифлардан баланд хуш чирой,  
Черкесча қоп-қора шу кўзларда жо.*

*Унинг қароғида сеҳрли олов,  
Дилни ўртар жўшқин ёнгани сари.  
Кўнгил иқрор бўлгил, тамом бошқача  
Менинг Оленинам қаро кўзлари.*

*Унда жилва қилар саркаш заковат,  
Болаларча софлик, ниҳон туйғулар.  
Ҳар бир ишвасида соҳир ифода,  
Ҳар бир қарашида тенгсиз орзулар!..*

*Лайлога хос жилва, табассум билан  
Ерга боқар латиф нигоҳ-ла ана.  
Кўзидан Рафаэль маъбуди боқар,  
Илоҳий санамга хос бу тантана!*

**ҚАНЧА МЕҲР БИЛАН...**

*Қанча меҳр билан, қанча эъзоз-ла,  
Сизни қаршиладим, дил нурга тўлди.  
Қувончимга ҳайрон боқдингиз албат,  
Ажаб қуролингиз совуқ ранж бўди.*

*Бахтга тўлиқ эди у оқшоом уйқу  
.....  
Менинг тотли, жонли тушим эди у  
Сизнинг хуш чеҳрангиз этган мунаввар.*

*Шундан бериким мен, кўз ёшлар билан  
Шу гўзал орзуни мудом чорлайман.  
Тушимда сиз мени бахтли қилдингиз,  
Ўнгимда миннатдор сизни ёдлайман.*



*Стефан ЦВЕЙГ*

(1881 – 1942)

## **КРИСТИНА**

*Роман*

*Рус тилидан  
Абдуҳамид ПАРДАЕВ  
таржимаси*

Агарда кимдир Австриянинг битта почта идорасини кўрган бўлса, кифоя – барини кўрдим дея ҳисоблаши мумкин. Зеро, улар бир-биридан унча фарқ қилмайди. Франц Иосиф замонидаги буюмлар билан зарур тартибда жихозланган мазкур почта идоралари ҳамма жойда, ҳатто, аллақачон муз нафаси уфуриб турган Тиролнинг энг чекка кишлоғида ҳам бир хил. Нохуш кўринишдаги бу ишхоналар кўхна Австрия идораларига хос арзон тамаки хиди ва қоғоз чангини ўзида саклаб келмоқда. Туйнукли ойнаванд тўсиқ хонани аниқ бир мутаносибликда фоний ва бокий дунё каби миждо ва хизматчиға мўлжалланган қисмға ажратган ҳолда ҳамма ерда бир хил лойиҳаштирилган. Миждозлар учун курси ва бошқа қулайликлар йўқлиги бу ерда уларнинг қанча вақт бўлиши ҳукуматни кўпам ташвишға солмаслигини билдиради. Деворға бақамти кўйилган, устиға клёнқа қопланган омонат ёзув столи, одатда, миждозға ажратилган жойнинг бирдан-бир

---

*Ўзбек китобхони Стефан Цвейгнинг “Куйган қўнғил армони”, “Амок”, “Нотаниш аёл мактуби”, “Бир хоним ҳаётидан йигирма тўрт соат”, “Шахмат новелласи” каби асарлари орқали яхши танийди.*

*Адиб вафотидан сўнг қирқ йил ўтиб, Фарбий Германиянинг “Фишер” нашриётида адибнинг асл номи “Кристина”, аммо ноширлар томонидан “Эврилли сархушилиги” дея ўзгартирилган романи эълон қилинди ва гарб дунёсида анча шухрат қозонди. 1985 йилда асар олмон тилидан русчаға таржима қилиниб, 1986 йили “Радуга” нашриётида асл номи билан чоп этилди.*

*Роман инсоният бошиға беҳисоб кулфатлар ёғдирувчи ҳар қандай урушға қарши ёзилган. Цвейг ижтимоий мавзудаги мазкур асарини Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романидан илҳомланиб ёзган бўлса, ажаб эмас. Зотан, адолатға, ижтимоий тенгликка, барчанинг бекаму қўст, тўлақонли ҳаёт кечиршишға ташналик ҳисси романининг бош гоёси ҳисобланади.*

*Таржимон*

жихози бўлиб хизмат қилади. Клёнка тарам-тарам ёрилган ва юзаси сиёҳ доғларига тўлиб кетган. Ҳолбуки, столнинг бир четига ўрнатилган сиёҳдонда қуюлиб қолган бўтқадан бўлак бирон нима бўлганини ҳеч бир тирик жон эслай олмасди. Мабодо – мўъжиза рўй бериб – сиёҳдон ёнидаги ўйикда ручка топилганда ҳам, перонинг учи албатта қайрилган ва ёзишга яроқсиз бўлади.

Курумсок ҳукумат нафақат қулайликлар, балки безак борасида ҳам тежамкорликка зўр беради. Оқланмаган девордан император Франц Иосиф портретларини йиғиштириб олганларидан сўнг аллақачон ёпилиб кетган кўрғазмаларга ташриф буюришни, лотереялар сотиб олишни, ҳатто баъзи бир идораларда аллақачон тугаган уруш заёмларига<sup>1</sup> обуна бўлишни таклиф қилувчи ёрқин плакатлар оммавий жойларнинг бирдан-бир нурсиз беағи ҳисобланарди. Ҳукуматнинг почта маҳкамаларига нисбатан ғамхўрлиги мана шундай арзон-гаров безаклар ва чекмаслик ҳақидаги илтимоснома (унга аслида ҳеч ким амал қилмасди) билан ниҳоя топарди.

Бироқ хизмат тўсиғининг нариги томонидаги бўлма анчайин серҳашам. Ҳукумат бунда ўз куч-қудрати аломатларини сахийлик билан намойиш қилади. Узоқ бурчакда ёнмайдиган пўлат сандиқ бўлиб, деразаларга панжаралар ўрнатилганига караганда, бу махсус сандиқда анча-мунча пул сақланишини тахмин қилиш мумкин. Маҳкама столида – худди кимматбаҳо буюмдек – жез билан жило берилган телеграф аппарати жойлашган, ёнгинасида – никелланган дастгоҳда эса одмироқ телефон “мудрайди”. Бу икки ускунага гўё атайин эътиборли жой ажратилган, зеро, мис симларга уланган бу ускуналар овлок кишлокни мамлакатнинг бошқа худудлари билан боғлайди. Почтанинг бошқа жиҳозлари тикилинчда ётишга мажбур: хатлар учун тарози ва қопчиклар, сўровномалар, хат-жилдлар, дафтарлар, қайдлар китоби, почта танга-чақалари учун юмалок шиша банклар, тарози ва кадоқтошлар, қора, кўк, кизил рангдаги ва сиёҳ қаламлари, қисқич ва маҳкамлагичлар, қаноп ип, сурғуч, губка ва қоғоз учун бостирмалар, қоғоз қиркиш учун пичоқ, елим ва қайчи – турли-туман буюмлар стол чеккасида уймалашиб, пала-партиш жой олган, тортмалар эса ҳар хил қоғозу, бланкаларга тўлган. Бир қарашда, бу буюмлардан исрофгарчилик билан фойдаланишаётгандек туюларди, бироқ бу алдамчи таассурот. Ишлатилган ёки эскирган ҳар бир буюм учун ҳукумат ўз хизматчиларидан (яширинча) – донабай ҳисоб-китоб талаб қилади. Ёзиб тугатилган қаламдан тортиб, йиртилган маркагача, титилиб кетган босма қоғоздан тортиб, қўл ювгичдаги олқиндигача, хонани ёритувчи лампочкадан тортиб, идора қулфининг калитигача: фойдаланилган ҳар бир буюм учун давлат хизматчиларидан, албатта, ҳисоб-китоб талаб қилинади.

Мана шу почта идорасига яроқли энг кўзга кўринмас, энг майда техник жиҳозларнинг рўйхати ҳам арифметик аниқлик билан машинкада ёзилиб, расмий муҳр ва тушунарсиз имзо билан тасдиқланган ҳолда чўян печ ёнига илинган. Бу рўйхатда қайд қилинмаган биронта буюмнинг хиз-

<sup>1</sup> *Уруш заёмлари* – урушни маблағ билан таъминлаш мақсадида чиқарилган кимматбаҳо қоғозлар (*Изоҳлар таржимонлики*).

мат хонасида бўлиши мумкин эмас ва аксинча: унда кўрсатилган ҳар бир буюм шу ерда бўлиши ва исталган пайтда ундан фойдаланиш имконияти яратилиши шарт. Бу – маъмурият, интизом ва конунчилик талаби.

Умуман олганда, ҳар куни эрталаб соат саккизда туйнукнинг ойнаванд тавақасини кўтариб, барча жиҳозларни ҳаракатга келтирувчи бир шахс-ни ҳам шу рўйхатга тиркаса бўларди. У почта буюмлари копини очиб, мактубларга муҳр босади, пул жўнатмаларини тўлаб, қвитанцияларни тўлдиради, юбориладиган буюмларни тарозида тортиб, қоғозларга қизил, кўк ва сиёҳ рангдаги қаламлар билан турли-туман тушунарсиз, ноаниқ белгилар қўяди, телефон гўшагини олиб, Морзе аппарати кулоғини бурайди. Бироқ – балки одоб юзасидандир – иш билан келувчилар одатда “почта хизматчиси” ёки “почтмейстер” деб атайдиган бу шахс номи буюмлар рўйхатида киритилмаган. Унинг исми-шарифи почта маъмуриятининг бошқа бир рўйхатида қайд этилиб, барча нарсалар каби ҳисобга олинган бўлиб, назорат ва тафтиш қилиниши шарт.

Гербдаги бургут сурати расмий руҳ бахш этган хизмат хонасида сезиларли ўзгариш сира содир бўлмайди. Ибтидо ва интихоннинг мангу қонунияти маъмурий тўсикка урилиб, чил-чил синади: почта биноси атрофидаги дарахтлар барг чиқаради ва тўкилади, болалар катта бўлиб, қариялар омонатини топширади, эски уйлар бузилиб, янгилари қад кўтаради, фақат давлат идорасигина ўзининг ҳеч кимга бўйсунмас мангу ўзгармаслигини намоиш қилиб, қакқайиб тураверади. Зеро, бу оламда ишлатиб бўлинган ёки йўқолган, бузилган, синган ҳар бир буюм ўрнига раҳбарият айна кўринишдаги бошқасини талаб қилиб олади, жойига қўяди ва шу асно маъмурий оламнинг йўқликка маҳкум оламдан афзаллигини намоиш этади. Борлик – ўткинчи, шакл эса – абадий. Деворда осилган таквимдан ҳар куни битта варақ йиртиб олинади, ҳафтада – етти, ойда – ўттизта. Ўттиз биринчи декабр куни, таквим варақлари тугаб қолганда, ўша кўриниш, ўша ёзувдаги янгисига буюртма берилади: йил янгиланади, таквим эса аввалгидек қолаверади. Столда рақамлар устун шаклида ёзилган ҳисобот китоби. Чап томондаги устун ҳисобланган захоти якуни ўнг томонга олиб ўтилади ва ҳисоб варақма-варақ давом этади.

Китобнинг сўнгги варағи ҳам тўлса, ўша кўриниш, ўша ҳажмдаги, аввалгисидан ҳеч фарқ қилмайдиган янгиси очилади. Бугун тугаган барча нарса эртасига янгидан, хизматнинг ўзидек айна бир хилликда давом этади: ўша стол устида худди шу нарсалар ҳеч бир ўзгаришсиз туради, бир хил варағу қаламлар, маҳкамлагичлар ва кўрсатмалар ҳар сафар янги, шу билан бирга, мудом аввалгидек ҳолатда. Бу маъмурий оламда ҳеч вақо ўзгармайди, ҳеч нима қўшилмайди, ўша-ўша ҳаёт, тўғрироғи, ўша-ўша ўлим мудом ҳукмронлик қилади, интиҳо топмайди. Турли буюмларга хос ягона бир хиллик – бу уларнинг ишлатилиш муддати ва алмаштирилиши. Асло тақдирлари эмас! Дейлик, қалам бир ҳафтага ярайди ва бошқасига алмаштирилади. Почта китобининг “умри” бир ой, лампочканики уч ой, таквимники – бир йил. Тўқима ўриндик то уч йил фойдаланмагунларича хизмат қилаверади. Унда ўтириб меҳнат

киладиган ходимнинг иш муддати эса – ўттиз ёки ўттиз беш йил; сўнг ўриндикни янги хизматчи эгаллайди, аммо тўқима курси олдингисидан сира фарқ қилмайди.

Темир йўл бўйлаб Венадан тахминан икки соатлик масофада, Кремс яқинидаги Кляйн-Райфлинг кишлоғи почта идорасида 1926 йили бир жувон фаолият кўрсатар, идора иккинчи даражали бўлгани боис бу шахсга “почта ёрдамчиси” вазифаси юклатилганди. Ойнаванд тўсик ортидан уни яхши кўра олмайсан, балки унчалик ҳам кўзга яқин эмасдир. Аммо ён томондан қаралса, бинойидек қиз: юпка лаблар, заҳил ёноқлар, кўзлар тагида кулранг соя. Бироқ у кечки пайт чироқни ёққанда, синчковлик билан қараган киши пешона ва чаккасида билинар-билинемас ажинларни пайкай олади. Барибир, дераза ортидаги гулхайри ва бугун у тунока кўзачага солиб қўйган маржон гуллар билан бирга қўшиб қаралса, бу қиз Кляйн-Райфлинг почта идорасига қарашли жиҳозлар ва хизматчилар ичида энг янгиси ва кам деганда яна йигирма беш йил ишлаши ойдинлашади. Қизнинг рангпар бармоқлари шарақлайдиган ойнаванд тўсикни яна минг марталаб кўтариб-туширади, яна юз минглаб, балки миллионлаб мактубларни ўша беўхшов ҳаракат билан резина ёстикча устига ташлайди ва қорайиб кетган мис босма билан тақиллатганча улардаги маркалар рангини ўчиради. Эҳтимол, машқини олган кўллари ҳаракати янада аниқ, тез ва ғайришуурий бўлиб қолар. Юз минглаб мактублар, албатта, турличадир, бироқ мактуб доимо мактублигича қолаверади. Маркалар ҳам ҳар хил, бироқ ҳамма вақт – марка. Кунлар ҳам турли хил, бироқ ҳар кун, соат саккиздан ўн иккигача, иккидан олтигача ўша-ўша хизмат, меҳнат, худди ўшандек иш...

Балки ёзнинг сокингина чошгоҳида кулранг сочли бу қиз ойнаванд тўсик ортида ўтирганча олдинда ўзини нималар кутаётганини ўйлаб қолгандир, ёки шунчаки орзуга берилгандир. Ҳар ҳолда, кўллари стол устидан сирғалиб, тиззасига тушди ва ингичка, хориган, рангпар бармоқлари бир-бирига чирмашди. Ёрқин-зангори июлнинг мана шу дим чошгоҳи пайти Кляйн-Райфлинг почтасида иш йўқ ҳисоби эди. Эрталаб-киси битган, доимо тамаки чайнаб юрувчи букри почтачи Хинтерфельнер мактубларни аллақачон тарқатиб бўлган, ҳеч қандай пакет ва ашёлар кечга қадар фабрикадан келтирилмайди, хат ёзиш учун эса кишлоқдагиларнинг на иштиёки, на вақти бор. Кенг гардишли шляпа кийган деҳқонлар тоқзорни чопик қилмоқда, мактабдан қутилган ялангоёқ болалар дарёда чўмилмоқда, эшик ортидаги, тош ётқизилган, чошгоҳнинг жазирамасидан кизиби кетган майдонча бўм-бўш. Ҳозир қиз уйида бўлганида борми, бироқ бемалол орзуларга берилиш имкони ҳам ёмон эмас. Тоқча ва қутилардаги карточка ва бланклар парда соясида қолган, тилларанг нимқоронғида метин жиҳозлар “ором олмоқда”. Сокинлик қуюқ чанг каби барча буюмлар устига ястанган, фақат дераза ромлари орасидаги чивину ковоғариларнинг жажжи “оркестри”гина ёзги нағмасини чалмоқда. Салкингина хонада кимирлаётган бирдан-бир нарса – деразалар оралиғига илинган соат қапкири. Бу девор соати ҳар сонияда вақт “томчиси”нинг жиндеккинасини ютиб юборади, бироқ бир маромдаги бу заиф товуш кишини сергак тортириш ўрнига, кўпроқ уйку оғушига чорлайди.

Бизнинг почта ёрдамчимиз уйку гирдободаги мана шу митти оламда шу алфозда ўтирарди. Аслини олганда, у кашта тикмоқчи эди, ҳатто игна ва қайчи тайёрлаб қўйганди, бироқ кашта тиззасидан ерга тушиб кетди, уни олишга эса на куч, на истак бор. Қиз ўриндик суянчиғига ўзини ташлаганча, кўзларини юмиб, деярли нафас олмай, бекорчиликнинг – бу ҳолат ҳаётида камдан-кам рўй берарди – оромбахш кучоғига сингиб кетганди.

У бехос тақиллаган товушдан чўчиб тушди. Товуш янада кескин қайтарилди: Морзе аппарати қайсарлик билан тақиллар, соат жангур-жуңгур этар, телеграмма – Кляйн-Райфлингга камдан-кам келувчи “азиз меҳмон” ўзини муносиб қарши олишларини талаб қилмоқда эди.

Қиз илкис ҳаракат билан уйкусини қочириб, аппарат столи сари югурди ва тасмани қўлига олгач, пешма-пеш чиқаётган дастлабки сўзларни кўриб, сочининг таг-тагигача кизариб кетди, зеро, бу ерда хизмат қила бошлагандан буён илк марта тасмада ўз номини кўриб турарди!

Телеграммани охиригача йўллаб бўлишгач, киз ҳеч балони тушунмаган қўйи уни қайта-қайта ўқиди. Нега? Нима учун? Понтрезина шахридан унга телеграмма юбориш кимнинг ҳаёлига келди?

*“Кристина Хофленерга, Кляйн-Райфлинг, Австрия. Сени интиқлик билан қутмоқдамиз, истаган кунинг кел, фақат келишингни аввалдан ҳабар қил. Қучиб қоламиз. Клер – Энтони”.*

У ўйланиб қолди: Энтони деганлари ким бўлди? Эркакми ёки аёл? Балки ҳамкасбларидан биронтаси ҳазиллашмоқчи бўлгандир? Сўнг, тўсатдан ёдига тушди: шу йил ёзда Европага ҳоласи келиши ҳақида сал аввал онаизори гапирганди. Ҳа-да, унинг исми Клара-ку! Энтони эса эри бўлса керак. Тўғри, онаизори уни доимо Антон деб атади. Ҳа, энди аниқ эсига тушди: уч-тўрт кун илгари унинг ўзи онасига Шербур шахридан хат олиб борганда, у негадир сир сақлаб, хат мазмуни ҳақида ҳеч нима демаганди.

Бироқ телеграмма унинг ўзига – Кристина Хофленер номига юборилган-ку! Наҳотки Понтрезинага – ҳоласи ҳузурига ўзи боришига тўғри келса? Бу ҳақда ораларида ҳеч қандай суҳбат бўлмаган.

У ҳозирча елимланмаган тасмага – илк марта шахсан ўзига юборилган телеграммага – яна бир бор кўз ташлади, ўзини йўқотганча, қизиқиш ва ишончсизлик билан, матн ғалати бўлгани учун ҳеч нарсага ақли етмай, яна ўқиб чиқди.

Йўк! Тушлик танаффусини кутишга унда куч қани! Бу нимани англа-тишини онасидан тезда билиб олиши керак!

Кристина қалитни юлқиб олиб, идорани беркитди ва шошганидан телеграф аппаратини ўчиришни ҳам унутиб уйига чопди.

Мана, жез болғача гўё ўзига нисбатан бефарқлик қилганларидан жажли чиқиб, қаровсиз хонада тоза тасмага беҳуда урилгандан-урилиб ётибди.

Қайта-қайта имон келтирасан: бизнинг фикр юритишимиздан шиддатлироқ бўлгани боис электр токи тезлигини тасаввур қила олмаймиз. Ахир Австриядаги бир идоранинг дим ҳавосини товушсиз оқ яшиндек ёриб ўтган ўша йигирмата сўз бир неча дақиқа аввал дунёнинг нариги чеккаси – Энгадиннинг қўм-қўк осмони остидаги муз қатлами салқинида

ёзилиб, сиёҳи ҳали қуришга улгурмай, маъноси ва чорлови шошган юракка келиб урилганди-да!

Аслида, у ерда мана нима рўй берганди: Энтони ван Боолен исмли голландиялик маклер<sup>1</sup> (у кўп йиллар аввал пахта савдоси билан шуғулланиб, сўнг Америка Қўшма Штатларининг жанубида ўрнашиб қолганди) – оқкўнгил, тепса-тебранмас ва гапнинг тўғриси, мавкеи ҳам ҳаминқадар мана шу одам “Палас” меҳмонхонаси айвонида нонуштасини тановул қилганига ҳеч қанча вақт бўлмаганди. Энди breakfast’га “никотинли тож” (йўғон, қора-кўнғир, тайёрлов жойидан истеъмолчига ҳаво ўтказмас махсус тунука ғилофда етказиб бериладиган “гавана” сигараси) билан яқун ясаш мумкин. Ҳузурбахш тутунни тажрибали кашандага хос тарзда мириқиб тортиш учун бу жаноб оёқларини рўпарадаги похол креслога қўйиб, “Нью-Йорк геральд”<sup>2</sup> газетасини қоғоз елқандек ёйди ва биржа маълумотларининг чексиз “уммони” бўйлаб сузиб кетди. Рўпарасида ўтирган рафикаси Клер – илгари у шунчаки Клара эди – зерикканидан грейпфрут<sup>4</sup> бўлақларини чимдиб ўтирар ва суҳбат воситасида газета “деворини” бузиб ўтишнинг сира имкони йўқлигини кўп йиллик тажрибасидан биларди. Шунинг учун меҳмонхона хизматчиси, жигарранг қалпокли, ёноклари қирмизи ғаройиб нусха ўзи томон юриб, янги келган почтани узатгани унга жуда маъқул бўлди. Патнисда биргина мактуб бор эди. Унда битилган сўзлар Клерни шунчалар ўзига ром этдики, узоқ йиллик кўникмасини унутиб, эрини ўқишдан чалғитишга уринди:

– Энтони, менга қара. – Газета қилт этмади. – Энтони, сенга халақит бермоқчи эмасман, бир сонияга гапимни тингла. Хат Мэридан келибди, шошилинч экан... – У опасининг исмини беихтиёр инглизча талаффуз қилди. – Кела олмаслигини ёзибди. Ўзи-ку, жудаям истар экан, аммо юраги чаток. Шифокорнинг айтишича, икки минг метрли баландликда юришга ҳеч қанақасига дош бера олмасмиш. Лекин, агар биз қарши бўлмасак, албатта, икки ҳафтага Кристина келиб кетаркан. Уни танийсан-ку, малласоч кенжа кизи. Урушдан аввал тушган фотосуратини кўргансан. Пост-офисда<sup>5</sup> хизмат қилади, ҳалигача бирон марта тўлик таътилга чиқмабди. Мабодо ариза ёзса, ишхонасидагилар йўқ дейишмайди. Орадан шунча йил ўтиб, “азиз Клара ва мухтарам Энтонига ҳурматини изхор этишдан” кизгина ғоятда бахтиёр бўларди.

Эрининг газета тутган қўли қилт этмагач, Клер қистовни бошлади:

– Нима деб ўйлайсан, уни таклиф қилиш керакмикин? Шўрлик кизга тоза ҳавода бироз нафас олиш зарар қилмасди. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳам шуни тақозо қилмайдимиз, ахир! Бу ерларга келибманми, демак, опамнинг кизи билан ҳам танишмоғим керак. Шундоқ ҳам уруғларим билан бордикелдим йўқ. Уни таклиф этсам эътироз билдирмайсанми?

Газета сал шитирлаб, тепасидан сигаранинг ҳалқасимон кўкимтир туни сизиб чиқди, сўнг чўзиқ ва лоқайд овоз эшитилди:

<sup>1</sup> *Маклер* – савдо ишларида воситачи.

<sup>2</sup> *Breakfast* (ингл.) – нонушта.

<sup>3</sup> “*Нью-Йорк геральд*” – ишбилармонларнинг АҚШ да чоп этиладиган газетаси.

<sup>4</sup> *Грейпфрут* – апельсинга ўхшаш мева.

<sup>5</sup> *Пост-офис* – Клара почтани ҳам инглизча атамоқда.

– Not at all. Why should I<sup>1</sup>.

\* \* \*

Кимнингдир ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган суҳбатга шу лўнда жавоб билан яқун ясалди.

Неча ўн йиллар ўтиб қариндош-уруғчилик ришталари қайта боғланди. Зеро, исм-шариф оқсеяқларникидек янграшига қарамай “ван” одатий голландча кўшимча эди ва эр-хотин ўзаро инглизча сўзлашса-да, Клер ван Боолен аслида Мари Хофленернинг синглисидан ўзга аёл эмасди. Бинобарин, ҳеч шубҳа йўқки, у Кляйн-Райфлинг почта хизматчиси Кристинанинг холаси бўлиб, нохуш бир воқеа туфайли бундан йигирма беш йил аввал Австрияни тарк этганди. Ўша воқеа бизнинг хотирамизда сал-пал сақланган, аммо касалманд Мари бу ҳақда қизларига сира оғиз очмаганди.

Ўшанда бу воқеа кўп шов-шувга сабаб бўлган, ақлли ва устомон кишилар оммавий қизиқиш олдини олмаганларида, эҳтимол, бундан ҳам баттар оқибатларга олиб келарди. У пайтлари Клер ван Боолен хонимни шунчаки фройляйн Клара деб чақирарди, хоним Кольмарктдаги муҳташам модалар салонидан оддийгина манекенчи бўлиб ишларди. Кўзлари чиройли бу қизгина кўйлак ўлчатиш учун аёлини етаклаб келган, ўрмон саноати билан шуғулланувчи бир қари савдо маслаҳатчисидан жуда чуқур таассурот қолдирганди. Тетиккина маслаҳатчи қария умри сўнгида эҳтироси жўшиб, ёқимтой ва қувнок малласоч қизни севиб қолган ва ўзи мансуб даврага ярашмаган сахийлик билан уни совға-саломга кўмиб ташлаганди. Тез орада ўн тўққиз яшар манекенчи қиз хушахлоқ қариндошлари ғазабини кўзгаганча, мўйнадан тикилган, авваллари факат кўзгу рўпарасида турганча инжиқ ва диди ўтқир мижозларга кўз-кўз қиладиган либосларни кийиб, серхашам извошда сайр этадиган бўлиб қолди. Қанча башанг кийинса, кекса ҳомийига шунча ёқиб борар, қутилмаган ишкий саргузаштдан боши айланган савдо маслаҳатчисига қанчалик ёкса, у қизни шунчалик башанг кийинтира бошлаганди. Уч-тўрт ҳафта ўтгач, Клара хушторини шу даражада эритиб юбордики, унинг адвокати топшириқни мутлақо махфий сақлаган ҳолда, маслаҳатчи қонуний хотинидан ажралгани ҳақида ҳужжат тайёрлади ва қизгинамиз Венанинг энг бой аёлига айланишига сал қолди. Бироқ аноним мактуб орқали хабардор қилинган хотин зудлик билан ишга аралашиб, қовун тушириб қўйди. Ўттиз йиллик тинчгина турмушдан сўнг ундан худди қартайган байталдек қутулишга аҳд қилганлари аламзада аёлни қутуртириб юборганди. У тўппонча харид қилиб, бир-бирига номуносиб жуфтликнинг висол онидан қайтадан жиҳозланган махфий уйига бостириб кирди ва эрини тортиб олган қизга қарата ҳеч қандай гап-сўзсиз ўт очди...

Бир ўк хато кетиб, иккинчиси елкани шилиб ўтди. Яра арзимас экан, аммо бу машмашанинг оқибати чатоқ бўлди. Югуриб чиккан кўшнилари, синган эшик, хушдан кетиш ва бошқа дилхираликлар, шифокорлар, полиция, содир бўлган ҳодисага оид далолатномалар. Олдинда эса ҳар икки тараф учун ҳам бирдай ваҳимали маҳкама жараёни ва жанжал.

<sup>1</sup> Not at all. Why should I (ингл.) – Асло. Нега энди эътироз билдирап эканман?

Худога минг шукрки, бадавлат шахсларга бажону дил хизмат қиладиган, жанжалли ишларни хаспўшлаш борасида тажрибага эга, чакқон адвокатлар нафақат Вена, балки ҳар ерда мавжуд. Шулардан бири, ўз ишининг устаси Карплус деган кимса зудлик билан зиддизахар топмоқ ҳаракатига тушди.

У Кларани иззат-икром билан идорасига таклиф қилганда қиз жуда ба-шанг кийинган, елкаси ғамзали боғланган ҳолда кириб келди ва шартнома матнини кизиқиш билан ўқиб чиқди: гувоҳлар маҳкамага таклиф этилмай туриб Америкага шошилишч жўнаб кетиш мажбурияти экан бу. Яъни бир-варакайига бериладиганини ҳисобга олмаганда, етказилган “маънавий” зарарни қоплаш мақсадида беш йил мобайнида (у ерда ўзини одоблигина тутиб юриш шарти билан, албатта!), ҳар ойнинг бошида адвокат восита-сида кизга маълум миқдорда пул тўлаб турилади...

Жанжалдан сўнг Кларанинг ўзи ҳам Венада қолмоқчи эмасди. Устига-устак, ота-онаси уйдан ҳайдаб солганди. У пинак бузмай, тўрт варақли шартномани ўқиб чиқди, жуда кўп эканлигини ич-ичидан эътироф этган ҳолда жами пулни тезда ҳисоблаб ташлади ва ҳар эҳтимолга қарши яна минг гульден<sup>1</sup> талаб қилди.

Ризоликдан сўнг нимтабассум билан шартномага имзо чекиб, уммон ортига жўнаган Клара бу қароридан сира афсусланмади. Йўлдаёқ уйла-ниш билан боғлиқ кўпгина таклифлар олганига қарамай, Нью-Йоркда, пансионда<sup>2</sup> ван Боолен билан танишгачгина унга тегишга рози бўлди. Ўша пайт аллақайси Голланд фирмасининг кичик савдо вакили ван Боолен хотинининг маблағи қаердан келганига шубҳаланиб ўтирмай, шу пуллар эвазига айни мамлакат жанубида хусусий иш очишга қарор қилди. Уч йил ўтгач икки болали, беш йилдан сўнг – уйли, ўн йилдан сўнг эса – уруш барча бойликларини ваҳшийларча йўқ қилган Европадан ташқари исталган қитъада бўлгандек – каттагина мулк соҳибларига айланишди. Эндиликда, ўғиллар вояга етиб, енг шимарганча оталари ишини давом эттирмоққа киришганларида, кексайиб қолган ота-она Европага бемалол, бадастир саёҳат қилиш имконига эга эдилар. Ажабланирлиси шунда эди-ки, туманлараро Нормандиянинг яси киргоғи кўзга ташланган маҳал, унут бўлган ватан соғинчи Клернинг юрагида қайта уйғонганди.

Қалбан аллақачон америкаликка айланган Клер қуруқликнинг бу пар-часи Европа эканлигини англаган шу биргина ондаёқ, ёшлик соғинчининг ногаҳоний тугёнини туйди. Болалигида опаси билан бирга ухлаган панжа-рали каравот тушига кириб чиққан Клернинг ёдига минглаб бошқа май-да-чуйдалар ҳам тушди ва камбағал бевага айланиб қолган опасига ўтган шунча йил ичида бир сатр ҳам ёзмаганидан уялиб кетди. Опаси ҳақидаги фикрлар Клернинг оромини ўғирлади, бинобарин, ўша вақтнинг ўзида, кемалар тўхташ жойидан унга мактуб битди ва конвертга юз доллар со-либ, тезда етиб келишини ўтиниб сўради...

Айни пайтда опаси ўрнига жиянини таклиф қилиш мумкин эканли-гини билган ван Боолен хоним бармоғини қимирлатар-қимирлатмас бу

<sup>1</sup> Гульден – олмон пул бирлиги.

<sup>2</sup> Пансион – дам олиш уйи.

ишора нимани билдиришини сезган меҳмонхона хизматчиси (у жигаранг ливрея<sup>1</sup> ва юмалоқ калпоқ кийиб олганди) унинг ҳузурига замбаракнинг ўқидек учди. У телеграф бланки келтирди ва тўлдирилган бланкни олиб, почтамтга югургилади. Бир неча дақиқа ўтгач эса хабар деганимиз тақиллаётган Морзе аппаратининг нуқта ва тирелари шаклида, минглаб километрли сим бўйлаб, зувиллаётган поездлар, автомобиллардан кўтарилаётган чангдан ҳам тезроқ, яшиндек учди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас чегара, яна бир лаҳзадан сўнг минг бошли Форарльберг тоғлари, миттигина Лихтенштейн, водийлар билан пора-пора қилинган Тироль ва мана, сирли равишда сўзга айланганча муз қоплаган баландликлардан ошиб ўтди. Аввал Дунай пасттекислиги, сўнг Линцга – коммутатор қўйилган тарафга отилди. Бу ерда уч-тўрт сония “дам олиб”, “тез” сўзини талаффуз қилишингдан ҳам тезроқ Кляйн-Райфлинг почтаси томидаги симдан телеграф қабул қилгичига парвоз этди. Қабул қилгич деганлари бир чўчиб тушиб, уни кизиқиш ва ҳадикка тўлиб-тошган қалб сари тўппа-тўғри йўналтирди.

\* \* \*

Муюлиш ортида қолиб, ғижирлайдиган қоронғи зина бўйлаб юкорига кўтарилган Кристина ғарибона деҳқонча уйнинг болохонасига қадам қўйди. У шу ерда, кичкина деразали хонада онаси билан яшарди. Том тепасидаги пешайвон қишда қордан, ёзда офтобдан авайлабгина пана қилар, ингичка, заифлашиб қолган катра нур фақат оқшомларигина тоқчадаги ёронгулга тушарди. Аммо нимқоронғи болохонадан ҳар доим дим ва зах, чириган тўсину, ҳўл чойшаб ҳиди анқиб турарди. Кўп йиллик зах дарахт замбуруғи каби деворга ҳам сингиган. Эҳтимол, илгарилари бу болохона лаш-лушлар ташлаб қўйиладиган чордоқ бўлгандир. Бирок бошпанага эҳтиёж ортиб кетган сўнгги йилларда одамларнинг талаби ҳам камтаринлашиб борди ва тўрт девор ичига иккита каравот, стол ва эски сандиқ қўйиш имконини топсалар, тақдирга шукр айтадиган бўлиб қолишди.

Кристина ва ойиси ўзларига мерос қолган эски чарм оромкурси кўп жойни эгаллаганидан уни жандачига сувтекинга сотиб юборганлари учун энди афсусланмоқда эдилар. Ҳар гал фрау Хофленернинг оёғи истискодан<sup>2</sup> шишганда, ўтиришга жой йўқлиги боис каравотида ётарди.

Эман ғўласидек шишиб кетган оёқлар, бинт боғлами тагидаги ваҳимали кўктомирлар. Буларнинг барини бу хорғин, барвақт кексайган аёл ертўласиз ва шу боис ниҳоятда зах бинонинг биринчи қаватидаги харбий шифохонада икки йил хўжалик бекаси бўлиб ишлаган пайти ортирганди. Ўшандан бошлаб бу семиз аёл учун юриш азобга айланди. У юрмас, балки хансираганча судралар ва жиндек оғирлик тушса, юрагини чангаллаб қолар, узок яшамаслигини жуда яхши биларди.

Император тахтдан қулатилгандан сўнг рўй берган талотўпда гофрат<sup>3</sup> унвонига эга қайнағаси Кристинага почтадан иш топиб бергани жуда

<sup>1</sup> *Ливрея* – заррин укали махсус либос.

<sup>2</sup> *Истисқо* – боднинг бир тури.

<sup>3</sup> *Гофрат* – харбий унвон.

яхши бўлганди. Майли, тупканинг таги, майли, маоши арзимаган чақа бўлсин, лекин, жилла курса, таъминот бор-ку! Бошпана ҳам йўқ деб бўлмайди – нафас олиш мумкин. Тўғри, салгина тор, аммо нима қилибди – тобут бундан ҳам тор-ку! Унга аввалдан кўникиб бориш керак эмасми...

Хонада ҳамма вақт сирка, зах, касаллик ва бемор тўшаги хиди анқиб турар, товук катагидек ошхонанинг эшиги зич ёпилмас, шу боис димикқан ҳаво, иситилаётган овқат хиди ўша тарафдан тинмай кириб турарди.

Кристина хонага кирган заҳоти ғайришуурий равишда берк деразани ланг очиб юборди. Бу товушдан ингранганча уйғониб кетган онадан бошқа нарса кутиб бўлмасди. Ёғочининг нами қочган, ҳали тегмасингдан ғижирлайдиган жавон каби у ҳам кимирашидан аввал инграр, сал ҳаракат туфайли лўқиллайдиган оғрикни аввалдан сезувчи тана ваҳми шу тарзда ўзини эслатарди.

– Нима бўлди? – сўради кампир каравотидан туриб.

Унинг ҳамон мудраётган идроки ҳали тушлик пайти бўлмагани, овқатга ўтиришга эрта эканини аллақачон фаҳмлаганди. Демак, бирон кутилмаган ҳодиса рўй берган.

Қиз телеграммани узатди.

Ажин босган қўл каравот бошидаги тумбани имиллаганча титкилади, жез гардишли кўзойнак дори шишачалари ва банклар орасидан топилгунча анча вақт ўтди.

Аёл телеграммада нима ёзилганини билгани ҳамано семиз гавдаси ток ургандек қалтираб кетди. Ҳавони ютоқиб ичига тортаркан, бир-икки қадам босди ва бор оғирлиги билан Кристинанинг устига ағдарилди. У кизини маҳкам қучоқлаганча титрар, кулар, нафаси тикилиб, ниманидир айтмоқчи бўлар, бироқ уддалай олмасди. Ниҳоят, қўлини юраги устига қўйганча, ўзини стулга ташлади, тишсиз оғзи билан нафас олиб, бир дақиқа жим турди. Сўнг титраётган лабларидан тушуниб бўлмас сўзлар отилиб чиқа бошлади, дудукланиб, сўзларни чалкаштириб бир нималар деяверди. Чехрасида шодон табассум пайдо бўлди, бироқ ҳаяжондан баттар дудукланиб, қўлларини кучлироқ силқитди. Салқиган юзидан ёш оқиб, сўзларнинг безанжир оқими буткул ўзини йўқотиб қўйган Кристина устига ёприлди. Худога шукр, ҳаммаси шундай яхши яқун топди. Энди у, ҳеч кимга кераги йўқ касалманд кампир, бемалол ўлса ҳам бўлади. Мана шунинг учун ҳам ўтган июн ойида табаррук жойлар зиёратига бориб, фақат бир илтижо қилганди: ўзи, яъни Мари ўлмасидан аввал синглизис Клара қайтиб келсин ва Кристинани қарамоғига олсин. Энди унинг армони йўқ. Мана, бу ерда ёзилибди: Кристина унинг ҳузурига – меҳмонхонага келсин. Телеграммага ҳам пул сарфлабди, икки ҳафта аввал эса юз доллар жўнатганди. Ҳа, Кларанинг қалби олтин, ҳар доим мана шундай меҳрибон ва ёқимтой эди. Бу юзталиқ нафақат йўл, балки ҳашаматли курортдаги холаси ҳузурига бориш учун маликалардек кийинишга ҳам етади. У ердаги қибор, бадавлат одамларнинг дориламон ҳаёт кечириётганини кўрган кизининг кўзи кинидан чиқиб кетади ҳали. Илк бор одамлардек яшаб кўради – бундай ҳаётга муносиб у. Ҳа-да, шу кунгача у ҳаётда нима ҳам кўрди? Ҳеч нима! Фақат иш, хизмат ва тур-

ли-туман ташвишлар, камига, ҳеч кимга кераги йўқ, касалманд, ноумид, аллақачон гўрга кириши лозим бўлган кампирга қараб юрибди. Уни деб, яна денг, лаънати урушни деб Кристининг ёшлиги буткул хазон бўлди. Энг яхши дамлари қайтмас бўлиб ўтиб кетганини ўйласанг, юрагинг конга тўлади! Мана, энди бахтини топади у! Фақат холаси ва поччасининг ҳурматини сақласа бас. Ҳар доим одобли ва камтарин бўлсин. Хола-си хузурда хайикиб ўтирмаса ҳам майли – ахир, унинг юраги олтиннинг ўзи! Дилкаш! Бу овлок, бадбўй кишлокдан чикиб олиши учун туғишган жиянига албатта ёрдам беради. У, қари кампир эса барибир ўлади. Агар вақти келиб Клара ўзи билан Америкага олиб кетмоқчи бўлса, кетаверсин – бу ерда яхши нарсанинг ўзи қолмади! Мамлакат ўлиб бормоқда, одамлари бетайин, кампир ҳақида қайғуриб ўтиришнинг эса ҳеч кераги йўқ. Ғарибхонада истаган пайтингда жой топилади – яна қанча умри қолди ўзи? Ох, энди бемалол ўлса бўлаверади, энди ҳаммаси жойига тушди...

Кўйлаги ва ички юбкалари устидан шойи рўмол ўраган кекса, адо бўлиб бораётган кампир филникидек йўғон, шишган оёқлари билан хона бўйлаб гоҳ олдинга, гоҳ орқага судралганидан пол ғичирларди. У катта дастрўмол билан дам-бадам кўзини артаркан, тинмай кўлини силки-тар ва бурнини тортарди. Сўнг бунчалик чуқур эҳтиросга берилганидан ҳориб, кейинги гаплари учун куч тўплашни ўйлаб, инграганча ўтирди, бурнини қоқди ва хаёлига яна нимадир келиб, гапираверди, гапираверди. Сўнг яна инграб, бурнини тортиб, қутилмаганда келган омаддан яна қувонаётган, холдан тойган аёл бу хурсандчиликларнинг барига дахлдор Кристинанинг ранги ўчиб, кисиниб турганини пайқади. Кўзларида ҳайрат билан ҳадиксираганча нима дейишини билмай турди. Кейин бор кучини йиғиб танасини курсидан узди-да, кизига яқин келиб, елкасидан тутиб, чўлпиллатиб ўпди, бағрига босди. Уни ўзига келтириб, уйқудан уйғотишни истагандек, силкилади:

– Нега жим бўлиб қолдинг? Буларнинг бари сенга бўлмай кимга, аҳмоқ қиз! Бир сўз демай, тош ҳайкалдек қотиб туришингни қара. Ахир омад шундай қулиб турибди! Қувонсанг-чи! Нега қувонмаяпсан?

Хизмат низомида иш вақтида идорани ташлаб чиқиш қатъиян ман этилади. Ҳатто энг узрли сабаб ҳам идорадаги ҳаёт қонунлари олдида ожиз: аввал хизмат, сўнг одам, аввал ҳарф, сўнгра унинг маъноси. Шу боис Кляйн-Райфлинг почта хизматчиси бўлмиш Кристина кичик танаффусдан сўнг яна ойнаванд тўсик ортига ўтиб, вазифасини адо этишга киришди. Бу орада уни ҳеч ким сўрамаганди. Қоғозлар тарк этилган стол устида худди чорак соат аввалгидек тахланиб турар, уни яқиндагина ҳаяжонга солган, энди ўчириб қўйилган телеграф аппарати ним қоронғида ялтираганча гўё сукут сақларди. Худога шукр, ҳеч ким кирмади, ҳеч қандай камчилик йўқ. Сим орқали бу ерга етиб келган ногаҳоний хабар ҳақида виждонинг қийналмай, бемалол ўйлашинг мумкин. Бу хабар ёқимлими, йўқми – ўзини йўқотиб қўйган Кристина ҳали тушунишга улгурмаганди.

Унинг пароканда хаёллари секин-аста жойига туша бошлади. Демак, жўнайди, илк бор онасини ташлаб кетади, икки ҳафта, балки ундан ҳам кўпроққа. Бегона одамлар... Таътилга чиқиш, узок йиллардан сўнг ниҳоят

бир марта бўлса-да мириқиб ҳордик чиқариш, дунёга назар солиш, бирон янгилик, ўзгача ҳаётни кўриш керак.

У тинмай ўйларди: аслида-ку, яхши хабар келди, онасининг ҳам хурсанд бўлишга ҳаққи бор. Гапнинг очиғи, узоқ йиллардан буён уларга келган энг яхши хабар бу. Бадга урган иш жойини илк бор ташлаб чиқиб, озодликда бўлишинг, янги чехраларни, ўзгача дунёни кўришинг мумкин – ахир бу самодан нозил қилинган ҳадя эмасми? Бирок шу тобда, кулоклари тагида онасининг жаҳли чиқиб, ҳайратланиб, кўрқиб айтган сўзлари янгради: “Нега хурсанд бўлмаяпсан, ахир?”

Онам ҳақ, нега хурсанд бўлмаяпман? Нега вужудимда ҳеч нима ҳаракатга тушмади, кимирламади, мени домига тортмади?

Кристина ўзига ўзи кулоқ тутиб, ҳеч вақони эшитмасди: ички товуш истаётган жавобни бермас, кутилмаган хабар унда фақат хижолат ва ҳадик уйғотарди. Ажабо, ўйларди у, нега қувонмаяпман? Манзарали откриткаларни конвертлардан юз марталаб олиб, саралаётганимда, кўримсизгина норвег фиордлари<sup>1</sup>, Париж хиёбонлари, Сорренто бўғози, Нью-Йоркнинг тош эҳромларини<sup>2</sup> томоша қилганимда хўрсиниб қўймасмидим?.. Ҳаётда ҳам шуларга ўхшаш бирон нима кўра оламанми, деб ўзимга савол бермасмидим? Эрталабки сокинликда бу қафасдан чиқишни, аҳмоқона мардикорликни ташлаб, кишини ҳолдан тойдирувчи вақт билан мусобақа ўйнамокни унутишни орзуламай, нени орзу қилардим? Озгина бўлса-да дам олиш, ўзим учун вақтдан нимта-нимта, узук-юлуқ қилиб эмас, тўлалигича фойдаланишни ўйламасмидим? Итдек югуртирадиган, ўрнимдан туриш, кийиниш, печ ёқиш, сут, нонга бориш, овқат иситиш, кейин идора томон судралаш ва бураб қўйилган механизмдек конвертларни муҳрлаш, ёзиш, телефон қилишга, кейин эса яна уйга – дазмол тахтаси, ошхона ўчоғи, пишириб-қуйдириш, кир ювиш, ямоқ солиш, касал бокиш ва ниҳоят, ўлгудек чарчаб, уйкуга ётишга мажбур қиладиган бадқирдор кўнғирокли соат товушини жилла курса бир марта эшитмаслик эмасмиди орзуим? Шу ерда, манави стол ёнида, шу димикқан қафасда бу ҳақда минг, юз минг марта орзу қилгандим. Онам рост айтади: мана энди, ниҳоят, шундай бахт кулиб бокканда хурсанд бўлмаяпман. Нега? Ёки, тайёр эмасманми?

Қиз елкаларини ожизона чўктириб, нурсиз кўзлари билан идоранинг шир яланғоч деворларига боқаркан, кечиккан қувонч хисси ниҳоят жисмида ғимирламасмикин, дея ҳомиладор аёлдек нафас олишни беихтиёр тўхтатиб, ботинига кулоқ тутиб, кутиб ўтираверди.

Бирок қушлар чуғур этмаётган сокин ўрмондагидек ҳеч бир сас эшитилмасди. Бор-йўғи йигирма саккизга кирган қиз хурсандчилик аслида нима эканини зўриқиб ўйларкан, даҳшат ичра бунинг нелигини билмаслигини англаб етди. Болалигида ёд олиб, кейин эса унутган, қачонлардир ўргангани баъзан эс-эс ёдига тушувчи хорижий тил каби эди бу. Сўнги марта қачон бахтиёр бўлгандим? Кристина бошини қуйи солганча ўйланаркан, пешонасини икки қатор ажин кесиб ўтди. Оёқлари чўпдек, чит юбка кийган, мактаб папкасини беғам силкитаётган оппоққина қизалоқ хира тортган кўзгудагидек аста-секин хотирасида жонланди...

<sup>1</sup> *Фиорд* – қирғоқлари қояли, тор ва чуқур денгиз кўрфазини.

<sup>2</sup> *Нью-Йоркнинг тош эҳромлари* – Нью-Йоркдаги кўпқаватли, улкан биноларга ишора.

Мана, Вена атрофидаги хиёбон, ўнлаб кизалоклар унинг теварагида зир югурганча қувлашмачоқ ўйнашар, тўпнинг ҳар бир иткитилиши шодон кийкирик ва хохолашга уланиб кетарди. Ўшанда кулги худди томоғида тайёр турган каби қанчалар енгил ва эркин кулгани ёдига тушди. Гўё терисининг аллақасерига яширинган шодлик уни китикламоқда, томиридаги қони билан жўшиб, ташқарига интилмоқда эди. Сал тегиб кетсанг бас – тўхтатиб бўлмайди, бўғзингдан отилиб чиқади. Баъзан мактабда, француз тили дарсида, бирон кизик сўз ёки аҳмоқона ҳазилни эшитганида пикирлаб қулиб юбормаслик учун партани чангаллаб, лабини тишлаб туришига тўғри келарди. Ҳар қанақа бўлмағур нарса – муаллимнинг тутилиб қолиши, кўзгу рўпарасидаги кийишанглаш, думини галати буриб турган мушук, кўчада унга кўз ташлаган зобит – арзимаган ножўя ҳаракат ҳам ичини тўлдириб турган кулгини юзага чиқаришга етарди. Бу ўйинқароқ беғамлик доимий эди. Кулги ҳатто тушида ҳам қувнок муҳрини қизнинг беғубор лабларига босарди...

Тўсатдан барчаси ўчирилган пилиқдек қорайиб, қоронғилашиб кетди. 1914 йил, биринчи август. Қундузи ховузда эди. Кабинада ечингани, яланғоч бадани – ўн олти яшар қизнинг тўлишган, оппоқ, қайноқ, сарвдек қомаги порлаган нурдек ёдига тушди. Совук сувда маза қилиб чўмилгани, сув сачратиб ўйнагани, гижирловчи тўшама тахта устида дугоналари билан югургани, кизларнинг кулги ва кийкириклари ҳамон қулоғи остида жаранглайди. Кейин уйга шошилди: тезроқ, тезроқ, у кечикади, ахир! Дарров қайтиб, буюмларни йиғиштиришда онасига қўмаклашишни ваъда қилмаганими! Икки кундан сўнг Кампталдаги далаҳовлига кўчиб ўтишади-ку!

Кристина икки пиллапояни бир қилиб ҳатлаб, эшикни очди. Бирок галати-я: ҳансираганча уйга кирган заҳоти ота-онаси ўзаро суҳбатни тўхтатиб, ўзларини уни кўрмаётгандек тутишди. Ноодатий баланд овозини у ҳозиргина эшитган отаси кишини шубҳага солиб, негадир газетага тикилиб турарди. Йиғлагани шундоқ кўриниб турган онаси дастрўмолни асабий гижимлаб, шошилганча дераза томон юрди.

Нима гап? Жанжаллашиб қолишдими? Йўқ, ундай эмас шекилли. Ота-си бирдан онаси томон ўгирилди ва қўлини унинг титраётган елкасига қўйди. Кристина отасининг бунақа мулойим ҳаракатини ҳали бирор марта кўрмаганди. Бирок ортига ўгрилмаган онасининг елкалари бу эркалашдан баттар титради. Нима гап ўзи?

Ота-она уни яна унутиб қўйгандилар, биронтаси ҳатто қайрилиб қарамади. Ҳозир, орадан йигирма йил ўтиб ҳам қандай кўрқиб кетганини Кристина яхши эслайди. Балки ундан жажллари чиқаётгандир? Балки бирон айб қилгандир? У кўрқиб кетганидан – ҳар бир ўспиринда албатта бу каби кўрқув ва айбдорлик ҳисси мавжуд – ошхона томон йўналди.

Ошпаз Боженанинг тушунтиришича, қўшнилари бўлмиш зобитнинг хизматкори Геза айтибдики, уруш бошланиб, ҳаммага буйруқ берилган ва энди лаънати сербларнинг танобини тортишади.

Демак, акаси Оттони заҳирадаги лейтенант сифатида урушга чакиришади. Поччасини ҳам олишади, мана нима учун ота-онаси бунчалик хафа экан.

Чиндан ҳам эртаси куни тонгда егер<sup>1</sup>ларнинг кулранг кийимида, зобитлар шарфини ўраб, қиличига тилла тасмабанд таққан Отто кириб келди. Гимназияда муаллимлик қиладиган акаси одатда қўл учида тозаланган қора камзул киярди. Рангпар, орик, сочи типратикандек олдирилган, ёноғини юмшоқ малла тук қоплаган бесўнақай бу йигит улуғвор қора либосда анча кулгили кўринарди. Аммо коматига ёпишиб турган мундирда, лабларини кимтиб тураркан, у синглисида ҳозир аллақандай янги, бошқача таассурот қолдирди.

– Жин урсин, кўринишинг аъло! – чапак чалиб юборди соддагина кизалоқнинг махлиё нигоҳи билан қараган Кристина.

Ҳеч қачон қўл кўтармаган онаси кутилмаганда уни шундай туртдики, тирсагини жавонга уриб олди.

– Уят эмасми, бешарм киз?

Бироқ бу ҳам онанинг яширин оғриғини енгиллаштирмай, хўнграганча ўглининг бағрига отилди. Ўзини мардона тутишни истаётган йигитча эса бошини сарак-сарак қилганча она ватан, бурч ҳақида нималарнидир гўлдиради.

Отаси четга ўгирилиб олганди. Отто ранги гезариб, тишини-тишига босиб, жазавага тушган она бағридан куч билан силтаниб чиқди. Сўнг унинг юзидан тез ўпиб, отасининг қўлини йўл-йўлақай қаттиқ сиқди. Кристинанинг ёнидан ўтиб кетаркан: “Ҳозирча” – деб гўлдиради ва сал ўтмай, зинадан қиличининг жаранг-журунги эшитилди...

Тушдан кейин опасининг эри (тинчлик пайти шаҳар маҳкамаси мансабдори ва уруш даврида ортдаги кўшинлар фельдфебели<sup>2</sup>) уйдагилар билан видолашгани келди. У ўзига ҳеч нима хавф солмаслигини яхши билганидан, уруш аллақандай эрмакдек бемалол сўйлади ва уч-тўртта латифа айтгач, қайтиб кетди. Бироқ ҳар иккиси ҳам уйда яқинларини қолдирмоқда эди: тўрт ойлик ҳомилали янга ва эмизикли боласи бор опа.

Шундан кейин бу икки аёл оқшомлари улар билан бир дастурхон атрофидан жой олишди ва Кристинага чироклар янаям хирароқ ёнаётгандек туюлди. Бирон кизиқ гап айтиши билан унга жиддий нигоҳлар қадалар, ҳатто ўзи ҳам шунақа ёмон кизлиги, сипо эмаслиги, ёш боладек эканлиги учун кейинроқ, тўшакда ётганида ўзини қойирди.

Ва беихтиёр камгап бўлиб қолди.

Уйларида шоду хуррамлик завол топган, ичкаридагиларнинг уйқуси сергак тортганди. Кристина тунлари бехосдан уйғониб кетганда девор ортида томчи томаётгандек оҳиста, тўхтовсиз пичирлашни эшитарди. Уйқуси учган онаси тиз чўкканча, Биби Марям тимсоли рўпарасида ўгли ҳаққига соатлаб дуо қилаётган бўларди.

\*\*\*

1915 йил кириб келди. У ўн етти ёшда. Ота-онаси нақ ўн йилга қариган. Отаси гўё ичидаги аллақандай дард вужудини тинмай пармалаётгандек буришиб-тиришганча, ранги сарғайиб, қадди букчайиб у хонадан бу хонага ўтиб юрар, иши орқага кетаётгани боис ташвишланаётганини ҳамма

<sup>1</sup> *Егерь* – ўқчи ҳарбий қисмларнинг аскарлари ёки зобити.

<sup>2</sup> *Фельдфебель* – кичик ҳарбий унвон.



биларди. Мана, олтмиш йилки, бобоси Бонифаций Хофленер ва отаси каби тоғ кийиги шохига ишлов бериб, овланган қушлар терисига сомон тика оладиган усталар бутун империяда йўқ эди. У уч-тўрт шогирди билан эрта-ю, кеч Эстергази, Шварценберг оилалари буюртмалари бўйича ов ўлжаларига ишлов берар ва қилган иши пишиқ-пухталиги билан ажралиб турарди. Энди эса факат одамларнигина отишаётган бу конли замонда дўкон эшигини ҳафталаб ҳеч ким тақиллатмас, келин эса бўшанганидан буён тўшакда ётар, невара бетоб ва буларнинг барига ақча керак эди.

Кунларнинг бирида Изонцо қирғоқларидан ўғлининг командири томонидан ёзилган илк мактуб келгач (бари маълум гаплар: ротани бошлаб бораётганда қахрамонларча ҳалок бўлди, ҳеч қачон унутмаймиз ва ҳоказо, ва ҳоказо), камгап устанинг қадди то узил-кесил синмагунча кун сайин букчайиб бораверди. Уйдаги сукунат тобора ҳукмини мустаҳкамлаб, Биби Марям санами рўпарасидаги чирок ҳам ўчиб қолди. Энди дуо қилмай қўйган онаси унга чирокёғи куйишни унутганди...

1916 йил. Кристина ўн саккиз ёшда. “Жуда қиммат!” – уйда шундан бошқа айтиладиган гапнинг ўзи йўқ. Ота-онаси, янга ва онаси ғарибдан-ғариб кундалик турмуш қанчага тушаётганини эртадан кечгача ҳисоблашгани-ҳисоблашган: “Гўшт жуда қиммат, ёғ жуда қиммат, пой-абзал қиммат”. Бу ҳам қимматга тушмасин деб, Кристина ҳатто нафас олишга чўчиб қолди. Ҳаёт учун энг зарур нарсалар ваҳимага тушган жониворлардек тумтарақай бўлиб, гўё олибсотар ва муттаҳамларнинг инларига яшириниб олишган ва энди уларни излаб топишга тўғри келарди. Нон тилаб ол, бир тутамгина кўкат учун сотувчи аёл билан то сочинг оқаргунча савдолаш, тухум учун кишлокка бориб кел, кўмирни вокзалдан қўл аравада келтир. Совукда дийдираган, оч-наҳор минглаб аёллар мазкур кимўзарда ҳар куни иштирок этар, “ўлжа” эса кундан-кунга камайиб бормоқда эди. Отасининг ошқозони касал – унга парҳез таом керак. У “Бонифаций Хофленер” лавҳасини олиб ташлаб, дўконни сотгандан буён ҳеч ким билан гаплашмай қўйди. Баъзи-баъзида, ҳеч ким эшитмаётганига ишончи комил бўлса, қўлини корнига босиб, инграб қўярди. Шифокорни чақириш ўрнига ҳеч кимга билдирмай оғриқдан буралган қўйи: “Жуда қиммат”, – дерди у.

1917 йил. Кристина ўн тўққиз ёшда. Янги йилнинг иккинчи куни отани дафн этишди, омонат дафтарчадаги пул унинг эски кийимини қора рангга бўяшга етди, холос. Турмуш кундан-кун қимматлашиб борар, иккита хона Бродовдан келган қочоқларга аллақачон ижарага берилган, шунда ҳам, эртадан кечгача тинка-мадоринг қуриб ишлаганингга қарамай, барибир пул етмасди. Амакиси ниҳоят, онасига Корнойбург ҳарбий шифохонасидан бекалик ўрнини олиб беришни, Кристинани эса идора машинисткаси қилиб жойлаштиришни удалади...

Қани эди тонгдаёқ оёққа туриб, шунча олисга юришмаса, совуқ вагонда тонг ва оқшом пайти музлашмаса! Кейин то миянг тўмтоқлашиб, бирон ўй ва истаксиз оғир уйқу бағрига ўзингни отмагунингча – ох, қани эди шу уйқудан сира уйғонмасанг! – супур-сидир, ямоқ солиш, тикиш, кир ювишдан бўшамайсан...

1918 йил. Қиз йигирма ёшда. Уруш ҳамон давом этар, халигача бирон кун ташвишсиз, хотиржам ўтмади. Кўзгуга қараш, бир дақиқага муюлишга чиқиш учун ҳалиям вақт йўқ. Онаси зах бинода ишлаётгани учун оёғи шишиб кетаётганидан нолир, бироқ ҳамдардлик билдириш учун Кристинада куч қолмаганди. У кўздан буён турли дардлар билан ёнма-ён яшар, даҳшатли тан жароҳатлари ҳақида машинкасида ҳар куни етмиш-саксон талаб маълумотнома ёзаверганидан қалбида нимадир тўмтоклашиб қолганди.

Чап оёғи эзилиб кетган, миқти, сочлари юртида ўсувчи буғдой сингари тилларанг, ҳамон чехрасида болаларча ҳадиксираш ифодаси бор, бироқ юзида бошидан кечирган даҳшатларнинг муҳри ҳам қотиб қолган, Банат томондан бўлмиш лейтенант қўлтиқтаёғида зўрга судралиб баъзан унинг ёнига келиб турарди. Бечораҳол, хали она сути оғзидан кетмаган бу йигитча юртини соғинганидан эскича шваб лаҳжасида қишлоғи, ити, оти ҳақида гапириб берарди. Бир оқшом хиёбон скамейкасида ўпишдилар ҳам. Бироқ муҳаббатдан кўра ачинишга менгзаб кетувчи икки-учта ҳиссиз бўса эди бу. Лейтенант уруш тугаши билан унга уйланишини айтганда, Кристина ҳорғин табассум қилиб, эшитмаганга олди. Уруш қачон бўлмасин тугаши ҳақида ўйлашга ҳам журъати етмасди.

1919 йил. Кристина йигирма бир ёшда. Уруш чиндан ҳам тугади, аммо муҳтожлик эмас. Муҳтожлик авваллари гўё йўриқномалар тагида беркиниб ётар, эндигина босилган пуллар ва заёмларнинг Миср эҳромлари сингари баланд қоғоз уюмлари остидан маккорона жой олганди. Энди эса кўзларига қон тўлиб, оғзини ланг очган юҳодек сурбетларча судралиб чикди ва урушдан ортиб қолган энг сўнгги саркитларни ҳам паккос тушира бошлади. Бир рақами ва ундан сўнг келадиган ноллар юз минглаб, миллионлаб кўринишда худди булутдан қор ёққандек ёғилар, ҳар бир рақам, ҳар бир нол илиқ кафтингда эриб кетарди. Пул ухлаётганинда ҳам эрир, дўконга югуриб бориб келиш учун ёғоч пошналли эски бошмоғингни кийишингга улгурмай, кадрсизланиб қоларди. Ҳар доим каергадир югурасан, етганинда эса мудом кечиккан бўласан. Ҳаёт математикага айланиб қолганди. Қўшиш, айириш, рақамларнинг аллақандай ақл бовар қилмас ўпқони. Бу ўпқон энг сўнгги буюмни ҳам домига тортарди: онасининг кўкракка тақиладиган тилла тўғнағичи, бармоғидаги тилла узук, гулдор кимхоб дастурхон... Бироқ қанча уринма, бариси беҳуда: ярим тунгача юнгдан свитер тўқиганинг, ҳамма хоналарни ижарага бериб, онанг икковинг ошхонада ётганинг ҳам ёрдам бермайди. Фақат уйқунигина ўз эҳтиёжингга қарата оласан, шугина сарик чака сўрамайди. Ҳолдан тойган, озиб-тўзиган, хали ҳамон бокира танангни тун ярмидан оққанда тўшакка ташлайсан ва олти-етти соатга бу киёмат-койимни унутасан.

Кейин 1920 – 1921 йиллар келди. Кристина йигирма икки, йигирма уч ёшда. Ахир, буни ёшликнинг гуллаб-яшнаш даври демайдиларми! Бироқ унга ҳеч ким бу ҳақда гапирмас, ўзи ҳам буни билмасди. Эртадан кечгача мияда битта-ю битта ўй чарх уради: пул кундан кун камайиб кетаётган пайтда қай йўл билан ҳаммасини учма-уч қилса экан? Тўғри, кун кўриш

бироз енгиллашгандек ҳам. Амакиси яна кўмаклашди. Шахсан ўзи почта маъмуриятида ишловчи картабоз шериги олдига бориб, узум етиштирилувчи Кляйн-Райфлинг номли чекка бир кишлокнинг почта идорасидаги бўш ўринни Кристина учун тилангандан баттар қилиб олиб берди. Ўрин жуда зўр ҳам эмас, бироқ синов муддатидан сўнг доимий ишлаш ҳукуки бор – жилла курса шунга умид қилса бўлади.

Камгина маош бир ўзига етарди, бироқ опасининг уйида онасига жой бўлмагани боис Кристина уни ҳам ёнига олиб, пулни икки киши ўртасида бўлишга маҳкум этилди. Кундалик турмуш ҳамон тежамкорлик билан бошланиб, ҳисоб-китоб билан яқунланар, ҳар битта гугурт чўпи, ҳар бир қаҳва дони, бир кафт ун ҳам ҳисобда эди.

Шунга карамай, эркинрок нафас олиб, ҳаёт кечирса бўларди.

Кейин 1922, 1923, 1924 йиллар келди – у йигирма тўрт, йигирма беш, йигирма олти ёшда. Қиз ҳали ҳам ёшми? Ёки қариб қолмоқдами? Кўзлари атрофида ажин пайдо бўлаяпти. Баъзан оёғи, баҳорда эса негадир боши оғрийди. Бироқ ҳаёт олға бормоқда, турмуш изга тушаяпти. Пулни кўлингга тутиб, унинг қаттиқ, юмалоқ эканлигини яна ҳис эта бошлайсан. “Почта ёрдамчиси” деб аталмиш доимий иш ўрнинг бор, почча ҳар ойда қайнона учун уч-тўрт чақа юбориб турибди. Энди яна бир марта ёш бўлишга уриниб кўрса бўлар. Бирданига эмас, албатта. Кўчага чиқиб ўйин-кулги қилишини онаси баъзан ҳатто талаб қиларди ва ниҳоят, уни қўшни кишлокдаги рақс мактабига ёзилишга мажбур ҳам этди.

Рақс тушиш Кристина учун қийин, чарчоқ қон-қонига сингиб кетган. Бўғинлари музлаб, қотиб қолгандек – ҳатто мусика ҳам уни эрита олмайди. У рақс усулларини диққат билан ўрганишга киришди, бироқ бу ҳам уни ўзига тортмас, чин маънода қалбига ўтирмасди. Шундан сўнггина илк бор элас-элас пайқадики, жуда кеч бўлибди – уруш ёшлигини топтаб-синдириб ташлаган. Вужудида аллақандай мурват бузилгандек. Буни эркаклар ҳам пайкаганга ўхшайди: гарчи у ёноқлари қирмизи, юзлари думалоқ кишлоклик кизлар орасида, ён томонидан қаралганда, аслзода хонимни эслатса-да, ҳали биронтаси жиддий хушомад қилгани йўқ.

Бироқ урушдан сўнг вояга етган навниҳол кизлар ўзини жуда бошқача тутмоқда эди. Ўн етти-ўн саккизга кирган бу кизчалар кимдир келиб, рақсга лутфан таклиф этишини кутиб ўтирмасдилар – сабрлари етмасди. Бунга ҳаққимиз бор, дея ҳисоблашарди ва шунчайин кизгинлик билан бунга талаб қилардиларки, гўё нафақат ўз ёшлиқларидан қониқиш мақсадида, балки урушдан қайтмаган юз минглаб ёшлар учун ҳам ўйнаб-кулишни истардилар. Йигирма олти яшар Кристина янги авлоднинг бу вакиллари ўзларини қанчалик ишонч ва талабчанлик билан тутишини кузатар, кўз қарашлари қанчалик дадиллигини, сонларини қандайин силкитиб кўз-кўз қилишларини, йигитларнинг тегажоғлигига хириглаш билан жавоб қайтариб, уйга қайтаётганларида дугоналаридан ҳеч уялмай эркаклар билан ўрмонга кириб кетишини аллақандай хавотир билан хаёлидан ўтказарди.

Кристина бундан жирканарди.

Урушдан кейинги очофат ва қўпол бу авлод олдида ўзини ҳаёт синдирган, ҳеч кимга кераги йўқ мункиллаган кампирдек хис этар, ёшлик хаваслари ўлиб бўлган ва умуман, бу кизлар билан баҳс юритишга қодир эмасди. Хуллас, ҳеч канақа кураш, ҳеч канақа зўриқишни хоҳламасди! Хотиржамгина нафас олса, жимгина орзуларга берилса, хизмат бурчини адо этса, дераза тагидаги гулларни суғорса бас. Бирон нимага интилиш, иташнинг кераги йўқ. Ёшлигининг ўн йилини уруш ўғирлаган, йигирма олти яшар бу кизда хурсандчилик қилишга на куч, на ирода қолганди...

Кристина энгил тортиш учун хўрсиниб, хотираларини нари итқитди. Ёшлиқда бошидан ўтган кўргиликларни ўйлаш ҳам уни чарчатганди.

Онаси режалаштирган бу ишда ҳеч маъно йўқ! Нега у ҳеч қачон кўрмаган аллақандай холаси хузурига, нотаниш жойларга, бегона одамлар ёнига кетиши керак? Лекин онаси шуни истар экан, бу нарса унга шунчалик қувонч бахш этаркан, нима ҳам қила оларди. Қаршилиқ қилиш шартмикин? Шунақаям чарчаганки...

Тақдирига тан берган Кристина столнинг юқори тортмасидан қоғоз олиб, яхшилаб икки буклади ва тагига мистар<sup>1</sup> қўйиб, ўзига қонунан берилиши лозим таътилни оилавий шароитига кўра, шошилинч тақдим этишлари ва келгуси ҳафтанинг бошидан ўрнига бошқа бир кишини юборишларини сўраб, Вена почта маъмуриятига ариза ёзишга тутинди. Текис, дона-дона имлода, чиройли ҳарфларни тўр кўринишидаги чизик билан босиб ёзди. Кейин Венага, опасига хат битди. Унда ўзи учун Швейцария визасини олиш, чоғрок жомадонини вақтинча бериб туриш ва онаси тақдирини нима бўлишини маслаҳатлашиш учун етиб келишини илтимос қилди.

Кейинги кунлар Кристина гўё бу ўз ҳаётига эмас, хизмат бурчига тааллуқлидек, ҳеч нимани кутмай, на қувонч, на кизикиш хис этмай, сафарга обдон тайёрлана бошлади.

Бутун ҳафта тайёргарлик билан ўтди. Окшомлари йиртиқ кийимларга ямоқ солдилар, эски буюмларни тозалаб, янгилаб чиқишди. Гўё шуларнинг ўзи камдек, юборилган долларларга бирон нима сотиб олиш ўрнига опаси ўз бисотидан алланималарни келтирибди: йўлга ярайдиган сапсарик пальто, яшил кофта, онаси Венецияга қилган тўй сафари пайтида сотиб олган эмал тўғноғич ва тўқима жомадон. Опасининг фикрича, шунинг ўзи етиб ортаркан, зеро, тоғда юрганлар ясан-тусан қилишмайди. Агар Кристинага бирон нарса жуда зарур бўлса, ўша ернинг ўзида сотиб олган маъқул.

Ниҳоят, сафар куни ҳам келди.

Япаски тўқима жомадонни кўшни кишлоқдаги мактаб муаллими Франц Фуксталер кўтариб бормокчи бўлди, дўстона ёрдам бермокчи экан. Паст бўйли, нимжон, мовий кўзлари кўзойнак ортидан тортинчоқлик билан боқувчи бу одам ўша телеграммадан кейиноқ ёрдамини таклиф этгани Хофленерларникига келганди. У Кляйн-Райфлингда фақат шу оила билангина дўстона алоқада бўлиб, дўхтирлар соғайиши даргумон деб топган хотини бир йилдан бери давлатга қарашли “Алланд” сил касал-

<sup>1</sup> *Мистар* – чизиксиз қоғозга ёзилганда сатрлар тўғри чиқиси учун қўйиладиган таг қоғоз.

ликлари шифохонасида ётар, икки нафар фарзандини бошқа шахарда истикомат қилувчи қариндошлари олиб кетишганди. Деярли ҳар оқшом уйда – хувиллаган иккита хонада ёлғиз ўзи кўнглига яқин ишлар билан шуғулланар, қуритилган гуллар номини юмалок рондо шрифтида чиройли чиқариб, қизил тушда лотинча, қора тушда олмончасини ёзиб, гербарийлар тузарди. “Реклам” нашриётида чиққан севимли рисоаларини олачипор гулли қалин қоғоз билан ўзи муқовалар, тикилган жойига эса ингичка перода, заррабинона аниқлик билан босма ҳарфлар битарди. Оқшомлари эса – кўшниллар ухлаганидан кейин скрипкасини олиб, кўлда ёзилган нотага қараганча, одатига кўра, ё Шуберт, ёки Мендельсон битган куйларни укув билан бўлмаса-да, қатта иштиёқ билан чаларди. Ёки тўрт букланган юпка, олачипор қоғозга кироатхонадан олинган китоблардаги ўзига ёққан шеър ва фикрларни кўчирар, уларнинг сони юзтага етганда ҳаммасини навбатдаги альбомга тикиб, силлиқ ва ёрқин лавҳа билан муқоваларди. Худди Қуръоннинг арабча нусхасини кўпайтирувчи каби, юмшоқ зебу забарлар, нозик ва йўғон чизиклар ёрдамида нусха кўчиришни афзал кўрарди. Жаммоа томонидан тақдим этилган уйда истикомат қилувчи бу мўмин, камтарин банда учун китоб деганлари уйда ўсувчи гулдек гап эди. У кекса боғбондек ҳар бир китобни эркалаб, гўё қимматбаҳо буюмдек авайлаб, озгин, рангпар бармоқлари билан қатор қилиб тоқчаларга териб чиқарди.

У ҳеч қачон кишлоқ қовоқхонасига қадам босмасди. Художўй одамлар ёмонликдан кўрққанлари каби, пиво ва тамаки ҳидидан кўрқар, у ердаги сўқинишу, телбавор кичкирикларни эшитган заҳоти қовоқларини уйганча бу маишатхона ёнидан тезроқ ўтиб кетишга ошиқарди. Хотини ётиб қолгандан буён дам олиш пайтлари у борадиган бирдан-бир макон Хофленерларнинг хонадони бўлиб қолди. Тушликдан сўнг шунчаки валаклашиб ўтириш учун, ёки уларга овоз чиқариб китоб ўқигани тез-тез келиб турар, кўпинча уларнинг ватандоши бўлмиш Адальберт Штифтернинг “Дала гуллари” асарини ўқир ва ҳаяжондан қуруққина товуши ҳам хушоҳанг чиқарди. Тортинчоқ ва бир қадар зерикарли бу муаллим китобдан нигоҳини кўтарган пайти берилиб тинглаётган кизнинг пастга эгилган оқ-малла сочли бошига қараб, ўзи билмаган ҳолда илҳомланиб кетар, бу ерда уни тушунишларини сезарди. Она эса муаллимнинг кўнглидан нима кечаётганини пайқаб, рафиқасининг пешонасида бор нарса юз берганидан сўнг кизига ташланаётган бу нигоҳ бошқача, янада дадилроқ бўлиб қолишини фахмларди. Кристина эса ҳар доимгидек сокин ва беун: у ўзи ҳақида ўйлашни аллақачон эсидан чиқарганди...

Онаси шифокорнинг катъиян ман этишига қарамай, алланечук хавотирланиб Кристинанинг ортидан уч бор пастга тушди. У қизидан айрилишни сира истамас, вақт жуда оз қолган бўлса-да, қизи хўнграб йиғлаётган кекса, бесўнақай бу аёлни уч марта тепага чиқариб қўйганди. Кейин, охириги ҳафтада тез-тез содир бўлганидек, ярим-ёрти сўзлар ва пикиллашлардан сўнг, тўсатдан унинг нафаси сиқиб қолди ва тўшакка ётқизишга тўғри келди.

Кристина онасини шундай аҳволда ташлаб кетаётгани учун ўзини койир, ҳали сира бунчалик асабийлашмаганди. Худо кўрсатмасин, бирон

нима рўй берса-ю, у бўлса... Дейлик, тунда онасига бирон нарса керак бўлиб колди, опаси эса Венадан фақат якшанба куни келади. Тўғри, нов-войхонада ишловчи қиз окшомлари у билан ўтиришга касам ичиб, ваъда берди. Бирок унга ишониб бўладими – у қиз ракс кечасига бориш учун туккан онасини ҳам ташлаб қочар!

Йўк, кетмаслиги керак эди, бекор кўнди. Саёҳат деганлари унинг учун эмас – уйда бемор бўлмаганлар учун. Башарти, кетиш керак бўлгандаям, исталган пайтда қайтишга улгуриш учун якинроқ жойга боргани маъкул эди. Ҳа-да, бу сафар Кристинага нима ҳам берарди? Онамга ҳеч нима керак эмасмикин, дея доимо хавотирланиб юрса, тунлари волидасининг ёнида ҳеч ким йўқлигини, пастда яшаётган уй эгалари кўнғирок товуши-ни эшитмаслиги ёки эшитишни истамаслигини ҳар дақиқа ўйласа, бу-нинг нимаси ўйнаб-қулиш? Ҳа, уларни ёктиришмайди, ўзларига қўйиб беришса-ку, аллақачон ҳайдаб чиқарган бўлишарди. Устига-устак, Линц-дан келган аёлга ҳам ишонч йўк. Туш махали ва окшомлари бир дақиқага бўлса-да, хабар олиб туришни илтимос қилганида, ўша аёл “майли” деди. Бирок буни шунақанги совуқ ва қуруқ қилиб айтдики, на бориши, на бор-маслигини биласан...

Балки рад жавоби билан холасига телеграмма бериш керакдир? Ҳа-да, холаси учун Кристина борди нима-ю, бормади нима. Ахир холасининг ғамхўрлиги ҳақидаги фикр онасининг хаёлига келган илинж-ку.. Аксин-ча бўлганда, онаси иккови қийналиб юрган пайтлари кўпчилик юборгани каби, почта орқали у-бу нарса, дейлик, озик-овқат юборган бўлармиди! Унақа совға-саломларнинг неча-нечаси Кристинанинг кўлидан ўтди. Бирок волидасининг туғишган синглисидан бирон нима келмади... Йўк, бекор рози бўлди. Ҳалиям кеч бўлмасдан рад этиш керакдир балки – сира кетгиси келмаяпти.

Муаллим йўлда дуч келган шўх болаларнинг тиржайишига эътибор бермай, жомадонни сал қийшайган елкасида кўтариб борарди. Юк унча-лик оғир эмас, лекин у тоқатсизларча, шитоб билан олдинга интилаётган Кристинага етиб олиш учун ўпкаси тўлиб ҳансирарди.

Пакана, малласоч, тортинчоқ муаллим дам-бадам тўхтаб дам олар ва Кристинага далда берарди. Хавотир олишга сира ҳожат йўк. У ҳар куни қизнинг онасини кўргани бориб туради. Кристинанинг ҳам дам олишга ҳаққи бор – ахир шунча йилдан бери ишлаб, бир марта ҳам дам олмаган! Агар қиз бурчини унутганда, унинг ўзи биринчи бўлиб йўлдан қайтарган бўларди! Йўк, Кристина сира хавотир олмаслиги керак, ўзи ҳар куни унга хат ёзиб туради.

Муаллим ҳовлиқиб, оғир нафас олганча, нима қилиб бўлса ҳам қизни тин-члантириш учун хаёлига келган нарсани гапирар ва чиндан ҳам бу қатъий панд-насихатлар Кристинага енгиллик бахш этар, айтилаётган сўзларнинг бари қулоғига кирмаса ҳам, бу инсонга ишонса бўлишини биларди.

Поезд келаётганини маълум қилиб сигнал чалинганда, камтарин ҳамроҳ хижолатли йўталди. Унинг анчадан бери ўзини у оёқдан бу оёққа ташлаётганини Кристина пайқаб турарди. Бирон нима демоқчи бўлаётгани шундоқ кўриниб турибди, бирок журъати етмаяпти.

Ниҳоят, муаллим кўкрак чўнтагидан қат-қат букланган оппоқ бир нимани дадиллик билан чиқарди ва узр сўраганча Кристинага узатди: йўк, совға эмас, албатта, шунчаки эътибор намунаси, эҳтимол, бирон нимага яраб қолар. Кристина ажабланганча чўзинчоқ қоғозни очди. Бу унинг Линцдан то Понтрезинагача қиладиган саёхатининг харитаси эди. Темир йўл ёқасидаги барча тоғ, дарё ва шаҳарлар номи қора тушда, зигирдек килиб ёзилган, тоғлар ниҳоятда кичик рақамларда кўрсатилган ва баландлигига қараб сийрак ёки зич килиб белгиланганди. Дарёлар кўк, шаҳарни билдирувчи доиралар қизил, шаҳарлар оралиғидаги масофа Жуғрофия институтининг мактаблар учун тайёрланган катта харитасидагидек, пастки ўнг томонда алоҳида устун билан берилган. Муаллим барчасини меҳр, тиришқоқлик билан, қилаётган ёқимли ишидан завқланиб бажарганди.

Кристина беихтиёр қизариб кетди, совғаси унга ёққанини кўриб, камтарин инсон ҳам жонланди. У яна битта харитани чиқарди – тилла ҳошияли тўртбурчак варақ. Бу Швейцариянинг йирик ҳарбий-топографик харитасидан кўчирилган, барча йўл ва сўқмоқлар энг майда тафсилотларигача кўрсатилган Энгадин харитаси эди. Ўртасида эса – алоҳида қизил доира билан белгиланган бино. – Бу – тушунтирди муаллим, – Кристина яшайдиган меҳмонхона, эски “бедекер”<sup>1</sup>дан олинган. Сайр пайтлари адашиб қолишдан кўрқмай, шунинг ёрдамида бемалол йўл топиб кетиш мумкин.

Кристина хаяжонланиб унга миннатдорчилик билдирди. Эҳтимол, бу кўнгирилган киши дилидагини ундан яшириб, Линц ёки Венадаги кутубхонада керакли қўлланмалардан кўчириб олгану, кейин шу ёқимли машғулотдан ҳам фойда чиқариш ва қизнинг моддий имкониятига мослаш учун юз марта лаб учи ўткирилган қаламда тунлари ҳафсала билан харитани қизиб-бўяб чиққандир. Қизнинг ҳали бошланмаган саёхати ҳақида аввалдан бош қогириб, ҳар бир километрини ҳисоблагандир. Эҳтимол, Кристинани ҳаёлан сафарга кузатиб кўяркан, уни олдинда нима қутаётганини кеча-ю кундуз ўйлагандир.

Кристина ўз журъатидан ўзи чўчиётган бу инсонга қўлини миннатдорона узатаркан, унинг кўзойнак ортидаги кўзларини энди кўраётгандек бўлди. Мовий, меҳрли, гўдақникидек бегубор нигоҳ. Бирок қиз унга қараб турганда бу мусаффо мовийранг нигоҳ қутилмаганда вужудини қоплаган хаяжон ичра қорайиб, чуқуллашиб кетди. Қизнинг ўзида ҳам илгари муаллимнинг ёнида сира ҳис этмаган илиқлик, авваллари биронта эркакка нисбатан уйғонмаган мойиллик ва ишонч туйғуси ногаҳон жўш урди. Шу пайтгача нотаниш ҳислар бу дам вужудда узил-кесил пишиб етилдики, дилкашлик билан унинг қўлини ҳар доимгидан узоқ сиқди. У ҳам қиздаги ўзгаришни сезди чоғи, чаккасидаги томир уриши тезлашиб, нафаси сикилди. Керакли сўзларни ахтариб, хижолатга тушди. Бирок шу тобда, улкан жажлдор махлуқдек пишқириб, тим қора паровоз етиб келди. У суриб келган ҳаво оқими муаллим қўлидаги қоғозни учириб кетишига бир баҳя қолди.

Поезд бор-йўғи бир дақиқага тўхтаркан.

Кристина шошганча вагонга кирди ва ойнадан қараб, силкинаётган, тутун босган олислиқда тез орада кўздан ғойиб бўлувчи дастрўмолнигина кўрди. Шундан сўнг кўп йиллардан буён илк мартаба танҳо ўзи қолди.

<sup>1</sup> *Бедекер* – саёхатчилар учун махсус босма маълумотнома.

Кристина бутун окшом купенинг ёғоч деворига суяниб, ёмғир тарам-тарам қилиб ташлаган дераза ортидан хўмрайган осмон остидаги ман-зарага кўз тикканча борарди. Дастлаб шаҳар ва кишлоклар гўё чўчитиб юборилган жониворлардек нимкоронғида гира-шира кўзга ташланиб турди. Сўнг барчаси туман ичида эриб, қоришиб кетди. Учинчи тоифали купеда Кристинадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шу боис оёғини скамейка устига чўзгандагина қанчалик ҳориганини ҳис этди. У фикрини жамлаш-га уринар, бироқ бир маромда тақиллаётган ғилдираклар ва чайқалаётган вагон бунга имкон бермасди.

Қизнинг ҳаракатсиз қотган тани чексизлик бўйлаб сузар, остида эса ғилдираклар гўё камчи билан саваланаётгандек шовкин-сурон кўтарганча еларди. Ортга ташланган боши узра эса, беун, кўл билан ушлаб бўлмас, чексиз-чегарасиз вақт хукмрон эди. Кристинанинг чарчоғи бу шиддаткор оқимга шунчалик қоришиб кетгандики, эрталаб купе эшиги шарақлаганча очилиб, елкадор, мўйловли, кўринишидан қаттиққўл бир киши остона хатлаганида чўчиб тушди. Орадан бир неча сония ўтгач ўзига келиб, формадаги бу шахс унга ҳеч қандай ёмонлик қилмаслиги, хибсга олиб, етаклаб кетмаслиги, бор-йўғи у ёғочдек қотиб қолган бармоқлари билан сумкасидан чиқармоқчи бўлаётган паспортини текширмоқчи эканлигини фахмлади.

Жандарм<sup>1</sup> фотосуратни паспорт эгасининг безовта чеҳраси билан солиштираётганда Кристинанинг вужудини титроқ босди. Зеро, хув ўша урушдан бери юз минглаб қарорлардан бирини билмасдан бузиб қўйишдек аҳмоқона, лекин ҳеч йўқотиб бўлмас кўркув ичида яшириниб олганди. Ахир, истаган пайтинг қандайдир қонунни бузиб қўйишинг мумкин-да.

Бироқ жандарм хушмуомалалик билан паспортни қайтариб берди ва енгилгина ҳурмат бажо келтириб, ортидан эшикни бу сафар очгандан кўра секинроқ беркитди. Энди яна ётиш мумкин, бироқ бўлиб ўтган таҳликали воқеа уйқуни қочириб юборганди.

Дераза олдига келган Кристина лол бўлиб қолди. Муздек ойна орти-да, ҳалигина ухлаб ётганида туман ичра то уфққа қадар чўзилган кул-ранг тўлқиндек оқиб ётган пасттекислик ўрнида, ҳайбатли тоғлар – у сира кўрмаган маҳобатлар бўй чўзганди. Ҳайратланган, ваҳимага тушган нигоҳлари қаршисида Алпнинг ақл бовар қилмас юксакликлари ястан-ганди. Айни шу дақиқада тоғнинг қоқ бели узра шарқдан ёриб чиққан офтобнинг илк нурлари энг баланд чўққидаги музликларда миллионлаб шуъла билан чакнади. Кўзни қамаштирувчи оппоқ ёруғлик шунчалик кучли эдики, Кристина беихтиёр кўзларини юмиб олди.

Бу ёруғлик уни уйғонишга мажбур этганди. Дераза роми шу ғар-ройиботни яқинлаштириш учун шарақлаб очилди. Шу ондаёқ муздек, қор ифорига тўйинган ҳаво ҳайратдан очилиб қолган оғиздан кириб, ўпкаларни лиммо-лим тўлдирди.

Кристина ҳеч қачон бундайин тўйиб нафас олмаганди. Дастлабки, югурик ҳаво юtimi ичкарироқ кирсин дея, кўлларини беихтиёр икки томонга ёйди ва томирларидаги муздек нафас билан бутун борлиғи эриб боришини ҳис этди. Шундан кейингина, софланиб олгач, барча-барча-

<sup>1</sup> Жандарм – полиция хизматчиси.

сини бир бошдан, чапдан ўнгга қараб томоша қила бошлади. Роҳатдан эриб бораётган нигоҳи кирралари муз котган ҳар бир харсанг нишабни пастидан то чўққисигача, қувонч билан, янгидан-янги тафсилотларни кашф қилган ҳолда сийпалаб ўта бошлади. Водийга гўё умбалок ошганча қуюлаётган оппоқ кўпикли шаршара, қоялар босиб тургандек кўринувчи, даралар ичра гўё куш инидек жойлашган бежирим уйлар, энг баланд чўққи устида мағрур парвоз қилаётган бургут. Буларнинг бари тепасида илохий мусаффолик – киз хатто тасаввур қила олмаган фавқуллодда бир куч ва шодлик таратувчи, шойидек хилпираган кўм-кўк осмон салтанати!

Ўзининг торгина дунёсидан илк марта қочиб чиққан Кристина ақл бовар қилмас манзара, гўё бир кечада қад кўтарган тош минораларни эслатувчи қоялардан кўз узолмасди. Эҳтимол, улар, Яратганнинг буюк истехкомлари, минг йиллардан буён шу ердадир ва кимир этмай яна миллион йиллаб турар. Кристина эса, агар шу тасодифий сафар бўлмаганида, оламда бу каби буюкликлар борлигини тасаввур ҳам қила олмай ўлиб кетиши, кул бўлиб, чанг-ғуборга айланиши мумкин эди. Бунақасини сира кўрмагани, кўриши ҳам амри маҳол эди. Ҳаёти бир овлоқда ўтиб кетаётгани: қўл узатса етгудек масофадаги бир парча ерда бемаъни ҳаёт кечирарди – бир қадам олдинга, бир қадам орқага. Бу ерда эса чек-чекгарасиз хилма-хиллик ястанган экан.

Нимадандир Мосуво бўлганлиги ҳақидаги шубҳа унинг шу пайтга қадар мудроқ идроки узра беҳосдан илк марта оралади. Бундай пайтлар инсон қалбидаги жамики ҳис-туйғулар дунё кезишнинг қудратли таъсири остида ағдар-тўнтар бўлиб, одатга айланган нарсалар қобиғини бир силтаниб итқитиб ташлайди ва очилган кўнгилни тўхтатиб бўлмас ўзгаришлар гирдобига тортади.

Кристина кизарган ёноғини дераза ойнасига тираб, ўзини илк бора мавҳ этган туйғуга бутун борлиғи билан берилганча, атрофга ютоқиб тикилар, ортига боқиш ҳақида ўйламай ҳам қўйгани. Онаси, хизмат, кишлоқ унутилди. Сумкасидаги меҳр билан чизилган, чўққилар ва водийга шовуллаб отилаётган тоғ дарёлари номини ўкиса бўладиган харита, ўзининг кечаги “мен”и ҳам унутилди. Барчасини сўнгги томчисигача ўзингга сингдирсанг, тинмай ўзгарувчи сервикор манзараларнинг биронтасини ўтказиб юбормасанг! Барини суратга олсанг ва муздек ҳавони, арча уруғи солинган арокдек ўткир, хуштаъм, юрагингни дупурлатувчи ҳавони симираверсанг, симираверсанг!

Кристина бир дақиқа ҳам ўрнидан жилмай, тўрт соат шу қадар берилиб ойнадан қараб турдики, ҳатто вақтни ҳам унутиб қўйди. Поезд тўхтаб, кондуктор нотаниш, бироқ анчайин тушунарли лаҳжада у тушиши лозим бекат номини атаганда, кўркувдан юраги музлаб кетди. Ё худо – Кристина бор кучини йиғиб, ширин орзулар кучоғидан чиқди – етиб келишга келибди-ю, бирон нима ўйлаб топишга улгурмабди. На хола билан қандай кўришишни, на учрашганида айтадиган сўзларини билади!

У ҳовликканча шамсия ва жомадонини олиб – ишқилиб, бирон нимани унутиб қолдирмасе бўлди! – йўловчилар ортидан югурди. Олачипор

қалпок кийган ҳаммоллар вокзалнинг кириш жойида ҳарбийчасига икки қатор тизилишган. Ҳамма ёқдан ғовур-ғувур эшитилиб, меҳмонхоналар номи баланд овозда айтилар, аммо Кристинани кутиб олгани ҳеч ким келмаганди. У безовталаниб, атрофига аланглади. Ҳаяжондан томоғи бўғилиб кузатди, излади, аммо – беҳуда. Ҳеч ким йўқ. Ҳаммани қарши олишар, келганларнинг бари қаёққа боришини билар, факат угина борар манзилини билмасди.

Мана, у билан бирга келган йўловчилар меҳмонхоналарнинг гўё бир-варакайига ўқ узишга тайёр замбараклардек қатор турган ранго-ранг автобуслари теварагида тўда бўлиб, перрон бўшаб қолди. Ҳали ҳамон ҳеч ким йўқ – уни ёддан чиқаришибди. Холаси келмади – эхтимол, жўнаб кетган ёки тоби қочгандир... Сафар бекор қилиниши ҳақида Кристинага телеграмма юборишган, телеграмма эса... вақтида етиб келмаган. Э худо, жиллақурса қайтиб кетишга пули етсайди!

У аранг ўзини қўлга олиб, қалпоғининг қаншарида “Отел палас” деган тилларанг ёзуви бор хизматчи ёнига келишга жазм этди. Кейин синиқ товушда, уларда эр-хотин Бооленлар яшаш-яшамаслигини сўради...

– Бўлмасам-чи, бўлмасам-чи, – бўғиқ овоз билан жавоб қайтарди ўзига бино кўйган, дўнгпешона швейцариялик. – Менга хонимни вокзалда кутиб олиш топширилган. Қани, хоним, юк чиптасини менга бериб, ўзингиз автобусга чиқинг.

Кизариб кетган Кристина қўлида маҳкам ушлаб тургани – гадоларникидек тўқима жомадонига қаради. Дўкон пештахтасидан олингандек янги, металл қопламаси ялтироқ, кимматбаҳо юфта<sup>1</sup>, тоза лайка<sup>2</sup>, тимсоҳ ва илон терисидан тикилган жомадонлар орасида, забт этиб бўлмас кўрғондек юксалган улкан кофрлар<sup>3</sup> орасида бу матоҳ фақирлигини қанчалар бўрттириб кўрсатишини пайкаб, бу қизнинг нафсониятига қаттиқ ботди. Ўзи ва бошқа йўловчилар ўртасидаги тафовут қанчалик кўзга ташланишини ҳис қилди. “Бирон нима деб алдашга тўғри келади”, – тезда қарор қабул қилди Кристина.

– Бошқа юқларим кейинроқ келади.

– Нима ҳам қилардик, демак, жўнайверсак бўлади, – деди ҳашамдор ливрея кийган швейцариялик ажабланмай ва автобус эшигини очди.

Инсон бирон нимадан уялса, бу туйғу идрокнинг энг олис пучмоқлари, ҳар бир тўқимасидан билдирмай жой олади. Арзимаган юзаки эслатув, аллақандай тасодифий фикр бир марта уялган одамни яна бир бор бу азобни туйишга мажбур этади. Шу илк турткидан Кристина ўз савлатини йўқотди. У нимқоронғи автобус салонига бўшашибгина кирди ва бунда танҳо ўзи эмаслигини кўргач, беихтиёр ортга тисарилди. Бироқ энди орқага йўл йўқ эди. Ортдаги ўриндикларга етиб олиш учун Кристина атир ифори, чарм хиди анқиб турган шу нимқоронғилик ва истар-истамай четга олинаётган оёқлар оралаб ўтиши лозим эди. У нигоҳини пастга қадаганча, ваража тутгандек қунишиб, ўзини йўқотган кўйи оралик бўйлаб юрар, чўчиётгани боис ёнлаб ўтаётган ҳар бир жуфт оёққа “салом” деб кўярди.

<sup>1</sup> Юфта – булғори чарм.

<sup>2</sup> Лайка – майн тери.

<sup>3</sup> Кофр – бир неча бўлмали сандик.

Аммо ҳеч ким алик олмади. Ё ўн олти жуфт нигоҳ ўтказган кўрик Кристина учун беҳайр якунланди, ёки, йўловчилар – французчада жуда расво сўзлашаётган румин оксуяклари – узок бурчакка қимтинганча сирғаниб ўтаётган бу ғариб кимсага эътибор беришмади.

Кристина жомадонини тиззасига қўйиб – бўш жойга қўйиш учун унинг журъати етмади – истехзоли тиржайишлардан яшириниш мақсадида эгилиб олди ва йўл бўйи нигоҳини кўтаришга журъат қилмай, фақат полга, ўриндиклар тагидаги буюмларга тикилиб борди.

Бирок хонимларнинг бежирим оёқ кийимлари шу ондаёқ бошмоқлари хунуклигини кизнинг ёдига солди. Ўзини йўқотган кўйи, уларларнинг ланг очик мўйна пўстинлари тагида олифталарча бир-бирининг устига чалкаштирилган чиройли оёқлари, эркакларнинг олачипор пайпоқларига кўз ташлади ва дабдабали ҳаётнинг “пастки қавати” танига титроқ солди. Бунчалик зеб-зийнат ичида ўзини қандай тутмоғи лозим? Ҳа, нимага бокмасин – янги азоб! Мана, ён томонидаги ўн етти ёшлар чамасидаги киз тиззасида бароқ хитой болонкасини<sup>1</sup> олиб ўтирибди. Жонивор эринчоқлик билан керишиб, ғингишиб қўяди. Қучукчанинг ёпинғичи ўзининг номи битилган мўйнадан тикилган, унинг юнгини силаётган, ҳали болаларники сингари майин қўлда эса олмос ва пушти рангли маникюр товланади. Бурчакдаги гольфга мўлжалланган клюшка ҳам чакмоқтош рангидаги янгигигина, силлик чарм ғилофда серҳашам кўринади. Нописандлик билан ташлаб қўйилган шамсиялар дасталарининг ҳар бирида бежирим нақшлар бор. Кристина бенхтиёр шамсиясининг арзон шохдан ясалган хира дастасини яширди...

Кошки унга ҳеч ким кўз ташламаса, кошки кўнглидан нима кечаётгани, умрида илк бор нималарни кўраётганини ҳеч ким пайқамаса! Бахтиқаро киз бошини борган сари қўйи эгар, ўзини ҳеч ким пайқамаслигини истарди. Ҳар гал яқинроғида кулги овози эшитилганда, аъзойи бадани жириллаб кетар, бироқ бу кулги ростдан ҳам ўзига аталганига ишонч ҳосил қилиш учун нигоҳини кўтаришга журъати етмасди.

Нихоят, азобли дақиқаларга якун ясалиб, ғилдираклар тагида майда шағал ғижирлади – автобус меҳмонхона томон бурилмоқда эди. Вокзал кўнғироғиники сингари баланд товушни эшитган меҳмонхона хизматчилари ва мавсумий ҳаммолларнинг ола-қуроқ тўдаси автобус томон бостириб келди. Ортларидан виқор билан (эгаллаб турган мансаби шуни тақозо қиларди) қора сюртукли, соч фарқини тўғри очган бош маъмур пайдо бўлди. Автобусдан биринчи бўлиб болонка сакради ва ерга тушгандан сўнг юнгини яхшилаб силкитди. Шундан сўнг баланд овозда валдираганча, мантолари<sup>2</sup> этагини спортчиларникидек пайдор сонларигача кўтариб, бош айлантирувчи ифорларни ортларида қолдириб бирин-кетин хонимлар тушди. Кўрка-писа ўрнидан кўтарилган қизни эркаклар жиллакурса одоб юзасидан олдинга ўтказиб юборишлари даркор эди. Аммо кизнинг ижтимоий келиб чиқишини ё тўғри аниқлай олишди, ёки унга эътибор қилишмади. Ҳар ҳолда, бу жаноблар Кристинага қарамай, маъмурият та-

<sup>1</sup> *Болонка* – ит зоти.

<sup>2</sup> *Манто* – аёллар қиядиган кенг либос тури.

рафга юрдилар ва у ўзини йўқотган кўйи, эндиликда ўзи ҳам жирканаётган тўкима жомадонига ўтирганча колди.

“Ҳаммалари нарирок кетишсин – бу уларни менга қарашдан чалғитади”, дея ўйлади у. Керагидан ортиқ имиллаб автобус зинасига ниҳоят оёқ қўйганида, сюртукли маъмур руминлар билан бирга нари кетганди. Хизматчилар гердайганча жомадонларни олиб кета бошлади. Мавсумий ҳаммоллар эса оғирдан-оғир кофрларни автобус томига тарақлатиб қўйишга тушдилар – унга ҳеч ким эътибор бермади.

“Балки мени оксоч ўрнида кўришгандир, – ўйлади қиз бенихоя хўрланиб, – жуда бўлмаганда, анови хонимлардан бирининг ходимаси деб ўйлашгандир”. Чунки ҳаммоллар уни ўзларидек билиб, худди ҳеч нима бўлмагандек, бепарволик билан ёнидан ўтиб бормоқда эдилар. Ниҳоят, унинг сабри тугади ва бор кучини йиғиб, тап тортмай, навбатчи маъмур ёнига борди.

Мавсумнинг энг қайнок давридаги навбатчи маъмур... Кичкинагина идорасида ўзини подшолардек тутаётган ва саволлар “тўфони” орасидан ҳеч иккиланмай йўл топиб бораётган бу серҳашам кема капитани билан гаплашишининг ўзи бўладими! Келганларнинг ўндан ортиғи бир қўли билан ниманидир ёзиб, бошқаси билан телефон гўшагини маҳкам чангаллаб, бирда сўл, бирда ўнга маълумот бераётган, биргина имоси билан – бош силкитиш ёки нигоҳи ёрдамида – хизматчилар турли томонга ўқдек учаётган бу – Ҳар Нега Қодирнинг қарорини кутишмоқда. Қўлидан ҳар нарса келар, асаб толалари доимо таранг машина-одам бу. Башарти, унинг хузурида муҳтарам зотларки навбатда туришибдими, ҳали тажрибаси йўқ, тортинчоқ, янги одамча ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу қиёмат-қойим “ҳукмдори” Кристинага шу қадар етиб бўлмас туюлдики, у тўс-тўполон тугагини кутиб, жимгина жойига қайтди. Бирок жонига тегиб кетган жомадон қўлини узиб юборай демоқда. Кристина уни қўйиш учун бирон ўриндик ахтариб, атрофга аланглади. Айнан шу пайтда – балки ҳаяжонлангандан шундай туюлгандир – сал наридаги ўриндикларда ўтирганлар унга кинояли назар ташлаб, ўзаро шивир-шивир қилганча кулиб қўйишдики, яна бир лаҳза ўтса зилдек жомадонни қўлидан тушириб юборган бўларди. Бармоқлари шунчалик зирқиарди. Бирок шу қалтис дамда, сочи бўялган, ўзи сунъий яшартирилган, ниҳоятда пўрим кийинган хоним дадил қадам ташлаганча қошига келди ва ён томондан синчковлик билан қарагандан сўнг сўради:

– Сенмисан, Кристина?

Жияни “ха” деб жавоб беришдан кўра чуқур нафас чиқаргандек ҳаракат қилгандан сўнг хола унинг елкасидан енгил кучиб, упанинг илиққина ифорини таратганча, ёноғидан ўпди. Ўзини ноумид қилган ёлғизликдан сўнг ниҳоят яқинини топиб хурсанд бўлиб кетган Кристина холасининг бағрига отилди. Хола буни соғинч ифодаси дея ўйлаб, жуда таъсирланди ва қизнинг титраётган елкаларини силади:

– Ох, келганингдан қанчалар шод эканлигимни билсанг эди! Энтони иккимиз жуда хурсандмиз, – сўнг қизнинг қўлидан тутди. – Кетдик, ўзингни тартибга келтиришинг керак. Ахир, сизларнинг Австриянгиз йўллари

жуда ноқулай! Бемалол тайёрланавер, факат унча чўзилиб кетмасин-а. Тушлиқдан кейинги овқат учун аллақачон бонг чалинган. Энтони эса кутишни ёқтирмайди – унинг нозик томони шу. *We have all prepared!*... Э, айтгандек, биз ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганмиз. Эшиқоғаси ҳозир хонанг калитини беради. Тезроқ кийин, хўпми? Ҳеч қанақа ҳашамдор либоснинг кераги йўқ, бу ерда тушлиқ пайти ҳамма хоҳлагандек кийинади.

Холасининг қўл имоси билан хизматчи йўл-йўлакай жомадон ва шамсияни олгач, калит учун югургилади. Товуш чиқармайдиган лифт эса Кристинани учинчи қаватга кўтарди. Хизматчи йўлакнинг ўртасида эшикни очиб, бошидаги думалоқ қалпоқни юлқиб олганча четга ўтиб турди: демак, бу – унинг хонаси.

Кристина кирди-ю, гўё эшикни адаштириб юборгандек остонадаёқ ўзини ортга ташлади. Зеро, теварагида нукул қашшокликни кўришга кўниккан кляйн-райфлинглик почта хизматчиси истаганида ҳам бу ҳаддан зиёд кенг, жуда ёруғ, ёркин гулқоғоз ёпиштирилган, ланг очиқ айвонидан гўё ёруғлик шалоласи оқаётган хона ўзиники эканлигига ишона олмасди. Бунга тайёр эмасди. Бутун хона ёруғликка чулганган, ҳар бир жиҳоз нур ичида эди. Силлиқланган мебеллар биллурдек кирралари билан зиё таратар, жез ва шишаларда офтоб нури жилваланарди. Гул солинган гиламни эса майсазор дейсиз. Хона эмас – ярақлаган жаннати тонг! Бу нур базмидан кўзи қамашиб, ақли шошган Кристина дупурлаган юраги тинчлангунча кутиб турди. Кейин мутаассир бўлганча эшикни тезгина қия ёпди.

Уни энг аввал мавҳ этган нарса ҳайрат эди. Наҳотки шундай бўлиши мумкин? Қанчалар дабдабали, кўркам! Кейин армонлари билан чамбарчас боғлиқ иккинчи фикр юзага қалқиди: буларнинг нархи қанча? Бунга қанча пул кетган? Ҳаддан зиёд қиммат бўлса керак! Бу ерда бир кун яшаш унинг бир ҳафталик маошидан ҳам қиммат турса керак... йўғ-э, бир ой денг! Кристина хижолат ичра аланглаб – бу ерда ўзини уйида юргандек ҳис этадиган одам бормикин! – қимматбаҳо гиламга аввал битта, сўнг бошқа оёғини қўйди. Кейин иззатини билиб, лекин шунда ҳам ўртаб бораётган кизиқувчанлик билан, ўзини ром этган бу жойни кўздан кечира бошлади. Дастлаб тўшакни сийпаб кўрди. Наҳотки шундай янги, муздек, оппоқ ўринда ухлаб бўлса? Момик кўрпа енгил, нафис, ипак гуллар тикилган – худди кафтингдаги укпар дейсан. Бармоғингни теккизсанг бас, хона бурчагини пушти ёғдуга тўлдириб, лампачирок ёнаркан. Янгилик кетидан янгилик: юмшоқ кресло шунчалар чуқурки, илик “оғушидан” чиқишга аранг ўзингда куч топасан. Қимматбаҳо ёғочдан ясалган мебель яшилранг-бахорий гулқоғоз билан нақадар муштарақ! Стол устида турли рангда товланувчи тўрт дона чиннигул меҳмонни қарши олгани баланд, ингичка гулдонда яшнаб турибди. Гўё биллур карнай меҳмонни шарафлаб тантанали куй чалмоқда! Сехрли, ақл бовар қилмас ҳашамат! Буларнинг бари кўз ўнгида, барчасидан бир-икки ҳафта фойдаланади.

Кристина роҳат-фароғатли ҳаётни аввалдан ҳис этиб, худди севиб қолган тортинчоқ кизчадек у буюмдан бу буюмга ўтиб, ҳар бирини силаб

<sup>1</sup> *We have all prepared* (ингл.) – Биз ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганмиз.

кўра бошлади. Аммо бехосдан илонни босиб олгандек ўзини нари ташлаб, йикилиб тушишига сал қолмагунча ҳар қадамида хайратга тушаверди...

Аслида, мана нима рўй берганди: ичида улкан кўзгу борлигини гумон ҳам килмай деворга ўрнатилган жавон эшигини ланг очганида, гўё қутичадан отилиб чиққан кизил тилли ўйинчоқ шайтончадек бор бўйи билан кўзга ташланган ўз аксини кўрди. Кристина шу акс тимсолида мудҳиш ҳақиқатга рўбарў келди: ҳа, унинг акси бу ҳашаматли хона ичида бирдан-бир хунук, абгор нарса эди! Сап-сарик, ғижимланган, тарвақайлаган пальто, саросимали чехра тепасида похол шляпа...

Бу манзара қизни адои тамом қилганди. “Жўна бундан, доғули! Тартибли хонадонни иснодга қолдирма! Қани, тезда келган жойингга жўна!” – кичкирарди гўё кўзгудаги акс. “Ростдан ҳам, – кийналганча ўйлади Кристина, – қандай қилиб бунақанги ҳашаматли хонада яшай оламан? Холаман шарманда килмайманми? “Ҳеч қандай ҳашамдор кийимларингни кийма”, – деди у. Ўша кийимлар менда бордек гўё! Йўқ, тушмайман, шу ерда қоламан. Яхшиси, қайтиб кетаман. Қаерга яширинсам экан? Гойиб бўлишга қандай улгураман? Ахир, холам бирдан суриштира бошлаб, жаҳли чиқади-ку”.

Кристина кўзгудан узоклашиш мақсадида айвонга чиқди ва титраган қўллари билан панжарани чангаллаганча, пастга кўз ташлади. Кошки ўзини ташласа-ю, барчасига чек қўйса...

Бироқ худди шу он пастда яна бир марта бонг янгради. Эй худо! Кристина шошиб қолди, ахир пастда холаси кутмоқда-ку. У эса бунда тимирскилини ўтирибди. Ҳатто ювинмаган, опаси арзон-гаровга олган жирканч пальтони ҳам ечмабди ҳалигача!

У бир парча матога ўралган кийимларини олиш учун жазавага тушганча жомадонини очди. Баданни қашловчи ёғоч чўтка каби қаттиқ совун, арзонга сотиб олингани шундоқ кўриниб турган бошка буюмларни топ-тоза биллур тоқчага тахлаётганда ўз ғариблигини кимнингдир нописанд нигоҳи олдида яна бир бор намоёиш қилаётгандек туюлди. Буларни кўрган кават ходимаси нима деркин? Ҳамкасабларига гадо қиз ҳақида киноя билан сўйлаб берар. Улар эса бошкаларга айтади... Бутун меҳмонхона у ҳақда билиб олади ва ҳар куни ғийбатчиларнинг ёнидан ўтишга, нигоҳини ерга тикиб, ортидан шивирлаётганларини эшитишга тўғри келади. Йўқ, холаси ҳеч қандай ёрдам беролмайди, буни беркитишнинг имкони йўқ. Бу энди ҳаммага тарқалади. Ҳар қадамда қандайдир бир камчилиги очилиб қолади. Қўйлак ва бошмоқлари ғариблигини баттар намоёиш қилади. Аммо шошилиш лозим, холаси кутиб қолди, поччаси эса, унинг сўзларига қараганда, кутишни ёмон кўраркан. Эй худо, нима қилса экан? Нима кийсин?

Дастлаб ҳаёлига опаси қарзга берган, сунъий шойидан тикилган яшил блузка<sup>1</sup> келди. Бироқ кечагина Кляйн-Райфлингдаги жавонини безаган бу кийим бугун ниҳоятда хунук кўринди. Яхшиси, оддийгина оқини кийиш керак, кўзга кам ташланади. Гулдондаги чиннигулларни олиш керак – агар қўйлакка яқин тутиб турса, ёркин ранглари нигоҳларни чалғитади.

<sup>1</sup> *Блузка* – енгил матодан тикилган калта қўйлак.

У гўё ҳамма ўзига қараётгандек кўзларини юмганча аранг нафас олиб, бошқаларни ортда қолдириб, зинадан югуриб тушди. Ранги бўзарган, оғрик кирган боши чир айланар, шу онда тушида эмас, хушида жарга қулаётгандек хис қилди ўзини. Пастга тушиб, холаси қаерда турганини кўрди.

“Қизиқ, унга нима бўлди? – жияни томон юрди хола ҳам. – Гоҳ одамлардек қадам ташлайди, гоҳида... худди ирғишлаётгандек! Атрофдагилардан ўзини олиб қочаётир. Уялаяптимикин? Сал асабийроқми дейман. Ҳа, у ҳақида ҳамма нарсани аввалроқ билиб олиш керак эди! Вой, худо, жиннига ўхшаб кириш йўлагига туриб қолди. Ё кўзи яхши кўрмайди, ёки ундан ҳам баттар!”

– Ҳа, нима бўлди, болагинам? Рангинг жуда ўчиб кетибди. Тобинг йўқми?

– Йўқ, йўқ, – бидирлади Кристина ҳамон ўзини йўқотган кўйи. Эҳ-хе, холла одам бунча кўп, анови қора либосли хоним эса унга лорнетдан<sup>1</sup> тикилиб қараётгандек! Эҳтимол, кулгини кистовчи хунук бошмоқларини томоша қилаётгандир?

– Юр, юрақол, болагинам, – деди хола ва чўчиётган жиянига катта ёрдам бераётганини хаёлига ҳам келтирмай, кўлтиғидан олди. Ҳа, энди Кристина жилла курса ярим қадамга ҳимояловчи соя паноҳида бўлади. Хола ҳеч бўлмаса бир ёнбоши, либоси, савлати билан уни паналаб туради.

Кристина холасининг ҳимояси остида ресторан залини бир қадар хотиржам кесиб ўтиб, боқибегам, хўппасемиз Энтони поччаси кутаётган стол ёнига борди. Поччасининг шалвираб қолган юзида меҳрли табасум балқиб, голландларга хос кизғиш қовокли кўзлари билан дўстона нигоҳ ташлаганча, меҳнатдан қаварган сўлоқмондек қўлини узатди. Унинг хурсандчилиги, аслида, безалган дастурхон устида энди ортик кутиб ўтирмаслиги боис пайдо бўлганди. Зотан, у ҳам барча голландлардек хотиржам, тўйиб овқатланишни хуш кўрарди. Бу борада у бесабр бўлиб, асабга тегиб бидир-бидир қилиб, ҳар балони сўрайвериши билан овқатланишга халақит берувчи аллақандай бекорчи, оқсуяк ойимчани кўрсам керак, дея кечадан буён ич-этини емоқда эди. Унинг ўрнида, уятдан ранги оқарган жозибадор кизни кўргач, хотиржам тортиб, у билан осонгина келишиб кетиш мумкин, деган хулосага келди.

– Аввал овқатланиб ол, сўнг гаплашармиз, – дўстона, эркаловчи оҳангда далда берди у кизга.

Нигоҳини ердан узишга журъат қилмаётган нозикнихол, тортинчок бу киз Энтонига маъқул келганди. Уммон ортидаги унга сира ёкмайдиган шаддод кизларга ҳеч ўхшамайди. Улар эртадан кечгача граммофон кўйиб, шунақанги қилпанглайдик, бунақа бемазагарчиликни унинг кўхна Голландиясида ҳеч бир аёл ўзига эп кўрмаган бўларди.

Поччаси инқиллаганча стол устига энгашиб, ўз қўли билан кизга шароб куйди ва тушлик келтириши ҳақида официантга имо қилди.

Официантнинг киёфаси ҳам эгнидаги оҳорли, қаттиқ қадама англи кўйлаги каби чўзинчок эди. Э худо, нелар билан дастурхонни безамоқда у! Қандайдир ғалати, ақлини шоширадиган газаклар: музда совутилган

<sup>1</sup> *Лорнет* – буклама дастали кўзойнак.

зайтун, ола-була салат, кумушранг балик, бир уюм артишок<sup>1</sup>, алламбало кремлар, ғоз буйрагидан тайёрланган юмшоқкина паштет ва пушти ранг балик бўлакчалари! Бари шунақанги нафис, мазали, оғизда эриб кетадиган егуликлар. Лекин... кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бу тансиқ таомларни манави анжомларнинг қай бири билан ейиш керак? Кичкина ёки думалок қошиқ биланми, ингичка ёки йўғонрок пичок биланми? Бунақа хашаматли ресторанга ҳаётигда илк бор тушиб қолганингни манави хизмат ҳақи тўланган кузатувчи ва ейиш-ичишда суяги йўқ, пихини ёрган кўшнилари олдида мулзам бўлмаслик учун нималар билан кесиш ва олиш керак? Қовун туширмаслик учун нима қилмоқ керак?

Кристина вақтдан ютиш мақсадида қўлсочик тахини секин очиб, тақлид қилиш мақсадида кўз кири билан холасининг қўлларини кузатди. Айни пайтда поччасининг дўстона саволларини эшитиш, кулоғини динг қилишига ҳам тўғри келар, зеро, унинг олмонча-голландча сўзлари орасида инглизча жумла-ю, иборалар ҳам бор эди. Кристина “икки фронтда жанг қилиш” учун бор кучини жамлаши, ортидан келаётган пичирлашларга ахамият бермай, ўзининг норасолиги ҳақидаги туйғуни ҳам енгиб ўтиши керак эди. У хола ва поччаси, официант ҳамда залда ўтирган ҳар қандай одам қаршисида тажрибасиз ва ғариблигини ошқор қилиб қўйишдан чўчир, айни пайтда ўзини бепарво, ҳатто қувнок кўрсатишга тиришарди. Кристинанинг ахволи шунчалик танг эдики, тушликка ажратилган ярим соат мангуликдек туюлди. Ширинлик тортилгунча бир илож қилиб чидаганида, ниҳоят холаси, қизнинг бошидан не кечаётганини билмай туриб, унинг хижолат бўлаётганини пайқади:

– Жуда хориган кўринадан, болагинам. Ҳа-да, тун бўйи Европанинг расвои радда вагонларида юрганингдан сўнг нима бўларди. Ҳечкиси йўқ, тортинма. Бирон соат ётиб ухлайсан, сўнг яна олға босамиз. Шошиладиган жойимиз йўқ. Энтони ҳам тушдан сўнг ҳар гал дам олади. – У ўрнидан туриб, жиянининг қўлтигидан олди. – Юракол, кузатиб қўяман. Ётиб ухлагандан сўнг отдек бўласан ва ўшанда мириқиб сайр этамиз.

Кристина холасидан миннатдор бўлиб, енгил нафас олди. Қулфлоглик эшик ортига яшириниш, бу – нақ бир соатни ютиш дегани-ку!

\* \* \*

– Хўш, у сенга ёқдими? – хонага кирар-кирмас сўради Клер йўл-йўлакай камзули ва жилеткасини ечаётган Энтонидан.

– Жуда ёқимтой экан, – эснади басавлат эр, – веналикларга хос хушбичим чехра... Қани, ёстикни узат-чи... Ростдан ҳам камтарин ва ёқимтой киз. Фақат – I think so at least<sup>2</sup> – ўйлашимча, эгни-боши жуда ночор... билмадим, яна нима деб атаса бўлади... бизда, мисол учун, бунақа кийимлар аллақачон йўқ бўлиб кетган... агарда уни Кинсли ва бошқаларга жияним дея таништирмоқчи бўлсанг, башангрок кийинтирганинг тузук... Унга кийимларингдан бериб тура олмайсанми?

– Кўрайпанки, калит аллақачон қўлимда, – табассум қилди ван Боолен хоним. – Келганлар орасида кўриб қолганимда ўзим ҳам кўрқдим, ҳали,

<sup>1</sup> *Артишок* – ўтсимон полиз ўсимлиги.

<sup>2</sup> *I think so at least* (ингл.) – Ҳартугул, менга шундай туюлди.

ховлида... ха, жуда нохуш аҳволда эди. Сен ҳали пальтосини кўрмадинг – тухум саригидек, ғаройиб кийим, хинд ажойиботлари дўкони учун махсус тикилган... Эгнидагилари канчалик тўпори эканини шўрлик билганида эди. Эй худо, қайдан ҳам билсин, ўша лаънати уруш туфайли уларнинг барчаси Австрияда бутунлай down<sup>1</sup>. Нималар деганини ўзинг эшитдинг – бирон марта Венадан ташқарига уч мил нари чикмаган, одамлар орасида бирон марта бўлмаган экан... Poor thing<sup>2</sup>, бу ерда ўзини ноқулай сезаётгани дарҳол кўзга ташланди. Юрак ховучлаб юрибди. Бўпти, уни керагича ясантираман, анча-мунча нарса олиб келганман, агар бирон нима етмаса, инглизлар дўконидан харид қиларман. Ҳеч ким ҳеч нарсани сезмайди. Ростдан ҳам, нега энди шўрлик бир марта бўлса-да, бир ҳафтами, ундан кўпми, маза қилмаслиги керак?

Чарчаб-ҳориган эри хайҳотдек диванда ётганча мудрар экан, аёл кариатидадек<sup>3</sup> нақ шифтга етганча йўлакда турган иккита улкан кофр ичини титкилади. Парижда икки ҳафта яшаганида, ван Боолен хоним нафақат музейлар, балки аёлларга кўйлак тикувчи чеварларга ҳам тан берганди. Крепдешин, шойи, батистлар шитирлаб, ўнлаб блузка ва кўйлакларни бирин-кетин кўлига олганча сийпаб кўрди. Ёруққа солиб, вазини чамалади, санаб, яна жойига кўйди. Кристинага ниманидир садақа этишга қарор қилишдан аввал хоним синчковлик ва ҳузур билан кора, нафис ва қалин матолар, кўйлақлар узра бармоқ юргизди. Ниҳоят, кресло устида ҳарир кўйлак, пайпоқ ва ички кийимлардан иборат камалак рангидаги уюм бўй чўзиб, у пахтадек енгил мазкур юкни бир қўллаб кўтарганча Кристинанинг хонаси томон юрди.

Эшикни секин очиб ичкарига кираркан, дастлаб ҳеч ким йўқдек туюлди унга. Дераза ланг очик, кресло бўм-бўш, ёзув столи ёнида ҳам кимса йўқ. Холаси келтирганларини стул устига қўяётган эди, Кристинанинг кушеткада ухлаб ётганини кўриб қолди.

Ҳа, поччаси очик кўнгиллик билан қулганича бокалини ҳадеб тўлдираверган, Кристина эса одатланмагани ва шошганидан ичаверганди. Мана, окибат, боши ғалати оғирлашди. Аввал ҳамма-ҳаммаси ҳақида ўйлаб олиш мақсадида шунчаки кушетка четига ўтирмакчи эди, аммо уйку танасини эркалабгина ёстик томон эггач, кўзи илинганини билмай қолди.

Ухлаётган одамнинг кўриниши, химоясизлиги – мудом таъсирли, ажойиб томоша. Оёқ учида унинг қошига келган холасининг кўнгли бузилиб кетди: Кристина уйкусида ҳам худди бир нимадан химояланаётгандек кўлларини кўксига қовуштириб олган, қоши ҳам ёмон туш кўраётгандек чимирилган эди. Бу ҳолат ва гўдақларча ярим очик оғиз истасанг-истаманг раҳмингни келтиради.

Хола унинг хатто уйқуда ҳам хуркаклигини пайқаб қолди. Лаби бунчалар қонсиз, ёш бўлсаям юзининг ранги носоғлом. Уйкуси гўдақларникидек... Балки еб-ичишнинг ёмонлигидандир бу. Етилиб улгурмай пул топишига тўғри келиб, кўп машаққат чеккан, тинкаси қуриган. Қолбуки, ҳали йи-

<sup>1</sup> *Down* (ингл.) – Хонавайрон бўлган.

<sup>2</sup> *Poor thing* (ингл.) – Шўрлик.

<sup>3</sup> *Карпутода* – бинонинг аёллар шаклида ишланган таянч устун.

гирма саккизга ҳам кирмабди. Poor chap!<sup>1</sup> Фош бўлганини сезмай ухлаётган жиянига қараб тураркан, меҳрибон аёлнинг қалбида тўсатдан ориятга ўхшаш бир нима уйғонди. Ростдан ҳам, бунчалар ҳорғин, бахтиқаро, кийналиблар кетган, биз эса... Йўқ, шармандалик бу, аллақачон қўмак беришимиз керак эди! Биз у ёқда турли хайр-эҳсонлар қилиш билан машғулмиз, юзлаб charity teas<sup>2</sup> ташкил этамиз, кимғалигини ҳам билмай туриб, янги йил совғалари таркатамиз. Бу ерда эса туғишган опамнинг, кон-кардошимнинг фарзанди абгор ахволда. Бир неча юз доллар мўъжиза пайдо қилиши мумкин бўлган ҳолда, уни шунча йил ҳатто эсламаганмиз! Албатта, ўзлари ёзиб, эсга солишлари мумкин эди. Лекин ўша аҳмокона гурур кон-конларига сингиб кетган, илтимос қилишни ор биладилар! Худога шукр, ҳеч бўлмаганда энди бу рангпар, ночор, тортинчоқ қизга ёрдам бериш, озгина шодлик ҳадя қилиш мумкин.

Хола неғалигини ўзи билмаган ҳолда, ухлаб ётган кизнинг чеҳрасига меҳр билан термилди. Балки унда болалик кўзгусида балкиган ўз аксини кўргандир, ёки болалигидаги қаравоти тепасига илинган тилларанг ромдаги ойисининг фотосуратини эслагандир? Балки ўшанда, Нью-Йорк пансионидида ўзи ҳис этган ёлғизлик туйғуси қайтадан тирилгандир? Нима бўлганда ҳам, ёши ўтиб бораётган бу аёл қалби меҳрга тўлаётганини ҳис этди ва жиянининг сарғиштоб қоқилини эркалаб силади.

Кристина шу заҳоти уйғониб кетди. Бемор онани парваришлаш салгина турткидан ҳам уйғониб кетишга ўргатганди.

– Шунчалик кеч бўлдимиз? – гуноҳқорона киёфада бидирлади у.

Ишга кечикишнинг барча хизматчиларга ҳос доимий ҳадиги кўп йиллардан бери уйкусида ҳам уни таъқиб қилар ва қиз кўнғироқли соатнинг илк жарангиданоқ уйғонарди. Соатга шу заҳоти кўз ташлар ва доимо “Кечикмайманми?” – деган савол кўнғлидан кечарди. Уйғонгандан сўнг эса хизматда бирон айб иш қилиб қўйишдан чўчирди.

– Болагинам, бунчалик кўрқиннинг ҳечам кераги йўқ, – уни хотиржам қилиш учун майин оҳангда сўзлади ҳоласи. – Бу ерда вақт шунчалар кўпки, қаерга қўйишингни билмайсан. Ҳаяжонланма, дам ол, чарчаган бўлсанг, худо ҳаққи, халакит бермоқчи эмасман. Фақат, мана, уч-тўртта кўйлак келтирдим. Кўр, агар биронтаси ёкса, қиярсан. Париждан бир тўдасини олиб келганман, ҳатто жомадоним ёпилмайди... менинг ўрнимга бир-икки жуфтини сен қиярсан, деб ўйладим.

Кристина юзи ва бўйни кизариб кетаётганини сезиб турарди. Демак, нима бўлгандаям, бир кўришдаёқ тушунишибди, камбағаллиги билан буларни ҳам уятга қолдирибди... балки ҳар иккиси – ҳам ҳоласи, ҳам поччаси уни деб номус қилишаётгандир. Мана, ҳоласи қанчалик одоб билан ёрдам кўрсатмоқчи, ранжимасин деб садақасини хаспўшлаяпти.

– Уларни қандай қияй? – дудукланганча деди Кристина. – Ахир мен учун улар жуда қиммат...

– Бўлмаган гап! Балки улар мендан ҳам кўра сенга кўпроқ ярашар. Энтони шусиз ҳам ёшлардек кийинганим учун вайсагани-вайсаган. Гандам-

<sup>1</sup> *Poor chap!* (ингл.) – Бечора!

<sup>2</sup> *Charity teas* (ингл.) – Хайр-эҳсонли чой ичиш маросими.

даги ўғай бувиларидек кўринишимни истайди у. Асл протестант<sup>1</sup> аёлларникидек этагидан ёқасига довур тугмаланган қалин қора шойи кўйлак, бошимда охорланган оқ чепчик<sup>2</sup>... Бу лаш-лушлар сен кийганингда унга кўпроқ ёқса, ажабмас. Қани, ўлчаб кўр-чи, бугунги окшомга қай бирини киясан?

Холаси биргина кўл ҳаракати билан – ҳув ўшандаги манекенчи кизнинг унут бўлаёзган ҳадиси қутилмаганда қайта уйғонган бўлса не ажаб! – Энг енгил кўйлакни танлади ва ўзига ўлчаб кўрди. Фил суяги рангидаги ялтироқ японча хошияли бу либос тундек қора бошка бир шойи кўйлак қошида оловдек баҳорий ёғду таратарди. Учинчиси – ботқоқ рангида, чеккаларида қумушранг хошиялари бор. Ҳар учови ҳам Кристинага шунчалик чиройли кўриндики, уларни исташ, уларга эғалик қилишга ҳатто ҳаёлан журъати етмади. Бундай серҳашам ва нафис кўйлақларни кийиш ваҳимали. Тажрибасизлигинг боис ногаҳон йиртиб юбормай деб, доим юрак ховучлаб юрасан. Бу гул ва нурдан тикилган булутни кийиб қандай юриш, қандай қимирлаш мумкин? Ахир бунақа либослар кийишни аввал ўрганишинг керак!

Барибир, биронта аёл бу ҳазина олдидан ўзини тутиб тура олмасди. Унинг бурун катаклари асабий уча бошлади. Кўли ғалати тарзда титрашга тушиб, матони меҳр билан силагиси келди. Кристина ўзини тутиб туришга аранг куч топмоқда эди. Нигоҳлардаги бу истак, ҳашамга дуч келган барча аёлларни мавҳ этиб, уларда эҳтирос уйғотувчи ҳаяжон кўп йиллик тажриба соҳибаси бўлмиш холасига яхшигина таниш эди. Малласоч тортинчок кизнинг кўзларида чакнаган учкунни кўриб, у беихтиёр табассум килди. Бу нигоҳлар бир зум тинмай, иккиланганча, у кўйлақдан бу кўйлаққа кўчар, тажрибаси йўқ қайси кўйлақни танлашини тажрибаси бор билар ва танлаб бўлгандан сўнг, минг битта надомат ичида, бошқасига кўз тикишидан хабардор эди.

Хола кўнгли тубидаги энг тоза ниятлардан ҳузурланганча оловга мой сепди:

– Шошиб нима қилардик, учовини ҳам қолдираман. Бугун дидингга қараб биронтасини танлайсан, эртага эса – бошқаларини. Пайпоқ ва ички кийимларни ҳам келтирганман... ёноғингдаги захилликка сал-пал ранг бериш учун энди қандайдир янги нарса керак бўлади. Агар эътироз билдирмасанг, ҳозироқ stores<sup>3</sup>га бориб, сенга нимаки керак бўлса, барчасини харид қиламиз.

– Бироқ, холажон, – пойма-пой бидирлади бутунлай ўзини йўқотган Кристина, – менга ноқулай... мени деб бунча харажат қилишингиз яхши эмас. Бу хона ҳам жуда қиммат, ростки, менга одмигина хона ҳам бўлаверарди.

Холаси ундан кўз узмай кулди, холос.

– Кейин эса, болажон, – деди у амирона оҳангда, – сартарошимизга борамиз ва у сочингни бироз тартибга келтириб кўяди. Сеникидек патила-патила соч бизда фақат хиндуларда бор. Гарданингдаги ёлинг у ёқдан бу ёққа силкинмай кўйса, бошинг енгилгина бўлиб қолганини ўзинг

<sup>1</sup> *Протестантлик* – насронийликдаги маҳзаб.

<sup>2</sup> *Чепчик* – бош кийими.

<sup>3</sup> *Stores* (ингл.) – дўконлар.

кўрасан. Йўк, йўк, бахслашма, буни сендан яхшироқ биламан. Менга суянавер ва ҳаяжонланма. Вактимиз бемалол. Энтони ҳозир тушликдан кейинги покер билан банд. Окшомда сени унга онадан янги туғилгандек тақдим қиламиз. Бўл, болажоним, кетдик.

Спорт буюмлари дўкони токчаларидаги кутилар бирин-кетин пештахта устига равона бўла бошлади. Улар ичида шашка сурати туширилган свитер, белни хипча кўрсатувчи, юмшоқ чарм камар, янги ошланган тери ифорини таратувчи бир жуфт жигарранг ботинка, калпокча, оёкни сиқиб турувчи ола-була гольфи<sup>1</sup> ва шу каби ҳар турли майда-чуйдалар бор эди. Кристина янги буюмларни кийиниш кабинасида ўзига ўлчаб кўриш олди-дан хунук кофтасини танидан сидириб, бечораҳоллигининг бу “ашёвий далилини” коғоз кутига секингина яшириб қўйди ва бадига урган кийимлар ўша кутига жойлангани сайин, гўё улар билан бирга кўркуви ҳам бир умрга ғойиб бўлаётгандек, вужудини ажойиб бир енгиллик чулғай бошлади.

Яна бир дўкондан харид қилинган окшомги туфли, енгил шойи рўмол ва шу каби кўзга яқин бошка буюмлар ҳам кизнинг бисотига қўшилди. Кристина илгари ўзи сира кўрмаган харид усули, яъни, нархни сўрамай, “жуда қиммат” қаршисида титраб-қакшамай сотиб олиш жараёнини худди мўъжизага қарагандек ҳайрат билан кузатарди. Оладиган нарсангни танлайсан, кўркмай, ташвишланмай “ҳа” дейсан ва қарабанки, халталар боғланиб, кўзга кўринмас ҳаммоллар ҳаммасини уйингга элтиб беради. Ҳар қандай истак айтишга улгурмасингдан ижро этилади – бари бироз хавотирли, айни пайтда, жуда осон ва мафтункор.

Кристина тихирликни йиғиштириб, ўзини бус-бутунича холаси хукмига ҳавола қилди. Фақат холаси сумкадан пул чиқараётгандагина хижолатпазлик билан четга ўгириллар, нархни билмай деб, эшитмасликка уринарди. Ахир, унинг учун сарфланаётган пул шу даражада кўп, ақл бовар қилмайдиган даражада кўп! Ярим соат ичида бу ерда шунча пул кетдики, ўзи бунчасини йиллар мобайнида ҳам сарфланмаганди.

Дўкондан чиққанларида миннатдорлик туйғуси жўшган Кристина ўзини тута олмай, титраганча холасининг пинжигга кирди ва қўлларини ўпди.

– Хўп, энди сочинг билан шуғулланамиз! – деди холаси унинг хижолат чекаётганини жилмайиб кузатаркан. – Сени сартарошнинг олди-га элтаман. Ўзим эса дўстларимни кўргани бориб, ташриф қоғозимни қолдираман. Бир соатдан сўнг кўғирчокнинг ўзи бўласан-кўясан. У аёл наларга қодир эканини билсанг эди! Ҳозир ҳам кўринишинг бутунлай бошқача. Кейин сайрга чиқиб, окшом эса ўйин-кулгига бериламиз.

Ҳаяжондан Кристинанинг юраги гупурларди. У қулоқ қокмай (ахир холаси фақат яхшиликни соғинаяпти-ку!) кафел ва кўзгулар яраклаётган хонага кирди. Бу ердаги илик ширинтоб ҳавода гулдан тайёрланган совун ва чанглатилган хонаки гулларнинг ифори кезар, аллақандай электр ускунаси худди дарада эсаётган шабададек шундоқ ёнгинасида ғувуларди. Сартарош – чакконгина, манка бурунли француз аёли холасининг кўрсатмаларини тингларди. Уларнинг гапидан Кристина ҳеч балони англай олмади, очиғи, тушунишни ҳам истамасди. Қизгинани негадир ҳар

<sup>1</sup> *Гольфи* – болдирни тиззагача қоплаб турадиган резинали пайпок.

кандай ҳолатга шуурсиз бўйсуниб истаги камраб олганди: э, билганларини қилишмайдим!

Холаси кетди, у эса қулайгина жарроҳлик креслоси суянчиғига ўзини ташлаб, кўзларини юмганча, роҳат “уммонига” ғарқ бўлди. Машина “шиқ” этган товуш бергандан сўнг Кристина унинг муздек пўлатини гарданида ҳис этиб, эпчилгина сартарош аёлнинг тушунарсиз чулдиранини тинглай бошлади. Енгил сархушлик берувчи хид димоғига урилиб, бўйни ва сочини бегона, бироқ машқини олган кўллар ва хонаки гуллар ифориға жон-жон деб топширди.

“Фақат кўзимни очмасам бўлгани, – ўйларди у, – акс ҳолда, ҳаммаси сароб бўлиб чиқиши мумкин. Ҳеч нимани сўрамайман ҳам. Фақат бу байрамона туйғудан роҳатланиб, бир марта бўлса ҳам ҳордик чиқарсанг, ўзгаларнинг хизматини қилмай, ўзингга хизмат кўрсатишларига қўйиб берсанг, бас. Лаззатни кутиб ва уни сипқориб, бир мартагина бўлса ҳам кўлларингни ковуштириб ўтирсанг. Ташвишингни ейишаётганда, хушомад қилишаётганда роҳатбахш сархушлиқдан, ўша – йиллаб... йўқ, ўн йиллаб кўнглингдан кечмаган ғалати туйғудан баҳраманд бўлсанг, шу етади”.

Кристина иликкина хушбўй туман аро кўзларини юмиб, сўнгги марта қачон бунақа ҳолатга тушганини эслай кетди: ана, болалиги, у тўшақда ётибди, тоби йўқ, бир неча кун ҳарорати пасаймади, энди яхши, онаси оппоқ бодом сутини келтирди. Отаси ва акаси каравот бошида ўтиришибди, ҳаммалари унга меҳрибон, оккўнгил. Дераза ёнидаги канарейка чуғурлаб, гўё қандайдир шўх куйини чалмоқда. Юмшоқ тўшақ иссиққина, мактабга бориш шарт эмас. Кўрпа устига ўйинчоқларини ташлаб қўйишибди, бироқ ўйнагани эринасан. Яхшиси, кўзингни юмиб, маза қилиб ёт ва ҳеч нима қилма. Бекорчилик ва яқинларингнинг ғамхўрлигидан истаганча роҳатлансанг бўлгани...

Болалигида бошидан кечирилган бу ҳузурбахш сархушликни йигирма йил эсга олмаганди. Мана, ногаҳонда чаккаларига машинканинг илик, нам шамоли текканда уни яна ҳис этди.

Чакқонгина сартарош вақти-вақти билан: “Қисқароқ бўлишини истайсизми?” – қабалида савол бериб кўяр, у эса фақатгина: “Ўзингиз биласиз” – дер ва рўпарасидаги кўзгуга атайин нигоҳ ташламасди. Йўқ, ҳозир нима бўлишига билмайсан, бирон нимани ишташинг шарт ҳам эмас. Сен учун бошқалар уринаётган экан, умрингда жилла қурса бир марта кимгадир буйрук беришинг, ниманидир талаб қилишинг қанчалик жозибадор туюлмасин, бу роҳатбахш ҳолатни бузиб қўймаслик керак!

Серкирра шишадаги ифор сочидан куйилар, устара ёқимли тегиб, терисини сал китиқлар, боши анча енгиллашиб, гарданида аллақандай нодатий салқинлик ҳис этаётганди. Ростини айтганда, кўзгуга карагиси келиб, сабри тугаб борар, бироқ ўзини босарди. Ахир юмилган кўз ёрдамида бу оромбахш яримуйку ҳолатни яна чўзиш мумкин-да.

Бу орада худди серҳиммат сеҳргардек иккинчи уста ҳам ёнига келди ва биринчиси ҳозирча соч билан овора экан, маникюрни бошлаб юборди. Кристина энди хайрон бўлмай қўйганди ва “*Vous etes un peu pale, mademoiselle!*”

<sup>1</sup> *Vous etes un peu pale, mademoiselle* (франц.) – Сизнинг рангингиз бироз оқарган, мадемузель.

сўзларидан сўнг кўли энгил саргарош турфа бўёқ ва қаламлар билан лабини бўяб, қошини эгма қилаётганда, ёнокларини кизартиришига ҳам жон деб кўйиб берди, қаршилиқ қилмади. Барчасини сезиб ётганига қарамай, сархушлиқда, буларнинг бари ўзи билан рўй бермоқдами, ёки, бутунлай бошка, мутлако янги “мен” биланми, хушидами ёки тушидами, идрок эта олмасди. Бу сеҳру афсуннинг қутилмаганда кунпаякун бўлиши эҳтимолидан безовталик ва энгилгина ваҳм туймоқда эди.

Ниҳоят, холаси қайтиб келди.

– Зўр! – деди у кўпни кўрган нигоҳи асло адашмай.

Илтимосига кўра уч-тўртта банка, қалам ва идишчаларни ўраб беришганидан сўнг жиянига бироз айланиб келишни таклиф қилди. Ўрнидан кўтарилган Кристина кўзгуга қарашга ботинмай, фақат гарданидаги ўша ноодатий энгилликни хис этарди, холос. Мана, энди кўчада бораётиб, ўзининг силлиқ юбкаси, ола-була ўйноқи гольфиси, яркираган аломат туфлисига кўз кирини ташларкан, қанчалик ишонч билан қадам босаётганини хис этди. Холаси томон меҳр билан энгашиб, унинг изоҳларини тинглар, атрофидаги барча нарсалардан ажабланарди. Тоғ чўкқилари кўриниб турган кўкаламзор манзара кишини хайратга солар, меҳмонхоналар – ҳашаматнинг қияликлар бўйлаб керилганча бўй чўзган бу улугвор қоялари, кишини жалб этувчи витринали дўконлар – мўйна, кимматбаҳо тақинчок, соат ва қадимий буюмлар териб қўйилган – буларнинг бари ғалати ва бегона туюларди. Нафис эгар-жабдуқли отлар, итлар, ёрқин либосларида Алп гулларига ўхшаш одамлар эса бундан ҳам хайрагланарли эди.

Кристинанинг етти ухлаб тушига кирмаган беташвиш ҳаётнинг серкуёш муҳити – меҳнатсиз, муҳтожликсиз олам. Холаси унга чўкқилар, меҳмонхоналар, йўлларида учраётган киборлар номини бир-бир атаб борар, Кристина эса одоб билан қулоқ соларкан, уларга ҳурмат билан нигоҳ ташларди. Бу ерда эканлиги ҳар қадамда мўъжизадек туюлаверар, бунда сайр эта олишидан, бу ўзига мумкин эканлигидан хайратланар, шубҳаси яна ва яна ошиб бораверарди. Наҳотки шулар ўнгида рўй бераётган бўлса?

Ниҳоят, холаси соатига кўз ташлади.

– Қайтар пайтимиз бўлибди. Кийинишга улгуришимиз керак. Кечги овқатгача бор-йўғи бир соат қолди. Энтонининг жаҳлини чиқарадиган бирдан-бир нарса – кеч қолиш!

Кристина меҳмонхонага қайтиб, хонаси эшигини очганда, бу ердаги бор нарса окшомги майин ёғдуга чулганган, жиҳозлар ноаниқ ва хира кўринарди. Ланг очик айвон ортидаги осмонгина ҳали ҳамон ёрқин, қуюқ, кўзни қамаштирувчи мовийликни сақлаб турар, хонадаги буюмларнинг чеккалари эса хира тортиб, баркут сояларга қориша бошлаганди. Кристина ҳад-худудсиз манзарадан баҳра олгани айвонга чиқди ва тез алмашинувчи ранглар рақсини томоша қилди. Дастлаб оқ булутлар туси ўча бошлади; улар гўё ҳеч нима билан ишлари йўқдек кўринсада, офтобнинг шиддат билан ботиши хаяжонга солгандек, борган сари кизармоқда эдилар. Сўнг, бехосдан, кундузи дарахтлар ортида якка-якка беркинган соялар тик қиялик панасидан чиқиб, гўё мана энди бунга

хадлари сикқандек тўда-тўда бўлиб, жарликлар ичидан юкорига қора парда сингари кўтарилди. Юракни хайрат ва ваҳима босди: бу соялар чексиз борликни забун этиб, зулматга чулғанганча, чўккиларнинг ўзини ҳам мавх этмасмикин?

Водийлардан аллақачон изғирин шамол эса бошлаган ва борган сари кучаймоқда эди. Бироқ қутилмаганда, чўккилар бошқа – янги, янада совуқроқ, ғира-шира нур билан ёруғлаша борди ва қарабсанки, кўкда оймомо пайдо бўлди. У бир жуфт энг юксак чўкки орасидаги бўшлиқда юмалок фонусдек осилиб қолди ва ўзида кўп ранглари жамлаган манзарали шаклга – миттигина, хира милтиллаётган юлдузли оқ-қора суратга айланди.

Кристина ўзини буткул унутганча, манзаралари тинмай ўзгараётган улкан сахнадан кўз олмасди. Қулоғи фақатгина най ва ғижжакнинг ёқимли оҳангига кўниккан одам илк бор бутун бошли оркестр куйининг шиддаткор жанрини эшитганида ўзини қар бўлиб қолгандек ҳис этади. Табиат қутилмаганда намойиш этган бу буюк, гўзал томошани кўрганда Кристинанинг ҳам туйғулари ларзага келиб, қўллари панжарани чангаллаган кўйи, кўз узмай қарайверди, қарайверди. У умрида бирон манзарага ҳеч қачон бундайин тикилиб қарамаган эди. Ҳеч вақт кўрган нарсаларига ўзини бу даражада бутунлигича бахш этмаганди, бошидан кечириётганларига шу асно бутунлай ғарқ бўлмаганди. Унинг бор ҳаётбахш қуввати гўё икки нафар кўз гавҳаридан иборат битта марказда жамлангандек, ўзини ҳам, вақтни ҳам унутиб, табиат сари интиларди.

Бироқ хайриятки, ҳаммаси аввалдан белгилаб қўйиладиган бу уйда бонг чалиб, ҳашамдан лаззатланиш мажбуриятини олишганини мехмонларга қунига уч бор эслатиб турувчи “вақт кўрикчиси” ҳам мавжуд. Гўё тўлқиндек таралган илк бонгни эшитганда Кристина сесканиб тушди. Ахир, холаси кечки овқатга кечикмасликни, кийимларини тезда алмаштиришни қаттиқ тайинламаганмиди!

Янги кўйлақларнинг қай бирини кийса экан? Уларнинг ҳаммаси жуда ажойиб, шундоқ ёнингдаги қаравотда ётибди ва худди ниначи қанотидек нафис рангда товланмоқда. Қораси сояда жудаям жозибали жилваланади, бироқ Кристина фил суяги рангидагиси мени камтарроқ кўрсатади деган қарорга келди. У авайлаб қўлига олган кўйлаққа қараб завқланди. Дастрўмол ёки қўлқопчалик вазни бор. Свитерини тезда танасидан сидириб, оғир бошмоқлари, қалин пайпоқларини ҳам ечиб отди – барча оғир кийимлар даф бўлсин!

У авваллари сира туймаган енгилликни ҳис этишга ошиқарди: буларнинг бари қанчалар нафис, қанчалар майин ва енгил! Ҳатто янги, қимматбаҳо ичкийимга қўлинг тегиб кетсаям ғаройиб ҳислар уйғонади. Кристина бармоқлари титраганча эски, дағал сурп ичкўйлақни тезда ечди ва юмшоқ матоси баданини эркаловчи янгигина кийим гўё илиқ кўпикдек жисми узра куйилди. У чирокни ёқиб, ўзини томоша қилиш учун қўлини беихтиёр узатаркан, энг сўнгги дамда аҳдидан қайтди: бир-икки дақиқа кутиб, лаззат онларини узайтиргани маъқул. Ким билади, балки ғаройиб енгил мато фақат қоронғиликдагина пардек енгил туюлаётгандир, ёруғда гўзаллиги йўқ бўлиб кетар?

Ичкийим ва пайпоқлардан сўнг кўйлакка навбат келди. Эҳтиёт бўлиб – ахир уларнинг бари холасига тегишли-ку – Кристина муздек, ялтироқ, қаддини чулғанганча, елкаси бўйлаб ўзи оқиб тушаётган шойи шаршарага танини тутиб берди. Бу либос эгнингдалигини сира ҳис этмайсан: баданинг бўйлаб ёқимлигина сирғалиб ўтаётган шабададек, гўё хавонинг лабларидек сезилар-сезилмас.

Бироқ имиллаш, элдан аввал завкланишни бас қилиш керак! Тезроқ кийин, шундан сўнг ўзингга мафтун бўлсанг ўлиб қолмайсан! Энди туфлиларми? Қани, юриб кўр-чи, тўғрила... худога шукр! Бўлди! Ниҳоят, энди – унинг юраги музлаб кетди – кўзгуга илк бор назар ташласа бўлар...

Кристинанинг енгил ҳаракати билан чироқ ярқ этиб ёнди. Нимқоронғи хона ёришиб, ранго-ранг гулқоғозлар, ялтираётган мебель ва бошқа ҳашамдор нарсалар гўё яна бир бор юз кўрсатди. Кристина учун бу ғоятда қизик ва ваҳимали эди: бирданига кўзгу рўпарасида туриб олишга журъати етмай, қирраларида айвон ортидаги манзаранинг бир чети ва хонанинг бир парчаси жилваланаётган бежирим кўзгуга фақат ён томондан кўз ташлади. Тўлақонли машқ учун ҳозирча жасорат етмай турибди. Аввалги кўйлагини – у ҳам бировники эди – кийганидан ҳам баттар кулгили кўринса-я? Бошқалардан, ўздан яшираётган ёлғони кўзга ташланиб қолса-я?

Қисинса, ўзини камтар кўрсатса, худди қайсар ҳакамга панд бериши ва алдаши мумкиндек, ёни билан оҳиста юриб, кўзгуга яқин келди. Кўзгу аллақачон рўпарасида, бироқ нигоҳи ҳамон ер чизарди. Ойнага дадил нигоҳ ташлашга юраги ҳеч дов бермаётганди-да... Шу пайт пастдан яна бонг янграгани қулоққа чалинди, энди имиллаш мумкин эмас! У тезда қарорга келиб, сувга сакрашга чоғлангандек чуқур нафас олиб, нигоҳини кўтарди-ю, кўркувдан титраб кетди.

Кутилмаган бу томошадан ростдан ҳам кўрқиб кетганди. Ортига бир қадам ташлади: ким бўлди бу? Сал эгилганча оғзини ярим, кўзларини эса қатта-қатта очиб, унга ростакамига ҳайрат билан қараётган хоним ким? Наҳотки унинг ўзи? Бўлиши мумкин эмас! Кристина буни товуш чиқариб айтмади, бироқ айнан шу сўзлар унинг лабидан учиб чиқишига сал қолди. Ажабо, у ёқда, кўзгуда унинг лаблари ростдан ҳам кимирлаб кўйди.

Қизнинг нафаси тикилиб қолганди. Ҳали ҳеч қачон, ҳатто орзуларида ҳам ўзини бунчалик мафтункор, бунчалик навқирон, бунчалик пўрим тасаввур қилмаганди. Ахир, энди унинг лаблари бутунлай бошқача-ку – чўғдек, аниқ шаклга эга. Қошлар ҳам бошқа – ингичка, қайрилма; баланд кўтарилган сочнинг тилларанг қалпоғи тагида бехосдан ёруғлик кўрган бўйни, кўйлақ қойилмақом тарзда чулғаб олган бадани ҳам бошқача. Бу киёфада ўзини таниш учун Кристина яна ва яна кўзгуга яқин келди. Кўзгудаги акс ўзи эканлигини англаса ҳам, бу ўзгача “мен”ни тан олишга ҳадди сизмас, яна бир қадам босса, кескинроқ кимирласа, бахтиёр бу кўриниш тумандек тарқаб кетиши ваҳми уни тарқ этмасди. “Йўқ, бўлиши мумкин эмас, – ўйлади у, – бу қадар ўзгариб кетиш мумкин эмас. Агар аслида ҳам шундай бўлсам, демек мен..”.

У ҳатто хаёлан охиригача айта олмади, бироқ кўзгудаги акс бу сўз нимани англатишини пайқаб, жилмая бошлаганди. Дастлаб салгина кўзга

ташланган табассум ёйилгандан ёйилиб, кўзлар энди мағрурлик билан очикчасига кула бошлади. Мулоим қирмизи лаб эса: “Ҳа, мен сулувман” – дея шодлик билан тан олаётгандек.

Ўзингта мана шундай қараб ажабланиш, шамойилингда ниманидир кашф этиб, ўз-ўзингта мафтун бўлиш, шу пайтгача сен ҳис этмаган завқ билан вужудингни томоша қилиш, эркин нафас олаётган кўкрагинг шоҳи кўйлак остида тирсиллаб, чиройли тўлганиб туришини илк бора пайкашинг накадар марокли! Кўринишинг қанчалар ихчам, айни пайтда, ранглар аро қандайин юмшоқ чизгиларда кашф этилмоқда. Очик елканг бу кўйлакда қанчалар энгил ва эркин кўринади.

Қизиқ, бу янги, сарвдек қома... юргангта қандай кўринса? Кристина кўзгудан нигоҳ узмай, аста-секин ёнбошига ўгрилганида аксининг мағрур, мамнун нигоҳи билан яна бир бор тўкнашди ва бу унга дадиллик бахш этди. Энди тезда ортга уч қадам... Нима ҳам дердик, ҳаракатда ҳам барчаси гўзал! Энди пируэтга<sup>1</sup> ҳам журъат қилса бўлар. У чирпирак бўлиб айланганда қалта юбкаси қушдек парвоз қилиб, кўзгу унга яна бир бор табассум ҳада этди: “Зўр! Қанчалар хушқад ва энгилсан!”

У рақс тушишни жуда истарди. Айниқса, ҳозир. Ҳар битта жузвида мусиқа янграмоқда. Кристина шовилганча хона тўрига юриб, сўнг ортига – кўзгу томон қадам ташлади. Кўзгудаги акси табассум қилар, унинг нигоҳи билан жилмаяр, уни ҳар томонлама имтиҳон қиларди. Қиз аксига мафтун бўлганча, фусункор либосдаги, навқирон, эврилган, кўзгунинг энг тўридан мудом жилмайиб ўзи томон юраётган, ҳавасни келтирувчи бу янги “мен”ига тўймасди.

Кристина бу янги шахс, янги “ўзи”ни кучоклаб олишни жудаям истаётганди. У пешонасини кўзгуга, қорачигини қорачиғига қўйди. Аксда у худди жонлидек. Мана, қайноқ лаблар бўса олгани муздек кўзгуга ботиб, унинг “синглиси” нафасдан буғланган шишада хиралашди. Кашшофликнинг ажойиб ўйинини давом эттирганча, ўзини янгидан-янги эврилишларда кўриш мақсадида Кристина турли ҳолатларга қира бошлаган эди ҳамки, пастда учинчи бор бонг овози янгради.

Кристина чўчиб тушди: эй худо, ахир холасини кутишга мажбур этаяптику! Балки унинг жаҳли чиқаётгандир! У энгилгина, ола-қуроқ, қимматбаҳо мўйнадан тикилган оқшомбоп пальтосини тезда олди ва чирокни ўчиришдан аввал, кўзгуга энг сўнгги, хайрлашувчи ташна нигоҳини ташлади, аксдаги кўзлар яна жилмайди. Бахтиёрлик яна бир бор барқ урган чехра! “Зўрсан, зўрсан!” – дея гўё табассум қиларди унга кўзгу.

Кристина холаси ва поччаси яшаётган номер томон йўлак бўйлаб деярли югурар, хилпираётган шойи кўйлаги танига ёқимли салқинлик уфурар, бахтиёр шамол гўё оёғини ердан узгандек еларди. У худди тўлқинлар узра сузаётгандек эди, болалигидан буён ўзини бунчалар энгил, қанот чиқаргандек ҳис этмаганди. Ҳа, эврилиш сархушлиги аллақачон таъсирини бошлаб юборган эди.

– Аломат! Худди қуйиб кўйгандек ярашибди, – деди холаси уни кўриб. – Ҳа, ёшлик бошқача, ҳеч қанақа сеҳр-жоду талаб қилинмайди!

<sup>1</sup> *Пируэт* – рақсда бир оёқнинг учидан тўла айланиш.

Кўйлак бўртириб кўрсатиш ўрнига яширишга хизмат қилса, тикувчининг шўри. Йўқ, ҳазиллашмаяпман. Куйиб кўйгандек турибди, сени таниб олишнинг ўзи амри маҳол, кадди-қоматинг қанчалар гўзаллиги энди билинди. Фақат бошингни баландрок, эркин тутишга ҳаракат қил. Қараб турсам – мендан ранжима-я! Нуқул ўзингга ишончсизлик билан, букчайиб юрасан, ёмғирда қолган мушукдек қунишасан. Сен америкачасига юришни ўрганишинг керак: энгил, эркин, кема шамолга қарши сузаётгандек, пешонангни олдинга чиқариб...

Кристина лола бўлиб кетди. Демак, унинг кўриниши ростдан ҳам қулгили эмас, кишлокликларга ўхшамайди. Хола кўрикни давом эттирар, тирнок тагидан кир кидирувчи нигоҳи бутун қомат бўйлаб сирғаларди.

– Гап йўқ! Фақат мана бу ерга, бўйнингга такинчок керак, – у қутичасини кавлай кетди. – Ушла, мана бу дурни тақиб ол! Кўркма, жиннивой, у калбаки. Ҳақиқийси у ёқда қолган... сейфда, чўнтаккесарлар ғамини еб, уни Европага олиб келадиган аҳмоқ йўқ.

Дур этни жунжитиб, яланғоч бўйин узра сирғалиб ўтди, холаси эса ортига бир қадам ташлаб, “собик модель”нинг назари билан кўз ташлади.

– Жуда соз, – деди у. – Сенга ҳамма нарса ярашади, сени ясантириш эркаклар учун жуда завкли бўлса керак. Бўпти, кетдик! Энтонини бундан ортиқ куттириб қўйиш яхши эмас. Оғзи очилиб қолса керак ўзиям!

Зинапоядан биргалашиб пастга тушдилар. Кристина ўзида ғалати бир ҳолатни ҳис этмоқда эди: янги либосда гўё яланғочдек, юриш ўрнига учаётгандек, тани шунчалар энгилки, зиналарнинг ўзи шитоб билан биринкетин у томон оқиб келаётгандек эди.

Зинанинг иккинчи саҳнида смокинг<sup>1</sup> кийган ёши улуғ жаноб билан тўкнаш келишди. Унинг оқ оралаган силлиқ сочи ханжарсифат фарқ билан ажратилганди. Жаноб эхтиром билан саломлашиб, хонимларни ўтказиб юбориш учун тўхтади. Кристина бу оний учрашув пайтида аллақандай ноодатий, эркакларга хос ошуфталик, салкам шайдоликни акс эттирган нигоҳни ўзида туйиб, ёноқлари ловуллаб кетди. Умрида илк бор у билан кибор одам сўрашди, яна, шунчалик хурмат кўрсатиб, кадр-кимматини тан олганча кўришди.

– Генерал Элкинс, уруш пайтида бу номни эшитгандирсан балки. Лондондаги Жуғрофия жамиятининг раиси, – тушунтирди холаси. – Зодагон, тинчлик пайти Тибетда саёҳатда бўлиб, у ерда улкан кашфиётлар қилган, сени у билан таништираман. Олиймаком зот, саройда ҳам қабул қилинган.

Кристина қувончдан яшнаб кетганди. Шундай олийжаноб, ярим дунёни кўрган киши унинг сиймосида ўзича кибор хоним бўлиб кийиниб олган, нафратга лойиқ, чиптасиз томошабинни кўрмай, гўё оқсуяк хонимларга, ўз доирасига мансуб аёлдек эъозлаб таъзим қилди. Кристина эндигина ўзини тенг ҳуқуқли инсон, дея ҳис этди.

Мана, шу ондаёқ яна битта исбот. Ҳали стол ёнига етиб келмай туриб, поччаси ҳайратланиб хитоб қилди:

– О, мана буни сюрприз деса бўлади. Йўқ, биласанми, бу даражада ўзгариб кетиш... Ўлгудек зўр кийинибсан... о, пардон... кўринишинг жуда ажойиб демокчи эдим!

<sup>1</sup> *Смокинг* – қора мовутдан тикилган ёқали костюм.

Иликкина титроқ яна бир бор Кристинанинг тани бўйлаб ёйилди, хурсанд бўлганидан қизариб, ҳазиллашишга уриниб кўрди:

– Почча, мени хушомадга кўмиб ташламоқчисиз, шекилли.

– Бўлмасам-чи! – кулди поччаси ва ўзи учун ҳам кутилмаганда коматини ростлади. Бу ҳаракат туфайли кўксида буришиб турган кўйлак текисланди, аввалги бепарқлигидан асар ҳам қолмагандек, ёғ босган ёноқлари ичига беркинган, шамоллаган кўзлари қизиқиш билан чўғланди. Ҳатто истак-хоҳишнинг тариқдек учқуни милтиллагандек ҳам бўлди. Тўсатдан лобаргина бўлиб қолган қизни кўргач, ошқора завқланиб, ўзига хос бўлмаган тарзда сергап одамга айланди. Завқланиб, қизнинг ҳусну-жамолини мақтовга кўмди, ўзини бу соҳа билимдонидек кўрсатиб, либоснинг баъзи жойларига алоҳида қизиқиш билдира бошладики, ниҳоят ҳоласи уни гапдан тўхтатишга мажбур бўлди.

– Қизалокнинг бошини айлантирма, – кулди у, – ёш йигитлар бундан тузукроқ эплашади.

Бу пайтда официантлар яқин келди – улар меҳроб қошидаги куйи рутбали руҳонийлардек стол ёнида қўл қовуштириб, бирон ишора бўлишини кутиб туришарди. “Ажабо, кундузи нега улардан бунча кўрққан эканман, – ўйлади Кристина, – ахир камтарин, баодоб ва ғоятда мўмин, ўзларини ҳеч ким пайқамаслигини истовчи одамлар”.

У энди тортинмай овқатлана бошлади, ҳадиксираш битган, олис йўлдан сўнг очлик ўзини эслатмоқда эди. Ақл бовар қилмас даражада тотли кўзиқорин солинган бўғирсок, атрофига сабзавот терилган ковордук, кўпikli мусс<sup>1</sup> ва ҳар сафар меҳрибонларча қумуш қуракча билан ликопчасига қўйишаётганлари – юмшоққина дирилдок. Ўзи сира ташвишланмай, ҳеч нимани ўйламаса ҳам бўлаверади. Очиғи, у аллақачон ҳеч нарсага ҳайратланмай қўйганди. Ваҳоланки, бунда барчаси ҳайратланарли эди ва энг ажабланарлиси, одам гавжум бўлса-да, сира шовкин эшитилмас, ясан-тусан қилиб олган, анчайин киборлиги кўриниб турган зотлар ўтирган бу ярақлаётган залда бўлишга у ҳам ҳақли эди. Аслида Кристина... йўқ, йўқ, бу ҳақда ўйламаслик керак, ўйламаслик, ҳозирча шу ерда эканми – унутиш керак!

Ҳаммасидан ҳам унга шароб ёқмоқда эди. Эҳтимол, уни жануб офтобига тўйинган тилларанг резалардан, олис, бахтиёр ва серҳиммат ўлкаларда тайёрлашар. Биллур қадахдаки қаҳрабо янглиғ шундай нур таратмоқдами, демак, танглайингда салқин-сирғанувчи соққадек ёқимли думаласа керак.

Кристина аввалига қимтинибгина бир култум ютишга жазм этди. Бирок унинг гулдек жамолидан илҳомланган поччаси янгидан-янги қадах сўзларини айта бошлагани сари қизнинг ҳам кўнгли суст кетиб, қадах кетидан қадах бўшатаверди ва мана, тили унинг истагига қарши ўлароқ валдирашга тушиб, гўё оғзи очиқ шишадан кўпikli шампан отилиб чиққандек, енгил, ўйинқароқ кулги ҳам бўғзидан отилди. У юрагини қисиб турган кўрқув исқанжасидан фориг бўлгандек, гоҳ нақадар беғам ва қувнок кулаётгани, гоҳида эса тинмай валдираётганига ўзи ҳам ажабланарди. Шу

<sup>1</sup> Мусс – егулик турти.

кўркувнинг кераги бормикин ўзи? Ахир холаси ва поччаси шунчалар меҳрибон, теварагидаги мана бу ясан-тусан қилган одамлар қанчалар назоқатли – барчаси ғаройиб оламдек, худди мафтункор ҳаётдек аъло.

Тетик почча рўпарасида бемалол ўтириб, шўх-шодон жияни димоғини чоғ қилмоқда... “Оҳ, – орзуларга берилмоқда эди у, – кани эди ёшлигимни қайтара олсам-у, манави шайтон кизни шундай бағримга боссамки..”. У ўзини жуда хушнуд, яшарган, илҳомланган, сал бўлмаса ҳар нега қодир алп йигитдек ҳис этмоқда эди. Аслида минғир-минғирдан боши чиқмайдиган боқи-беғам бу одам кексалигини тан олмай, турли – баъзида бепардарок ҳам – ҳазиллар қилар, кулгили воқеаларни ёдга оларди. Мамнунлигидан мушук сингари “хур-хур”лар, камзули иссиқлик қилаётганидан ғалати қизариб кетган, димоғи чоғлиги боис қирмизи ёноқлари Йорданс чизган суратдаги Дуккаки қиролниқига ўхшарди. У жиянининг соғлиги учун қайта-қайта қадаҳ кўтариб, шампан буюришга тайёрлана бошлаганда, зийрак посбон, кулгидан ўзини тўхтата олмаётган Клер унинг кўтарилган қўлини тушириб, шифокор нима тайинлаганини ёдига солди.

Шу пайт кўшни залда мусиқа янграб, “жазавага тушган” орган<sup>1</sup>дан рақс навоси жаранглаб, вангиллаб, тарақлаб, вақиллаб кетганда, мистер Энтони маккажўхори сўтасини эслатувчи йўғон сигарасини кулдон четига қўйиб, кўзини қисди:

– Хўш? Нигоҳингдан сезиб турибман – ўйнагинг келаяпти.

– Фақат сиз билан, поччажон! – жўшиб жавоб қайтарди муғомбир киз (“Худойим-ей, кайфим ошиб қолмадимикин?” – дея ўйлади ичида.) ва яна шарақлаб кулиб юборди. Унинг бўғзида, ҳар бир сўздан сўнг жарангдор қаҳқаҳа кўзгатувчи нимадир яшириниб олганди гўё.

– Ёлғон гапирма! – тўнғиллади почча. – Бу ерда роса кучга тўлган, учаласини бирга кўшганингда ҳам менинг ёшимдан кичик, каминадек шарти кетиб, парти қолган эски қалампирдонга қараганда етти марта яхшироқ рақс тушадиган йигитлар тикилиб ётибди... Бўпти, ўзингдан кўр. Агар уялмасанг, кетдик.

У алмисоқдан қолган назоқат билан қизга қўл узатди ва Кристина унинг тирсагидан тутиб, хохолаб, валдираб, кулгидан арқондек эшилиб поччаси билан ёнма-ён солланди. Ортларидан, ҳар иккисини масхаралаганча хола юрди. Мусиқа қулоқни қар қилгудек варанглар, ёруғ зал турфа рангга чулғанган, атрофдагилар иккисига дўстона, кизиқиб боқишарди. Официантлар қайсидир столни зудлик билан бир томонга суришди.

Бунда ҳамма нарса гўзал, қувноқ, кўнгилга яқин. Одамларнинг олакурроқ гирдобига ўзингни отиш учун жасурликнинг ҳам ҳожати йўқ. Энтони поччаси ростдан ҳам рақс пири эмас экан – мешдек қорни ҳар қадамда жилети тагида кулқуллайди. Сочи қордек оқ бу басавлат жаноб беўхшов ҳаракатлар билан кизни айлантирмоқда эдики, мусиқа ундан кўра тузукроқ эди. Хиёл титраб, кескин синкопа<sup>2</sup>лар билан дилга ўт солувчи ўйноқи наво. Шайтоний ликопчаларнинг<sup>3</sup> ҳар зарби суяк-суягинггача

<sup>1</sup> *Орган* – дамли мусиқа асбоби.

<sup>2</sup> *Синкопа* – мусикада ургунинг кучли қисмдан кучсизига ўтиш.

<sup>3</sup> *Ликопчалар* – бир неча барабандан иборат зарбли мусиқа асбобининг устма-уст тўнқарилган иккита ликопчани эслатувчи қисми.

етиб борар, шу ондаёқ янграган скрипка товуши томирларни юмшатарди. Аниқ-тиниқ янграётган оҳанг жон олиб, ларзага солар, эзиб, янчар ва ўз хукмига соларди. Тилла тугмали жигарранг камзул кийган кораммағиз аргентиналик созандалар – занжирбанд килинган заруқали иблислар дейсиз гўё – мусиқани шайтондек ҳар бири алоҳида-алоҳида ижро этардилар. Хув анави, озгин, кўзойнак таққани саксофонида шунчалар қоқо-қоқо-ҳик-ҳик-култ-култ этадики, ичидаги борини сўриб оладигандек. Сўлроқдаги кўнғироксоч бақалок эса янада мутаассибона, клавишларни қандай тўғри келса, шундайлигича, завқ билан савалайди. Айни пайтда, кўшниси оғзи қулогига етгудек тиржайганча, ақл бовар қилмас шиддат билан қўшноғора, ликопча ва яна алланималарни ургани-урган. Уларнинг бари нимадир чақиб олгандек, гўё ток ургандек ўтирган курсиларида тинмай типирчилашар, маймунларга хос қилиқлар ва намоишкорона қаҳр билан мусиқа анжомларини уриб-эзгилардилар. Бирок бу дўзахий шовкин-сурон машина товушидек бир маромда янграрди. Ҳабашларга тақлидона бўрттирилган ишоралар, тиржайишлар, бақиришлар, қилиқлар, қочиримли кийкириклар ва мутойибалар – бари нота бўйича энг кичик деталларигача ўрганилган, кўзгу рўпарасида машқ қилинган, ясама қаҳр-ғазабнинг бенуқсон ижро этилиши таъминланганди. Эҳтимол, оёқлари узун-узун, тослари тор, ранги заъфарон, упа-элик сурган аёллар ҳам буну тушунишар. Ҳар оқшом такрорланувчи сохта жўшқинлик уларни жалб этмаслиги, қонларини қайнатмаслиги очик-ойдин кўриниб турибди. Зўрлаб, “елимлаб ёпиштирилган” табассум лабларида акс этувчи бу хонимлар рақсдаги жуфтлари қўлида ўзларини эркин хис этишарди. Рўпараларига қараганча, бошқа нарсани ўйлаб ўйнашаётгандек гўё. Балки ҳеч нима ҳақида ўйлашмаётгандир ҳам. Бегона, янги, ҳайратга тушган Кристина эҳтиросларини сездириб қўймаслик учун ўзини тутиб туришга, нигоҳини сўндиришга мажбур. Чунки маккарона қитиқлаб, дағаллик билан махв этганча, беадаб эҳтирослар кўзғатувчи мусикадан қони борган сайин қизиб бормоқда эди.

*(Давоми келгуси сонда.)*





# ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ



## ОЗАРБАЙЖОН ШЕЪРИЯТИДАН

Озарбайжон тилидан  
Усмон ҚЎЧҚОР  
таржимаси

Расул РИЗО

(1910–1981)

### РАНГЛАР ТУРКУМИДАН

#### ОҚ РАНГ

*Уйқудаги гўдак табассуми.*

*Умид.*

*Таъмасиз бир яхшилик.*

*“Сизда саратон йўқ”, –*

*сўзлари айтилган дақиқа.*

*Инсон саодатига сабаб бўлувчи ҳамма нарса...*

*Хатто –*

*Тасалли учун айтилган ёлгон.*

*Ва яна инсоний бир дўстлик.*

#### ОҚ РАНГНИНГ СЕВИНЧ ТУСИ

*Бувининг белбоғи.*

*Ватан тупроғи.*

*Гул очган баҳор бутоғи.*

*Кабутар қанотлари.*

*Шимол қори.*

*Гўдакнинг сутга буланган юз-кўзи.*

*Шўрвага юзламча ботириб чиқарилган*

*Қошиқдан олинган лаззат.*

*Шубҳалар тарқаб кетган кун.*

*Дўстнинг қўли.*

*Ечилган тугун.*

*Инсон номига лойиқ*

*Ишлар, ишлар, ишлар.*



## БЎЗРАНГ

Кўнларга қоришиб йитганлар.  
Ҳар тупроқда битганлар.  
Жонсиз бармоқлар орасида  
сўнган сигаретнинг узун гули.  
Еткин гуллар – елим қогозга ўроғлиқ.  
Бўш кунлар,  
бўш юраклар.  
Ҳам ундоқ, ҳам бундоқ одам.  
Одатдаги кўнгилсиз кулги.  
Совуқ танҳоликдан  
сочларга қўнган кумуш.  
Етим бир қизалоқнинг  
униқиб кетган этаги.  
Вақтнинг туссизлиги.

## МОВИЙ

Долгасиз денгиз.  
Изтиробсиз муҳаббат.  
Самонинг теранлиги.  
Дегонинг “Раққосалар”и,  
Ёш бир рассом чизган қуёш.  
Кўзлар осойишталиги.  
Инсоннинг ўйлари.  
Муз ороллар орасида  
сув кўчалари.

## ҚОРА

Номард душман.  
Шуурга яширинган қўрқув.  
Абадий айрилиқ азоби.  
Яшаш учун суринганлар издиҳами.  
(Хаста бўлиб суринганлар бундан хориж).  
Фирт ёлгон.  
Дудоқларни куйдирган оҳ.  
Қатл қунига очилган сабоҳ.  
Доғ тушган сўзлар.  
Кўзлардаги учқун.  
Сочлар, қошлар.  
Қоранафас бўлган жайроннинг эти.  
Ва яна  
баъзи инсон нияти.

## **Фикрат СОДИҚ**

(1930 йилда туғилган)

### **УМИД МЕНДАН ЮЗ ЎГИРСА**

*Умид мандан юз ўгирса,  
Деразамни чертса кўрқув,  
Бир кўлимдан кўбиз тутар,  
Бир кўлимдан Дада Кўрқут.*

*Ғариб бўлсам ёт элларда,  
Тентирасам Ғариб каби –  
Оқ отида учиб келар  
Кўмак учун Хизир Наби.*

*Танг қолибон дорга тушсам,  
Йўққа чиқса ёлгон-тўғри,  
Тез жўнатар Хон Авазни  
Додимга жўмард Гўрўгли.*

*Умр қанча аччиқ бўлса,  
Хаёл айлар уни ширин.  
Ширин-ширин эртакларда  
Таянчи бор ҳар шоирнинг.*

## **Юсуф ҲАСАНБЕК**

(1932 йилда туғилган)

### **ДЕНГИЗГА БИР ЮРАК БЕР**

*Денгизга бир юрак бер,  
Денгизлик кўрмоқ истасанг,  
Маёқ берма,  
Кўрфаз берма,  
Шамол берма,  
Туман берма,  
Қасирга бер,  
Пўртана бер,  
Ўзи қадар бир долга бер унга.  
Қояларни бер,  
Кўтарсин байроқ каби*

Уфқлар ўртигида.  
Қориштира син бир-бирига  
Тубидаги  
Тошларини, қумини.  
Тўсолмасин ҳеч нарса унинг  
Гувиллаши,  
Ҳамласи, ҳужумини.  
Силкаласин соҳилларни —  
Еру само титрасин тинглаб  
Унинг гулдурagini.  
Денгизга бир юрак бер,  
Денгизлик кўрмоқ истасанг,  
Бергин унга  
Оддий инсон юрагини.

### АЙРИ ТУШМАСИН

Эшигинг зулфига бир қулф бўлойин,  
Сен очмасанг мени, очмасин ҳеч ким.  
Бозчангда йиғлайин бир булоқ каби,  
Сен ичмасанг мени, ичмасин ҳеч ким.

Билмадим, агёрнинг менга қасди на?  
Токайгача чидай ҳижрон дастина.  
Кўприк бўлай, ёрим, сойлар устина,  
Сен кечмасанг мени, кечмасин ҳеч ким.

Бу ўлкада ботиб қолмиш кемам-да,  
Кема ичра қолдим мен шўрлик гамда.  
Бу ёр танлаш пайти, сайлу сайрамда  
Сен сечмасанг<sup>1</sup> мени, сечмасин ҳеч ким.

Юсуфни паришон кўрсанг, эй гулим,  
Айтким, ноком ишқдан чекарсан зулм.  
Сой эдим, дарёга етмади қўлим,  
Дарёсидан айри тушмасин ҳеч ким.

<sup>1</sup> Сечмоқ – танламоқ, сайламоқ.

## Аббос АБДУЛЛА

(1940 йилда туғилган)

\* \* \*

Чиқди қишлоғидан шоир бир ўғлон,  
Бир она огуши қолди ўғилсиз.  
Она “Ёлғизман” деб осмади қозон,  
Қолди ўчоқ-қозон ўтсиз-ўтинсиз.

Эл ундан хафадир, у эса элдан,  
Ўзининг гуноҳин сўнг англаб олмиш –  
Бир шоир юраги осилган қилдан,  
Бир гўзал огуши онасиз қолмиш...

## ДУНЁНИНГ МЕНСИЗ ШАҲАРЛАРИ

Бу дунёнинг шаҳарлари  
Мени орзу қилармикан?  
Уйларига меҳмон бўлсам,  
Танирмикан, билармикан?

Осмонга устун томлари,  
Гул ёзади бодомлари,  
Мен йиғласам, одамлари  
Кўз ёшимни силармикан?

Бу дунёнинг кўприклари  
Боғлаб турар кўкни, ерни.  
Йўлга боқар Табриз шаҳри,  
Менга толе кулармикан?

Дўст қучгали қўллар очиқ,  
Боғлиқ қолган йўллар очиқ,  
Қараб турма, йўлларга чиқ!  
Шундоқ бир кун келармикан?

Шундоқ бир кун етса келиб,  
Бу соҳилдан унга елиб,  
Тўйга кетдик, деб севиниб  
Аббос шунда ўлармикан?

## ҲИДОЯТ

(1944 йилда туғилган)

\* \* \*

Баъзан куз бўлурсан, баъзида баҳор,  
Қишингда сочимга эланади қор...  
Гоҳ сигмас кўксимга тўйгулар зинҳор –  
Нега мени соқит қўймайсан, юрак?  
Ширин хаёллардан тўймайсан, юрак.

Севасан инсонни, табиатни сен,  
Қайдан топдинг бундоқ муҳаббатни, сен?  
Излаб тинмагайсан саодатни сен...  
Мен-да ингрогингни туяман, юрак,  
Сен билан ёнаман-куяман, юрак.

Аср асаблари елкангда юкдир,  
Дард-гаминг дунёдан юз бор буюкдир.  
Сенга айтолмаслар: ишқинг сўникдир;  
Кўкда минг юлдузга ҳайронсан, юрак,  
Ерда-чи, бир қизга қурбонсан, юрак.

Сирдирсан, билгисиз коинотинг бор,  
Ғамгин фурсатинг бор, ҳуш соатинг бор...  
Сенинг-да, сенинг-да, ўз ҳаётинг бор,  
Менга суръат берган тўфонсан, юрак!  
Сен – само, сен – дарё,  
Жаҳонсан, юрак...

\* \* \*

Эсади сарсари кузак еллари  
Бургутли тоғларга чанг тушган замон.  
Юрагим ловулар, юрагим ёнар  
Хаёл осмонимга сен тушган замон.

Ахир, не қолади менинг изимдан?  
Билакдан куч кетса, қувват тизимдан,  
Қайтмасман илк ишқим – ёниқ сўзимдан  
Қора сочга оппоқ ранг тушган замон.

Илҳом – гоҳ ҳолсиз сой, гоҳ жўшқин кулак<sup>1</sup>,  
Ҳар мисра юракдан чиқмоғи керак,  
Қани, не туяркин сендаги юрак,  
Унинг эшигига ман тушган замон!

<sup>1</sup> Кулак – шамол

## Султон МЕРЗИЛИ

(1948 йилда туғилган)

### ЯШАТАР МЕНИ

*Бу куз ёмғиридан бўсалар олдим,  
Хотирлатди сенинг кўз ёшларингни.  
Ҳар дафъа янгидан дунёга келдим,  
Юзимда туйганда боқишларингни.*

*Ўп мени, ўп мени ёмғир томчиси,  
Умр деганлари бу бир томчи сув!  
Менинг муҳаббатим юракдан келур,  
Қурит ёшларимни, кўзда қолмасун.*

*Ол юрагимни, бир япроққа ўра,  
Исминг муҳрланган дудоққа ўра.  
Мен сени ишқимга ватан билганман,  
Ўшал бир ҳовуч тупроққа ўра.*

*Ювар юз-кўзимни бу куз ёғиши,  
Малак навозишли бир қиз боқиши,  
Қўздан мени олгил, етказ баҳорга,  
Унутай ҳасратни, унутай қишни.*

*Япроқлар тўкилиб, тўзгитар мени,  
Томчилар сепилиб, музлатар мени,  
Бу бегона юртда ўлиб кетардим,  
Сенинг муҳаббатинг яшатар мени!*

### БИР ҲОВУЧ ТУПРОҚ

*Сайёҳлар дерларки,  
Тушсанг гурбатга,  
Унда ғариблар бор – ҳасратда адо.  
Тенгдир зиёратга,  
Тенгдир турбатга,  
Келтирсанг ватандан бир ҳовуч тупроқ.*

*Олиб бор,  
Минг карра бадал оласан,  
Биров олтин берар,  
Биров лаъл-гавҳар.*

*“Бир ҳовуч”... айтишига нақадар осон,  
Она тупроқ беҳад оғир, биродар...*

*Ҳовучим тўлдирдим,  
қўлларда титроқ,  
Вақт мисоли оқиб, тўкилди тупроқ...  
Кафтимида Кура, Араз шиддати,  
Кўзимда Савалан ростлади қаддин.*

*Кўрдим бир дунёдир, сизмайди кафтга,  
Унингдир умидим, орзум, ризқ-рўзим.  
Мен ундан бир ҳовуч қандоқ олайин,  
Ахир, бир ҳовуч хок қарздорман ўзим?!*

## **Воқиф ЖАБРОЙИЛЗОДА**

(1949 йилда туғилган)

### **ТОҒЛАРНИНГ У ТОМОНИДА**

*О жоним йигитлар,  
Кўзим арслонлар,  
Дор оғочига осилганлар  
Чўзила-чўзила  
Оёқ бармоқларнинг учидан  
Илдиз отдилар тупроққа.*

*Ўғиллар  
Дор оғочидан чўзилганда тупроққа  
Туманли тоғларнинг у томонида  
Нораста болалар куч йиғардилар  
Ҳовлидаги қора тошларни суриб.  
Болалар ҳам куч йиғиб  
Илдиз отдилар тупроққа.*

*Ўғиллар  
Дарахт бутоқларидек  
Ён-ёнга ёйилганда  
Туманли тоғларнинг у томонида  
Оптоқ-оптоқ келин – тераклар  
Ғамли-ғамли боқардилар оналарга.*

## Фикрат МУРСАҚУЛОВ

(1955–1989)

### ТАСАЛЛИ

Ўқиб-ўқиб,  
ёзиб-ёзиб,  
Нур алифбосин ўргатмоқдаман  
бармоқларимга.  
Хуш кўрдик, кўзларим,  
хуш кўрдик!

\* \* \*

Таралган куйларнинг бир қўли кесик,  
Юқори пардалар гам қанотинда.  
Ул чаман сафоси, осмон говури,  
Хунграйди кўксимда қафас ортинда.

Қориб аламига умидини ҳам,  
Кўзлайди қўшиғи ёруғ кундузни.  
Бир он кўрсам, дейди, ўлимдан аввал,  
Бир гул гунчасини, осмон юзини.

### Аёз АРАБАЧИ

(1967 йилда туғилган)

### КУЗ ОҚШОМИДА...

Бу куз оқшомида нарғиз атри бор,  
Уфуриб шошқалоқ кўклардан келди.  
Кел, ҳеч бўлмаса сен сўрма, қалбимга  
Совуқ кунда баҳор қайлардан келди...

Кўнглим чечак очар шаббодалардан,  
Овозинг ёмғирдек синггар жонимга.  
Илк ишқнинг саргайган мактуби каби,  
Чинор япроқлари тушар ёнимга.

Ўтдим богингиздан, ойна тагидан,  
Орзумнинг сарҳади, девори йўқдир,  
Юзимга икки ой боқди бу кеча,  
Булут киприкларнинг хабари йўқдир.

*Менинг сўзларимга лаб бурар эдинг,  
Боқ, куз ҳам баҳордек билар қадрингни.  
Ахир, сендан бошқа ким келтирарди,  
Бу куз оқшомида нарғиз атрини.*

## Улвий Юсуф ЎҒЛИ БУНЁДЗОДА

(1969 йилда туғилган)

\* \* \*

*Мен ёнгандим ўтда бир кун  
Сен ҳам тушасан, ёнасан.  
Айланиб бир оқ каптарга,  
Келиб елкамга кўнасан.*

*Ёшлик эди бошида тожим,  
Энди оппоқ бўлди сочим.  
Сен, эй, кўзлари қийғочим,  
Қўлимга кўнган хиносан.*

*Дедим: “Гулим, кетма зинҳор,  
Бахтим, ётма, бўлгин бедор,  
Бу дунёдан кетишим бор”,  
Нега сен ишглаб ёнасан?*

*Бу савдодан жўшиди қоним,  
Юракда қайнар армоним.  
Сен ўзгага эмас, жоним,  
Бир Улвийга жононасан.*

### ХОТИРАЛАР

*Шаби ҳижрон етган сари,  
Қочиб бўзлар хотиралар.  
Висол умри битган сари  
Яхлаб-музлар хотиралар.*

*Умрнинг гўзал онидан,  
Ҳаётнинг қийлу қолидан,  
Ёрнинг ҳажру висолидан  
Нелар сўзлар хотиралар.*

*Қайтар хаёл илк йилларга,  
Илҳом берар кўнгилларга.  
Узун-узун бу йўлларга  
Солур излар хотиралар.*

Элдор БОХИШ

(1947 йилда туғилган)

### ҚИЙИНИ

Қийини – онадан туғилмоқ,  
онадан туғилдингми,  
ҳар ҳолда, улғаярсан  
бу ер юзида,  
жоним Маммад, кўзим Маммад.

Қийини – улғаймоқ,  
улғайдингми,  
китоблар беришар қўлингга,  
ўтириб тинимсиз ўқиб чиқасан.

Қийини – китоб ўқимоқ,  
китоб ўқидингми,  
сева бошлайсан.

Қийини – севмоқдир,  
севдингми,  
боланг туғилар.

Қийини – боладир,  
боланг туғилдимми,  
жоним Маммад, кўзим Маммад,  
онадан туғилганинг  
чиқар ёдингдан...  
Жоним Маммад, кўзим Маммад,  
қийини – онадан туғилмоқ.

## Наби ҲАЗРИЙ

(1924–2007)

Озарбайжон тилидан  
ЎКТАМОЙ таржумаси

\* \* \*

Истасам тушингга кираман сени,  
Кираман денгиз каби.  
Юзингга инжулар сочаман сени,  
Сочаман денгиз каби.  
Йўлингга шафақлар сепаман ҳар дам,  
Сепаман денгиз каби.  
Истасанг юзингдан ўпаман ҳардам,  
Ўпаман денгиз каби.  
Исмингни қалбимнинг соҳилларига  
Ёзаман денгиз каби.  
Сўйласанг бир оқиом севаман дея  
Чанқадим денгиз каби,  
Чанқайман денгиз каби.

\* \* \*

Дунёда ҳаловат истамадим мен  
Куёш каби порла  
Саҳар каби кел.  
Шамолдек руҳима келмоқ истасанг  
Сен ойли, юлдузли еллар каби кел.  
Саҳро қучогинда чанг тўфонлари  
Мен боқдим оқиомдан саҳарлар каби.  
Саҳро оқ йўлинг-ла қақшонларин  
Порласин ҳар юлдуз хотира каби.  
Кел, қиш кечасинда,  
Ёзнинг тонгида,  
Денгизни шамолдан айириб бўлмас.  
Сўнгсиз коинотнинг уфқларида  
Сен висол вақтини чақмоқлар-ла ёз.  
Билсанг, тингловчиман, сени тинглайман,  
Сен менинг ишқимда, юрагимдасан,  
Шу қадар еллар бор, мен сеникиман,  
Шу қадар денгиз бор, сен меникисан.

## Ислом ТУРКОЙ

(1950 йилда туғилган)

Исламнинг оғиб кетгани  
Ушунга жўдан ПО

### СЕВГИМ МЕНИ ҒАНИМ БЎЛДИ

Менга қолган оғриқ аччиқ  
Севгим мени ғаним бўлди.  
Ишқим мени дор оғочим  
Севгим мени ғаним бўлди.

Қояда битган чинорим,  
Ер қатидир шошган жойим,  
Қиличдек кесдим қиним,  
Севгим мани ғаним бўлди.

Кўкрак кердим тўфонларга,  
Умид боғладим баҳорга,  
Орзуларим осди дорга,  
Севгим мани ғаним бўлди.

### ОЙХОННИНГ САВОЛЛАРИ

Ота, бу ерда ётарсан  
Кўзлар қошининг соясинда.  
Ақл бошининг соясинда  
Овқат тишининг соясинда.  
Орзу ишининг соясинда  
Ер қуёшининг соясинда,  
Сувлар кўкнинг соясинда  
Яхши, унда менга айт-чи,  
Қуёш ненинг соясинда?...

Соям ўзимдан катта  
Сояси улкан бўлганлар  
Боламикан?

Тоглар ўзимдан катта  
Кўзларимга қандай сизар  
Ботирмикан?

Ёруғликни кўрган каби  
Соялар қочар яшириниб  
Қочоқмикан?

## СОЯЛАР

Яна кўксим ёнди, сийнам ўт олди,  
Келтирдим кўкларнинг рангин сасини.  
Бу кеча меним-ла сўзлашди соям,  
Ёздим сояларнинг фожиясини.  
Дўстларнинг кўпидан вафолидир у,  
Ҳамиша ёнимда менга таянар.  
Дунё ишларидан хабардордир у,  
Орқамдан эргашир, ўтимда ёнар.  
Ҳасрат бор нурларнинг тўкилишидан,  
Кўрганда яширнар уялган каби.  
Бўй чўзиб оқариб сўкилганда тонг  
Нурнинг орзусида мен ёнган каби.  
Бордир соясига бўйин эгганлар,  
Соя бор ўзини инсон санайди.  
Юзимга сўзини айтолмаганлар  
Орқамдан соямга қилич солади.

## СЕНГА НИМА ҚИЛДИМ

Сенга нима қилдим, дейман кўнглимга,  
Ахир сен туфайли кечганман ўтдан.  
Фақат юрагимни асрамоқ учун  
Ўзликдан кечганман, кечдим субутдан.  
Сени бир нур билиб учдим елингга,  
Алдандим алдоқчи ялтоқ сурларга.  
Ишондим тилига, тушдим қўлига,  
Мендек оворалар изгир чўлларда.  
Ҳамон умид яшар қайтгум ўзимга,  
Яхшиям найим бор, ёлгонлар – ёлгон.  
Оёқ остидаги бир тош ҳайкалман,  
Фақат қалбимгина соғ-омон қолган.  
Ҳар қадамда мени жоним оласан,  
Бегона кўзида ёшига айландим.  
Малак либосида қора ёлгонсан,  
Қаршингда ҳасратдан тошига айландим.  
Яшайвер, юрагим шу тош қафасда,  
Ўзим ўз ичимда тутқунман ҳамон.  
Тушиб орзуларнинг қўлига аста,  
Хаёллар бағрида уйғоқ бир замон.  
Сенга тош керакми сарҳад қуришига,  
Қўлларим тош қотди, берганман сенга.  
Тегмагин, паноҳим – бир юрагим бор,  
Тош қотса, инонки, тоғни йиқитар.

## Рустам БЕХРУДИЙ

(1957 йилда туғилган)

### МЕНДАН ХАБАРСИЗ

*Руҳим вужудимда азият чекар,  
Тилимда сўзларга чеврилар оҳи...  
Гуноҳкор жонимда, мендан хабарсиз,  
Қафасда қолгандир руҳим, Оллоҳим!*

*Гуноҳкор жонимда гуноҳсиз руҳим  
Негадир ҳамшиша кўкларга боқар.  
Не учун мени тинч яшашга қўймас,  
Мен ҳам ўзгалардек одамман, ахир!*

*Мен ҳам ўзгалардек одамман, ахир...  
Менинг ҳам жонимда ҳасрат, севги, гам...  
Бу маскан қайғуси, бу уй, бу фарзанд,  
Наҳотки руҳимга қўшилиб учсам.*

*Наҳотки қўшилиб учсам руҳимга...  
Юксалсам, покласа мени бу фалак.  
Мени қўйиб юбор, гуноҳкор жоним,  
Покликдан не учун қўрқасан, юрак?*

*Не учун қўрқасан покликдан, юрак,  
Нега одамларнинг икки юзи бор?!  
Бу дунё, у дунё ўзидан қочар,  
Гуноҳ ичидадир ер юзи бисёр.*

*Эй руҳим, яшама гуноҳ ичида...  
Шундоқ ҳам юзларинг қанча саргайди.  
Эй, мени ўлдирмоқ истаган одам,  
Руҳим фалакдадир, жоним алдайди.  
Руҳим вужудимда азият чекар,  
Тилимда сўзларга чеврилар оҳи.  
Гуноҳкор жонимда, мендан хабарсиз,  
Қафасда қолгандир руҳим, Илоҳи!*

### ЭЙ САРГАРДОН ЮЛДУЗЛАР

*Тавба, дуо тугамас,  
Тангри ёзган бу бахтни.  
Жаҳаннамнинг эшиги  
Менга кўндан очикдир.*

Тақдирнинг ёзуғи – бу,  
Дейман менда не гуноҳ.  
Эшиқларин, хўш, нега  
Юзимга ёпмиш Оллоҳ?

Малаклари алдади,  
Ёзайми янги ёзуқ,  
Кўрсинлар қандай бўлар  
Яратганнинг ёзгани.

Мендан юзин ўгириб  
Ҳолимга боқиб кулар.  
Кўк юзида Яратган,  
Заминда биз – бандалар.

Бош-охир сизникиман,  
Менинг ахир, кимим бор?  
Эй, қунишган совуқ Ой,  
Эй саргардон юлдузлар.

## **ВАТАН**

Қаршимдаги улкан тоғу яйловим,  
Адирлари, ўрмонлари ўйловим,  
Эгилмаган чинорлари байрогим  
Ватан!

Бир бор қара севгим тоза, покмиди,  
Ҳар туғилган ўғиллари эрмиди,  
Тошларимга ёздим минг йил дардимни  
Ватан!

Манглайимга Араз қора ёзувдир,  
Варақ йўл узоқдир, қор аёзидир,  
Каркўкдир, Кўкчойдир, Қора ёзидир  
Ватан!

Ҳар азоблар, ҳар оғриқлар ўтади,  
Кўл узатсам Арзуримга етади,  
Фузулийнинг мозори ҳам ватандир,  
Ватан!

Менга юз бур юртда ўчоқ қурганда,  
Турон дея Бўзқурд каби турганда,  
Охириг йўқ айланмасанг туронга,  
Ватан!

*Менинг отим ё бирликдир, ё қондир,  
Золим дўстлар қабул этинг бу онтни,  
Шўрлик бошим бу йўлларда қурбондир  
Ватан!*

## ЗАМОН МЕНИ ЎЛДИРАДИ

*Мендан адабиёт кутган инсонга*

*Югур, сўзим югур тезроқ,  
Олиб бориб бир ёнга от,  
Обор, йўқса ҳақни мenden  
Кутган мени ўлдиради.*

*Денгиз билар, у тоғ билар,  
Сийнамдаги у доғ билар,  
Тоши кўчган ўчоқ билар,  
Гумон мени ўлдиради.*

*Минг йилки менга тикилган  
Айт, не қилай кўзларимга.  
Руҳим узра отиб келган  
У тонг мени ўлдиради.*

*Мендан келди бир айрилик,  
Гуноҳимни устимга йиқ,  
Оҳ мен шўрлик қора ёзуқ,  
Бу жон мени ўлдиради.*

*Туганмас ҳеч менинг ўйим,  
На олганим, на берганим.  
Юз йил душманга бердигим  
Бир кун мени ўлдиради.*

*Қон гупурар, қон яна қон,  
Қон ичида сўзар Турон,  
Тангрим бир вақт ерда қолган,  
Бу қон мени ўлдиради.*

*Мен на қилич, на қиндирман,  
Текис йўлда сирпанганман.  
Бориб Оллоҳга сизиндим  
Бу он мени ўлдиради.*

*Ҳақ ишидир, ишим, тайин,  
Юксакдан тушишим қийин.  
Мен замонни ўлдираман,  
Замон мени ўлдиради.*





**АНОР**  
*Озарбайжон халқ ёзувчиси*

## АЛБАТТА, УЧРАШАМИЗ!..

*Ҳикоя*

*Озарбайжон тилидан*  
*Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ*  
*таржимаси*

*Илдениз КУРТУЛАН<sup>1</sup>га бағишлайман*

- Алло! Жейран хоним, салом! Мен...
  - Салом, афанди... Яхшимисиз?
  - Раҳмат, яхши. Ўзингиз қалайсиз?
  - Бари кўнгилдагидек...
  - Жаноб ректор билан гаплашсам бўладими?
  - Афсуски, бунинг иложи йўқ, ректор – йиғилишда...
  - Кеча сиз... эртага кўнғироқ қилинг, деб айтган эдингиз...
  - Ҳа, шундай дегандим.
  - Жаноб ректорга у киши билан учрашувим ҳақида илтимосимни етказдингизми?
  - Албатта-да, афанди! Нега айтмас эканман.
  - У нима деди?
  - Сизга катта салом айтди, “Албатта, учрашамиз”, деб ваъда берди.
  - Қачон?
  - Эртага тушдан кейин кўнғироқ қилинг, мен, албатта, у киши билан улаб бераман.
  - Катта раҳмат.
  - Арзимаёиди. Кўнғироқ қилганингизни ректорга, албатта, айтаман.
- Саломат бўлинг.
- Соғ бўлинг.
  - Хайр.

Куз кунлари бўлишига карамай, Истанбул худди баҳордай, балки ундан-да гўзал эди. Дарахтлар танаси ҳамон кўм-кўк-у, аммо барглари сарғайиб улгурганди. Дарахтлар сариқ камзул ва яшил юбка кийиб олганга ўхшарди. Тилларанг барглар шохчалардан қушлар каби учарди. Босфор кемалар билан тўла эди. Сувга кармоқ ташлаб ўтирган “балиқчилар” бахтиёр эди.

<sup>1</sup>*Илдениз Куртулан* – Турк ёзувчиси, Анор асарларининг таржимони.

Ёнгинамда ок “Мерседес” тўхтади.

– Салом, дўстим! – деди менга машинадаги киши. – Кўришганимиздан хурсандман.

– Салом, Кўркмасбек! Тасодифий, аммо ғоят ажойиб учрашув.

– Йўл бўлсин?

– “Конрад” меҳмонхонасига.

– Жуда яхши. Мен ҳам ўша томонга кетяпман. Ўтир, йўл-йўлакай гаплашиб кетамиз.

Мен машинага – унинг ёнига ўтирдим, хавфсизлик камарини боғлаб олдим.

– Қалайсан, дўстим? Учрашганимиздан жуда хурсандман... Озарбайжонда бўлаётган воқеалардан жуда хавотирдаман. Ҳозир у ерда вазият қандай?

– Вазият...

– Биламан, афандим, жуда яхши биламан. Буларнинг ҳаммаси империалистларнинг иши. Биласанми, супермагнатлар бутун дунёни ўз измига солмоқчи. Мана, энди Озарбайжон нефтига ҳам қўл чўзаяпти. Шунақа, афандим. Гўзал Бокумиз қай аҳволда?

– Биласанми...

– Ҳа-ҳа, афандим, биламан, мен чин қалбдан яхши кўрадиган Боку – бугун олдингидай эмас, аввалги гўзаллиги йўқ. Денгиз соҳилидаги ресторанда осетр балиғи еганларимиз эсингдами? Ароқ ҳам ичган эдик. Қандай маза қилгандик... Ўшандан бери қанча йиллар ўтиб кетди-я...

– Ўн йил бўлди. Биласанми, ҳозир Қорабоғда...

– Тушунарли, азиз дўстим, Қорабоғ воқеаларидан қаттиқ хавотирга тушдим. Сэм тоға бутун дунёни сотиб олмоқчи. Афсуски, Туркия ҳам ҳеч нарса қилолмаяпти... Аммо ишон, дўстим, Озарбайжонга дахлдор ҳар бир воқеа, ҳар бир нарса, ҳатто оддий бир тош ҳам қалбимни тирнайди!

– Ҳамдардлигинг учун ташаккур. Булар армани босқинчилари...

– Биламан, ҳаммасини биламан. Аммо бу ерда арманиларнинг айби йўқ... Империалистлар уларни мажбур қилмоқда... Улар ўз манфаати йўлида бутун дунёни қонга бўяшга ҳам тайёр. Кореяда шундай бўлмадими?! Вьетнамда-чи, Афғонистонда-чи?!

– Афғонистонга биринчи бўлиб советлар кирди-ку!

– Йўқ, афанди, буларнинг ҳаммаси империалистларнинг иши. Уларнинг мақсади – советларни йўқ қилиб, Американи ягона қудратли давлатга айлантириш ва бутун дунёга хўжайинлик қилиш эди. Сизларнинг, озарбайжонларнинг ҳам айбингиз оз эмас. Сизлар миллатпарастликка, туркпарастликка эмас, пролетар интернационализмига суянишингиз лозим эди. Мао айтгандики...

– Биз етмиш йил пролетар интернационализмига суяндик. Оқибатда йигирма фоиз еримизни босиб олишди. Бу борада биз ёлғизланиб қолдик.

– Йўқ, дўстим, ундай эмас. Бутун дунё пролетарлари бир-бирини қўллаши керак. Ким Ир Сен айтгандики...

– Бу “Мерседес”ни қачон олдинг? Олдинги машинанг ҳам хорижники эди чамамда?

– Буни яқинда олдим. Олдингиси “Рено” эди. Ундан бу яхшироқ, нима дединг?

– Зўр!

– Ҳа, капитализмда одамнинг кўзини кўр қилиб қўювчи нарсалар жуда кўп. Ҳайратомуз машиналар, мухташам мехмонхоналар, турли-туман моллар тиқилиб ётган супермаркетлар... Аммо ҳаммаси ёлғон, одамларни алдаш, эксплуатация қилиш учун ўйлаб топилган ўйинлар... Афсуски, сизлар ҳам шу йўлни танладиларинг...

– Биз ҳали ҳеч қандай йўлни танлаб улгурмадик. Вақт йўқ. Уруш...

– Албатта. Озарбайжон ҳозир қанақа ахволдалигини яхши биламан. Қорабоғ ўзи қаерда, Арманистоннинг жанубидами ёки шимолида?

– Қорабоғ Арманистонда эмас, Озарбайжонда.

– Ҳа, ҳа... тўғри, тўғри... Аммо, биласанми, коммунизм бутун дунёда тўла ғалаба қозонганда, чегара деган нарса бўлмайди. Озарбайжон, Арманистон ва ўша Қорабоғ бирлашиб кетади, мамлакатлар ўртасидаги фарк йўқолади. Капитализм таг-томири билан бартараф этилади. Маркс 1848 йил март ойида нима дегани эсингдами?

– Маркс қайсидир йил март ойида нима дегани эсимда йўқ, бироқ шу йил март ойида минглаб озарлар ўз уйларида, ўз заминидан қувилди, корли тоғларда совуқдан музлаб қолди, ўлди... Сизлар, “сўллар”, Маркснинг “неваралари” лоақал бир қараб ҳам қўймадиларинг...

– Ҳақсан, биродарим, ҳақсан. Аммо, биласанми... Африкада, Жанубий Америкада ҳар куни минглаб одамлар ўлади. Агар биз Озарбайжон воқеаларига бош қўшсак, янаям фаолроқ аралашсак, бу иркий бирдамлик, туронизм, фашизм сифатида қабул қилиниши мумкин...

– Дахшат! Ҳимоясиз, айбсиз одамларни, аёлларни, болаларни ўлдириш – фашизм эмас, аммо бундай қабоҳатга қарши чиқиш фашизм бўлса?! Бу қанақа сиёсат, қанақа адолат?!

– Сен ҳақсан, фақат асабийлашма. Албатта, бу масалада биз ўз муносабатимизни билдиришимиз керак. Бироқ, яхшиси сенга минбар берайлик: сен бизнинг “Ишик” газетаси учун ҳар куни битта мақола ёзиб бер. Нима дейсан бу таклифга?

– Ҳар куни битта мақола ёзиб улгуролмайман. Ҳафтада битта бўлса, розиман.

– Йўқ, йўқ, ҳафтада битта мақола бўлмайди. Ҳар куни ёзиш керак, ҳар куни. Дарҳол кириш бу ишга. Бугун кечқуруноқ ёз. Эрталаб ўзим келиб олиб кетаман мақолани. Бундан ташқари махсус теледастур уюштирамиз. Тўрт-бешта каналда.

– Жуда кўп-ку, биттаси ҳам стар.

– Йўқ-йўқ, ундай дема. Беш-олтита каналда чиқсанг, яхши-да. Сен ташвиш чекма. Ҳаммасини ўзим ташкил қиламан. Барча каналларда кадрдонларим бор.

– Бўпти. Воқеалар, масалалар шундай кўпки, уларни батафсил тушунтириш керак... Нимадан бошлашни аниқлаб олиш зарур...

– Тўппа-тўғри. Аввал гапни нимадан бошлашни аниқлаб олиш лозим. Эртагаёқ киришамиз. Шошма-шошма... Ё Оллоҳ, эртага мен Америкага учушим керак-ку. Флоридада, Майами-Бигда “Империализмнинг ҳалокати ва коммунизмнинг тантанаси” мавзусида конференция бўлади. У ердан Швейцарияга учаман. Женевада “Капитализм – ҳалокат ёқасида” деган симпозиум бўлади. Кейин Багама оролларида “Капитализм сўнгги нафаси билан яшамокда” деган мавзудаги форумда иштирок этишим керак. У ердан уйга қайтаман. Чоршанба куни сен билан қўнғироклашамиз.

Келишдикми? Менга телефон рақамингни бер-чи... “Конрад”да ким билан учрашасан?

– Ҳожи Зокирбек билан...

– Нима? Азизим, бу чаласавод мулла билан учрашишга ким, нима мажбур килди сени? Ахир у диний фанатик-ку. Консерватор, у ЦРУнинг одами. Араб шайхларининг маблағига “Ана топрак” деган газета чиқаради. Бунинг устига кип-кизил капиталист, “Ҳожи Зокир” деган совун ишлаб чиқаради. Фабрикасида минглаб камбағал ишчиларни ишлатади, уларнинг миясига ўзининг эскича илмини қуяди. Қаердан танийсан уни?

– Бокуда танишган эдик. Ҳамкорликда фильм ишлашни таклиф этди.

– Оббо ярамас-эй. Бу лўттибоз энди фильмга ҳам бош сукиптими. Библиб қўй, унинг ҳамма гаплари ёлғон, нукул ваъда беради, лекин ҳеч нарса бажармайди. Бирон амалий иш ҳақида гап бошласанг, дарҳол “Узр, намоз ўқийдиган вақтим бўлди”, деб ўзини олиб кочади. Учрашсанг, кўрасан. Аммо ҳеч қачон унга ишонма... Мана, меҳмонхонангга етиб келдик. Учрашгунча.

– Демак, чоршанбагача...

– Нима? Чоршанбагача? Ҳа-ҳа, тўғри... Албатта, учрашамиз! Омадингни берсин.

– Хайр.

Мен машинадан тушдим. “Мерседес” шитоб билан жўнаб кетди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Мен ўйланиб қолдим, коммунист бўлиб капиталистларча яшаш ҳам ёмон эмас экан.

Меҳмонхона эшиги олдида турган Ҳожи Зокир менга қараб қўл силкиди. Меҳмонхона гавжум эди. Эркаклар фрак кийган, аёллар – елкаси очик кўйлақда. Қимматбаҳо узуклар, билакузуклар, зебигардонлар кўзни камаштиради. Вестибюлни турфа атир хиди тутган. Ҳожи Зокирдан бошқа ҳамма эркак галстук таккан.

– Хуш келибсиз, марҳабо, – деб кутиб олди Ҳожи Зокир мени. – Ишларингиз қалай?

Турли ичимликлар кўтариб официант келди.

– Нима ичасиз? – сўради Ҳожи Зокир. – Биласиз, мен ичмайман. Бу ерга “Мерседес”да ким олиб келди сизни? Кўркмас Деврим эмасми?

– Ҳа, ўша.

– Азизим, у – Москванинг айғоқчиси-ку, бу лўттибозни қаердан танийсиз? Ахир, КГБ агенти-я! “Ишиг” деган газетача чиқаради, русларнинг пулига. У нима ҳақда ёзмасин – ҳаммаси ёлғон, тухмат... Ҳай, майли... Озарбайжонда ахвол қалай, жоним?

– Озарбайжонда...

– Биламан, жоним... сизлар ҳақингизда ўйласам, юрагим кон бўлиб кетади... Эсингиздами, бир йил олдин Бокуда бўлганимда ўша пайтдаги ҳокимият раҳбарлари билан бир шартнома тузишни келишган эдик. Боқунинг барча кўчаларини совун билан ювиб чиқишим мумкин...

– Керакмикан шу? Ёмғир ёғса, одамлар совунда сирпаниб, бирон жойини синдириб олиши мумкин.

– Вой, жоним, нақадар хазилкашсиз-а! Аммо, нима десангиз ҳам, у ерда совун чиқарадиган завод курсак, ёмон бўлмасди. Афсуски, ҳокимият ўзгариб, режаларимиз амалга ошмади. Ҳозирги савдо вазири қанақа одам? Биласизми, танийсизми уни?

– Йўк.

– Афсус. Агар таниш бўлсангиз, бу хайрли ишга бош қўшармисиз, деб ўйлаган эдим. Хафа бўлманг, лекин Озарбайжондаги вазият мени каттик ташвишга солади. Улар қанақа мусулмон, ахир, азизим?! Намоз ўқимайди, рўза тутмаса. Аёллар юзини очиб юрса, хижоба кирмаса...

– Мен атрофга разм солдим.

– Бу ердаги аёлларнинг кийинишига эътибор бердингизми?..

– Эй, афандим, бизнинг мамлакатимизни ҳақ йўлдан оздиришди. Оллоҳ бу ишларни жазосиз қолдирмайди! Мана, оқибатини кўриб турибсиз – ярим яланғоч аёллар. Эътибор қиялпсизми, эркаклар уларга қандай сук билан қарамоқда? Энг катта гуноҳ мана шу: бировнинг хасми ҳалоллига ёмон ниятда боқиш. Мен ҳам эркакман, лоакал кўзимнинг кири билан уларнинг биронтасига қарадимми? Йўк. Қажоқ ҳам шошардик! Булар нима бўлибди. Жаннатда шундай соҳибжамоллар хизматимизда бўлади-ки... Шундай эмасми? Бу ёлғон дунё лаззатларига алданмаслик керак. Барча роҳат-фароғат – исломда. Шундай эмасми?

– Шундай, афандим.

– Икки йўл бор: ё исломнинг барча шартларини бажарасан – намоз ўқийсан, рўза тутасан, ҳажга борасан ёки буларнинг баридан воз кечасан-у, очик-ошқора тан оласан – мен мусулмон эмасман, мен ўрисман, грек ёхуд арманиман, дейсан. Дарвоқе, Арманистоннинг савдо вазири келди бу ерга. Биз у билан жуда яхши шартнома имзоладик. Ереванда катта совун заводи қурамиз. Зора, уларнинг калласи жойига келса, кўзи очилса, бизлар, яъни мусулмонларсиз ҳеч нарса қила олмаслигини англаб етса. Биз чиқарадиган совунда яхшилаб ювиниб, покланиб олсин... Барибир кирлигича қолаверади... Мусулмон одамга битта совун бир ойга етади, кофирларга ўнта совун ҳам камлик қилади. Чунки улар жуда ифлос бўлади... Шунинг учун Ереванда гигант совун заводи қурмоқчимиз. Афсуски, Бокуда бирон нарса қуришнинг иложи бўлмади-да. Нима деб ўйлайсиз, ҳозирги ҳокимият раҳбарлари узок ўтиришармикан?

– Билмадим... Мени совун ишлаб чиқариш, умуман, бизнес соҳасида ҳеч қандай қизиқишим ҳам, манфаатим ҳам йўк. Эсингизда бўлса, Бокуда сиз билан ҳамкорликда фильм ишлаш ҳақида гаплашган эдик.

– Нималар деяпсиз, азизим? У суҳбатни эсимдан чиқаришим мумкин эканми?! Кечаю кундуз ўша режа ҳақида ўйлаб юрибман. Режани амалга ошириш йўлларини кидиришман. Акиро Куросава деган япон режиссёри бор. Балки эшитгандирсиз?

– Эшитганман.

– Ўшани таклиф қилмоқчиман. Сценарийни сиз ёзасиз, албатта. Пули – мендан. Маблағ масаласида ҳеч нарсани ўйламанг. Аммо мен халқаро микёсдаги фильм бўлишини истаيمان. Хўш, нима дейсиз, қўлимиздан келармикан?

– Ҳаракат қиламиз.

– Фильмнинг номини ҳам ўйлаб қўйдим: “Тозаланиш”. Одамларни тортадиган, қизиктирадиган, янгича ном, тўғрими?

– Мавзуси-чи?

– Ҳозир тушунтираман. Бирмунча ёш, аммо билимли мулла эзгу ният, очик қалб билан қишлоққа келади. Қишлоқ – қоқоқ, ҳаммаёқ ифлос, бало-қазоларга қўмилиб кетган. Ҳеч ким намоз ўқимайди, рўза тутмайди.

Ёш мулла иккита хайрли ишни амалга оширади: одамларни ҳақ йўлига бошлайди, мачитга чорлайди, намоз ўқишга, рўза тутишга даъват этади. Иккинчиси – кишлокни совун билан тўлдиради.

– Табиийки, “Ҳожи Зокир” фирмасининг совунлари билан...

– Албатта-да. Бу – кишлок одамлари учун энг маъқул совун. Мана шу ерда масаланинг энг нозик ва муҳим жихати акс этади. Мулла одамларни ҳақ йўлига даъват этиш билан уларнинг қалбини, совун билан эса баданни тозалайди. Қалай?

– Билмадим... Ўйлаб кўриш керак.

– Ўйланг. Куросава ҳам ўзининг ақли, истеъдоди билан ғоямизни бо-йитади. Фильмнинг финалига шундай нарса ўйлаб қўйдимки, сиз ҳам, Куросава ҳам дод деб юборасизлар.

– Хўш, қанака яқун экан?..

– Табиийки, кишлокда ёш мулланинг душманлари ҳам пайдо бўлади. Улардан бири муллага ўқ узиб, ярадор қилади. Мулланинг онаси ўғлига шифо тилаб дуо қилади-ю, мулла омон қолади. Фильм финалида мулла тиббиёт ҳамширасига бундай дейди: “Менинг ярамни фақат “Ҳожи Зокир” совунлари билан ювишингизни илтимос қиламан!” Қалай?

– Ажойиб! Ғоят гўзал ва ҳайратланарли! Аммо, афсуски, мен бундай фильмга сценарий ёза олмайман, кучим етмайди.

– Нега энди?

– Сабаби кўп. Менда бошқа таклиф бор: келинг, мусиқали фильм ишлаймиз. Сефиаддин Урмавий ҳақида.

– Сефиаддин ҳақида? Ким у?

– Ижодкор, устод...

– Сефиаддин... Яхши исм... “эътикод поклиги” маъносини беради. Сезаяписми, барибир, совун билан боғлиқлик талаб қилинмоқда, шундай эмасми?

– Озгина фарқи бор. Сефиаддин мусикачи, композитор бўлган, Озарбайжон мусикасининг отаси ҳисобланади.

– О, сизларнинг мусиқангиздан беҳад мутаассирман! Жони-дилим билан тинглайман! “Тоғлар қизи Райҳон, Райҳон...”. Ажойиб! Озарбайжон оҳанглари – мўъжиза. Шундай эмасми?

– Ҳа, бизнинг мусикамиз бебаҳо, бетакрор.

– Аммо... Бунинг илдизи қаерда, нимада, биласизми?

– Бу халқ истеъдодининг маҳсули.

– Йўқ, ундай эмас. Илдизи мутлақо бошқа томонда. Руслар сизларнинг бошингизни айлантирган. Улар шундай қилганки, сизлар бутун ўй-хаёлингизни, истеъдод ва салоҳиятингизни мусикага қаратгансиз, армия, жанг ҳақида мутлақо ўйламай қўйгансиз. Сизларнинг бугунги мағлубиятингизнинг асл сабаби ана шунда.

– Кечирасиз-у, истеъдодли мусикачилар бўлиши истеъдодли аскарлар бўлишига халақит бермас?

– Жуда беради-да!

– У ҳолда, айтайлик, немисларда нима учун қудратли армия ҳам, бетакрор мусика ҳам бор? Бах, Бетховен, Моцарт...

– Йўқ, йўқ! Булар ҳаммаси фақат гап! Булар ҳам ўшаларнинг уйдирмаси. Мени маъзур тутасиз, душманларимизнинг “ўйинлари” ҳақида ҳикоя қилувчи фильмга мен пул беролмайман.

– Сефиаддин XIII асрда, мўғуллар bosкинчилиги даврида яшаган...  
– Шунаками? Демак, узок XIII асрда ҳам мусикага берилган экансизларда. Мўғулларнинг қўли баланд келганининг сабаби бу ёқда... Ҳай, майли. Хафа бўлманг, бирон нарса ўйлаб кўрармиз... Мени кино оламида танишларим жуда кўп. Ички кийимлар ишлаб чиқарадиган фабрика эгаларидан ҳамкорларим бор. Дин нуқтаи назаридан тоза кийимлар ишлаб чиқариш бўйича фильм ишланса, ўйлайманки, яхши картина бўлади. Шундай эмасми?

– Эҳтимол...

– Майли, ташвиш чекманг. Мен сизга чоршанба куни кўнғирок киламан. Сизнинг телефон рақамингиз бор менда. Кечирасиз, хайрлашишга мажбурман: намоз вақти бўлиб қолди. Албатта, учрашамиз!

\* \* \*

– Алло. Салом, Жейран хоним! Мен...  
– Танидим сизни, салом. Қалайсиз?  
– Раҳмат, хаммаси яхши. Жаноб ректор билан учраша оламанми?  
– Афсуски, иложи йўқ... у киши йўқлар...  
– Қаерда?  
– Шаҳар ташқарисига чиқиб кетганлар, дам олишга.  
– Қачон қайтади?  
– Байрамдан кейин. Ўн кунлардан сўнг қайтсалар керак.

\* \* \*

Мен Гаракёй сохилига бордим. Бу ерда балиқ сотувчилар қатор бўлиб олган. Сохилнинг нариги тарафида ҳам савдо-сотик авжида. Ўзидан катта қопларга суяниб олган рус аёллари шу ердан – Истамбулдан сотиб олган нарсаларини – соат, турли такинчоклар ва бошқа буюмларни мактаб сотарди. Улуғ рус тилини яхши ўзлаштирмаган харидорларга бақиради: “Нима бало гарангмисан, рус тилини тушунмайсанми? Уч минг дедим, вассалом. Уч минг лира, тушундингми?”

Деворга кирилл алифбосида ёзилган лавҳа осилган: “Русский дом. Ресторан “Миша”.

Висоқкийнинг бўғиқ овозда куйлаган ашуласи кулокни қоматга келтиради. Бошқа томонда замонавий туркча ашула жаранглайди.

Мен Гаракёйдан Гадиқейга борадиган теплоходга чиқдим. Ҳар доим Босфордан ўтиш чоғида палубага кўтариламан. Чунки у ерда чекиш мумкин, салонда рухсат берилмайди. Бу ердан Босфор кенгликларини, Истамбул панорамасини томоша қилиш имконияти бор. Кўриб, кўзинг тўймайди. Мовий денгиздан эсаётган салкин шабада – жонга роҳат. Афсуски, бу гал палубада бундай роҳатдан баҳраманд бўлиш насиб этмади. “Бешикдаш” футбол командасининг мухлислари сеvimли командаси Голландиянинг “АЯКС”и билан дуранг ўйнагани шарафига труба, барабан чалар, раксга тушар, сакрар, тинмай бақир-чақир қилар эди.

Палубада ҳаво ҳар қанча яхши бўлса ҳам, бу шовкин-суронга чидаёлмадим. Бир стакан чой олиб салонга кириб кетдим.

Шу маҳал кимдир елкамга қўлини қўйди.

– Салом, азизим! Қайси шамоллар учирди бу ёқларга?

– Оҳо! Метебек, учрашганимиздан хурсандман.

- Азизим, қачон келдинг?
- Бир ойдан ошди.
- Нега менга хабар бермадинг?
- Сиз Бокуда эдингиз-ку, шунинг учун...
- Бокуда бўлсам, у ерда бир умр қолиб кетармидим... Ишлар қалай? Менинг кадрдон Озарбайжонимда ахвол қалай?
- Айтарли яхши гап йўк. Биласизми, янги ҳужумлар бўлиб турибди...
- Биламан, биламан. Азизим, сизлар нега мунча қайсарлик қиласизлар-а?
- Гапингизга тушунмадим, афанди.
- Нима сабабдан бу қадар ўжарсизлар, нима кераги бор бунинг? Шу учта ҳарфнинг қанчалар зарурияти бор сизларга?
- Қанақа ҳарфлар ҳақида гапиряпсиз, тушунмадим. Кеча арманилар бизнинг учта аҳоли пунктимизга ҳужум қилди.
- Биламан, хабарим бор. Аммо, нахотки алфавитингизда “Х” ҳарфини сақлаб қолиш билан арманиларни енгмоқчи бўласизлар. Шу арзимас “Х” ҳарфи нимага керак, қандай каромат кўрсатади?
- Метебек, турк-озарбайжон алфавитида “Х” ҳарфининг аҳамияти, ўрни жуда катта. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.
- Қўйсанг-чи, биродар. “Турк-озарбайжон” деганинг нимаси? Ахир бу оддий бир шева-ку. Аслида, ягона турк бор, афанди. Ягона миллатнинг тили ҳам, давлати ҳам, байроғи ҳам, пойтахти ҳам битта бўлади. Шундай эмасми? Тилларни ажратишни баъзи ташки кучлар ўйлаб топган. Мақсад – бизни парчалаб юбориш. Бу – қармоқ. Афсуски, сизлар ҳам шу қармоққа илингансизлар. Бизлар қардошлармиз, бизлар бирлашмоғимиз керак. Ғарб билан алоқани узиш лозим. Ғарбда нима бор, ким чиккан? Ҳеч нарса, ҳеч ким!
- Ахир у ёқдан буюк инсонлар чиккан.
- Ким? Қани биронта мисол келтир-чи.
- Жуда кўп. Масалан, Шекспир.
- Шекспир. Хўш, Шекспир, дейлик. Сен биласанми ўзи Шекспир кимлигини? У – турк. Номиданам ҳам кўриниб турибди-ку. У ўз даврида биринчи одам эди, театрда биринчи шахс эди. Эски усмонли тилида уни “Шахси бир” деб аташган. Тушундингми? Инглизлар ўзига мослаб Шекспир, дейди. Улар улуғ ёзувчимиз, деб юрган Шекспирнинг асли келиб чиқиши – туркий.
- Немислар ҳамми?
- Албатта-да. Улоқ сол: “Олмания”. Германиянинг бир киролига олма олиб келишади. Шунда у сўрайди: “Олма-ния?”<sup>1</sup> Шундан кейин мамлакат номи Олмания бўлиб кетган. Европадаги барча халқларнинг асл келиб чиқиши – туркий.
- Шарқ-чи?
- Буям худди шундай. Япония пойтахти нима деб аталади?
- Токио.
- Йўк. Аслида, у “Догу кей”, яъни шарқий шаҳар, дегани. Мана шунақа гаплар, азизим. Ғарбу Шарқнинг илдизи – туркий. Кейинчалик турлича номланиб кетган. Лекин бу ҳол узоқ давом этмайди, яқин келажакда биз ҳаммасини ўз ўрнига қайтарамиз. Шунда Атлантикадан то Тинч океанигача бизнинг байроғимиз ҳилпирайдди.

<sup>1</sup> Олма нега?

– Менинча, байроғимизни энг аввал Шуша билан Лочинда кўтарсак маъкул бўлар эди.

– Бу сизларнинг тор микёсда ўйлашингиздан дарак. Дунёқарашингиз жуда тор. Буни сизларга совет тузуми ўргатган. Сизларнинг маданиятингизга, санъатингизга рус ва Европа руҳи сингиб кетган.

– Ундай эмас. Бизда жаҳон микёсидаги бастакорлар бор, жумладан, Узеир Ҳожибейли. Сиз унинг асарларидан биронтасини эшитиб кўрганмисиз?

– Албатта, эшитганман. Узеир Ҳожибейли – руҳан Италия бастакорларига яқин.

– Нималар деяпсиз, азизим. Унинг отаси – турк, онаси – турк. Қорабоғда туғилган. “Гўрўғли” операси...

– ... том маънода, италянча опера. Турк бастакорлари бўлганида фортепьяно, скрипка каби Европа мусика асбобларини ишлатармиди?

– Бу – баҳсли, мунозарали масала.

– Жуда яхши, баҳслашамиз, мунозара қиламиз. Фойдали бўлади. Мен ўзим ташкил қиламан. Нуфузли бир меҳмонхонада уюштирамиз, газета-чиларни, телевиденияни чақирамиз. Одамлар олдида музокара олиб борамиз. Сенинг бу ердалигинг – катта имконият. Биз бу имкониятдан фойдаланиб қолишимиз керак. Кечирасан, гапга тушиб кетиб эсимдан чиқай дебди, учрашувим бор эди.

– Бир-биримизнинг телефон рақамларимизни олмадик-ку.

– Шуям муаммоми. Ўзим топиб оламан сени. Қайси меҳмонхонадасан?

– Ускюдарда.

– Жуда соз. У ерда менинг танишларим кўп. Турар жойингни ҳам, телефон рақамингни ҳам топаман. Албатта, учрашамиз. Аммо Ғарб гипнозчилигидан тезроқ кутулишни ўйланглар. Эсингдан чикмасин – биз турклармиз. Турк миллати – енгилмасдир. Агар турк бўлишни истамасанг, пожалуйста (у охирги сўзини рус тилида айтди).

– Ташаккур, Метебек. Учрашувингизга кечикманг.

Уйга келиб, хотинимдан сўрадим:

– Қўрқмасбек кўнғирок қилдимми?

– Йўқ.

– Ҳожи Зокир-чи?

– Ҳеч ким кўнғирок қилмади.

– Омурбек ҳам, Меҳметбек ҳам, Доганбек ҳам, Османбек ҳам кўнғирок қилмадимми?

– Айтдим-ку, ҳеч ким кўнғирок қилмади. Фақат бир киши телефон қилди, у адашиб тушган экан.

Телевизорни кўйдим.

Биринчи каналда малласоч эркак реклама ўқирди:

– Энг замонавий, энг мукамал музлатгичларни Акай фирмаси ишлаб чиқаради, фақат Акай фирмаси. Унутманг, Акай фирмаси!

Иккинчи каналга ўтаман:

– Кеча тунда мамлакатнинг жануби-шаркида террорчилар етти аёл, беш бола, ўн беш эркакни ўлдирди. Канцлер Кол террорчилар ҳаракатини кескин қоралади.

Учинчи канал: бутун экран бўйлаб ёйилган қирмизи лаблар. Сухандон овози:

– Бу кимнинг лаблари? Зеки Муреннингми? Булент Эрсойми? Афшарми? Жавобларингизни 000999 телефонига жўнатинг. Тўғри жавоб йўллаганлар олтмиш миллион лира ва замонавий спорт автомобили билан тақдирланади. Шошилинг, кулай имкониятни бой берманг...

Тўртинчи каналга ўтаман:

– Ҳаводан берилган зарбалар оқибатида Босния кишлоклари вайрон бўлмоқда. Ҳалок бўлганлар ва ярадорлар сони ўн мингдан ошиб кетди.

Бешинчи канал:

– Ҳурматли вазир, Озарбайжондаги вазият ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

– Биз қардош Озарбайжонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатамиз. Аммо халқро ҳамжамяят доирасида ҳаракат қиламиз.

Олтинчи канал:

– Тўхта! Қимирлама! Мен – полицияданман. Қимир этсанг, бошингга тушираман.

Еттинчи канал:

– Биринчи бўлиб Одам Атога қалб ато этилган... Қабрдан биринчи бўлиб Оллоҳнинг ерга юборилган элчиси туради... У жаннат либосида кўринади... казо аҳли Ажр кунини Оллоҳнинг судини минг йиллаб кутиб ётади...

Саккизинчи канал:

– Сен менга уйланмайсанми? Хоҳласанг – уйлан, йўкса – уйланма, бу сенинг ишинг. Фақат менга аниқ жавобингни айт. Америкада мен жуда кўп эркаклар билан алоқада бўлгандим: хитой, маори, эскимос, сариктанли, қоратанли, оқтанли... Ҳар хили бор эди. Ҳатто бошқа сайёрадан келганлар билан ҳам алоқада бўлгандим... Менга 999000 рақамига кўнғирок қил, гаплашиб оламиз.

Тўккизинчи канал:

– Эрон кирғоғига яшириниб, ҳаётини сақлаб қолишга уринган кўплаб озарбайжонлар Араксдан сузиб ўтишда чўкиб кетди... Сен қанақа совун ишлатасан? Мен “Ҳожи Зокир” совунидан фойдаланаман. Сенга ҳам “Ҳожи Зокир” совунини тавсия қиламан. Ундан яхши совунни етти иклимдаям тополмайсан...

\* \* \*

– Алло, салом Жейран хоним...

– Салом-салом. Танидим сизни. Ишларингиз яхшими?

– Ректор дам олишдан қайтдимми?

– Ҳа, қайтди.

– У киши билан учрашсам бўладими?

– Афсуски, бугун сира иложи йўқ, гоят муҳим мажлис ўтказмоқда. Эртага, албатта, у кишига сизни улаб бераман.

\* \* \*

Уйга бораман-да, хотинимдан сўрайман:

– Қўркмасбек кўнғирок қилдимми?

– Йўқ. Қўркмасбек ҳам, Горхонбек ҳам, Орханбек ҳам, Омурбек, Кё-мюурбек ҳам кўнғирок қилгани йўқ. Ҳеч бир зот кўнғирок қилмади, ҳатто бирон киши адашиб ҳам тушмади, – дейди у.

Телефон гўшагини кўтариб, ракам тераман.

– Салом. Кўркмасбек керак эди.

– Кўркмасбек хориж сафарига кетган, афанди.

– Ҳали қайтмадими сафардан?

– Келди. Яна кетди.

– Қаерга?

– Парижга. У ерда Америкада ўтадиган турнирга пигменларнинг баскетбол командаси киритилмаганига қарши намойиш бўлади. Шунга кетди.

– Алло, салом. Метебей билан гаплашсам бўладими?

– Йўқ, афанди. У Олтойга кетди. Археологлар у ерда Бозгурднинг<sup>1</sup> жағ суягини топишибди. Метебек шу муносабат билан ўша ерда семинар ўтказмоқчи.

– Алло. Саломалайкум. Ҳожи Зокирбекни телефонга мумкинми?

– Ҳожи ҳажга кетдилар.

Кечаси ухлаёлмадим. Кўзимни юмсам, кўз ўнгимда гоҳ Булент Эрсойнинг лаблари, гоҳ баскетбол ўйнаётган пигменлар, гоҳ Бозгурднинг жағ суяги кўринаверади. Ўрнимдан турдим-да, Жанни Родарининг “Жельсомино ёлғончилар мамлакатада” деган китобини озарбайжон тилига таржима қила бошладим.

Эргалаб, кечаги ваъдага мувофиқ, ректорнинг қабулхонасига кўнғирок қилдим.

– Алло. Салом, Жейран хоним.

– Салом. Мен Жейран эмасман, Маралман.

– Кеча биз келишган эдик... Қани у, Жейран?

– Таътилга кетди.

– Қачон келади?

– Ким билсин... У туғруқ таътилига кетди. Эсон-омон кутулиб олса, уч-тўрт ойда қайтса керак, иншаоллох.

– Марал хоним. Мен бир неча кун, ҳафта, ҳатто ойлар бўлди, жаноб ректор билан гаплашаёлмаяпман. Иложи борми ўзи?

– Жудаям афсусдаман. Лекин у йўқ, Анқарага кетди. Уйланыпти.

– Оллох омадини берсин, бахтли бўлсин, фарзандлари кўпайсин.

– Кечирасиз, ким бўласиз, афанди?

– Мен Озарбайжондан келганман.

– О, худойим! Мен Озарбайжон учун қанчалар қайғуришимни билсангиз эди... Истасангиз илтимосингизни ёзиб оламан, исмингизни айтинг.

– Исми... – мен бир оз тин олиб дедим. – Исми Жельсомино.

– Жельсомино? Жуда ноёб исм. Италияликларникига ўхшаб кетаркан. Озарбайжонда бунақа исм кўпми?

– Жуда кўп, – дедим. – Чао, чао, бамбино! Ариведерче Рома.

– Ой... сизларда италянча ҳам гаплашишадими?

– Ҳа, шундай. Эркаклар италянча гаплашади, аёллар – пигмейча.

– Нахотки? Жуда қизиқ-ку. Битта савол берсам майлими, афанди?

– Албатта.

– У ҳолда аёллар билан эркаклар қайси тилда мулоқот қилади?

– Япон тилида.

– Япончада? Ажойиб, жуда ажойиб.

– Ҳа-ҳа, шунақа. Акаи-даи! Фудзияма! Акиро Куросава! Харакири!

<sup>1</sup> *Бозгурд* – қадимий кулранг бўри.

– Гоят миннатдорман! Ажойиб киши экансиз. Умид қиламанки, сиз билан кўришамиз.

– Албатта учрашамиз, – дедим мен.

\* \* \*

Босфорда Мармар денгизи томондан салкин шабада эсарди. Ҳаво бир мунча совиб қолганди. Қарама-қарши томондаги миноралар туман пардасида эртақлардагидек гўзал кўринарди. Палубадаги йўловчилар бирин-кетин салонга тушишди. Палубада ёлғиз ўзим қолдим. Шунда негадир наинки палуба, балки бутун теплоходда ёлғиз қолгандай ҳис этдим ўзимни. Бир кунда Европадан Осиёга, Осиёдан Европага бир неча марта бориб келувчи бу теплоходда... ва бутун Европада ҳам, Осиёда ҳам ёлғиз ўзим ўтиргандай эдим.

Теплоходни кузатиб келаётгандай тизилиб узаётган оқ чорлоқларга термулиб, уйга толдим: кизик, ҳар куни теплоходда у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа бориб келувчи одамлар ҳақида бу қушлар нимани ўйлар экан, улар ҳам хаёл сурармикан?

Назаримда, теплоход жуда секин сузаётганга ўхшарди. Мен соат олтида уйда бўлишим керак. Соат беш ярим бўлганди. Теплоход базўр причалга тақалди. Сакраб қирғоққа тушдим марширтли таксига ўзимни урдим. Ўн дақиқа кам олтида машинадан тушдим-да, зиналардан чопиб юқорига кўтарилдим. Олтига беш дақиқа қолганда уйга кирдим. Роппароса олтида мен кутган телефон қўнғироғи жаранглади. Ким қўнғирок қилишини билганим учун ҳеч иккиланмай дедим:

– Салом, Илденизбек.

– Салом... Ўтган ҳафтада шу бугун соат олтида сизга қўнғирок қилишга ваъда берган эдим.

1993 йил, 5 ноябрь.

Еттинчи ноябрь куни улкан шаҳарда ҳеч ким қолмади. Кўчаларда, майдонларда, булварларда, паркларда – ҳеч ким йўқ. Машиналар, трамвайлар, таксилар, автобуслар жой-жойида тўхтаб қолган. Причалга келган теплоходлар ҳам қотиб қолгандай эди.

Қушлар бу улкан одамлар уясига нима бўлганини билмасди? Одамлар қаёққа ғойиб бўлди? Нега барча ҳаракатлар тўхтади? Нима учун юк машиналари, поездлар жойидан кимир этмайди?

Бу кун уйдан чиқиш ман этилганини қушлар қаёқдан билсин. Сайлов арафасида рўйхатга олувчилар уйма-уй юриб рўйхат тузарди. Ким уйида бўлмаса, жаримага тортилиши мумкин. Кўчаларда, майдонларда, паркларда ва булварларда аҳён-аҳёнда болаларнинг шодон кулгилари, кийкириқлари эшитилиб қоларди. Улар рўйхатга тиркалмайди – сайлаш ёшига етмаган, ҳали сайлашни билмайди.

Аммо улар қандай яшаш, ўзини қандай тутиш, ўз фикрини қандай айтиш кераклигини билади.

Қушлар шаҳарда одамлар йўқлигидан қанчалар ҳайратга тушган бўлса, болалар нега бунчалар қувноқ ва бахтли эканидан ундан-да кўпроқ ҳайрон эди.

Бирок қушларни энг қаттиқ ҳаяжонга солган, мафтун этган нарса, бу – болалар заррача ҳам ёлғон гапирмаганлари эди...

1993 йил, 7 ноябрь



**NASR**

*Аҳмад ШИМШИРГИЛ*

(1959 йилда туғилган)

**АМИР ТЕМУР\***

*Туркчадан  
Тоҳир ҚАҲҲОР  
таржимаси*

Тўртинчи бўлим

### **ВАФОТИ ВА ШАХСИЯТИ**

*Сайидларнинг мавқеини бошиқалардан юксак тутиб, уларнинг ҳурматини жойига қўй. Уларни ҳар қанча иззат этсанг-да, бунга бир таъма аралаштирма. Зотан, Оллоҳ йўлида қилинган ишларда ҳеч исроф бўлмас.*

*Шайх Абубакр ТАЙБОДИЙ*

### **ОХИРАТ САФАРИ**

Соҳибкирон Ўтрорда турганида, 11 февраль куни тўсатдан соғлиги ёмонлашди ва иситмаси кўтарилди. Ҳақимликда машҳури жаҳон, йиллардирки амир ҳазрат ёнида юрган мавлоно Фазлуллоҳ Табризий уни даволашга киришди. Бироқ касаллик кундан-кунга оғирлашиб, турли-турли, бир-бирига ўхшамас белгилар бера бошлади. Табиб бир хасталикни даволаб, барҳам берса, яна бошқаси шиддатланар эди.

Шунга карамай, Соҳибкироннинг эс-ҳуши жойида эди. У бедаво дардга чалинганини, чора йўқлигини англади. Тақдирга тан бериб, Яратгандан бутун қилган гуноҳларидан ўтишини сўраб, тавба қилди. Аҳли аёлини, яқинларию беқларни чақириб, васиятини билдирмокка чоғланди. Барча хузурига йиғилгач, бундай деди: “Сезиб турибманки, руҳ қуши бу қафасдан чиқиб кетмокчи. Мен Аллоҳ Таолога сажда этурман ва сизларни унга омонат қолдирурман. Мен ўлганимдан сўнг оркамдан йиғлаб, фарёду фиғон чекмангиз. Ҳеч фойдаси йўқ. Роббимга гуноҳларимни кечиршини сўраб дуо айлангиз. Рухимга бағишлаб фотиҳа ўқингиз, такбир келтирингиз. Худога шукр, Эрон ва Туронда бизга қарши чиққувчи бирор кимса қолмади. Биламан, гуноҳларим кўп. Аммо Оллоҳдан умидим шуки,

\*Охири. Бошланиши аввалги сонда.

золимлар қўлини мазлумлар бошидан узоқ тутганим учун менга раҳм этгай. Ҳаётим давомида кучлининг кучсизни эзишига изн бермадим. Бу дунёда абадий яшаган кимса йўқдир: менга вафо кўрсатмаган олам сизга ҳам вафо кўрсатмагай. Бирок дунё ишларини ҳеч ташлаб қўймагизки, мусулмонларга зарар тегмасин. Акс ҳолда, Қиёмат куни сиздан ҳисобини сўрарлар. Энди гап шу: Пирмуҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд тайин этдим ва койиммақомим сифатида Самарқандни унга бердим. Мустақил ўларок тадбирлар қўллаб, унда ўтирсин; барча ўлкаларнинг ва ўрдунинг ишлари билан машғул бўлиб, тобеларнинг дардидан хабар олсин. Сизлар ҳам унга итоат айлаб, ёрдамчиси бўлингиз, токи тартиб ва тузан бузилмасин, мусулмонлар зарар кўрмасин ва кўп йиллик меҳнатим зое кетмасин. Шундай иш тутингки, узоқдагилар сизнинг иттифок эканингизни билсин ва бирор кимса сизга қарши исён кўтаришга журъат тополмасин.

Беклар ва улуғ кишилар ҳузуримга тўплансинлар ва васиятимдан четга чиқмасликка онт ичсинлар. Шу онда бу ерда бўлмаган беклар ва сардорлар ҳам васиятимни бажарсинлар”.

Амир Темурнинг бу сўзларини эшитган беклар ичи ёниб-титраб, пик-пик йиғлашга тушди. Шоҳмаликбек ва шайх Нуриддинбек: “Эй амири-миз, жонимиз сизга садака. Оллоҳ бизнинг жонимизни олиб, сизнинг жонингизни бағишласин!”, – дея кўз ёши тўқдилар. Соҳибкирон уларга: “Фойдаси йўқ, тушунинг ахир, аммо сиз ўз ишингизни, менинг васиятимни мардона бажарингиз!” – деди. Улар бундай жавоб қилишди: “Жонимиз танимизда экан, Ҳазратнинг амри фармонидан чиқмагаймиз. Бу қулларингиз валинеъматимизнинг бир сўзини бажармаса, асло бири икки бўлмасин. Бугунгача сизнинг бандаларингиз ўларок хизмат этдик ва бундан ўзга ишга уннамандик. То тирик эканмиз, хизматни давом эттираемиз”. Беклар бу сўзларни айтишар экан, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Беклар яна бундай дедилар: “Мумкин эрса, Тошкентдаги шаҳзода Халил султон ва бошқа беклар ҳам бунга келишлари учун фармон берилсин. Гарчи бизлар сизнинг бу сўзингиз, васиятингизни уларга етказурмиз, аммо буларни ўз оғзингиздан эшитганлари янада яхшироқдир”.

Соҳибкирон уларнинг бу гапига қўнмади ва: “Эҳ, энди вақти ўтди. Ортиқ мажол ҳам қолмади. Улар шу пайтда бу ерда эмаслар ва етиб ҳам келолмаслар. Улар билан кўришмоқ киёматга қолди. Бу – сизлар билан охириги кўришувимдир. Оллоҳга шукрки, дин йўлида неники қилмоққа чоғланган бўлсам, барини бажариш насиб этди, кўнглимда армон қолмади. Қошки эди, ўғлим Шохрухни бир кўрсам!” – деди.

Ҳазрат амир ҳузуридagi барча хотинлар, оқалар ва баъзи шаҳзодалар унинг бу сўзини эшитиб, фарёд уриб юборди.

Соҳибкирон жон-жигарларига, қон-қариндошлари ва амирларига шафқат ва меҳр билан қараганча, яна бундай деди: “Нима десам, ўлканинг манфаати учун айтдим, асло қулоқларингиздан чиқмасин. Халқнинг, фақирлар ва мискинларнинг аҳволидан хабарсиз қолмангиз. Доимо айтган гапларимга, насиҳатларимга кўра иш тутингиз. Қиличларингиз қабзасини менга ўхшаб маҳкам ушланг, шундагина подшоҳликдан мен каби насибдор бўлгайсиз. Ожизлик ақлни йўқ қилиб, нафсу ғайратни ўлдиради. Ортиқча камтарлик ва камсуқумлик инсонни ғоядан узоқлаштиради. Тушқунлик, ирода заифлиги орзу-истакларга тўсиқдир... Мен дунёни адолат

ва яхшилик ила обод айладим. Агар менинг васиятларимга кўра, адолатли иш тутсангиз, узок йиллар бу мамлакат қўлингизда тургай. Аммо бир-бирингиз-ла олишсангиз, бу сизларга хайр келтирмас...”

Бир оздан сўнг Темурнинг ахволи янада оғирлашди. Энди бу жaxonий тахту салтанат, шону шавкат, ўрду ва сарватнинг бир фойдаси қолмаган эди. Ташқарида ҳофизлар Куръони карим ўқишарди. Мавлоно Убайдуллохнинг ўғли мавлоно Ҳайбатуллохга ичкарига кириб, Соҳибкироннинг бош тарафига ўтириб, Куръон тиловат килиш айтилди ва у дархол бу ишга киришди.

Соҳибкирон Амир Темур куёш боtgанидан кейин, шом ва хуфтон намози ўртасида, бир неча бор калимаи шаҳодат келтирганидан сўнгра жон берди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун.

1405 йилнинг 19 февраль куни эди. Амир Темур вафот этганида олтмиш тўққиз ёшда эди. Подшоҳлик даври ўттиз олти йилдир. Салтанати йилларига уйғун ўлароқ ўғиллари ва неваралари сони ҳам ўттиз олтитадир.

## УЛКАН МУСИБАТ

Соҳибкирон Амир Темур бу ўткинчи дунёдан мангу оламга кўчганидан кейин шаҳзодалар тожларини бошидан отиб, мотам ва кайғу либосига бурканди. Оқалар ва хонимлар юзларини тирнаб, сочларини юлдилар. Барча беклар ёқаларини йиртиб, бағирларини ерга бериб, қон йиғладилар.

Эрта тонгда Ҳиндушоҳ хазоначи Соҳибкирон жасадини ювди. Васиятга кўра, мавлоно Қутбиддин майитнинг бош тарафида Куръон тиловати билан машғул бўлди.

Бир оз ўтгач, Бердибек, Сарик Буға, шайх Нуриддин, Шохмалик, Хўжаюсуф каби беклар ва бошқа атокли кишилар йиғилиб, Амир Темурнинг васиятини бажариш ниятида, ғазо сафарини давом этдиришга бир овоздан қарор бериб, қасам ичдилар.

Соҳибкироннинг вафоти сир сакланди. Душманлар билиб қолмаслиги учун оқаларнинг йиғлаши, фарёду фиғон кўтариши тақиқланди. Шундан кейин оқалар ва беклар биргаликда кенгашиб, баъзи қарорларни қабул этдилар.

Хизир қавчин шаҳзода Халил султон ва шаҳзода султон Ҳусайн ҳузурига жўнатилиб, у орқали “Соҳибкироннинг хасталиги оғирлашди, энг яқин кишиларингиз билан тезда етиб келинг”, дея хабар берилди.

Шаҳзода Пирмуҳаммадга ҳам бундай мазмунда хат юборилди: “Ҳазрат сизни валиаҳд тайин этди. Ҳозирда ахволи бир оз ўзгарди. Тезда Самарқандга келгайсиз”. Мактубда, жумладан, Соҳибкироннинг васиятига кўра, подшоҳлик килиши, халққа нисбатан адолатли ва жўмард бўлиши, душманларни суюнтирувчи ишлардан узок туриши лозимлиги каби масалалар ҳам алоҳида уқтирилган эди.

Ахволдан огоҳ этиш учун Темур қавчин Ҳиротга, Шохрух мирзо ҳузурига юборилди. Донгли чавандоз Али Дарвиш Табриздаги шаҳзода Умар саройига, Ара Темур эса Бағдодда ҳукм сураётган шаҳзода Мироншоҳ ва шаҳзода Абубакр қошига жўнатилды.

Тағин баъзи чопарларни Ироқ ва Форс мамлакатларига йўлладилар. Ўтрордаги шаҳзодалар ва оқалар 19 февраль кечаси, хуфтон намози пайтида Ҳазрат амир тобутини ипақлар билан ўраб, тахтиравонга жойлади

ва Ўтрордан чиқиб, Самарқанд йўлига чиқди. Кечаси Хўжандга етдилар, Хўжанд дарёси музлаган эди, муз устидан ўтиб, нариги қирғоқдаги ўрмонликка кириб, дам олдилар. Тонг отар экан, аза ва айрилиқ ўти юрак-бағирларини шунчалар ёндирдики, тиззалари қалтираб, кучсизланиб, вафот сирини саклашга мажоли қолмай, хотину эркак, барча баравар ўқира-ўқира йиғлай бошлади. Уларнинг кўз ёши ва фарёду фиғонидан ер-кўк остин-устун бўлиб кетди. Йиғлаб-йиғлаб тўйдилар. Шунда беклар насихат охангида: “Ажалнинг чораси йўқдир, сабр этишга мажбурмиз. Садақалар тарқатиб, хайру эҳсонлар айлаб, Курьони каримдан оятлар ўқиб, марҳумнинг руҳини шод қилайлик”, деди.

Бирок бу ўғитни эшитиб туриб ҳам, барча тагин йиғи-сиғига берилди. Беклар яна ўша насихатни такрорлади. Бири бундай деди: “Бу дунёда ҳазрати пайғамбаримиз саллаллоҳи алайҳи васалламдан кўра устун инсон йўқдир, чунки Ҳақ Таоло бу дунё ва у дунёни ул зот учун яратмишдир. Вақти замони келиб, пайғамбаримиз ҳам жон таслим этди ва бу дунёдан у дунёга кўчди. Шундай бир киши у оламга кетганидан кейин ким ҳам бунда қола олади, ахир! Ҳар қанча кийин бўлса ҳам, сабр этмоқдан, ризолик кўрсатмоқдан бошқа чорамиз йўқдир”.

Беклар оқаларга ва шаҳзодаларга ҳазрати пайғамбаримиз ҳаётидан мисол келтириб насихат қилгач, улар бир оз тасалли топиб, сокинлашди. Йиғи-сиқтовни тўхтатдилар. Сабрларига таяндилар.

Шу паллада кўмондон беклар бир йиғилиш ўтказди. Юзларига кўзёшлари окканча, бир кўмондон бундай деди: “Барча аскар – бири баҳодир, бири пахлавон, бири кўмондон кўз ёши тўқмоқда. Қолаверса, бу бекларнинг ҳар бири замонамизнинг Исфандиёри ва Рустамидир. Шундай қурол-яроғлар ва шундай буюк ўрдуни Жамшид замонидан бери кимса кўрмаган ва эшитмаган. Бундан кейин ҳам бунақа ўрдунинг тўпланиши амримаҳол. Бу кўшин билан душман устига юрсак, барини маҳв этиб, кулини кўкка соғуришимиз муҳаққак. Ҳатто Соҳибқирон ҳазратларининг ўлим хабарини эшитишса ҳам, биз бу ўрду билан устига селдай ёпирилиб борсак, эшитганига ишонмас ва: “Агар Соҳибқиронга бирор нима бўлсайди, бунақа кўшин бостириб келолмасди”, дегайлар. Ё итоат камарини боғлагайлар ва ё шаҳарини тарк айлаб, унда-бунда санғиб юргайлар. Қисқаси, биз қиладиган иш шу: Соҳибқирон руҳини шод этиб, Оллоҳдан мадад тилаб, Хитой сафарига отланмоқ, кофирларга қарши ғазавотга киришмоқ, ундаги бутхоналарни йиқиб, бутларни парчаламоқдир. Бу юмушни ҳал қилиб, яна орқага қайтиб, юртимиз осойиши ила машғул бўлғаймиз. Шунчалар улуг ўрду тўпланган экан, ҳеч не қилмай ортга қайтмоқ уятдир”.

Оқалар ва шаҳзодалар бекларнинг бу қароридан суюнди ва кенгашиб, Соҳибқирон Хитой сафарига чиқаркан, ёнига олгани Иброҳим султон кўмондонлигида душман устига юриш режасини маъқуллади. Бундан ташқари, Тошкентда ҳукм юритаётган шаҳзода Халил султоннинг ҳам келиб ўрдуга кўшилиши мақбул топилди. Ўша паллада Халил султон йигирма бир ёшда эди ва шу ерда бўлган шаҳзодаларнинг энг каттаси ҳисобланарди. Уни подшоҳ сайлаб, барча беклар ва ўрду бошида Хитой устига юрилишига, у ўлка фатҳ этилгач Самарқандга қайтилиши ва ўшанда барча шаҳзода, бек ва оқалар тўпланиб, кенгаш қуриши ва Соҳибқирон васиятига кўра иш тутилишига қарор берилди.

Шундан сўнг Соҳибқирон жасади Қора Юсуф, Али қавчин ва бошқа хос аскарлар назоратида Самарқандга олиб кетилди. Уларга йўлда эҳтиёт бўлиш алоҳида уқтирилди. Карвон ортидан Сароймулк хоним, Тўқал хоним, Туман оқа ва бошқа хониму оқаларни, Мирзо Улуғбек ҳамда бошқа шахзодаларни қўшиб, Соҳибқирон тахтиравони ёнида Самарқандга йўлланди.

Аммо бундай эҳтиёт чораларию тадбирларига карамай, Амир Темур вафоти ҳақидаги хабар тўрт ёкка тарқалиб бўлганди. Илгари ҳам фитна чикариб юрган султон Хусайн ўз лашкари билан Самарқандга қараб келаётганди. Бу хавфли вазият бошқа шахзода ва қўмондонларни вақтинча – ишлар ўрнига тушиб кетгунча, Чин сафарини тўхтатиб туришга мажбур этди.

Улкан мусибат тахтиравони жадал йўл босиб, 23 февраль куни пойтахтга кириб борди. Соҳибқирон исломий урф-одатга кўра, гумбаз остига дафн этилди. Амир Темур ҳар доим жон-дилидан ихлос қўйган пири Сайид Барака хазратлари оёк учига дафн этилишни орзу қиларди. Шунинг учун Сайид Бараканинг Андхудга кўмилган жасади суякларини олиб келиб, Ҳазрат амирга аталган гумбаз ичига қўйдилар. Мархум шахзода Муҳаммад султон наъшини ҳам Соҳибқирон қабрига ёндош гўрга жойлаштирдилар.

Самарқанд буюк турк хокони учун аза тутиб, мусибатнинг қора либосига бурканди. Ҳар ким аза кийимини кийиб, фарёду фиғон этди. Улкан аза маросими бошланди. Бир неча кун қўй, мол, отлар сўйилиб, азадор халққа хайру эҳсон берилди, мархум руҳига атаб дуолар ўқилди. Соҳибқироннинг шахсий ноғорасини бир оз чалдилар, уни эсладилар ва сўнгра парчаладилар. Арвоҳига хатми Куръон бағишланди, дуолар қилинди.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Соҳибқирон Амир Темур узунга яқин, ўрта бўйли (бир метру етмиш беш сантиметр)<sup>1</sup> йирик одам бўлган. Манглайи кенг, боши катта, бўйни йўғон, дудоклари қалин, кўзлари катта-катта, киприклари узун эди. Юзи ок-кизилдан келган, мушаклари бўртган, кенг елкали, соқолли киши эди. Сокол-мўйлови қора эди. Чехрасида катъият балкиб турарди. Ниҳоятда кучли, соғлом ва хайбатли эди. Гуриллаган товуши бор эди. Ўлимдан қўркмасди. Ёши етмишга етганида ҳам соғлом, кайғусиз, ҳаракатлари чакқон, худди метин қоядай қиёфага эга эди. Жангу жадалларда орттирган яралари боис ўнг қўли фалаж, ўнг оёғи бир оз оксоқ эди. Ҳазилни, ёлғонни ёмон кўрарди. Ўзига ёкмаса ҳам, тўғри сўзни, тўғрилиқни яхши кўрарди. Бўлиб ўтган нарсаларга ачинмасди, эришадиган ё қўлга киритадиган нарсаси учун ҳам суюниб кетмасди. Мухрида “Рости русти”, яъни куч – адолатдадир, деган ҳикмат нақш этилганди. Отларига ва ақчаларига “О” шаклида тамға босиларди.

Унинг йиғилишларида, умуман, адабсиз сўзлар тилга олинмасди. Қон тўкиш, асир олиш, бостириш, талаш ва хотинларни таҳқирловчи сўзлар ҳам сўйланмасди. Мансаби ва унвони қандайлигидан катъи назар, жасур, кўркмас ва мард йигитларни тақдир этарди. Чунки улар ёрдамида забт этилмас ерлар қалитини қўлга киритар, балоли инсонлар балосини даъф қилдирар, юксак тоғлар устидаги душман қалъаларини улар зарбаси-ла ха-

<sup>1</sup> 1 метру 95 см ҳам дейишади (тахр.).

робага айлантирарди. Ниҳоятда тўғри фикрли, закий ва ўта фаросатли эди. Улуғлик ва ҳайбат унга ярашарди. Ҳар доим сўзи ва қарори қатъий эди. Бошига мусибат ёғилганида ҳам тўғри гапирарди. Биров бир гапни айтса, тўғрилигига далил-исбот сўрарди, кош остидан боқаркан, қаршисидаги шахснинг юз-кўзидан ҳам кўп нарсани сезиб-билиб оларди. Фавқулдат зийрак ва сезгир эди. Ҳар қанақа имо-ишорани кўздан қочирмасди. Ҳар қанақа воқеа-ҳодисани тафсилотлари билан эринмай муҳокама этарди. Ҳеч бир ҳийлакор ўз найрангини ундан яширолмасди. Зақоси ва тажрибаси соясида кимнинг фикри тўғрию кимнинг насиҳати янглиш, барини яхши англаб турарди. Бирор буйруқ берганидан ёки бирор нарсага ишорат қилганидан кейин асло ўз фикридан қайтмасди. Бир ишга йўналганда ҳам орқага асло одим отмасди. Уни ўзига хос фазилатлари туфайли “етти иқлим соҳибқирони”, “қуруқлик ва денгизлар қаҳрамони”, “маликлар ва султонлар ҳокони” каби унвонлар билан тилга олишарди.

### АЙРИМ ВАСФЛАРИ

Унинг учун ғазовот барча нарсадан устун ҳисобланарди. Бу йўлда ёз-қиш, иссиқ-совуқ деб ўтирмасди. Ҳиндистон сафарида экан, ўғиллари унга дам олинг, деганларида, “Ғазовот қилмоқ – фарздир. Ғазода қатнашган кишига унинг икки фойдаси бордир. Бири – охиратда ноил бўладигани савоб, иккинчиси – қўлга киритажаги ғаниматдир. Биз ҳам охират савобидан баҳраманд бўлмоғимиз жоиз. Ғанимат тушса, уни ҳам ислом ўрдусига таркатамиз. Кимнинг қуроли бўлмаса, унга қурол бергаймиз. Биз подшоҳларга лозим нарса – заифлар ва тушқунлар аҳволдан хабардор бўлмоқдир”, деган.

Ҳар ишини Оллоҳга ишониб, суяниб қиларди. Кўп жангларда ўзига нисбатан саноғи ортиқ душманга қарши курашди. Кўнглини, ишончини ўрдусига эмас, Оллоҳга боғлаб жангга кирарди. Унинг бундай одати бор эди: ҳар бир урушга киришдан олдин отдан тушиб, икки рақат намоз ўқиб, Оллоҳ таолодан ёрдам ва зафар беришини тиларди.

Кечириш, афв этишни ёқтирарди.

Ҳиндистон юриши асносида ўрмон қабилаларига дуч келди. Улар таслимият шартларини қабул қилдилар, қурол-яроғларини Амир Темурга топширдилар. Уларнинг қабилaboшиси бундай деди: “Эй, Темур, сен бизни қурол кучи билан енгдинг. Таслиммиз. Фақат сенга айтадиган баъзи шартларимиз бор. Агар сен жаллод бўлсанг, бошларимизни учир! Агар савдогар бўлсанг, асир ўларок бизни сот! Агар подшоҳ бўлсанг, бизга эркинлик бер!”

Қабила бошлиғининг бу мурожаатидан Амир Темур таъсирланди ва унинг сўзларини маъқуллади. Ҳалиги ўрмон қавмини озод этиб, уларга хайру эҳсонлар қилди.

Аҳилликни қадрларди ва бунга ҳар доим диққат қиларди.

Бу хусусда Арминий Вамбери бундай ёзган: “Юз марта лаб ўлим билан юзма-юз келган Темур умрининг сўнгги онларини яшар экан, атрофига йиғилган неваралари, яқин одамлари ва аҳли аёлининг Соҳибқирон учун кўз ёши тўқаётган пайтда, барчасига сабр этиш ва аҳил бўлишни насиҳат қилади”.

Тему́р олимларни яхши кўради, уларга доим кучоғини очарди, сайидлар ва шарафли кишилар даврасидан айрилмасди. Олим ва фозилларнинг шахсига яраша ҳурмат-эъзоз кўрсатарди, уларни бошқалардан устун ўринга кўярди. Ҳар бирига даража ва мартабасига уйғун муомала қилиб, иззат-икром кўрсатарди. Уларнинг пойига мурувват гиламини тўшарди, аммо ўз хайбатини сездиришни ҳам унутмасди. Улар билан химмат ва ғазаб аралаш бир ҳавода суҳбат қилар, турли мавзую муаммоларни ўртага ташларди. Лутфи қаҳри билан, қаҳри марҳамати билан аралаш эди. Қасби коридан қатъи назар, ҳар бир фазилатли ва шарафли санъат арбобини Тему́р ҳурмат қиларди. Мунажжим ва табиблар унинг ёнидан айрилмас, чунки Соҳибқирон уларнинг гапига қулоқ соларди.

Тему́р тарихий битикларни, анбиёлар ва авлиёлар қиссаларини, ҳукмдорлар ҳақидаги ҳикоятларни, ўздан аввал дунёга келиб-кетган барча подшоҳларга оид китобларни ҳар доим ўқитиб, жон қулоғи билан тингларди. Унинг тарихга қизиқишига Соҳибқирон билан Шомда учрашган ибн Халдун ҳам шахсан шохид бўлган. Ҳатто Соҳибқирон тарих бобида билимдонлиги билан ибн Халдунни ҳайратга солган.

Хоразмлик олимлардан Абдулжаббор Нўъмониддин Соҳибқиронга таржимонлик қилган суҳбатлардан бирида Амир Тему́р ибн Халдунга Мағриб мамлакатига оид баъзи саволлар беради. Аммо жавоблардан қониқмайди. Шунда унга “Узоғию яқини-ла, тоғларию дарёлари-ла, кишлоғию шаҳарлари-ла бутун Мағриб диёрини худди кўзим билан кўриб турганимдай менга ёзиб, тасвираб бер”, дейди ва ундан бу хусусда тўла маълумот сўрайди.

Бошқа бир мулоқотда эса, Бухтуннаср (Набукадназор) ҳақида гап кетар экан, Соҳибқироннинг баъзи саволларига жавоб тополмай, ибн Халдун лол қолган.

Амир Тему́р ҳарбий юришларида ҳам китобларни ёнида олиб юрарди. Ҳаким Сатторийнинг ёзишича, Амир Тему́р Озарбайжон сафари вақтида ўзи ёшлиқдан ўқиб, кўнгил қўйган шоири юртига келади. Дарҳол унинг мазорини топтириб, зиёрат қилади. Бу кишлок аҳлига олтинлар таркатади ва бундай буюк шоир ўтган ернинг инсонларини ҳурмат қилиш керак, дейди.

Арманистон юришида эса душманни енггач, ўша атрофда қимматли қўлёмалар борлигини эшитади. Шитобан одам юбориб, уларни келтиртиради.

Амир Тему́р ҳарбий сафарлари чоғида махсус кундалик ёздиртирган. Бу ҳам тарихий асарларнинг ёзилишига туртки берган. Элхонийлар даврида тараққий топган тарихчилик темурийлар замонида ҳам анча ривожланди. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”лари Амир Тему́р юришлари баёнига бағишланган.

Соҳибқирон ақлини чархлаб туриш учун доим шатранж ўйнарди. Шатранж у замонда зиёлилар ўйини ҳисобланарди. Амир Тему́р бу ўйинни жуда яхши кўрарди. Айниқса, бир нарсадан асабийлашса, шатранж ўйнаб роҳатланарди. Амир ҳазратлари бу соҳада камолотга эришгани боис унча-мунча одам у билан шатранж ўйнашга журъат қилолмасди. Ҳатто Тему́р шатранжда ўзига хос янги йўл ҳам яратганди. У шатранж тахтасини ўнга, кейин ўн бирга чиқарган ва тошларга икки туя, икки зурафо, икки бука, икки арслон, икки даббоба, икки илғор, бир вазир, бир кўрикчи ва

яна баъзи янги номдаги тошларни кўшган. Темурнинг шатранжчилари орасида Муҳаммад Оқил Ҳаймий, Яздий ва бошқалар бўлган. Аммо бу даврада шатранжчилар пири ўша замоннинг фақиҳи ва муҳаддиси Алоиддин Табризий ҳисобланарди. Алоиддин Табризий билан катта шахматда дона сурган Амир Темурнинг шатранж ўйинининг ўзига хосликлари ва ҳамлалари ҳақида шарҳлари ҳам мавжуд.

Амир Темур бир куни бу суюмли ўйинни ўйнар экан, рақибига “шоҳ-рух” дея рух-ла шоҳ берган пайтида, чопарлар унга икки мужда келтиради. Биринчиси – оиласида бир ўғил туғилгани, иккинчиси – Сайхун кирғоғида курдираётган шахари битгани ҳақида эди. Шунда Амир хазратлари ўғлига Шоҳрух, шахарга эса Шоҳрухия дея ном берган.

## МУВАФФАҚИЯТ АСОСЛАРИ

*Подшоҳ ҳамласидан ортга қайтмас, отган одимидан чекинмас;  
хукмдор одам тараддуд этмас”.*

*Амир ТЕМУР*

Амир Темурнинг ҳаётда ва урушда кўлга киритган муваффақиятлари асоси ва энг муҳим сабаби – ўз қароридан асло қайтмаслигидир. У бир хулосага келишдан аввал обдон ўйлар, айна масала билимдонлари фикрини эшитар, улар билан маслаҳатлашар, шундан кейингина қарор берарди. Бир иш бошладими, тиниб-тинчимас, кузатар, иш битганидан сўнггина хотиржам бўларди. Бугунги ишни эртага қўймасди. Буйруқ шу онда бажарилиши шарт эди. Динга, шариатга, қонун-қоидаларга риоя этарди ва бузилишига ҳеч қачон йўл қўймасди.

Амир Темур ўз “Тузуқлар”ида бундай дейди: “Тажриба менга шуни кўрсатдики, дин ва қонунлар тамали устига қурилмаган давлат узок яшай олмайди. Бунақа давлат кип-яланғоч ҳолга тушиб, кўринган ҳар киши қаршисида уятдан бошини эгиб, кўзларини ерга тиккан ва барчанинг олдида кадру обрўсини йўқотган кимсага ўхшайди. Бу вазиятдаги давлат эшиксиз, деворсиз, ҳар ким кириб-чикиб ётган ҳовлидан баттардир. Шунинг учун ҳам мен давлатимни исломиятга асосланиб қурдим. Давлатимни бошқариш учун қонун-қоидалар туздим. Бу тузуқларга амал қилган ҳолда яшаб, уларга қарши боришдан сақландим.

Ҳар доим ўн икки моддали бошқарув дастурига суяниб ҳаракат қилдим. Ана шу қоидаларга кўра ҳокимиятни идора этдим.

Оллоҳ таолонинг динини ва ҳазрат Муҳаммаднинг шариатини оламга ёйиш асосий иш-амалим бўлди. Ҳар замон, ҳар ерда исломиятни маҳкам тутдим.

Атрофимдаги одамларни ўн икки тоифага ажратдим. Бошқа ўлкаларни фатҳ этишимда, фатҳ айланган юртларни бошқаришда ҳам буларнинг баъзилари менга кўли, баъзилари маслаҳатлари билан ёрдам кўрсатдилар. Улардан бахту иқбол йўлида фойдаландим. Улар саройимнинг безаги ҳисобланарди.

Душман лашқарини мағлуб ва вилоятларни забт этишда олимлар ва амирлар билан кенгашдим. Ҳокимиятни бошқаришда юмшоқлик, одамгарчилик, сабру бардошга суяниб иш тутдим. Ўзимни ҳеч нарсани

кўрмаётганга солиб, барча нарсани фаросатим-ла сезиб, англаб турдим. Хукумат идорасида конунларга риоят ва интизом шу даражада каттик эдики, вазирлар, амирлар, аскарлар ва халқ юкорирокка чиқиш учун ўйлаб ҳаракат қиларди, жонини ўйларди. Ҳар бири эгаллаган мақомидан мамнун ҳолда ўз ишини бажараверарди.

Бекларим ва аскарларимга журъату жасорат бериш учун олтин улавоҳирни аямай сочдим. Улар билан бирга бир дастурхонда ўтирдим. Ана шу қийматли инсонлар ва жанговарлар ёрдамида жаҳондаги йигирма етти салтанатнинг ҳукмдори бўлдим.

Адолат ва тарафсизлик ила ҳар доим Оллоҳ қулларининг яхшилигини ўйладим ва уларнинг меҳрини қозондим.

Сайдиларга, уламога, фақиҳларга ва тарихчиларга яхши муомала қилдим, уларни улуғладим. Яхши ва жасур кишилар менинг дўстларим эди, чунки Оллоҳ шундай одамларни хуш кўради. Уламо билан қалин муносабатда бўлдим. Уларнинг маслаҳатини олдим. Уларнинг хайрли дуолари менга зафарлар қозонтирди. Дарвишлар ва фақиҳларни ҳимоямга олдим, уларга заррача ёмонлик қилмасликка уннадим ва бирорга ҳам талабу истагини қайтармадим. Ўзгалар тўғрисида ғийбат юритадиган гапчиларни саройимдан қувдим. Ундайларнинг сўзига ҳеч аҳамият бермадим.

Ҳар ўйлаган ишимни, ташаббусимни бажаришда саботли бўлдим. Бир ишга киришганда зехним фақат у билан банд эди. Уни битирмагунча тинчимасдим. Ишим, тутумим айтган сўзимга терс эмасди.

Халқ ҳолидан воқиф эдим. Ёши катталарга акамдек, кичикларга болаларимдек муомала қилдим. Ҳар вилоят ва ҳар шаҳар аҳлининг аҳволига мос муносабат кўрсатдим.

Бирор қабила, ё араб, ё ажам кўчманчилари байроғимнинг хифзу ҳимоясига сиғиниб келса, уларнинг бекларини шарафу иззат-ла, бошқа одамларини ҳам ўз мавқеларига кўра эътибор-ла қабул этдим. Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларга эса ёмонликларини қайтардим.

Ўғиллару неваралар, дўстлар, иттифокчилар ва мен билан боғланган ҳар ким яхшилигимдан насибдор эди. Иқболу саодатимнинг порлоқлиги ва юксаклиги бирор кишини унутишимга сабаб бўлмади.

Аскарларимни, улардан фойда кўрганда ҳам, зарар чекканда ҳам, ҳар доим ҳурмат қилдим. Доимий бахт-саодатни ўткинчи нарсалардан устун тутадиган кишиларга миннатдорлик билдириш керак. Чунки улар жиҳод учун жаҳду жадал айлаб, ҳаётларини фидо этадилар”.

## МУАЗЗАМ ҲАРБӢЙ ЮРИШЛАРИ

*“Тарихда бирор генерал ёки ҳукмдор қозона олган галабалар борасида Амир Темурнинг тенги ва ўхшаши йўқдир”.*

*Инглиз тарихчиси Ж.М.РОБЕРТ*

Амир Темур дунёнинг энг буюк фотиҳларидан ва жаҳонгирларидан бири эди. Унинг ҳарбий юришлари уч, беш, етти йиллик сафарлар дея тарихга муҳрланган. У ўз сафарлари боис йигирма етти ўлка ҳукмдорига айланди.

У дунёда ҳарб санъатининг шаклланиши ва таракқиётига энг улкан улуш қўшган жаҳонгирдир. Улуғ кўмондон, ҳарб дохийси сифатида кадрланадиган Соҳибкирон икки юз минг кишилик мунтазам ўрдуни улуғворона тартиблаган ва уруш пайтларида дохиёна бошқарган. Жанг якуни, зафарни таъминлайдиган нукталарга заҳирадаги лашкарни ўз вақтида, жадал суратда етказарди. Аскарларнинг маънавий қувватини юксак даражада тута оладиган нодир иқтидор эгаси эди. Икки юз минг кишилик кўшинни ёз-қиш демасдан ҳаракатда бошқарар, бир неча йиллик ҳарбий сафарларни муваффақият билан якунлар эди.

Кўшинида чорвачилик, экинчилик, хунармандчилик, темирчилик, тикувчилик, бошмоқчилик билан шуғулланувчи аҳоли вакиллари аскарликка олинганлар ҳам бор эди ва улар ўрдуда ана шу соҳалардаги эҳтиёжни қондирар эди.

Лашкарнинг асосий қисми тамали отлик ва яёв аскарлардан иборат эди. Соҳибкирон шарқда илк бор ўточар қурооллар ва тўпдан фойдаланган кўмондон ҳисобланади.

Амир Темур жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб жанг майдонида кўшинларни анъанавий беш бўлим тарзида жойлаштириш қонунларини ўзгартириб, етти қисм ҳолида тартибланиш бошлаб берган. Бу янгилик кейинчалик Тўхтамыш ва Шайбонийхонлар томонидан ҳам қўлланилган.

Темур аскарларни ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгиб чиқадиган қилиб тарбиялашда моҳир эди. Унинг лашкари сўнгсиз ғайрати билан ажралиб турарди. Соҳибкирон учун имконсиз деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Тоғлик ерларда ҳам лашкар ҳаракатини енгиллаштирувчи алоҳида ҳарбий усуллардан фойдаланарди. Масалан, Ҳиндистон юриши чоғида жарликлару дараларга тушиш ё ўшандай маконлардан тепага чиқиш учун осма йўллар қурдирарди. Метин қояларга темир қозиклар қоктириб, қоялараро лашкар ташувчи қурилмалар ясагтарди. Улар ёрдамида минг-минг аскар ҳар қандай нуктага жадал ўта оларди. Айтиш мумкинки, бугундаги лифт юритиш тартибидан ўша замонларда ҳам фойдаланишган.

Ҳиндистон сафарида ўрдунинг қор устидан юриши оғирлашганида, Темурнинг топқирлиги туфайли, унинг амрига кўра, лаҳмчилар қалин қор ичини ўйиб, икки метр баландликда, беш киши ўтадиган кенгликда узунлиги бир километрли йўл очишган.

Юришлар вақтида йўлда тошқинли дарёларга дуч келинса, икки кун ичида мустаҳкам кўприклар қуриб битказилган ва бутун ўрду, чериклару отлар, филлару туялар бемалол у қирғоққа ўтган. Аввалги даврларда бундай дарёлардан Чингизхон ва Маҳмуд Ғазнавий кўшинлари соллар ёки дамланган терилар кўмагида ўтган. Аммо ўша жараёнда анчагина одамлар ва отлар чўкиб ўлган.

Темур ҳарбий юришларга жуда пухта тайёрланган. Аскарлар ва қуроолроғлар мукамал ҳолга келгач, шахсан ўзи кўриқдан ўтказган.

Тарихчиларнинг ёзишича, ҳар бир аскар ўзи бир йилга етарли озиғи, шунингдек, ўк-ёй, совуту қалқонини тўқис ҳолга келтирарди. Ўз отидан ташқари ҳар икки аскар учун битта етакдаги от, ҳар ўн кишига битта чодир, битта қўларра, юзта игна, ип, қозон бўлиши шарт эди.

## АЙҒОҚЧИЛИК ТАШКИЛОТИ

*“Билаги кучли бир кишини йиқар,  
билими кучли минг кишини йиқар”.*  
Амир ТЕМУР

Айғоқчилик ташкилоти – ҳар бир ўлканинг кўзидир. Душманлар холини, куч-қувватини тўғри кўра олган, кузата билган ва шу асосда у билан жангга тайёрланган қўмондонгина зафар козонади. Бир соғлом ва бир кўр жангчи урушса, жангда ким ғолиб чиқиши аён. Айғоқчилик ташкилотининг бор-йўқлиги ҳам шундай гап.

Хуллас, ўттиз беш йиллик ҳукмдорлик даврида ўн еттита катта урушда бирор марта енгилмаган, йигирма етти ўлкани фатҳ этган Амир Темурнинг шундай муваффақиятини таъминлаган энг муҳим омиллар бошида унинг айғоқчилик ташкилоти туради. Бу ташкилот шу қадар мукамал тузилган эдики, халқ орасида хабар тўпловчи кишиларга қўшимча, Соҳибкироннинг ўз ўлкасидан ташқари бошқа юртларда ҳам саноксиз жосуслари фаолият юритарди.

Бу айғоқчилар сўфи, дарвиш, савдогар, мунажжим, аскар, санъаткор, пахлавон, денгизчи, мешкоб, сеҳргар, афсунгар қиёфасида юртма-юрт кезиб юрар, ўша ўлкалардаги шаҳару кишлоқлар, йўлу карвонсаройлар орасидаги масофа ва кенгликка, шунингдек, омма, улуғ-кичик кишиларга оид ҳар қанақа маълумотни йиғиб келиб, Темурга билдирарди. Амир Темур ана шу тариқа забот этилажак юрт ҳақида тушунча йиғар, ўша ўлканинг ҳукмрони ва катталари хусусида икир-чикиргача маълумотга эга бўлар ва уни қўлга киритгач эса “Фалончи фалончи билан анави муаммосини қандай ҳал қилди, анави воқеа нима билан тугади” каби саволлар бериб, бу ерлик халқни хайратга соларди.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур айёрликда суву ўтни бир ховучига сиғдирган, тўғрию эгрини ёнма-ён кўёлган, ҳикмату баҳсда замон ибн Синоларини енгган, мантиқда юнонликларни жим қилиб қўйган шахс эди.

Амир Темурнинг айғоқчилик ташкилотига кўп муҳим вазифалар юклатилган эди. Бутун салтанат ҳудудлари, ҳар бир вилоят-ўлка, ўрдуда котиблик, яъни ҳар бир ҳодисани ёзиб бориш тартиби йўлга қўйилганди. Бу котиблардан ҳокимлар ва сипоҳилар, маҳаллий ва хорижий аскарлар, кирган-чиққан моллару буюмлар, ташқаридан келган ва ташқарига чиққан мусофирлар, турли мамлакатларга тегишли карвонлар, подшоҳларнинг сўзлари ва ишлари, узоқ эллардан Темур ҳузурига келган уламою фузалолар ҳақидаги хабарлар олиб тўпланар ва Соҳибкиронга етказилар эди. Агар қалам тутганлар хиёнат ила бирор ҳодисани бузиб ёзса, ўша хабар битгувчининг бармоқлари кесиларди.

Ҳарбий соҳадаги ишларни яшириб, уни бошқача тарзда ёзган котибнинг қўли киркиларди. Агар бирор ғараз билан тухмат битса, дарҳол ўлдириларди.

Бундан ташқари, Амир Темур кунлик хабарларни ҳар куни, ойлик янгиликларни ҳар ой, йиллик маълумотларни эса ҳар йили тақдим этишни амр қилганди. У ўзига тақдим этилган бу маълумотларга ўта жиддий эъ-

тибор билан қарарди. Имкон қадар тўғри маълумот олиш учун чора-тадбирлар қўлларди.

Бу ташкилот вакилларида ташқари, дунёга ёйилган барча йўллардан маълумот келтирувчи бошқа хабарчилар ҳам бор эди. Ана шулар воситасида ҳар қайси ўлкаю вилоятдан юборилган хабар икки кунда Самарқандга етиб келарди. Узок масофаларга ҳам янгилик жадал йўлланар эди. Масалан, Шерозда турган Темурга Тўхтамишнинг Мовароуннахрга хужуми тўғрисида хабарни Самарқанддан йўлга чиққан чопарлар ўн етти кунда етказган. Яъни отда ҳар куни ўртача бир юз қирқ километр йўл босилган. Ана шу тарзда ёмлар – почталар ва ёмчилар – чопарлар воситасида Амир Темурга ҳар тарафдан хабарлар етказиб турилган.

### “ЎҒЛИМ ШОҲРУХНИКИ БЎЛСА ҲАМ, ОТИНИ ОЛИНГ”

Ёмчи, яъни почтачилар зарур пайтда, отлари чарчаганда ёхуд йиқилганда, йўлда дуч келган отни олишга ҳақли эди. Ана шундай ҳолатда савдогар, амир, элчи, ким бўлса бўлсин, отини беришга мажбур эди. Бермаганнынг калласи кетарди. Чопар ва хабарчилар ҳатто Амир Темурнинг ўғли ёки хотинлари отини ҳам олишга ҳақли ҳисобланарди.

Бу хусусда араб тарихчиси Абдулқодир Тамимийнинг “Табоқот” деган асарида қизиқарли бир ривоят келтирилган. Бир куни Амир Темур олис бир шаҳарга муҳим хабарни билдириш учун чопарини йўллайди. У чопарга бундай дейди: “Агар отинг хориса, йўлда учраган одамнинг, ҳатто ўғлим Шоҳрух бўлса ҳам, отини олиб, тўхтамасдан, жадал йўл бос. Хабарни эгасига ўз вақтида етказ!”

Чопар Амир Темур жўнатган шаҳарга қараб бир неча кун от суради. Йўлда Самарқандга келаётган машҳур уламо Саъдиддин Тафтазаний билан учрашади. Ул зот йўл четида отларини ўтлатиб қўйиб, ўзи чодирда истироҳат этарди. Чопар хориган уловини уламонинг отларидан бирига алмаштиради. Шу пайт уламо чодирдан чиқиб, отини чопардан тортиб олади. Чопар ўз йўлига кетади. Топширикни бажариб, бошкентга қайтгач, Темурга ҳалиги воқеани айтиб беради. Амир Темур қаттиқ асабийлашади. Ўрнидан туради-да, жаҳлини босиш учун бир оз одимлаб, ўйга ботганча, уф тортиб, сўнг жойига ўтиради. Анча пайт жим қолади. Кейин бундай дейди: “Агар унинг ўрнида ўғилларимдан бири бўлганида ҳам, албатта, бу айби учун жаллодга топширардим. Аммо менинг қиличим етмаган жойга унинг сўзи, асарлари етиб борган, тарқалган; тақвosi билан шуҳрат топган бу авлиёни мен қандай қилиб қатл эттира оламан, ахир!” дея чорасизлигини англатади.

Бу ҳодиса Темурнинг айғоқчилик ташкилотига берган қатта эътибори сирасида олиму уламони ҳам қаттиқ ҳурмат қилганини англатиши билан жуда муҳим ва ибратлидир.

Хабарчилар, изкувар айғоқчилар орасида иброний, юнон ва яна бир неча тилларни биладиган моҳир ва нодир кишилар кўп эди. Улар туфайли Амир ҳазрат энг зарур маълумотларга эга бўлар, давлат ва ўрдуни бошқаришда улардан унумли фойдаланарди.

Ўз даври талабига қўра, ана шундай мукамал жосуслик ташкилотини яратган Амир Темур харбий юришни бошлаганидан олдин фатҳ эти-

лажак ўлка ёхуд шаҳарнинг ўзига қарши чиқиши мумкин бўлган шахс ва кучларини заифлантириш учун ўша тарафга ташвиқотчи, тарғиботчи айғокчиларни йўлларди.

Қалъа ё шаҳарларни забт этишда топографик маълумотлардан ҳам фойдаланарди. Бу унинг фатхларидаги муҳим омиллардан ҳисобланарди. Амир Темур ўрдуси, асосан, отликлардан қурилгани, ҳар икки суворининг ўз уловидан ташқари яна битта етақдаги оти бўлгани боис эллик мингдан юз эллик мингтагача отлик кўшинни бир жойдан бошка ерга олиб бориш осон кечмасди. Шу сабаб ўша ҳудуднинг жуғрофий, топографик маълумотлари ниҳоятда зарур саналарди. Бу диккатталаб, нозик иш эди. Юриш қилинаётган мамлакатни яхши билиш шарт эди. Шу сабаб Амир Темур сафар асносида ёнидаги савдогар ва жуғрофчилар билан доим суҳбатлашар, кенгрок тушунча ҳосил қилишга интилар эди. Манзил сари жўнатилган қошиф қисмлар ҳам ўрдудан анча илгарилаб, қаерларда булок ё сардобалар борлиги, душман жойлашган ҳудуд хусусиятларини аниқлаб хабар берар ва яна кузатишда давом этарди. Шунинг учун асосий ўрду бехатар йўл босарди. Қошиф бўлинмалардан ҳам олдинроқда айғокчилар, уста жосуслар ўз вазифасини бажарарди. Шу билан бирга, Амир Темур ўзи фатх этишга чоғланган ўлкага киргач ҳам турли йўллар билан маълумот олишни тўхтатмасди. Юриш пайтида муҳим хабарлар, асосан, сара, тажрибали қаҳрамон ва баҳодирлар воситасида олинарди, уларга “тил” тутиб келиш ҳам топшириларди.

Амир Темур фатху футухот сафарига чиқишдан олдин айғокчилик ташкилотидан бундай моҳирона фойдаланиши, душман ҳақида барча зарур маълумотни қўлга киритиши, айтиш мумкинки, у қозонажак зафарда бош омил бўларди. Чунки Ҳазрат амир жосуслар воситасида қўлга киритган маълумотларга асосланиб, аини юришда ғалабага эришиши (ёки эришмаслигининг) аниқ ҳисобини чиқара олган. Агар вазият ўзига терс, зарар томонга оға бошласа, дарҳол уни ўзига ўнг, фойдали ёкка бура олган. Шунинг учун ҳам, барча зарур сиёсий ва ҳарбий лаёқатга эгаллигига қарамай, Анадўлуни эгаллашда унга қарши чиқувчи энг катта ёғий қози Бурҳониддин бўлишини тушунгач, Анадўлуга юришни кечиктирган.

Унинг Қайсари – Сивас ҳукмдори қози Бурҳониддин ҳақида шарқий Анадўлуни жуда яхши билган одамдан маълумот олишни исташининг ўзиёқ ахборотга, айғокчилик фаолиятига катта аҳамият берганига бир далилдир. Шундай қилиб, Амир Темур ўша сафар чоғида ўзи тўплаган маълумотларга суяниб, қиёсий таҳлил асосида чиқарган қарори сабаб, гарчанд Арзирумга қадар кириб борган бўлса-да, Анадўлуни қўққис тарк этган. Яъни Усмонли ўрдуси билан ҳали юзма-юз келмай туриб, орада қози Бурҳониддиндек кучли рақиб борлигини билиб қолгач, Анадўлу сафарини вақтинча тўхтатиб, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон билан урушга йўл олади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Амир Темур, гарчи Анадўлуни тарк этса-да, аммо қози Бурҳониддинни бартараф этиш учун вақтни бой бермай, зарур чора-тадбирлар кўра бошлаган. Бунда ўзига энг кўп ёрдами тегиши мумкин бўлган киши – аввалдан қози Бурҳониддин билан яқин муносабатда бўлган окқўйлилар ҳукмдори Қора Юлук Усмонбек эканини аниқлаган. Чунки Қора Юлук Усмонбек Қайсари – Сивас ҳукмдорининг яхши-ёмон томонлари, айниқса, заиф нуқталарини яхши билган инсон

эди. Кейинчалик қози Бурхониддин Қора Юлуқ Усмонбек тарафидан Сивас ёвуқларида ўлдирилишида Амир хазратнинг ҳам маълум маънода хиссаси бор, дейилади.

Амир Темур айғоқчилик ташкилотидан унумли фойдаланганига яна бир далил – унинг ёғий тарафдан паноҳ истаб қочиб келганлардан маълумот йиғиш усулидир. Масалан, Олтин Ўрда мамлакати шахзодаларидан Тўхтамыш Ок Ўрда ҳукмдори Ўрусхон уни ўлдиришидан қўриқиб қочиб, Амир Темур ҳузурига келгани ва қабул қилингани Соҳибқирон билан Ўрусхон орасини бузган. Кўп ўтмай, Амир Темур Бухорода турган вақтида тагин Ўрусхон саройидан қочган манғит амири Эдигей ҳам Соҳибқирон ҳузурига кириб, Ўрусхон аскар тўплаётгани, Тўхтамышни қўлга олмоқ учун бу ёқларга келаётганини билдирган. Шу гапдан бир оз ўтиб, Ўрусхон элчилари Амир Темур ҳузурига келган ва Тўхтамышни уларга топширишини сўраган.

Амир Темур Ўрусхон талабини адо этмайди, бироқ унинг Тўхтамышга кўрсатган ёрдамию яхшилиги, афсуски, вафосизлик ва хиёнат билан яқунлангани ҳам сир эмас. Тўхтамыш Амир Темурнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши туфайли Олтин Ўрда ҳукмдорига айлангач, орадан ҳеч қанча ўтмай, Амир Темурга душманлик қилишни бошлаган. Соҳибқирон ўрдугоҳига ҳолдан тойиб етиб келган татар чопари Тўхтамыш лашкарининг қатта бир қисми Сирдарёни кечиб ўтиб, Темур юртини истило қилмоққа киришганини етказган. Амир Темур дарҳол мамлакатга қайтиб, Тўхтамыш билан узоқ чўзилган урушга киришган.

Амир Темур Анқара жангидан аввал ҳам айғоқчи ташкилотидан ниҳоятда унумли фойдалангани маълум. Соҳибқирон Йилдирим Боязидга қарши юриш бошлашдан олдинроқ Анадўлу халқини ўзига оғдириш учун бу юртга жосуслар жўнатган. Улар ортидан эса Усмонли заминиде яшовчи татарларни ҳам ўзига иттифоқчи қилиш ниятида Фозил деган татар амири ва бошқа бекларга мактублар юборган, татарларнинг бошқалардан устунлигини таъкидлаб, улар Анадўлуда ҳукмрон бўлиши зарурлигини уқтирган. Албатта, бундай фикрлар қора татарларга ёққан, уларнинг кўнглида Темурга мойиллик уйғонган.

Бундан ташқари, Амир Темур Анадўлу ўлкасининг химоя нуқталарини, айни замондаги вазиятини, муҳофаза тадбирларини, пистирмаларини ҳам жосуслар воситасида чуқур ўрганган. Зеро, Соҳибқироннинг узоқ тарадуд ва тайёргарликдан сўнггина Йилдирим Боязид устига юриш қилгани унинг айғоқчилар етказган маълумотларга қатта аҳамият бергани, ишонганини англатади. Анадўлу сафарига барча зарур ҳозирликлар қўрилгач ҳам, турумни тагин-да аниқ кўз олдига келтириш учун Мутаҳаргани яна бир бор охирги маълумот олиш ниятида ҳузурига чорлаб, у билан суҳбатлашган. Ана шу тарзда ҳарбий сафар тадориги қўрилган ва тўла маълумотга эга бўлингачгина Анадўлу юриши бошланган.

Амир Темур ўрдусида сафар тайёргарлиги салтанатнинг энг чекка ўлкаларидан чопарлар келтирган янги маълумотларга суянилган тарзда ниҳоясига етказилар эди. Ана шу ишлар адо этилганидан кейин Ҳазрати амир Йилдирим Боязидга қарши ҳужумга ўтиш учун Ораз кирғокларида кўр тўқди. Лашкарлар учун чодир ва ўтовлар тиктириб, айғоқчилар орқали келаси кўкламда Қипчоқ юртини истило қилишга кетиши ҳақида

миш-миш таркатди. Бетиним ишлаётган жосуслар бир дастур тайёрлаб, Амир хазратга сундилар. Унда кўрсатилган тадбирлар амалга оширила бошланди.

Амир Тему́р ҳарбий ҳийладан фойдаланишда ниҳоятда уста эди. Бутун умри урушларда ўтган кўмондоннинг бу соҳада жуда катта тажриба соҳиби бўлгани шубҳасиз. Ўз ёвининг кўли остидаги одамларни авраб-алдаб, ҳукмдорига қарши қилиб қўйиш, жосуслари ёрдамида рақиб мамлакатдаги умумий руҳий ҳолатни бузиш ва оқибатда зафар йўлини оsonлаштириш тадбири айни сафарда ҳам қўлланилди. Соҳибқирон Йилдирим Боязиднинг аҳолини кадамма-кадам кузатиб борди ва шунга мувофиқ чоралар кўрди. Масалан, Йилдирим Боязид Анкара жангидан олдин Тўкатга бориб, дарбандларни беркитиб, ёғий йўлини кесди. Бундан хабар топган Амир Тему́р ҳам ўз ҳаракат йўналишини ўзгартирди. Қайсари йўли очиқ эканини билгач, Анкарага ана шу томондан борди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Йилдирим Боязид Анкара жангига қадар, асосан, Оврупода уруш олиб борган, жанг майдонини ўрганишда Мовароуннаҳр лашкаридек билиму тажрибага эга эмас эди. Амир Тему́р эса Анадўлу ҳақида шу атрофдаги беклардан сўраб-суриштирган, жосуслардан зарур маълумотлар олган, кискаси, жанг майдони хусусида атрофлича тушунча ҳосил қилганди. Шу тарзда, яъни мукамал фаолият юритувчи айғоқчилик ташкилоти ва бошқа воситалар орқали кенг ва чуқур маълумотлар тўплагач, барча ҳарбий ҳозирликни кўриб, хужумга ўтган Амир Тему́р 1402 йилги Анкара жангида Йилдирим Боязидни улкан мағлубиятга учратди<sup>1</sup>.

Натижа эътибори-ла айтишимиз мумкинки, Амир Тему́р ҳаётининг сўнгига қадар айғоқчилик ташкилоти воситасида қўлга киритган маълумотларидан унумли фойдаланган ҳолда душманларига қарши кураш олиб борди.

Етти йиллик сафардан қайтишида Чин салтанатига юришни мўлжаллади. Шу боис жосуслари воситасида Чин давлати, ўлканинг ўзига хосликлари ҳақида маълумот тўплашга киришди. Чин аҳолиси, бу ерлик аҳолининг муҳим хусусиятлари, бойликлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун ҳар йўлга бош урди. Масалан, бир татар савдогари олти ой Чин бошкентида яшаган ва Тему́рнинг хузурига қайтиб, унга Чин пойтахтининг денгизга яқинлиги, Табриз шаҳридан йигирма марта катта эканлигини айтган. Бундан ташқари, ўша татар савдогар унга Чин хоқони сафарга чиққанида орқасида тўрт юз минг отлик аскар қолдиргани ва улар мамлакатни кўриклаб тургани, шунингдек, бу юртдаги одатга кўра, ҳар қандай аслзода ёнида бир сувори ёварсиз отлик юрмаслиги ёки хоқоннинг олдин бутпараст бўлгани, кейинчалик эса насронийликни қабул қилгани ҳақида Амир Тему́рга сўзлаб берган.

Соҳибқирон юриш қилинажак ўлкаларнинг жуғрофий вазияти, айниқса, ов ҳайвонлари мавжудлигига алоҳида диққат қаратарди. Шу сабаб у Чинга уруш бошлаш учун катта ва кучли ўрду тайёрлаш билан бирга йўллар, иқлим, Мовароуннаҳр ва Чин оралиғидаги ўлкаларнинг моддий бойликлари хусусида ҳам зарур маълумотлар тўплади. Ўтилиши мўлжалланган йўллар атрофига анча аввалдан дехқонлар жўнаттириб, буғдой эктирди, ғалла

<sup>1</sup> Kayı-I, s. 143-147; Osmanlı Gerçekleri, s. 119-132.

йиғдирди. Ўтрор, Олмалик ва Турфонда марказлар курдириб, хозирлик ишларида уларга ҳам суянди. Режага кўра, чодирлар юкланган беш юз арава, мингларча туя ва сугир ўрдудан олдин йўлга чиқади; улар лашкарнинг озик-овқатга, эт ва сутга бўлган эҳтиёжини коплайди.

Урушга тадорик кўраб экан, Амир Темури аскарларига чўллик ва музлик ерлардан ўтишда кийилувчи кийимларни ҳам тайёрлатган. Яъни кўккисдан ёприлиб келувчи бирор тасодиф ҳам эътибордан четда қолдирилмаслигига уринган. Чин сафари учун барча тайёргарлик чораларини кўрган Темури, ҳар доимги одатига содик ҳолда, бугунги ишни эртага қўйма қабалида иш тутиб, қирчиллама кишда, 1404 йил 27 декабрда ўрдусини кўзғотиб, йўлга чиқди.

Сирдарё суви музлаган бўлиб, қўшинлар муз устидан ўтди. Шу кечишдаёқ баъзи ҳайвонлар совуққа чидамай нобуд бўлди. Аммо сафарни энг майда-чуйда тафсилотларигача ҳисоб-китоб қилиб қўйган Амир Темури, айғоқчилик ташкилоти маълумотларига суянган ҳолда, дуч келинажак қаршилиқ ва оғирчиликларни аввалдан билгани сабаб зарур тadbирларни олганди. Режага кўра, Соҳибқирон уч ойлик юришдан сўнг Ўрта Осиёни босиб ўтиб, кўклам аввалида Чинга ҳужум уюштириб, ўрдуси билан ёпирилиши лозим эди. Афсуски, бу режани бажаришга Амир хазратнинг умри етмади.

Хуллас, Амир Темури ўз айғоқчилик ташкилоти ёрдамида душманларининг энг нозик жиҳатларигача ўргана олган, улар билан жангга кирар экан, жосуслари таркатган рақиблиқ янгилик маълумотлар кўмагида ёғинни алдаб, тузукка туширган, рақиблари орасига нифоқ солиб, уларни бири-бирига гиж-гижлаган, шу йўл билан заифлаштирган ва мағлуб этган.

## ДИННИ ЯНГИЛАГУВЧИ\*

Амир Темури ўзини исломият хомийси ва ҳижрий саккизинчи асрда динни янгилагувчи шахс деб биларди. У “Тузуқот”ида бу масалага алоҳида тўхталиб, ўз фикрини баён этадики, айни ёзувларни Амир Темурининг диндорлигига бир васиқа дейиш мумкин. Соҳибқирон, жумладан, бундай дейди:

“Ҳар бир шаҳарда масжид, мадраса, мусофирхоналар, катта йўллар четида қарвонсаройлар қуришни, йўлларни тузатиб, кўприклар тиклашни буюрдим. Ҳар бир шаҳарга уламо ва мударрислар тайин этдимки, улар мусулмонларга динни ўргатиб, шариатни тушунтирсинлар.

Тағин шундай фармон бердимки, менга тобе барча мамлакатларда шариат аҳкомлари қандай юритилаётгани ҳақида менга қозикалон ҳар доим билдириб турсин.

Ҳар эл ва ҳар шаҳарга битта адолат амири тайинладим. У ўша ердаги сипоҳилар ва халқ орасида туғилажак низо ва баҳсларни ҳал қилиб, бу хусусда менга маълумот бериб туради.

Ислом дини ёйилган барча юртлардаги аҳли ислом англасинлар дея уламолар бир фатво битиб, шуни билдирдиларки: “Оллоҳ таоло ҳар аср бошида Муҳаммад алайҳиссалом динига ривож бергувчи ва янгилагувчи<sup>1</sup> бир кишини майдонга чиқаради. Ушбу саккизинчи асрда амир

\* “Янгиланувчи” сўзи жонлантурувчи, янгидан дилга қувват берувчи маъносида қўлланилмоқда (тарж).

Соҳибқирон ислом динига ривож берди. Шу туфайли бу асрнинг дин янгилагувчиси бу кишидир”.

Яна бу замоннинг улуғ олимларидан Мирсаид Шариф менга бир мактуб ёзганки, унинг нуҳхаси шудир:

“Аллоҳумма унсур мин носириддин, ваҳзул мин ҳазалиддин. Аввалги ва кейинги ислом уламосининг бари бир оғиздан демишларки, Оллоҳ таоло ҳар аср бошида ислом динини янгилагувчи бир кишини чиқаради. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, ушбу саккизинчи аср бошида амир Соҳибқиронни дин янгилагувчиси сифатида юбормишдир. У ҳам барча вилояту мамлакатларда дини Муҳаммадияга ривож берди. Мозийдаги буюк уламолар ҳар аср аввалида келган дин янгилагувчиларнинг васфларини ўрганиб, шундоғ дебдурлар: “Ҳижратдин сўнгра биринчи аср бошида келган дин янгилагувчи халифа Умар бин Абдулазиз эди. Хорижийлар минбарлардан ҳазрати Алини лаънатлаб, кўп жабр этдилар, кимса уларни тўхтатолмади. Шу сабаб ўша йилларда ислом аҳлининг иттифоқи бузилган. Кейин яна улар орасидан баъзи кишилар чиқиб, тўрт халифага ҳам ситам айлаб, лаънат ёғдиришди. Ҳазрат Умар даврида бузғунчилар бартараф қилинди ва динга ривож берилди.

Иккинчи аср бошидаги дин янгилагувчи халифа Маъмун бин Хорун Рашид эди. У ислом динида бош кўтарган етмиш икки турли ботил мазҳабларни бостирди, Ҳақ мазҳаби бўлган аҳли суннатни тараққий топтирди.

Учинчи асрдаги дин янгилагувчи зот халифа Муқтадир Биллоҳ Аббосдир. Ундан олдинроқ қарматийлар қавми майдонга тушиб, уларнинг расиси Абу Тоҳир ҳаж мавсумида Маккага ҳужум уюштириб, арафа кунини ҳожилардан ўттиз минг кишини шахид этганди. Шунда Қоратошнинг жасоидан кўзгатиб, олиб кетдилар. Боран ерларини, мусулмонларнинг шаҳарларини вайрон қилдилар ва таладилар. Исломи дини кучсизланди. Халифа Муқтадир уларнинг устига лашкар тортди, бўйин эзмаганларини ўлдиртирди, қарматийлар фитнасини бостирди. Шу тарзда исломга ривож берди.

Тўртинчи аср муқаддимасида ўртага чиққан дин янгилагувчи шахс Иззудавла Дайломий эди. У ҳам шариятдан ташқари барча зиддиятларга барҳам берди, динни ривожлантирди.

Бешинчи асрда дин ва шариятга тараққий келтирган зот салжуқийлардан Султон Маликшоҳ эди. Шайх Аҳмад Жомий, Ҳаким Санойий каби зотлар унинг замондошлари бўлиб, султон уларнинг ихлосманд муриди эди. Бу даврда ҳам динсизлар, имонсизлар кўпайиб, ислом динини кучсизлантирганди. Маликшоҳ динсизликка харба ёғдирди, йўқ қилди ва исломият тараққийсига азму жадал кўрсатди. У шахсан ўзи ўрнак ўлароқ исломга шунчалар бўйсунганки, натижада ҳукмдор ҳаётида шариятга зид бирор ҳодиса юз бермаган.

Олтинчи аср бошида тарих майдонида кўринган дин янгилагувчи зот Қозонхон бин Арғунхон бин Хулакухондир. Мусулмон шаҳарлари мўғуллар истилосидан кейин жуда харобага айланганди ва ислом дини ҳам заифлашганди. Дин ривожини учун Оллоҳ таоло Қозонхонни ҳаракатга туширди. У юз минглик турк аскарини билан бирга Лор чўлида, шайх Иброҳим Ҳамавий гувоҳлигида имон келтириб, бир онда мусулмон бўлди. Тиллари билан имон келтирганидан сўнг улар куфур ва бидъат ишларини

тўхтатдилар. Мамлакатнинг барча шаҳарларида ислом динини, шаритатни ривожлантирдилар.

Еттинчи аср бошида бу вазифа елкасига юкланган зот Ўлжайту султон бин Аргунхонки, лақаби султон Муҳаммад Худобанда эди. Биродари Қозонхондан сўнгра салтанат тахтига ўтирди. Бир куни у “Бугунларда дин ишлари шундай чалкашидики, намоз ўқиган мусулмонлар ташаххўддан кейин ҳазрат Муҳаммадга саловот айтмай кўйди,” деган гапни эшитди. Эшитган заҳоти ўрнидан туриб, Султония жомесига борди. Барча ислом уламоси шу ерда ҳозир бўлдилар. Сўнгра султон уламодан “Намозда Пайғамбарга саловот келтирмасликнинг ҳукми неди?” дея сўради. Улар бундай дейишди: “Оллоҳ таоло намозда Пайғамбарга саловот айтишни амр айлаган. Агарда намозда саловот айтилмаса, Шофийий мазҳабиغا кўра намоз бузилур. Ҳанафий мазҳаби – имоми Аъзамга кўра, намоз макрух бўлур”.

Шунда султон уламога яна савол берди: “Бошиқа пайғамбарларга саловот айтилганида нима учун оила, бола-чақасини эсламайдилар-да, бизнинг пайғамбаримизга саловот сўйланаркан, “Муҳаммаднинг оилаю авлодига” иборалари қўшилади?” Барча уламо бу савол қаришисида ожиз қолдилар. Шунда султон бундоқ деди: “Бу хусусда қўнглимга икки нарсаси келур. Биринчиси шуки, душманлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга абтар дедилар. Оллоҳ абтарликни уларнинг бошига солдики, насллари кесилиб, дунёда улардан ҳеч кимса қолмади. Қолса ҳам, ном-нишонсиз ўтиб кетди ва уларни ҳеч ким танимади. Бироқ пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари шунча кўпайдики, уларнинг сон-саногини Оллоҳдан бошиқа кимса билмас. Иккинчиси шуки, мозийдаги пайғамбарларнинг динлари давронлар оша ўзгариб борган, доимий бўлмаган. Чунки ҳар бир пайғамбар ўз даврига мос дин келтирган. Фақат ислом дини ўзгаришдан ҳолидир, то қиёмат шу тарзда муҳофаза қилинғусидир. Шундай экан, Муҳаммад умматига шу лозимдирки, пайғамбаримизга саловот айтилар экан, унинг оилаю авлодларини ҳам қўшиб қўйиши керак. Чунки, ҳар инсонга маълумдирки, ислом динини муҳофаза қилганлар, Қуръон ва ҳадислар маъносини айтувчилар, улғу уламо Оллоҳ расулининг авлодларидир. Пайғамбарлар илмига соҳиб кишилар асосан улардир. Мусулмонлар дин илларини, имонни, исломнинг фарз ва вожибларини улардан ўрганадилар. Диний ишларда уларни раҳнамо билиб, ҳурмат қилиб, уларга эргашадилар..”.

Султоннинг сўзи шу ерга келганида, жомени тўлдирган уламо ва бошиқалар гуриллаган товуида пайғамбар ва оила-авлодларига саловот ўқидилар. Султон сўзини давом эттириб, бундоқ деди: “Пайғамбаримиз оиласига мансублардан энг илгари келгани ҳазрат Алидир. Энг сўнггиси имом Маҳдий Охирзамондир. Ҳақиқатан ҳам, ислом мулки – Муҳаммад алайҳиссалом мулкидир. Шунинг учун унинг авлодлари изнисиз бу мулкка қўл урмаслигимиз керак. Агар ўз истагимизча иш кўрсак, зўравонлик қилиб қўйган бўламиз”.

Султон Ўлжайту, яъни султон Муҳаммад Худобанда ана шу сўзларидан кейин амр этдики, аҳли байт номига хутба ўқиб, ақчалар чиқарилсин. Бу ишларни кўрган уламо “Ўлжайту султон исломиятнинг бу асрдаги ривож берувчисидир”, дея фатво ёздилар.

Ана энди саккизинчи аср бошида майдонга чиққан дин янгилагувчи, уни тараққий топтиргувчи амир Соҳибқирондирки, оламдаги мамлакатлар ва шаҳарларда дин ва шариатни қўриқлаб, ривожлантирди. У саййидларни ҳурмат айлаб, уламони шон-шарафга буркади. Пайғамбар хонадони зурриётларининг изни ва тавсиялари ила унинг мулкидаги ишларни жой-жойига қўя олди”.

Уламо раиси Мирсаид Шариф битган бу мактуб менга етгач, жаноби Ҳакка шуқр айлаб, хазрати Муҳаммадга ва оила-авлодларига саловот ўқиб, Оллоҳга ёлвордим, муножот этдим. Яъниким, менга тавфик ато этгай, дин янгилагувчиларидан, ислом шариатига ривож бергувчилардан қилгай.

Шу воқеадан кейин бу хатни пирим Абубакр Тайободийга йўлладим. Пирим мактуб хошиясига шуларни битиб, менга қайтармишлар: “Дин ва шариатга ривож бергувчи Соҳибқиронга маълум бўлсинким, бу кутби салтанатга Оллоҳ томонидан юборилган энг улуғ неъматдир. Динни янгилаш, шариатни ривожлантириш тавфиқини Оллоҳ таоло сенга бағишламишдир. Қанчалар яхшилик қилсанг, унинг сийловини оладирсан”.

Пиримга жўнатилган ўша мактуб унинг каламу фикри ила зийнатланиб, қайта қўлимга теккач, расулуллоҳ авлодларига ҳурматимни янада орттириб, ислом олимларининг даражаю мақомларини юксалтирдим. Шариат тараққийси йўлида аввалгидан ҳам кўпроқ заҳмат чекдим. Бу мактуб мазмунини менинг ҳаётим воқеалари тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим.

Дин ва шариат тузугини тугал битирганимдан кейин ўз салтанатим муассасаларининг тузугини тузмакка киришдим. Салтанат ва давлат мартабаларини тўра ва тузук йўлига солиб, мустаҳкамладим”<sup>1</sup>.

## МАЪНАВИЯТИ

*“Унутма, Шоҳрух болам, қаламнинг ёзганлари мангу қоладир.*

*Кун келурки, мен ва сен бир ҳовуч тупроққа айланурмиз. Улуғбек мирзонинг ёзганлари, қилган ишлари эса асрлар оша инсонларга йўл кўрсатадир”.*

*Амир ТЕМУР*

Амир Темур музаффар ўрдуси билан жанглardan қайтгач, Самарқандда янги бинолар бунёд этмокни, мадраса, масжид, бағрида қасру саройлар кўрк очган боғ-роғлар яратмокни, уларни халққа тақдим қилмокни одатга айлантирган эди. Унинг бундай хайрли ишларидан фарзандлари ҳам ўрнак олдилар ва Самарқандда буюк обидаларни тикладилар.

Бир куни Соҳибқироннинг кичик ўғли Шоҳрух Самарқанд яқинида улкан бир боғ яратди ва отасини бу бўстонга зиёфатга чақирди. Базм тугагач, Шоҳрух падари билан бирга боғни сайр этди ва: “Отажоним, бу яратган боғим ҳақида нима дейсиз?” – деб сўради. Амир Темур унга бундай жавоб берди: “Эй ўғлим, боғинг жуда гўзал, кенг, ҳар турли дарахтлар, анвойи хушбўй гуллардан бор. Аммо билгилки, бойлиги бор ҳар одам бундай боғу бўстонни ярата олади. Лекин дунёда ўхшаши йўқ иккита боғ борки, улардан биринчисини барпо қилмоқ учун сен ҳам, мен ҳам гайрат кўрсатмоғимиз лозим. Иккинчисини эса сен ҳам, мен ҳам яратолмаймиз, у фақат Улуғбекка насиб бўлгусидир”.

<sup>1</sup> Tüzükat-i Timur, s.76-81.

Шохрух Ҳазрат хоконга марок билан боқди ва: “Отажон, яратмок учун ғайрат қилишимиз даркор ўша боғ канақа ўзи?”, деб сўради. Темур унга бундай деди: “Ўғлим, бу боғ – олимлар, авлиё, шоир, фузало ва уламо, ахлокли кишилар, ўқиган зотлар суҳбатидир. Бу муборак инсонлардан дарс ва ўрнат олиб, эзгу ишларга қўл урмок – ўша боғ дарахтларидир. Бу оғочлар меваси эса яхшилик билан хотирланмок, гўзал бир тарзда эсланмокдир. Шунинг учун ҳар доим олим, илмли кишиларни атрофингга тўплаб, улардан файз ол, насихатларига муносиб муомала кўрсат”.

Шохрух яна: “Отажон, Улуғбекка насиб бўлган боғ канақа?” – дея сўради. Темур жавобан бундок деди: “Улуғбекнинг боғи – илм, маърифат бўстониدير, тафаккур боғидир. Унинг дарахтлари – китоблар, кашфлардир. Мевалари эса тафаккур ҳикматларидир. Унутма, болам, қаламнинг ёзганлари мангу қоладир. Кун келурки, мен ва сен бир ҳовуч тупрокка айланурмиз. Улуғбек мирзонинг ёзганлари, қилган ишлари эса асрлар оша инсонларга йўл кўрсатадир”.

Амир Темур қалам аҳлига ҳар доим ҳомийлик қиларди. Чунки улар ёзажак китоблар салтанатининг қудрати ва шон-шавкатидан келажак наслларга хабар етказишини яхши биларди. Жаҳонгирлик, албаттаки, фақат жанг қилиш, ўлкалар фатх этишдангина иборат эмас, аксинча, нотинч, низоли ўлкаларни бирлаштириш ва халққа фойдали ишларни бажариш, бинолар, кўприклар қуриш, йўлларни тузатиш, сувлар чиқариш, олимлар ва шоирларга ёрдам бериш, илм-фанни ривожлантириш, дея тушунарди Соҳибкирон. Унинг мамлакатларни фатх айлашдан мақсади ўз мол-мулкни орттириш эмас, балки тўпланган бойликларни юрт, халқ фаровонлиги, тараққийси учун сарфламок эди. Шоир Фаҳриддин Гурғоний айтганидек:

*Сосоний ва сомонийлар йиғиб-йиғиб тўплаган  
Молу мулкдан не ҳам қолди бу ўтқинчи жаҳонга?  
Рудакийнинг шеърлари ва Барбоднинг қўшиқлари  
Барбод бўлмай этиб келмиш аммо бизнинг замонга.*

Амир Темур болалигидан исломий муҳитда улғайди, отасининг ёрдамида Қуръонни ўрганди. У том мусулмон, ҳанафий мазҳабида эди. Беш вақт намозини қанда қилмасди. Ҳарбий юришларда кўчма масжидини олиб юрарди. Унга имомлик қилиш вазифаси Самарқанддаги атокли ҳанафий олимлардан, Темурнинг Халаб ва Шомдаги маҳаллий уламолар билан ўтказган баҳс мажлисларида таржимони бўлган мавлоно Абдулжаббор бин Нўъмонга юклатилган эди. Абдулжаббор имомликни Соҳибкироннинг барча сафарларидан тортиб вафотига қадар давом эттирди.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Соҳибкирон Анадўлу сафари чоғида, ўрдуни кўриқдан ўтказаётган пайтда маросим чўзилиб кетади, пешин намози казо бўлиши мумкин, шунда Амир Темур отдан тушиб, ибодатини адо этади.

Султония шаҳри бош роҳиби Дўминикли Жан эса унинг диндорлиги хусусида бундай деган: “Амир Темур диний қондаларга тўла риоя қиларди. Қасрда бўлса ҳам ҳар кун беш вақт намозини қўймади. Рамазон ойида рўза тутарди. Мен унинг шароб ичганини кўрмадим”.

Испаниялик элчи Клавихў ҳам “Амир Темурнинг сафар ўтовиди ўзи намоз ўқийдиган, бўлакраниб-йиғиладиган, ёғочдан ясалган сайёр масжиди бўларди, Соҳибқирон қаерга борса, уни ҳам ўша ерга олиб боришарди, Темур унда ибодатини адо этарди”, дея ёзади.

Анадўлу сафаридан қайта туриб невараларини уйлантирганида ҳам ўша замонда кироати билан шухрат топган муҳаддис олим Шамсиддин Муҳаммад ал-Жазирий дуоларни ханафий мазхаби коидаларига уйғун тарзда адо этган, Самарқанд козикалони мавлоно Салоҳиддин эса, ханафийлар одатига қўра, никоҳ ўқиган.

Амир Темур даврида ханафийлик темурийлар салтанатининг расмий мазхаби мақомини олди ва ўғли Шохрух даврида янада мустаҳкамланди. Амир Темур 1381 йилда Ҳиротни эгаллаганида, сабзаворлик хожа Али Муайядга айтган сўзлари ҳам унинг ахли суннат акидаларига маҳкам боғланганини кўрсатади.

Соҳибқирон Мозандаронда бўлганида шийа мазхабидаги Саид Камолддин ва Саид Розииддин тушунчаларидан бир оз озорланган, сўнгра: “Бу эътикодни ташланг! Ахли суннат вал-жамоат мазхабини қабул қилиб, шарият йўлини тутинг. Илм аҳлига хурмат, эътибор кўрсатинг ва болаларингизга шайрий илмларни ўргатинг!” – дея ўғит берган.

Қизи Оқабек, катта ўғли Жаҳонгир ва опаси Туркан оқанинг бирин-кетин вафот этиши уни бир муддат дунёдан бездирган, қайғуга асир қилган бўлса ҳам, Соҳибқирон олимларга Куръон ўқиттириб, улардан ҳадис тинглаб, ғам-аламини енгиллатган ва аста-аста давлат ишларига қайтган.

Амир Темур исломнинг беш фарзидан, айниқса, рўза борасида ўта ҳассос эди. Сафар чоғи рамазон ойи бошланса, бир маконда кўноқлар эди. Рўза ойини ўтказиб, ўрдуси билан бирга ҳайит намозини ўқиб, сўнг дунё ишларига йўналарди.

Катта жанглар олдидан лашкарининг қаршисига чиқиб, икки ракат хожат намози ўқиб, Оллоҳдан мадад ва зафар тиларди.

Закот борасида ҳам жуда ҳассос эди. Бу хусусда Самарқанд шайхулисломи хожа Абдулаввалга закотнинг қандай ва қаерлардан олиншига оид ўта муҳим саволлар бергани маълум.

Соҳибқирон ҳарбий юришлари чоғида ҳам, сафардан Самарқандга қайтган пайтида ҳам илм аҳлини тўплар ва уларнинг суҳбатидан файз оларди. Хузурида олимлар эркин баҳсу мунозара этишидан завқланарди. Айниқса, Саъиддин Тафтазоний ва Сайид Шариф Гургоний орасидаги мунозаралар фақат Амир ҳазратнинггина эмас, балки бутун ислом оламининг ҳам диққатини жалб этгани тарихда таъкидланган.

## УСТОЗЛАРИ

Амир Темур болалиқдан исломий мухитда ўсгани боис отасининг даврасига қўшилиб юриб, кўпгина атоқли уламо ва улуғ мутасаввифлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Уларнинг дуосини олиш бахтига эришган, фикрлари, хатти-ҳаракатлари, тутумларидан сабоқ чиқарган.

Амир Темур устозларининг нафақат ўғит ва ҳикматларини, балки хатто уларнинг кийимидан тўқилган ғуборгача кадрловчи ихлосманд шогирд эди. Бу хусусда ибратли бир ривоят бор.

Амир ҳазратнинг лашкари Бухоро кўчаларидан ўтар экан, бир неча киши баланд девор устига чиқиб олиб, эски кийим-кечакларни силкитиб, чангини қоқар эди. Чанг-гўзон кўчада бораётган аскарларнинг бошига ёғиларди. Шунда баъзи кўмондонлар ғазабланиб, дарвишларга дашмон берди ва бу ишни тўхтатишни талаб этди. Бундан хабар топган Амир Темур эса кўмондонларга минбаъд бундай қилмасликни буюриб, дарвишларга эса эски-тускиларни янада қаттиқроқ силкитишга амр этди. Лашкар чанг-ғуборга кўмилган ҳолда кўчадан ўтди. Соҳибкирон: “Ҳеч ким устига қўнган чангини қокмасин!”, – деди. Аввалига ҳеч ким амир нега бундай қилганининг маъносини англамади. Кейинроқ Соҳибкирон кўмондонларига бундоқ деди: “Сизлар бу чанг-ғубор кадрини билсангиз эди, уларни олтин бериб, сотиб олардингиз. Ўша девор устидан чанги қоқилган эски-тускилар ҳазрати шоҳ Накшбанднинг муборак кийимлари эрди.<sup>1</sup> Шунинг ҳеч унутмангиз! Биз уларнинг дуо ва баракоти ила зафарлар қозониб, бу давлати олийга ноил бўлиб турибмиз”<sup>2</sup>.

Хуллас, Амир Темур зафарларидаги бош омиллардан бири – унинг улуг олимларга бўлган садоқати ва устозу пирларининг ҳикматига ишончу ихлосидир. Шоир айтганидек:

*Замонанинг Искандари бўлсанг ҳам,  
Хузурига пирсиз кирма, эй одам.*

Ҳар бир ҳукмдорнинг макоми, қудрати, хайбати уни улғайтирган ва улуг ишларга йўналтирган устозлари атрофидаги уламоси, шоир ва олимлари билан ўлчанади. Амир Темур ёнидаги, атрофидаги кўнгил аҳли, устозлари, олиму фозиллар билан танишар экансиз, Соҳибкироннинг мақсад ва гоёлари, амалга оширган ишларини тағин-да теранроқ англайсиз.

## ШАЙХ ШАМСИДДИН КУЛОЛ

XIV аср бошларида бугунги Қашқадарё воҳасида туғилган. Ёшлиқдан дарвишлик йўлини тутган. Сайид Амир Кулол ҳазратларидек кулолчилик билан шуғуллангани боис Кулол лақабини олган.

Тарихдан аёнки, шайх Шамсиддин Кулол билан Баҳоваддин Накшбанд Сайид Амир Кулол ҳазратларининг талабаси бўлган. Улар биргаликда ҳажга борган, бир-бирларига илм ўргатган.

Шамсиддин Кулол Амир Темур ҳаётида муҳим ўрин тутди. Соҳибкироннинг отаси Муҳаммад Тарағайга ҳам устоз ва пир бўлган. Темурга етти ёшидан Куръони каримни, кўп илмларни ўргатган. Темурга исмни ҳам у қўйган, бир умр дуо қилган. Темур болалигининг асосий даврини шайх ёнида ўтказган. Шайх тирик экан, Темур унга чин кўнгилдан боғланиб яшаган, ҳар доим уни зиёрат қилиб, йўқлаб турган. Уни ўзининг маънавий отаси деб билган.

Шайх Шамсиддин Кулол 1370 йилда вафот этган. Амир Темур устозини Шаҳрисабзга, отаси Муҳаммад Тарағай ёнига дафн қилдирган.

<sup>1</sup> Hamid Algar. “Bahaeddin Nakšibend”, DĪA, c 4, s. 458–460; Necdet Tosun. Bahaeddin Nakšibend Hayati, Görüşleri, Tarikati (XII–XVII), İstanbul 2003, s. 408; Timurlular’da Din ve Devlet İlişkisi, s. 98–99.

<sup>2</sup> Hüseyin Hilmi Işık. Tam İlimihal Seadet-i Ebediyye, İstanbul 2016, s. 752; a.mlf. Kıymetsiz Yazılar, İstanbul 2014, s.47.

Харбий юришлардан қайтганида Соҳибкирон болалари билан ҳар доим Шахрисабзга борар, ҳам отаси, ҳам устози шайх Шамсиддин Кулол ҳазратлари қабрини зиёрат айлаб, дуолар ўқирди<sup>1</sup>.

## САЙИД АМИР КУЛОЛ

1284 йилда Бухоронинг Сухори кишоғида туғилган. Бутун умрини ўша ер ва Бухоронинг бошқа кишлоқларида ўтказган. Ҳазрат пайгамбаримизнинг наслларидан ҳисоблангани боис у Сайид Амир, кулолчилик билан шуғуллангани учун эса Кулол номи билан танилган<sup>2</sup>. Силсила олиянинг улуғларидан Муҳаммад Бобо Самосийнинг талабаси ва Баҳоваддин Нақшбанд ҳазратларининг устозидир.

“Мақомоти Мир Кулол” асарида Тему́р билан Мир Кулол ҳазратлари учрашуви баён қилинган. Нақл этишларича, бир куни Амир Кулол жума намозини Бухородаги масжидда ўқиб, уйига қайтарди. Бир тўда одам шаҳарнинг Гулобод ва Фатҳобод мавзеси оралиғидаги бир жойда ўтириб, дарвиш ва авлиёлар қаромати ҳақида суҳбатлашарди. Сайид Амир Кулол ҳазратлари ўша жойдан талабалари-ла ўтар экан, Амир Тему́р бу зот кимлигини сўрайди. Ёнидагилар: “Бу зот Амир Кулол ҳазратлари, ҳамроҳлари талабаларидир”, дейишади. Тему́р шу онда кўзголиб, тезда Кулол ҳазратлари олдига келади ва адаб билан бундоқ дейди: “Эй динимизнинг улуғи, сизнинг марҳаматингиздан мадад олиб, мурожаат қилмоқдаман. Менга бир амрингиз бўлса, мамнуният-ла бажариб, сиз ва талабаларингиз кўнглини қувонтирсам, дейман”. Мир Кулол бундай дебди: “Шуни билингким, менга бировга амр этмоқ, талаб қилмоқ изни берилмаган. Буюклар рухониятидан ишорат бўлса, бундай ишлар қилинмай. Аждодимиз шундоқ иш тутмишдир. Сиз сабр айлаб кутингиз. Зеро, йўлингизда музаффарлик кўринмоқда. Албатта, сизга яхши хабарлар бор”.

Амир Кулол уйига бориб, хилватхонасига кирди. Хуфтон намозидан кейин шайх Мансур деган дарвишни чақириб, унга бундай деди: “Чопиб бориб, Амир Тему́рга шу хабарни етказ! Шу ондаёқ ўрнидан турсин! Оёқда эса дарҳол ҳаракатини бошласин! Чунки улуғлар рухониятидан мужда бор: Оллоҳнинг изни ила бутун мамлакат бошдан-оёқ Амир Тему́р ва унинг авлодларига берилмишдир. Хоразм тарафга йўлга чиқсин, у ерларни фатҳ этганидан сўнг Самарқандга сафар қилсин”.

Шайх Мансур бу хушxabарни Амир Тему́рга етказди. Амир Тему́р сафдошлари билан ҳеч тўхтамай ҳаракатга тушди. Улар маконидан бирмунча узоклашгач, Туғлуқ Тему́р тарафидан Амир Тему́рни ўлдириш учун юборилган аскарлар қодирни босди. Аммо бирор кимсани тополмай, ортга қайтиб кетди.

Амир Тему́р салтанат тахтига ўтиргач, Амир Кулолни Бухородан Самарқандга чақиртирди. Аммо умрининг сўнгги палласини яшаётган Амир Кулол: “Биз бунда дуо ила машғулмиз ва бошқа ерда истиқоматимизга изн йўқдир!” – дея кичик ўғли Амир Умарни Соҳибкирон хузурига жўнатди. Йўлга чиқаётган ўғлига бундай деди: “Эй ўғлим, Амир Тему́рга айтингки, агар Оллоҳ таоло даргоҳидан умидли бўлмоқ истаса,

<sup>1</sup> Timurlular’da Din ve Devlet İlişkisi, s. 96-97.

<sup>2</sup> Hamid Algar. “Emir Kūlal”, DĪA, c. 11, s. 138.

тақво ва адолатга суянсин. Амир Темур сизга дунёнинг тортиқларини берса ҳам, уларни олмангиз, олсангиз, бизнинг хузуримизга оёқ босмангиз. Дунё аҳлидан ҳады олмоқ аждодларимиз тутумига зиддир. Зеро, дарвишлар ҳар доим мўъминларни дуо этиш билан шуғулланиши лозим. Дунёга майл кўрсатсалар, дуолари қабул бўлмас”.

Амир Темур пирининг ўғлини меҳру эҳтиром билан қарши олди. Унга тортиқлар сунди. Аммо Амир Умар уларни қабул этмади. Шунда Темур: “Амир Кулол ҳазратларига қандай армуғон жўнатсак, у зотнинг шарафига уйғун ва мақбул бўлғайким, токи биз-да ул зотга яқинлашайлик,” дея сўради. Амир Умар бундай жавоб берди: “Отам айтдиларки, Амир Темур агар Оллоҳга яқин кишилар кўнглидан жой олмоқ истаса, тақво ва адолатни шiori этсин. Оллоҳга яқинлашмоқнинг йўли шудир”.

Ҳазрат Амир Кулол 1370 йил 28 ноябрда вафот топди.

Шуни ҳам айтмоқ керакки, кўплаб тарихчилар Сайид Амир Кулол ва Шамсиддин Кулолни бир одам деб ўйлаган ва асарларида шу қарашни ифодалаган. Жумладан, Бартольд, Вадим Массон, Пугаченкова ва бошқа Темур даври ҳақида асар битганлар ҳам, бир қатор хорижий тарихчилар ҳам бу икки зотни бир киши деб янглиш фикр билдирган<sup>1</sup>.

## МАВЛОНО ЗАЙНИДДИН АБУБАҚР ТАЙОБОДИЙ

Абубақр Тайободий Амир Темурнинг адолат-ла ҳукмдорлик қилишига энг кучли таъсир кўрсатган олимдир. Темур қачонки танг аҳволда қолса, Абубақр Тайободий билан кенгашар, агар у узокда бўлса, мактуб битиб, ўғитини олар ва шунга кўра иш тутарди. Амир Темур ўз “Тузукот”ида Тайободийга оид қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, у бундай дейди:

“Мен йигирма бир ёшга кирганимда, саёхатга чиқишни истадим. Фақат олдин Абубақр Тайободий ҳазратларининг дуосини олай, дея ният қилдим. Шайх саёхатга боришимни маъқуллаб дуо этди, белимга камар боғлаб, бошимга кулоҳ кийдирди, кўлимга бир узук тутказди. Узук кўзида “рости русти” (куч – адолатдадир) деган ёзув битилган эди”.

Тайободий ҳазратлари Туғлуқ Темур масаласида ҳам ниҳоятда ўринли маслаҳатлар билан Амир Темурга йўл кўрсатган. Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхўжа сайидларга марҳаматсиз муомала қилар, Амир Темур эса унинг бу тутумидан норози эди. Шу сабаб Туғлуқ Темур билан ораси бузилди. Шунда Абубақр Тайободий Амир Темурга мактуб йўллаб, унинг кўнглига таскин берди. Хатда, жумладан, бундай дейилган эди:

“Сабук Тегиннинг онаси бир кийикни ўлимдан кутқариб қолгани учун Оллоҳнинг суюкли куллари орасига киритилган экан. Ҳа, у биргина кийикни ўлимдан асаганди. Сен эса етмиш сайидни асоратдан саклаб қолдинг. Бу улуғ ишинг сени келажакда улкан мартабаларга эриштиради, сени буюк муқофотлар кутмоқда”.

Ривоятларга кўра, милодий 1378–1379 йилларда малик Гиёсиддин Пирали Ҳирот шаҳрини янгидан девор билан ўрай бошлаганида шайх Абубақр Тайободий унга мактуб йўллаб, “Одамларингта бу ишни қилдириб, машаққат юклама. Келажак офатларни девор ўраб тўса олмассан. Унинг

<sup>1</sup> Timurular' da Din ve Devlet İlişkisi, s. 97-98; Mevlana Şehabeddin. Agahî'yi Seyyid Emir Kûlal. Yay. Gulam Mustafa Han, Karaçi 1381/1961, s. 28-29.

ўрнига адолат деворини тикла!” – дея ўғит берган. Ҳоким Гиёсиддин эса унга “Сен давлат ишларига аралашма, имомлигингни қил!” – дея адаб-сизлик билан жавоб қайтарган. Шунда шайх Тайободий хафа бўлган, “Яқинда бу ерлар Амир Темур қарамоғига ўтади,” деган. Ҳақиқатан ҳам, бир муддатдан сўнг шайхнинг айтганлари амалга ошган.

Манбаларда таъкидланишича, 1380–1381 йил орасида Амир Темур Хуросонни забт этишга тайёрланади ва маслаҳат олиш учун шайх Абу-бакр Тайободий зиёратига келди. Иккалови бир муддат суҳбатлашади. Шайх Абубакр Тайободий Соҳибкиронга Ҳиротни эгаллаганида халққа зулм қилмасликни тайинлайди. Шунда Темур шайхдан: “Нега сиз малик Гиёсиддинга ўғит бериб, тўғри йўлни кўрсатмадингиз?” – деб сўрайди. Шайх ҳазратлари унга: “Мен маликка кўп насиҳат қилдим, аммо у қулоқ солмади. Оқибатда хўрланди, сен эса улугландинг. Энди мен сенга ўғит бермоқдаман. Агар қулоқ осмасанг, сен-да хўрланганлар қаторида бўлгайсан,” – дейди. Амир Темур: “Яхши, унда Оллоҳ менга қарши қимни юборади?” – деб сўради. Шайх Тайободий ҳазратлари қатъий оҳангда: “Азроил алайҳиссаломни!” – деб жавоб беради.

Амир Темур бу суҳбатдан каттик таъсирланди. Кўз ёшлари дув-дув оқди. Абубакр Тайободий хузуридан чиқиб, атрофдаги одамларига юзланиб, бундай деди: “Биз ҳозирдан Ҳиротни фатҳ этдик. Улуғ зотнинг муборак каломлари Ҳирот аҳолисининг истагига далилдир. Оллоҳ ҳеч бир султонни мандан устун айлаб, музаффар этмади. Оллоҳнинг изни ила дунё султони бўлдим ва ўлим шарбатини ажалим ила тотажақман”<sup>1</sup>.

Шайх Абубакр Тайободийнинг Амир Темурга битган бир неча мактуби “Тузуқот”да берилган. Улар, асосан, Соҳибкироннинг шайхдан сўраган саволларига жавоб ва тавсиялардан иборатдир. Улар Амир Темур сиёсатининг шаклланишига, мустаҳкамланишига муҳим улуш қўшган.

Масалан, шайх бир мактубида айтган бу сўзлар Амир Темурнинг давлатни бошқариш сиёсатининг тамалини ташкил этади: “Эй музаффар Темур! Давлат ишларидан шу уч нарсани унутма: биринчиси – кенгаш, иккинчиси – сабр, учинчиси – ҳушёр бўлиб иш тутиш. Чунки кенгаш-сиз, маслаҳатсиз салтанатнинг йўли янглишдир, охири пушаймонликдир. Салтанат ишларини бажарар экан, ҳеч бирини маслаҳатсиз амалга оширмаки, надомат чекмагайсан. Шуни билиб қўйки, салтанат фаолиятини юритаркан, қилажак ишингнинг ярмиси бу йўлда дуч келувчиси ҳар турли қийинчиликка сабот-ла сабр этмоқдан иборатдир. Иккинчи ярми эса ўзингни баъзи ишларни билиб билмагандай, кўриб кўрмагандай тутмоқдир. Қисқаси, ҳар ишда сабот ва сабр кўрсатиб, ҳушёр туриб, баҳодирлик қилгайсан ва бутун ишларни бажаргайсан, вассалом”<sup>2</sup>.

Амир Темур “Тузуқлар”ида бир гал Тайободийга ёзган мактуби ва унинг жавоби хусусида қуйидагича эслайди: “Бир кун ўз ишларим билан машғул экан, чарчаб, ухлаб қолибман. Туш кўрдим, қарасам, атрофимни даҳшатли жинлар, тўнғизлар, чиркин эркаклар, ирганч хотинлар, йирткич хайвон ва қушлар ўраб олибди. Мен қўрқувдан уйғониб кетдим ва шу ондаёқ Тайободий ҳазратга хат йўлладим. Шайхдан бундай жавоб олдим: “Сен тушингда кўрган у қўрқинч махлуқлар қилган гуноҳларингдир. Агар гуноҳга қўл урсанг, дарҳол тавба эт!”

<sup>1</sup> Acaibu'l-Makdur, s. 63.

<sup>2</sup> Tüzükat-i Timur, s. 23-24.

Амир Темур Тайободий билан бир учрашувини эслар экан, Ҳофизи Абрўга “Салтанатим ахли орасида зоҳидлар ва бошқа дин одамлари билан кўришганда, доимо қаршимдагилар кўркиб турганини хис этардим. Аммо бу сафар кўрқув туйган мен бўлдим. Чунки Тайободий ҳаққоний бир одам эди ва дунёдаги ҳеч кимсадан чекинмасди”, дея ул зот қошида руҳида кўзғолган маънавий кўрқувни, шайхга нисбатан ихлосу эътирофини аниқлаган<sup>1</sup>.

Амир Темур ҳокимиятни бошқаришда таянган асосий шиори – “Мамлакат ҳаёти куфр билан давом этиши мумкин, аммо зулм бор ерда йўқ бўлиши яқиндир” сўзлари ҳам Абубакр Тайободийга тегишлидир. Бу хикматга Амир Темур фақат сўзда эмас, балки ишда ҳам доим амал қилган, уни фаолиятининг тамали деб билган. Масалан, Тайободий ҳазратларидан олинган бир мактуб салтанатни идора этишида унинг учун дастурга айланганки, ўша хатда, жумладан, бундай дейилган эди:

*“Буюк зафарлар эгаси Темурга!*

*Салтанат муассасаси Оллоҳга тегишлидирки, ундаги ходимлар ичида кўлидан иш келадиганлар, ноиблар, ишга моне бўлгучилар бордир. Улардан ҳар бири ўз мартабаси ва мавқеидан чекинолмаслар, доимо Оллоҳнинг амрига мунтазирлар. Шуни билки, вазирлар, қўшини кўмондонлар, савдогарлар, ҳунармандлару сипоҳилар билан муомала-муносабатингда улардан ҳар бирининг ўз ҳаддидан ошмаслигини кузат; улар ҳар кимнинг сенинг қарорларингга кўра иш тутган-тутмаганини кўздан қочирмасин. Ҳар табақани, ҳар қавмни ўзига лойиқ ўринда тутки, салтанатинг қоидалари бузилмасин. Агар ҳар кимни ва ҳар ишни ўз мавқеида тутмасанг, бундан салтанатингга кўп зарару зиёнлар келадир. Шу тарзда ҳар одамнинг қимматини, мартабаси ва даражасини, ҳар нарсанинг ўлчовини билган ҳолда иш юритишинг керак. Сайидларнинг мартабасини бошқалардан устун тут, иззат-ҳурматини жойига қўй. Уларга қанчалар эҳтиром кўрсатсанг, фийсабиллоҳ бўлгай. Зотан, Оллоҳ йўлида бажарилган ишларда исроф йўқдир. Давлатингни ўн икки табақага ажратган тарзда низомга келтир ва салтанатингни дарҳол синфу табақа ҳолида тартибга сол. Вассалом”.*

Устоз бу мактубида ёзган тавсияларнинг ҳар бирини амалга оширдим. Давлатимнинг ишларини қонун-қондасига кўра тартибга солдим. Салтанатим мартабасини юксалтирдим. Ўн икки тоифага ажратган шаклда, уларга таянган ҳолда иш юритдим. Бу ўн икки тоифани салтанатим қалъасининг ўн икки буржи, давлатим идорасининг ўн икки устуни, ойи деб ҳисобладим.

Шайх Абубакр Тайободий замонасининг машҳур ва билимли кишиси эди. Фақат Амир Темургина эмас, балки ўша даврнинг энг буюк олимлари, тарикат уламолари ҳам унинг суҳбатидан завқу файз оларди. Алишер Навоий ҳам “Насойим-ул муҳаббат” асарида хожа Баҳоваддин Нақшбанд, хожа Муҳаммад Порсо, хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби авлиё оталаримиз шайх Абубакр Тайободий билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлганини айтиб ўтган.

Алишер Навоийнинг ёзишича, Муҳаммад Порсо ҳазратлари охириги марта ҳаж йўлига чиқаркан, ўз устози Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан

<sup>1</sup> Timurlular' da Din ve Devlet İlişkisi, s. 103.

бирга борган, сафар давомида мавлоно Зайниддин Абубакр Тайободий мозорини ҳам зиёрат қилган: “Бухородин Марвга етгонда қофила икки фарик бўлдилар ва баъзи Машҳад сори майл қилдилар ва баъзи Ҳирот сори мутаважжих бўлдилар. Бу булжор билаки, Нишопурда бир-бирига қўшулғайлар. Ҳазрати Хожа бузургвор (*Нақшбанд – таҳр.*) Ҳирий сори мойил бўлдилар ва буюрдиларки: “Тиларбизки, мавлоно Зайниддин Абу-бакр Тайободий суҳбатиға етгайбиз”. Мен йигит эрдим ва Машҳад сори бордим... Мавлоно 791 да, муҳаррам ойининг салхида, панжшанба куни нисфи наҳорда оламдин ўтибдурлар”<sup>1</sup>.

Шайх Абубакр Тайободий 1389 йил декабрида вафот этган.

## МИР САЙИД БАРАКА

Тарихчи ибн Арабшоҳга кўра, Амир Темур бундай деган: “Қанча ўлкаларни қўлга киритиб, қанча қалъаларни фатҳ этган бўлсам, бу ишларнинг бари шайх Шамсиддин Кулолнинг воситаси, Амир Кулолнинг мадади ва шайх Зайниддин Абубакрнинг ҳамияти ила амалга ошди. Барча муваффақиятга Сайид Бараканинг ёрдами билан эришдим”.

Амир Темур Сайид Барака билан 1370 йилда илк бор учрашди. Амир Ҳусайн билан ораси бузилганидан сўнг Кешдан Балхга қараб борар экан, Термиз агрофида умрига нақш урган энг яқин пири, улуғ авлиё Сайид Барака билан кўришди. Маккадан келган Сайид Барака аввал амир Ҳусайнга мурожаат этиб, Макка ва Мадина вақфи учун кўмак беришини сўраган. Амир Ҳусайн бу илтимосни рад этган ва унинг ёшига яраша муомала қилмаган. Сайид Барака бундан оғринган. Сўнгра у Термизда Амир Темур билан учрашган. Амир Темур унга кўрсатган эҳтиромидан қувонган Сайид Барака Оллоҳдан пайғамбар ва халифа ҳаққи-ҳурмати Темурга ёрдам кўрсатишини сўраб дуо қилган. Амир Темурга салтанат рамзи саналган довул ва байроқ тақдим этиб, дунёга подшоҳ бўлурсан, дея мужда берган. Амир Темур унинг дуою ташрифларини хайрли ҳисоблаб, дарҳол Сайид Баракага Ҳарамайн вақфи учун акча берилишини амр этган.

Китобларда Мир Сайид Бараканинг руҳоний қуввати ҳақида кўп ривоятлар мавжуд. Ибн Арабшоҳ улардан бирини ўз асарида келтиради. Ривоятда таъкидланишича, Амир Темур ва Мир Сайид Барака охириги марта 1403 йили Қорабоғда кўришган. Бу чоғда Амир Темур Усмонли султони Йилдирим Боязид устидан зафар қозониб, Қорабоғдаги қароргоҳига қайтган эди. Соҳибқирон пирига пешвоз чикиш учун чодирни тарк этар экан, тўсатдан вафот этган салтанат валиаҳди, невараси Муҳаммад султон исмини тилга олиб, йиғлаб юборади. Мир Сайид Барака ҳам бошидаги салла печига кўз ёшларини артади. Иккови бир-бирини кучоклаб, бир муддат йиғлашиб туради.

Манбаларда айтилишча, Мир Сайид Барака 1403 йилда вафот қилган. Абу Тоҳирхўжа Самарқандий “Самария” асарида ёзганидек, Мир Сайид Бараканинг мозори Самарқанд шаҳрида, амир Темур Кўраган макбараси ичидадир.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968. 15-жилд, 151-бет.

Сайид Барака Кирмондан Балхга келиб, Амир Темурга кўмакчи бўлган. Амир Темур Баракани Самарқандга олиб кетган. Сайид Самарқандлик пайтида Амир Темур невараси Муҳаммад султон мадрасасини кўргани боради, сўнгра ўша мадрасанинг бир тарафида ўзи учун кўк гумбазли мақбара қурдиради. Сайид Барака вафот топгач, унинг жасадини Мозандорондан Самарқандга келтириб, ўша кўк гумбаз тарафига дафн эттиради. Келажакда ўз жасадини ҳам унинг оёғи остига қўйишларини ишорат қилади. Шунинг учун Соҳибқирон вафот этгач, уни Сайид Барака қабрининг этагидаги қабрга кўмишган.

Бу мазор бугунда Гўри амир, Гўримир дейилади. Ўзбекчада қабрни гўр ҳам дейишади. “Мир” сўзи Мир Сайид Барака номига ишорадир.

Амир Темур умр бўйи олиму уламоларга, устозлари ва пирларига иззат-икром кўрсатиб, уларнинг маслаҳат ва руҳоний ёрдамларига суяниб, қудратли салтанат қурди. Ундаги тенгсиз ҳарбий салоҳиятнинг, буюк салтанатининг тамалида устозларининг шуури, руҳоний қудрати мавжудлиги шубҳасиздир<sup>1</sup>.

## ШУНДАЙ ОЛИМЛАР БЎЛСА

Амир Темурнинг ҳаёти, унинг маънавий шаклланишида ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Аҳмад Яссавий ҳикматлари жамланган девон унинг доимо ўқийдиган, ёстиғи тагида саклайдиган китобларидан эди. У тез-тез Яссавий мазори зиёратига борар, унинг руҳига дуолар ўқирди.

Амир Темур Шомни фатҳ этганида, ҳазрат пайғамбаримизнинг рафиқаларидан Умму Салама ва Умму Ҳабибанинг мазорларини зиёрат қилиб, уларга мақбара қурдирган эди<sup>2</sup>.

Соҳибқирон ўзи борган ҳар ўлкадаги, забт этилган қалъа ва шаҳарларидagi пайғамбарлар, саҳобалар ва машҳур олимлар қабрларини зиёрат айлаб, улар руҳидан мадад тиларди. У Боязид Бистомий, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа, шайх Баҳлули Доно, ҳазрати Ҳусайн, Ҳаким Термизий, шайх Иброҳим Яҳё, Абу Муслим Марвозий, Идрис алайҳиссалом, Суфён Саврий каби муборак зотлар мазорини зиёрат этиб, дуолар қилган.

Амир Темур янги ҳукмдор бўлган пайтлари ўша даврнинг энг катта икки олимни саройига чақириб, улар билан суҳбат қиларди, кейин от чопишарди. Улардан бири Сайид Барака эди. Иккинчиси ҳам машҳур бир уламо ҳисобланарди. Бир куни учалови от суриб боришар экан, Темур атай отини секинлатди, Сайид Бараканинг оти илгарида борарди. Амир Темур ва суҳбатдош олим иккови бир муддат тенг боришди. Шунда Соҳибқирон йўлдошига: “Устод, Сайид Баракани улуғ авлиё, улуғ олим, дерлар, қаранг, биздан илгарида кетмоқдалар,” деди. Олим зот унга: “Амирим, бу зотнинг илми ва даражаси шу қадар юқорики, оти учса ҳам ўринлидир. Шу боис биздан олдинга ўтди. Бу зот билан бир даврда яшаётганимиз учун Оллоҳга шукр қилишимиз керак,” – деди.

<sup>1</sup> Acaibu'l-Makdur, s. 39; Timurlular'da Din ve Devlet İlişkisi, s. 96; a.mlf. “Timur, Din ve Ulema”, XIV. Türk Tarih Kongresi Bildirileri, Ankara 2012. s. 108.

<sup>2</sup> Acaibu'l-Makdur, s. 257.

Амир Темур отини қамчилаб, Сайид Баракага етди. Ҳалиги олим орда қолди. Бир мунча вақт тенг кетишди. Шунда Амир Темур Сайид Баракага юзланиб, “Бу кишига буюк олим, билимлари дарё деб хурмат кўрсатадилар. Аммо ёнимизда эмас, орқамизда от сурмоқда,” – деди. Сайид Барака унга бундай деди: “Амирим, у зотнинг даражаси, илми шунчалар оғирки, шунчалар чексизки, оти бу одамнинг илмини кўтара олмай қийналмоқда, шу сабаб орқада қолди. Бу зот билан бир замонда яшаётганимиз учун Оллоҳга қанча шукр этсак, шунча оз”.

Амир Темур бу икки олимнинг сўзларидан жуда мамнун бўлди ва бундай деди: “Олимларнинг аҳиллиги, албаттаки, барча юртдошларнинг аҳиллигидир. Олимлар бир-бирлари билан чиқишмасалар, бу аҳоли ўртасида хузурсизликка йўл очади ва тинчлик бузилади. Ёнимда шундай олимлар бўлса, ҳеч қачон енгилмайман”.

## ТЕМУРНИНГ ИЛМИ ВА УСТОЗЛАРИ

Амир Темурнинг маънавият ва тафаккурга доир фазилатлари кейинги даврлардаги Оврупо олимлари диққатини ҳам жалб этди. Француз адиби Альфонс де Ламартин бу хусусда хайратланиб фикр билдирган: “Амир Темур дин, тиб, тарих, ҳуқуқ ва илми нужум соҳаларида замонининг энг билимли кишиси эди. Кўп ўқиган, Осиёда энг кўп қўлланилган туркча, арабча ва форечани ғоят яхши билган, хуснихат санъатини ҳам эгаллаган ҳукмдор эди. Александр, Атилла, Наполеонлардан бохабар Оврупо бунақа юксак ирода ва маънавий завқ соҳиби бўлган шахсиятни кўрмаган”.

Рус тарихчиси Т.Грановский эса Соҳибқиронни бундай таърифлайди: “Темурнинг юрагида илмга ва илм эгаларига пинҳоний хурмат-эътибор қайнарди. У илм ва санъатни, тафаккурни юкори даражада тушунарди. У олимлар билан доимо суҳбат қурди. Шарқ ва Ғарб тарихидаги муҳим воқеалардан воқиф эди. Астрономияга алоҳида эътибор билан қарарди”.

Амир Темур умри бўйи илм эгаларига қатта хурмат-иззат кўрсатди. Саройдами ёки ҳарбий сафардаги чодиридами дам олаётганида хузурига бирорта олим кириб қолса, ўрнидан туриб, эҳтиром билан қаршиларди. Шунингдек, бирорта нодир асарга қизиқиш қолса, уни келтиришганда, қўлёзмага хурматан ўрнидан туриб қабул қиларди.

Фатҳ этилган ўлкалар олимларини ҳам иззатини жойига қўйиб хузурига чорлар, улар билан суҳбатлашар, фикрларидан завқ ва наф оларди. Кўнглига хайрат солган олимларни Самарқандга жўнатар ёки ўзи билан бирга бошқентга олиб кетарди. Уларга қатта маош тайинлаб, Самарқандда қурдирган мадрасаларида дарс бердирарди.

Амир Темур ҳаётида муҳим аҳамият қозонган тўрт зот, Соҳибқироннинг тўрт пири ҳақида фикр юритиш қаторида, бизнингча, Амир Темур нима учун илм аҳлига бунчалар хурмат-эътибор кўрсатганининг сабабини билмоқ лозим. Бу ўша даврда Мовароуннаҳрда кенг ёйилган ва ижтимоий турмушда тенгсиз қудратга эга бўлган тарикатлар билан боғлиқдир.

Амир Темурнинг шахси тўғрисида сўз борар экан, умуман, Шарқ ва Ғарб тарихчиларидан кўпчилиги унинг жаҳонгирлиги, муҳташам салтанати, ҳарбий санъати, тактикадаги даҳоси, ўрдуни бошқариши, узокни кўриши каби мислсиз қобилиятлари борасида фикр юритадилар.

Аслида, Соҳибкирон ўз даврининг улуғ олими, билимдони ҳам бўлган. Фақатгина салтанат ва сиёсат бобидагина эмас, балки инсоний муносабатлару илм-фан соҳаларида ҳам кенг маърифатли эди. Алишер Навоий Амир Темурнинг шеърга муносабати ҳақида фикр билдирар экан, унинг шеър айтишга эътимоди бўлмаса ҳам, бир шеър ёки байтни у зотдек ўз ўрнида ўқий олувчи шахс топилмаслиги, унинг бир байтни сўйлаши минг байт шеър ўқиганга тенглигини таъкидлаган.

## АСРЛАРДАН ЎЗГАН МЕЪМОРИЙ ДАҲОСИ

*“Обрупода, хусусан, Францияда Париж қассоблари бир-бирини сўйиб нимталар экан, Амир Темур илм шаҳарларини қурарди. Зеро, у кўп танилмаган шахсдир”.*

Харўлд ЛАМБ

Амир Темур ҳарбий юришлари чоғида қаерга бормасин, ўша ўлкалардаги истеъдодли инсонлар, олимлару санъаткорлар, меъморларни Самарқандга олиб келгани маълум. Бизнинг замонамизда бутун дунёда авж олган шаҳарлашув жараёнига ўхшаш ҳаракатни Самарқандда илк бошлаб берган Амир Темурдир. Бобур мирзо ёзганидек, Амир Темур аввалига ўз туғилган шаҳрини пойтахт қилмоқчи бўлган ва шу мақсадда Шаҳрисабзда аллақанча иншоотлар барпо этган. Кейинроқ Мовароуннаҳр марказида жойлашгани, хушхаволиги ва дунёга машҳурлигини ҳисобга олиб, Самарқандни бошкент қилиб танлади. Шаҳар жанубидаги тоғлардан Афғонистонга элтувчи йўл ҳам ўтарди.

Самарқанд 1220 йилдаги мўғуллар босқини оқибатида харобага айланганди. Амир Темур 1370 йилдан бошлаб лой-кесакдан тикланган уйлاردан иборат шаҳарни янгидан қуришни режалаштирди ва бу ишга киришди. Аввало Самарқанд тевараги баланд қалъа деворлари билан ўраб чиқилди.

Кейин шаҳарни бир учидан бошқа учига боғлаган кенг савдо кўчаси очилди. Бу бош кўча атрофидаги уйлари йигирма кунда аскарларига буздириб ташлади. Зеро, жаҳоншумул шаҳар барпо этиш режаси бўйича ишлар авж олганди. Сон-саноксиз қурувчилару хунарманд усталар кундуз куёш нури, кечаси машъалалар ёруғида тинимсиз заҳмат чекидилар. Кўчанинг икки тарафида бир-бирига қараган дўконлар қурилди. Дўконлар битиши биланок уларни савдогару хунармандлар эгаллади. Амир Темур бутун шаҳарни бош лойиҳа асосида барпо эттирди. Уйлар, боғ, сарой, мадрасалар энг макбул ерларда қад кўтарди. Ҳар кўча, ҳар бозор бир ёки икки турли молнинг сотилишига мослашган эди. Бу Темурнинг орзусига кўра амалга оширилган бўлиб, ўша даврдаги Самарқанднинг ўзига хос хусусиятларини ташкил этарди.

Шоҳкўча ва майдонларда булоқлар, ариқлар, ҳовузлар мавжуд эди. Улар тартибли қазилган бўлиб, доим сув оқиб турарди.

Хунарманд, косиб, усталарнинг дўкони батартиб жойлаштирилгани боис улардаги молларни ўзаро қиёслаб, энг маъқулини сотиб олиш имкони яратилиши баробарида рақобатга ҳам кенг йўл очилганди. Шунингдек, ҳар бир сотувчига алоҳида, ўзгармас жой берилгани сабаб барча ўз кўшниси билан яхши муомала қилишга мажбур эди.

Самарқандни жаҳон марказига айлантиришни орзу қилган Амир Темур шаҳарда Шоҳи Зинда, Бибихоним мадрасаси, ҳаммомлар, янги йўллар, кўприклар, карвонсаройлар, кўк гумбазли кошинкор бинолар, кенг боғлару, боғлар ичида сарой ва қасрлар қурдирди. Бошқа мамлакатлардан келган элчиларни ўз хайбату мухташамлиги билан кишини лол этадиган ана шундай биноларда қабул этди.

Амир Темур Самарқанднинг кенгайиши ва дунёнинг энг гўзал шаҳри, машҳур илм маркази бўлиши учун тинимсиз ғайрат кўрсатди, бунинг учун хазинадан катта маблағ сарфлади. Оламнинг тўрт томонидан юз мингдан ортиқ меъмору санъаткорни Самарқандга келтиртди. Темур фармонида кўра, Самарқанд атрофида ҳам қурилишлар авж олди ва Шом, Миср, Шероз, Бағдод, Султония деган қишлоғу қасабалар қад кўтарди.

Амир Темур халқнинг дам олиши учун катта, кенг боғ-роғлар яратди. Самарқанд теварагида турли номлардаги, бири қозонган зафарию, бошқаси хотинининг хотирасига аталган оромгоҳлар қурдириб, эл учун сайроғох қилиб қўйди. Яъни Амир Темур ҳам:

*Хон бўлсанг ҳам боғ ярат,  
Қул бўлсанг ҳам боғ ярат,  
Бир кун ерсан мевасин, –*

деган ҳикматга амал қилди. Самарқанднинг тўрт тарафини ичида кўшк ва қасрлари бўлган улкан боғу саройлар билан ўраттирди, мустаҳкам қалъа деворлари тиклатди. Дилқушо боғи, Жаҳоннамо боғи, Тахти Қорача боғи, Беҳишт боғи, Чинор боғи, Юқори боғ, Гулбоғ, Кониғил боғи, Давлатобод боғи каби ўнларча бўстонлар шулар жумласидандир. Бу боғларнинг ҳар бири ўзига хос, майдони кенг ва узун эди. Бир учидан иккинчи учига бориш учун баъзисида бир кун, баъзисида бир ҳафта юрилди. Боғлар ичидаги кўшқу қасрларнинг девори Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тасвирланган расмлар билан безатилганди. Таниқли сайёҳ ибн Баттута Самарқанд боғларини кезиб, ниҳоятда таъсирланган ва “Ўлим соати келганида, менга Самарқанд райхонини хидлатинг, ўша замони тирилиб, ўрнимдан туриб кетаман”, деган экан.

## ФАҚАТ САМАРҚАНДМИДИ?

Темур ҳиммати боис нафақат Самарқанд, балки бошқа шаҳарлар ҳам тикланиб, қайтадан ривож топди. Масалан, унинг туғилган макони, ўша пайтда номи Кеш бўлган бугунги Шаҳрисабз ҳам Самарқанддек режа асосида қайта қурдирилган. Шаҳарда масжид, кўприк, йўл, сою ариқлар, бозорлар барпо этилган. Инсон қўли билан мўъжизалар яратилган. Дунёнинг мўъжизаси ҳисобланувчи Искандария маёғи, Бобил қасрлари, Тожмаҳал, Аё София, Салимия обидалари каби мухташам Оқсаройни барпо эттирган.

Бобур мирзо айтганидек, Оқсарой Кайхисрав саройидан ҳам юсак бўлган. Меъмори – Муҳаммад Юсуфдир. Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, “Бундай хайбатли бино ҳеч замонда қурилмаган”.

Амир Темур етти йиллик сафаридан, яъни Шом ва Рум юришидан қайтганида, Кастилья элчиси Руи Гонсалес Клавихўга Оқсаройни

кўрсатадилар. Элчи бу саройни кўриб, ҳайратда қолади ва эсдаликлариди бундай ёзади: “Муҳташам саройга баланд дарвоза оркали кирилади. Бинонинг кўринарли ерлари расмлар билан безатилган. Бутун ҳужралар ва хоналар олтин билан ишланган. Буларни ким кўрса ҳам, ҳайратга тушади. Сарой ичиди гўзал ховузлар, оромгоҳлар, турли дарахтлар ўсган кўркам майдон бор. Бу обида шунчалар чиройли ва муҳташамки, таърифига тил ожиздир”.

Арқнинг баландлигини эллик метр, оралигини йигирма икки ярим метр ва минорасининг юксаклигини етмиш тўрт метрдан юқори дейишади. Тарихий манбаларга кўра, Оксарой курилишида ўттиз минг ишчи ва йигирма минг уста заҳмат чеккан. Уларга олти юз қозонда овқат пиширилган. Афсуски, ҳозирда бу обиданинг харобаларигина сақланиб қолган.

Нақл этишларича, Оксарой курилаётганда бир сайёҳ иншоот қаршисидан ўтиб қолибди. Қараса, усталар ўз ишини ҳавас билан бажараётган экан. Сайёҳ ғишт ташиётган ишчилардан: “Нима қиляпсизлар?” деб сўрабди. Бир ишчи: “Кўрмайсанми, ғишт ташияпман!” – дебди. Бошқа бири эса: “Дунёнинг энг гўзал ва муҳташам биносини қуряпман!” – дебди.

Амир Темури Бухорони ҳам, Самарқанд ва Кеш каби, гўзал бинолар билан беади. Чунки Бухоро онасининг шаҳри эди. Невараси Улуғбек хотираларида бундай дейди: “Рум сафарига чиққан бобом Бухоро шаҳрига яқинлашганида отидан ерга тушди. Шаҳарга пиёда юриб кирди. Бу унинг суюкли онасига ҳурмати эди, болалик ҳақи эди. Бухоро унинг учун Бухоро эмас, Бухоройи шариф эди”.

Яна бир улкан обида – Темури Туркистонда қурдирган Аҳмад Яссавий мақбарасидир. 1397 йилда курила бошланган мақбара фаслма-фасл, Темури вафотига қадар тиклана борган. Улкан бир кубба, икки минора ва жуда кўп катта-кичик хонаю ҳужралар, ёруғ гумбазлардан иборат бу муҳташам обида буюк мутасаввиф Аҳмад Яссавий хотирасига Амир Темури қанчалар ҳурмату эҳтиром кўрсатгани исботидир. Шуниси диққатга сазоворки, мақбара ичига маҳаллий дарвеш ва зиёратчи мусофирлар еб-ичиши учун мўлжалланган алоҳида иморатлар ҳам курилган. Бу ердаги улкан қозон 1934 йилги Сталин буйруғига кўра, Москвага олиб кетилган бўлиб, кейинчалик қайтариб олиб келинди ва жойига қўйилди.

Амир Темуридан сўнг унинг тахтига ўтирган авлодлари ҳам Соҳибқироннинг шаҳарсозлик борасидаги ишларини давом эттирган ва кенгайтирган. Самарқандда невараси Улуғбек қурдирган, Темури ётган Гўримири мақбараси ҳам шох асардир. Бу шаҳарда тепаликка курилган Шоҳизинда мақбаралари ҳам XIV – XV асрлардан мерос нодир ёдгорлик ҳисобланади. Булардан фақат битта мақбара аввал тикланган бўлиб, у Самарқандни исломга юзлантирган Қусам ибни Аббосга тегишлидир. Бошқа мақбараларнинг барчаси, деярли ҳаммаси Темури яқинларига мансубдир.

Бу мақбаралар умумий ном билан Шоҳи Зинда, яъни тириklar шоҳи дейилади. “Асли яшаган шаҳидлардир” маъносидаги оят сабаб бундай ном берилган. Самарқанд, Тошкент, Ҳирот, Хива ва бошқа шаҳарларда темурийлар даври меъморий салоҳиятини кўрсатувчи масжид, мадраса, сарой, ховузу сардобалар жуда кўп.

Соҳибқирон бу иншоотларни бунёд эттирар экан, кимки куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган биноларни кўрсин, деган экан.

Ўзбек тилидаги тарихий манбаларда қуйидаги ривоят ҳам мавжуд:

“Амир Темур невараси Улуғбек қўлидан тутиб, жума намозини ўқиш учун Бибиҳоним масжидига борибди. Намоздан кейин масжидни айланиб, томоша қилиб, зина орқали майдонга чиқишибди. Соҳибқирон юксакдаги майдонда туриб, қаршисидаги шаҳарга, узокдаги кўм-кўк боғ-роғларга қарабди. Ҳаяжонга тушиб, сурурли бир товушда неварасига бундай дебди: “Улуғбек, вақти келиб сизлар ҳукмрон бўлганингизда, мана шундай хайрли ишларни бажаргайсиз, иншооллоҳ. Аммо шуни унутмангки, қурадиган биноларингиз дунёда тенги йўқ салтанатимиз ҳайбатини кўз-кўз қилар даражада мухташам бўлсин. Бу обидалар келажак авлодларимизга бизнинг ким эканлигимизни кўрсатувчи далолатдир”.

## ТИЖОРАТ

Амир Темур деҳқончилик, тижорат, яъни иктисодга алоҳида эътибор берган. Мўғуллар босқини йилларида мамлакат иктисоди издан чиққан, экин далалари ва савдо йўллари, кўприклар бузиб ташланган, қарвонлар қатнови тўхтаб қолган эди.

Амир Темур тахтга ўтиргач, даставвал кўрган чора-тадбирларидан бири мамлакатда савдо-сотик эмин-эркин юритилиши ва ривожланиши бўлди. Бунинг учун у қатта йўллар четида, бир кунлик манзилда, таҳминан ўн бир қақиримда қарвонсарой ва от алмаштирувчи муассасалар қурдирди. Қарвонсаройларда еб-ичиш, дам олиш учун шароит яратилган эди. Узок саҳролару дала-дашлардан ўтиб келаётган йўловчилар чанқоғини қондириш учун гиштдан тикланган сардобалар мавжуд эди.

Қарвонсаройларда ички ховлилар, дўконлар бор эди. Баъзи қарвонсаройлар факат савдогарларга мўлжалланган, от ва бошқа ҳайвонлар учун алоҳида оғиллар барпо этилган эди.

Клавиҳўнинг таъкидлашича, Темур халқни доимо савдо билан шуғулланишга қақирган. Тужжорларни муҳофаза қилиш Шохрух даврида ҳам сақланиб қолган. Табриз ва Султониянинг тужжорий донғи бутун темурийлар салтанатига тарқалган. Султония халқаро савдо шаҳри мақомига юксалган. Шунингдек, жанубдаги Ҳурмуз ҳам савдо шаҳри сифатида машҳур бўлган.

Амир Темур тижоратнинг тараққийси учун бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорларига маҳсус мактублар йўлларди. Савдогарларни қўриқлаш борасида фармонлар чиқарарди. Улар учун энг керакли нуқталарда қарвонсаройлар қурдирарди. Тарихий манбаларга кўра, Амир Темур 1402 йилда қирол Чарльз Тўртинчига мактуб юбориб, француз тужжорларини Самарқандга даъват этган, уларга эътибору эҳтиром кўрсатилишига сўз берган. Шунинг баробарида Францияга бораётган Туркистон савдогарларига ҳам яхши муносабат кўрсатилиши, турли текширишлар ўтказилмаслиги ва зўравонлик қилинмаслигини сўраган. Қирол Чарльз Тўртинчи бу талабларни қабул қилганини билдириб, мактуб жўнатган.

Айни чоғда Англия қироли Ҳенри Олтинчи ҳам Темурдан шундай мазмунда мактуб олган. У ҳам ижобий жавоб йўллаган. Чунки Темурнинг ўғли Мироншоҳ Табриз ва Бағдодда насронийларни муҳофаза этгани, улар эркин савдо қилиши учун кенг йўл очиб бергани Англия қиролига маълум эди. Зотан, Самарқандда “фаранг” деб аталган газмоллар сотилгани бу фикрнинг далилидир.

Самаркандда тижорат факат бозорлар, дўконларда эмас, балки карвонсаройларда ҳам юритилганки, бу савдонинг янада ривожланишига таъсир кўрсатган. Мовароуннахр пойтахтида кўплаб тўқимачилик корхоналари ҳам бўлган, у жаҳоннинг турли мева-чеваларию зирavorлари сотиладиган марказ ҳам ҳисобланган. Шу боис иктисодий фаолият муттасил кенгая борган, шаҳар бойигани сайин эски бозору савдо расталари янгилашиб, савдо ҳажми ўсган. Савдо йўлларида янгидан-янги карвонсарою работлар тикланган. Султония шаҳри бош роҳиби Доминикли Жаннинг ёзишича, шаҳардаги ўғирлик ва нотинчликларга шаҳар ҳокими жавобгар эди. Ўғирлик ва нотинчлик юз берса, аввало ҳоким ва бошқа масъул шахслар жазо оларди. Чунки босқинчи ё талончилар шаҳар кўрикчилари билан келишмаса, бундай ишларга журъат этиши даргумон эди. Ана шундай тартиб сақлангани боис етарли муҳофаза муҳити яратилганди. Тужжорлар юртлараро карвонларини эмин-эркин юритар, ҳар қандай ўлкага бешикаст етиб борарди.

Бир ривоятга кўра, Амир Темур икки мансабдорни хузурига чакиртиради. Бирига “Сизни бугундан эътиборан мансабингиздан бўшатдим,” дейди. Маъмур унга “Амирим, бугунгача менинг ишимдан мамнун бўлиб, доим мактардингиз, не қилдимки, бундай амр этдингиз?” дея сўрайди. Амир Темур унга бундай жавоб беради: “Тўғри, сиз ўз вазифангизни, биз айтгандаёқ тўқис бажардингиз, фақат кейинги пайтларда сўзларингиз ва ҳаракатларингизда мансабингиздан мағрурланиш, кеккайиш, бошқаларни менсимаслик таврларини кўрдим. Ўтган жума куни ҳам масжид олдида ўтирган кексалар қаршисидан оддан тушмасдан, салом бермай, кибрланиб ўтиб кетдингиз. Қабристон ёнидан ҳам шунақа қилиб ўтдингиз. Бизга ўқликларини тирикларини бирдай ҳурмат қилмай, аксинча, уларнинг шаънини ерга урадиган раҳбарларнинг кераги йўқ. Бу ҳаттиҳаракатингиз билан ўзингизга ҳам, давлату ҳукуматимиз шон-шарафига ҳам зарар келтирддингиз. Энди, яхшиси, тавозе билан ўзингизни тарбия қилинг, кейинроқ бу масалага яна қайтамиз”.

Иккинчи мансабдорга Амир Темур бундай дейди: “Сизнинг ҳаракатларингиз эгаллаб турган мансабингиздан анча пастда қолди. Мақомингизга лойиқ ишлай олмадингиз. Берилган топшириқларни етарлича уdda қилолмадингиз. Шу сабаб сизни ҳам ишдан бўшатдим”.

Демак, мансабдорлардан бириси ҳаддидан ошгани, халқни паст кўриб кибрлангани учун, иккинчиси эса мақомига мос иш юритолмагани учун рутбаларидан олинган.

Амир Темур ана шу тарзда барча мансабдорлар фаолиятдан хабардор бўлиб турган. Махсус одамлари воситасида ўлканинг ҳар бир бурчагидаги ҳолатдан воқиф эди, қисқа вақтда унга энг муҳим хабарлар етиб келарди. Ана шундай тадбиркорлиги, удабурунлиги боис мамлакат ишончли кўлларда бўлган, бошқарув тизими соатдай аниқ ишлаган.

## ИЛМ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ

Амир Темур салтанатида илмий фаолият энг юксак чўққига кўтарилган. Унинг замонида тиб илми отаси бўлмиш ибн Сино асарлари наслдан-наслга ўтганча кенг фойдаланилган, ер ва ой орасидаги масо-

фани ўлчаган Беруний асарлари дарслик сифатида ўқитилган. Риёзиёт илми отаси ва тенгламалар кашфиётчиси Хоразмий изидан борилган, бу соҳада ҳам пешқадам олимлар етишиб чиққан. Форобий асарлари ҳам ўша замон илми таянчларидан ҳисобланган. Фарзандларини ўқимок учун кўплаб мураббийни саройига келтирган Тему́р юлдузлар илми борасида ҳам замонасининг энг кучли олимларидан фойдалана билган. Шу боис Самарқанд ўз даврида илми нужум марказига айланган ва дунёнинг тўрт ёғидан олимлар бу шаҳарга оқиб келган.

Бурсадан Самарқандга келган Қозизода Румий шундай олимлардан биридир. Ўзи ҳам машҳур мунажжим бўлган Тему́рнинг невараси Улуғбек Самарқандда дунёнинг энг катта мадрасаси ва расадхонасини қурган. Улуғбек ўз атрофига Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид, Салоҳиддин Мусо Румий, Масъуд Коший каби машҳур олимларни тўплаган, уларга ҳомийлик қилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўша вақтда Усмонлилар ўлкасидан Аълоиддин Али Фанорий, Абдулвоси Хайриддин Хизир, Илёс Румий, Аълоиддин Али Кўчхисорий каби атоқли олимлар ҳам Самарқандда илм ўрганган ва таҳсил кўрган.

Тему́рийлар даври тарих ва адабиёт соҳаси энг порлоқ даврлардан бири ҳисобланади. Ўшанда тарих, математика ва астрономияга доир китоблар форсча ёзилган бўлса-да, адабий асарлар “чиғатой лаҳжаси” дейилган Ўрта Осиё, яъни Туркистон туркчасида битилган. Буюк адиб ва шоирлар туркча ёзибгина қолмай, туркчанинг форсчадан устун эканини ҳам илмий тадқиқотлар воситасида исбот қилган. Бу соҳада Шарқ Ренессанси юз кўрсатган ва туркий адабиётни чўққига кўтарган Алишер Навоийдек улуғ ижодкорлар етишиб чиққан.

Амир Тему́р даврида санъатнинг барча турларида улкан тараққиётга эришилган. У вақтларда безак санъатига алоҳида эътибор бериларди. Шу боис деворий расм, миниатюралар чизувчи, китоб муковасини безатувчи уста санъаткорлар, хаттотлар ҳомийлар тарафидан қўллаб-қувватланарди. Тему́р замонида миниатюра санъати бениҳоя юксалган меъморлик билан бирга Эронга ва Усмонлилар салтанатига ҳам таъсир кўрсатган.

Шу даврда гилам тўқиш, газламаларни ипак нақшлар билан безатиш, диний мавзуларни четлаб ўтувчи тасвирий санъат ҳам анча ривожланган. Ибн Арабшоҳ Тему́р даврининг энг буюк наққоши сифатида бағдодлик Абдулҳайни эслагани маълум.

Амир Тему́р фатҳ этилган ўлкалардан санъаткорларни Самарқандга олиб келиб, улар бу ерда ўз маҳоратини кўрсатишига кенг имкон яратган. Муваффақият қозonganларга саройда олий мансаб ва маошлар тайин этган. Масалан, Шом сафаридан қайтар экан, тўқимачи, ипакчи, ўқ ва совут усталари, кулолларни ёхуд Анадўлу юришидан сўнг бу ўлкалик милтик ясовчилар, заргарларни, Ҳиндистондан эса тоштарошларни Туркистонга олиб келган.

Тему́р ўз сарой ва қасрлари деворини ҳарбий зафарлари ҳақида ҳикоя қилувчи расмлар билан безаттирган. Шунингдек, турли шаҳарларда қурдирган биноларига ҳам қошин, нақш, деворий сурат, миниатюралар билан оро берган.

Тему́рийлар даврида мусиқа санъати ҳам юксалган. Бастакорлар эъзоу эътиборга сазовор бўлган. Бунинг намунаси ўлароқ улуғ турк баста-

кори Абдулқодир Мароғийга кўрсатилган эъзоз, унга берилган мукофотларни эслаш кифоя. Темур замонида Самарқандда, Шохрух даврида эса Ҳиротда Мароғийга ўхшаш яна бир неча улуғ санъаткор етишиб чиққан ва уларга давлат ҳомийлик қилган. Абдулқодир Мароғийнинг “Мақосидул алхон” асарида ўн икки мақом ҳақида маълумот мавжуд. Булар “Ушшоқ”, “Наво”, “Бусалик”, “Рост”, “Хусайний”, “Хижоз”, “Раҳовий”, “Зангула”, “Ирок”, “Исфакон”, “Зирафқанд”, “Бузург” мақомларидир.

## МАЪНАВИЯТ МАРКАЗИ – САМАРҚАНД

Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг йирик илм-фан марказига айлантиришни истарди. Шу мақсадда мусулмон ўлкалардаги атоқли илм намояндаларини Самарқандга чақиртирарди. Шунингдек, машҳур дин уламоларини ҳам сафарлари пайтида Самарқандга даъват этиб, улар дарс бериши учун махсус мадрасалар қурди. Шулардан бири – Хоразм юришида бошқентга келтирган тафсир, ҳадис, фикх, фалсафа, калом, мантик, араб тили ва бошқа илмларда донг қозонган Саъиддин Тафтазонийдир.

Яна бири ҳадис, фикх, калом, фалсафа, мантик, балоғат, араб тили, ҳайъат, ҳандаса каби илмларда юксак савияга эришган Сайид Журжоний-дики, бу уламо Шероз фатҳидан сўнг Самарқандга келтирилган эди.

Амир Темур ўз ватанига олиб келган машҳур уламодан тагин бири кироат ва ҳадис олими Муҳаммад Жазарийдир. Соҳибқирон Жазарий билан Анадўлу сафари пайтида танишган ва уни Кешга келтириб, бу ерда қурдирган мадрасасига мударрис қилиб тайинлаган эди.

Амир Темур бу жаҳоншумул олимлар билан бир анжуманда суҳбат қураб, уларнинг баҳсу мунозараларини эшитар, ўзи ҳам саволларига жавоб сўраб, мурожаат этарди.

Амир Темур уюштирган бундай суҳбатлардаги энг нодир илмий тортишувлар – Саъиддин Тафтазоний билан Сайид Шариф Журжоний мунозараларидир. Ақлий ва фалсафий илмларда ўз даврининг буюк олими саналган, бир оз тутилиб сўзлайдиган Тафтазоний ва унинг мунозара ва мубоҳаса бобида кўп иктидорли ёш рақиби, фасоҳату балоғат соҳиби Сайид Шариф Журжоний эди. Улар Темур ҳузурда “Интиком иродасига нима сабаб бўлади?” деган мавзуда илк баҳс ўтказишган. Мунозарага мавлоно Абдулжаббор ҳакамлик қилган. Бундай пурмаъно мажлислар шовшуви бутун ислом дунёсига ёйилиб, мухлисларни янада кўпайтирган. Натижада бу улуғ алломалардан дарс олмоқ учун мингларча билимга чанқок ёшлар турли ўлкалардан Самарқандга оқиб келган.

Мовароуннаҳрдаги илмий ҳаёт ривожига муҳим улуш қўшган Саъиддин Тафтазоний ва Сайид Шариф Журжонийлар таълифот ва тадрисот, яъни китоб ёзиш ва дарс бериш бобидаги устунликлари боис бутун ислом оламида донг қозонди. Бу шахсларнинг асарлари кенг тарқалди, турли ўлкаларга қилган илмий сафарлари сабаб илм аҳли ва мухлисларда рағбат уйғотди.

Бу икки аллома Усмонли салтанатидаги илмий муҳитда ҳам яхши маълум ва эҳтиромга сазовор эди. Айниқса, уларнинг асарлари узоқ йиллар Усмонли мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилганини таъкидлаш ло-

зим. Ҳатто улар тўғрисида тадқиқоту шарҳлар битган олимлар ҳам илмий муҳитда шуҳрат топди.

Тафтазоний ва Журжонийнинг илмий баҳслари дастлаб Туркистон, кейинроқ эса барча мусулмон мамлакатларида катта кизиқиш уйғотди, акс садо берди. Уламанинг иккига ажралишига йўл очган бу баҳслар анча замонгача унутилмади. Аҳли илмнинг бир қисми ўзига берилган ижозатномаларда илмий силсила жиҳатидан Журжонийга, бошқа бўлаги эса Тафтазонийга боғлиқ ўлароқ кўрсатилди. Бу икки олим қарашларидаги фарқлар хусусида турли асарлар битилди.

Тафтазоний ва Журжоний ўзига хос фикрлари билан диққатни жалб этгани каби дарс ўтиш усуллари билан ҳам бир-биридан ажралиб турарди. Уларнинг талабалари қаерга бормасин, дарҳол диққатни тортарди. Улар устозлари асарлари ва тушунчаларини ўзи яшаган ёки борган диёрларида, барча ислом юртларида кенг ёйдилар. Шу билан бирга, сафарда бўлган ўлкаларида уларга алоҳида иззат-икром, ҳомийлик кўрсатилди, давлатнинг нуфузли мадрасаларида мударрислик қилдилар. Ҳатто баъзиларига шайху-лисломлик мартабаси ҳам берилди. Масалан, Саъдиддин Тафтазонийнинг талабаларидан бири – Бурҳониддин Ҳайдар Ҳиравий усмонлилардан Чалабий Маҳмат замонида фатво мақомига тайинланган; шайх Бадриддин масаласи муҳокама қилинганида, уни ўлимга ҳукм этган.

Журжоний даврасида улғайган Фаҳриддин Ажамий эса Усмонли салтанатида ўттиз йилдан ортиқ муфтилик мартабасида турган. Мурад Иккинчи ва унинг ўғли Фотиҳ Султон Маҳмат замонида подшоҳлар томонидан тақдирланган. Журжоний талабаларидан яна бири – Сайди Али Ажамга ҳам Бурсада султонлар ҳомийлик ва марҳамат кўрсатган.

Диний илмдаги устунлигини ҳатто Амир Темур ҳам юксак тақдирлаган ва улуғ ҳоконнинг бир анжуманида Сайид Шариф Журжонийдан-да баландроқда ўтириши раво кўрилган ибнул Жазарий ҳам шу даврнинг машҳур олимларидандир. У кироат ва ҳадис илми катори яна бир неча йўналишда асарлар битган, айниқса, кироат илмида юксак мақомга кўтарилган. У қайси шаҳарга бормасин, унинг ҳузурига кироат илмидан дарс олишни истаган мухлислар ёпирилиб келарди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҒЕИ

Испан элчиси Клавиҳў ўз эсдаликларида Темур Анкара жангидан қайтгач, Самарқандда берган тўю тантаналари чоғида саройда кироличани кўргани, унинг олтин иплар билан тикилган шоҳи кўйлаги этагини ўн бешта хотин ортидан тутиб бораётгани, кўшкка киргач, у Темурдан бир оз нарида ўтирганини ёзади. Хуллас, Темур назарида, хотин-қизлар алоҳида ўрин ва эътиборга сазовор бўлган. Улар аввало онадир ва оналик хурматига лойиқдир. Амир Темур болалари тарбиясини Сароймулк хонимга топшириб қўйгани маълум.

Амир Темур аёлларга меҳрибон бўлган. Айниқса, опаси Туркан хонимни жуда яхши кўрар, доим хурматини жойига кўярди. Кўраган унвонига эришувининг боиси саналгучи Сароймулк хоним билан эса ҳар замон маслаҳатлашар, унинг маъқул фикрларига кулоқ соларди.

Амир Темур Бухоро шаҳрига борганида катта дарвоза қаршисида отидан ерга тушар ва шаҳарга пиёда юриб кирарди. Чунки онаси бу маконнинг мўътабар руҳоний оиласига мансуб эди.

Бир гал ҳарбий сафар чоғида аскарларга тарқатилувчи ақча тугаб қолганини Темурга айтишади. Шунда Соҳибқирон Сароймулк хонимга чопар билан бирга мактуб йўллади, лашкарга берилажак тўловни давлат хазинасидан олдириб юборишини сўрайди. Сароймулк хоним унга бундоқ жавоб жўнатади: “Амирим, маблағингиз битибди, сиёсатингиз ҳам тугадими?”

Соҳибқирон хатни олгач, узок ўйга толади. Сароймулк хоним бу доно жавоби билан нима демоқчи? Кейин Темур бундай йўл тутди. Эти ейилган хайвонлар суягидан турли шаклда ақчалар ясаптиради. Уларга муҳр бостириб, пул ўрнида лашкарга тарқатади. Кейинроқ эса уларни ҳақиқий ақчага алмаштириб беради. Шу тарзда аскар маошида узилиш олди олинди ва вазият оқилона идора этилади. Маълумки, Чингизхон ўрдусида черикка маош берилмасди. Амир Темурнинг бу борадаги фаркли тутумларидан бири шуки, жангчилар ғаниматдан ташқари маош ҳам оларди.

## ЖАЗОЛАР

Амир Темур жазо қонуни ва ижросида шахснинг аслияти ва рутбасига алоҳида диққат қилган. Мирзоларнинг айбини, умуман, кўриб кўрмасликка олар ёки уларга енгил жазо тайинлар эди. Дарра уриш, маълум бир муддатга қабул қилмаслик, мартабадан тушириш каби жўн жазолар берарди. Бунақа пайтларда айбнинг кўпроғи мирзоларнинг маслаҳатчилари, амирларига ағдариларди. Масалан, Мироншоҳнинг қилиқларидан қаттиқ оғринган Темур у Райда отаси ҳузурига киришни истаганида салтанат ишига ҳалал бергани боис уни илк кун қабул қилмади. Иккинчи кун эса эрталаб ҳузурига киритса-да, аммо илтифот этмади. Шу билан бирга, тафтишчилар юбориб, Мироншоҳни йўлдан урганларни оғир жазолади.

Тағин бир мисол: мирзолардан Пирмуҳаммад, гарчанд Темур Бағдод сафарига чиқишга буюрса ҳам, хасталигини баҳона қилиб, буйруқни бажармагани сабаб лавозимидан олиниб, Соҳибқирон ҳузурига келтирилган. Темур Пирмуҳаммад мирзонинг маслаҳатчилари – шайхзода Фарид билан Муборакхўжани қатл эттирди. Пирмуҳаммадга эса, девон қарорига кўра, дарра урилди, холос.

Яна бир мисол: Темурнинг невараси султон Ҳусайн мамлуклар билан бўлган урушда бир тўда тожикларга қўшилиб, ўрдудан қочади ва Дамашк шаҳрига йўл олади. Миср ҳукмдори султон Фараж<sup>1</sup> ҳузурига кириб, унга тобелигини маълум қилади. Султон Ҳусайннинг Баротхўжа ва Адуқ деган навқарлари бу хусусда Темурга хабар берадилар. Темур ўрдусининг Фаражга қарши жангида султон Ҳусайн мамлуклар сафидан ўрин олади. Уруш пайтида Мироншоҳ ва Шохрухга зарба беришга чоғланган султон Ҳусайн Тўполоқ кавчин тарафидан қўлга туширилади ва Темур ҳузурига келтирилади. Султон Ҳусайн бу хиёнатига қарамай, ҳам ўзи, ҳам Шохрухнинг авф этилишини сўради ва фақат дарра жазосига буюрилди. Аммо бир муддат Соҳибқирон ҳузурига киритилмади.

Темур “Тузуқот”ида мирзоларга нима сабабдан бу тарзда жазо тайинлангани ҳақида фикрлар бор. Темурнинг фикрича, мирзолар мавжуд тизим ва салтанатга қарши бош кўтарса, бунинг жазоси ўлим эмас. Ўз оиласи ва сулоласига зарар етишни хоҳламаган Темур исёнкорни ўз фикридан

<sup>1</sup> Asri Çubukçu, “Ferec”, DİA, c. 12, s. 370-371.

кайтгунича зиндонбанд этиб турган. Чунки, Темурнинг ўйлашича, мир-золарнинг қатл эттирилиши ёки оғир жазога буюрилиши халк орасида бузгунчилик ва фитна-фасод урчишига сабаб бўлади. Лекин Темурдан кейинги ҳукмдорлар бу борада бошқача иш тутдилар.

Темур даврида амир ва бекларнинг ҳам алоҳида имтиёзлари бор эди. Соҳибқирон ўз ҳукмронлик даврида амир ва бекларга нисбатан, айрим истисно ҳолатларни эътиборга олмаганда, ўлимдан фаркли, енгилроқ жазо қўллашни афзал деб билган. Даққи бериш, лашкар кўз олдида сазойи қилиш энг кўп қўлланган жазо тури ҳисобланган. Масалан, аввал ҳам тилга олганимиздек, Хоразмдаги Кат қалъаси қамал қилинганида Ҳазрат амир Малик ўғлонга хандакка тушишни буюради. Бирок Малик бу амрни ба-жармайди. Кат ва Хоразм қўлга киритилган қуниёк кўрқув сабаб хандакка тушмаган Малик ўғлон жазоланади: аввал дарра урилади, сўнг эшакнинг думига боғланиб, Самарқандгача сазойи қилиб олиб борилади.

Калтаклаш, таёқ уриш жазоси кенг тарқалганди. Масалан, гуржилар билан урушда Мироншоҳнинг бекларида номақбул ҳаракатлар сезиладди ва сўнгра текширув ўтказилади. Буйруққа биноан, Шохрух ва айрим амирлар Мироншоҳнинг беклари масаласини ўрганиб, хулосани маълум қиладилар. Айбдор деб топилган ҳожи Абдулла Аббос ва Муҳаммад Қазағанининг товон ва юмшоқ ерларига таёқ урилади.

Темур хато содир этган амир ва бекларига чора кўрар экан, олдин уларни тафтиш қилар, сўнг жазо тайинларди. Масалан, Амир ҳазрат сафарда экан, Тўхтамишхон боскин ясаган, бироқ Мовароуннаҳр қалъаларини эгаллай олмаган. Темур Самарқандга қайтган қуниёк Тўхтамишга қарши жангда сусткашлик қилган бекларни текширтган. Оқибатда, Баротхўжа кўкалдошнинг айбдорлиги аниқланган. Баротхўжанинг сокол-мурти қирилиб, бошига рўмол ўралиб, сазойи қилинган.

Темур исёнга бош қўшган амир ва бекларнинг, аввало, инсофга келишини кутар, агар инсофга келмаса, шундан сўнг охирги чора сифатида қатлга буюрарди. Соҳибқирон узок сафарга чиққанида ва ундан қайтаётганида ўша мамлакат ва вилоятлардаги турум билан яқиндан танишар, омманнинг шикоят у талабларини эшитар, ўзи йўқлигида юз берган воқеаларни халк оғзидан тингларди. Темур етти йиллик сафар деб аталган фарбга юришидан қайтар экан, Хуросонга етган чоғида, ўша одатига кўра, эл ҳолидан хабар олиб, омманнинг шикоятларини эшитади. Бу юртда Окбуға ва Қорабуға исён кўтаргани, эндиликда Ҳинду шайх уларни қўлга туширгани аён бўлади. Шунда Темур ҳеч бир тараддудсиз бошибузукларни ўлдириш ҳақида фармон имзолайди. Ҳукм дарҳол ижро этилади.

Аскарларни жазолаш эса бир қадар оғир эди. Лашкар урушда хиёнат қилса, душман ёкка қочса, кўмондон сўзига кирмаса, албатта, унга ўлим жазоси бериларди. Уруш пайтидами, яраш чоғидами, ўз бурчи ва вазифасини тарк этганлар ҳам ўлдирилган. Айниқса, жангдан қочиш энг катта жиноят ҳисобланар, қочоклар тутилиб, дарҳол қатл этилар эди. Ҳатто қочишига узрли сабаб топилганда ҳам, улушига тушган ғаниматдан маҳрум қилинади. Уруш даврида зарур ерга ўз пайтида етиб келинмаса ҳам, черикка оғир жазо кўриларди. Шунингдек, жанг қуроқларини тўқис қилмай жангга отланган аскарлар ҳам қаттиқ жазо оларди. Қўшинда ўзидан пастдаги аскарга зулм ўтказган, ҳаддидан ошган кимсалар ҳам муносиб жазосини тортар, уларнинг тақдирини мазлум лашкарга топшириларди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, темурийлар давлатида аёллар давлат бошқарувида аралашмаган. Баъзи шахзодалар Темур қаҳрига учраб қолганида, уларга берилажак жазо енгиллатилишини сўрай олганлар, холос<sup>1</sup>.

## ТЕМУР ФАТҲ ЭТГАН ЎЛКАЛАР

*“Амир Темур шарқдан келган сўнги тўфон ва дунёга, тўла маънода, ҳоким ҳукмрондир”.*

*Профессор Жунайд ҚАНОТ*

Амир Темурнинг болалик йилларида Мовароуннаҳрда ички урушлар, бошбошдоклик давом этарди. Ҳокимият ва тахт ғавғолари сабаб халқ катта зарар кўраётганди. Аёллару болаларнинг ўлдирилиши, асиру кул қилиниши, шаҳару қишлоқларнинг талон-тарож этилишига тўлиб-тошган муҳит бамисоли қайнаётган қозонга ўхшарди. Темур ана шундай оғир, офатли йилларда майдонга чиқиб, ўз куч-қудрати ва зақоси билан бошқарувни қўлга киритди, зулму нотинчликка барҳам бериб, тинч-осойишталикни барпо этди. У ана шу тарзда ўлкани мўғуллар офатидан сақлаб қолди ва ўша замонни шундай аҳд ва қудрат билан химоя этиш, мамлакатни эса қилич ва тафаккур билан идора қилиш мумкинлигини англаб етди. Темур ана шу идрок билан салтанатни бошқарди, унинг муаззам ва музаффар ўрдуси асло енгилмади.

Темур барча урушларда ғалаба қозонди. У сафарга чиқар экан, фатҳ этилмаган ўлка ва шаҳар қолмади ҳисоб. Ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида ўн етти марта буюк ҳарбий юришлар уюштирди, барчасида зафарга эришди, йигирма етти мамлакатни тобелик бўйинтуруғи остига киритди<sup>1</sup>. Темур уруш санъати даҳоси эди. У фавқуллода юксак ҳарбий зақоси туфайли, айниқса, бешинчи ўрду деб аталган жосуслик ташкилоти ёрдамида, агар таъбир жоиз кўрилса, хали жанг бошланмасидан олдин ғалабани нақд қилиб кўярди.

Амир Темур салтанати ўн тўрт миллион квадрат метрлик майдонни эгаллаган ва бугунгача жаҳонда тикланган тўрт буюк империядан бири саналади.

## СЎНГСЎЗ

Қўлингиздаги асарни ўқиб бўлгач, аминманки, бизга англаган Темур бу эмас эди, дейишингиз тайин ва бу хусусда, шак-шубҳасиз, узоқ ўйга толасиз<sup>1</sup>.

Ҳа, тарихнинг бунақа терс ва қоришиқ ҳукмлари ҳам, таассуфки, учраб туради. Зотан, тарих битган муаллифлар ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам шахсий туйғу-тушунчаларидан қутула олмайдилар. Ҳар киши ўз халқи тарихини юксалтирар экан, истаса-истамаса, ўтмишда ўз давлати ё юртига бостириб қирган ёхуд зарар етказганларни ерга уришга интилиши та-

<sup>1</sup> Ensar Macit. “Timurlu ordusunda kullanılan ceza yöntemleri”. Çeşm-i Cihan. Tarih, Kültür ve Sanat Araştırmaları E-dergisi, cilt 2, sayı 2, 2015, s. 76-87; Mansura Haider, “Timurliler Devletinde Hakimiyet Anlayışı”. Çev. E. Memiş. Türk Kültürü-Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü, XXII/XXV, Ankara (Eylül) 1984, s. 627-631; Beatrice Forbes Manz. Timurlenk – Bozkırların Son Göçebe Fatih. Çev. Zuhul Bilgin. İstanbul 2006, s.135; Mahmut Esat Bozkurt. Aksak Demir’in Devlet Politikası. İstanbul 1945, s. 26; Altın Ordu ve Çöküşü, s. 161.

<sup>1</sup> Сўнгсўз Туркиядаги китобхонларга мўлжалланганини ёдда тутинг (тарж.).

бийидир. Зотан, бугунги дунёмизда ҳам йўлбошчилар, хукмрон шахслар, ростини айтганда, аксар мафкуравий нуктаи назардан баҳоланмоқда.

Шундан келиб чикиб қаралса, Амир Темур хақида сўнгги асрларда асар битган турк ва араб тарихчилари, асосан, Соҳибқиронга замондош ибн Арабшоҳ ва ибн Тағрибердига суянгани аён бўлмоқда.

Ҳолбуки, ибн Арабшоҳ ва ибн Тағриберди китоблари Амир Темурга ҳақорат қасдида қаламга олинган асарлардир. Китоб бошидаёқ Темурга қарата “Оллоҳнинг балоси” деган иборалар қўлланилмоқда, шаъни камситилмоқда, ерга урилмоқда, даҳшатли воқеалар баёнига келинганда эса унга ёмон сифатлар тақалмоқда. Темурга қарши курашганлар бари яхши ва қаҳрамон дея улуғланмоқда. Ибн Арабшоҳдаги бундай бирёкламаликдан, афсуски, ундан кейинги ва ундан таъсирланган бошқа муаллифлар ҳам кутула олмаганлар. Зотан, ўша даврга оид қанча-қанча нодир асарлар бир четда ўрганилмай ётгани ҳолда, булар эски аравани осон олиб кочиб, уни калдиратаверган.

Бундан ташқари, Темурни жиҳод қилмасликда айбловчи тарихчилар ҳам оз эмас. Улар гўё Темур шахси, ҳарбий сафарларини билмайдиган кишидек фикр юритади. Ахир, унинг мўғуллар, гуржилар билан урушларини, Ҳиндистондаги ғазовотларини, айникса, Измирни фатҳ этганини билмайдиларми? Биладилар, фақат мақсад бошқа.

Иккинчи бир масала шуки, бунақа тарих ёзувчиларнинг ўзи тарихдан ғофил кимсалардир. Аслини олганда, турклик тарихи юзда саксон миқёсда ички урушлардан иборат эмасми? Турк оламидаги қайси давлатнинг ташқи урушлари ички урушларидан кўпроқ? Ундок эмаслиги маълум-ку! Темур жиҳод қилмаган дегувчи айтсин-чи, оғиз кўпиртириб мактаганлари Тўхтамиш қайси кофирларга қарши жиҳод қилибди?

Фикримизни яқунлаб деймизки, тарих илмий конун-қоидалар асосида ҳолис баҳоланмоғи лозим. Барча яхши-ёмони тарозида тенг тортилмоғи даркор. Хўп, Темур бирлик ва баробарликни сақлаш, бошбошдокликка барҳам бериш мақсадида анча қон тўккан. Бироқ буни ўша давр такозо этмаганми?! Ахир, ўз олдимишга жўнгина бир савол қўйсақ ҳам, унинг жавобини обдон ўйлаб, ўрганиб, шундан кейингина Темурга тақалган сифатлар нечоғли тўғри ёки нотўғри бўлгани хусусида ҳукм чиқаришимиз керак-ку! Усмонли турклардан ташқари, Темур салтанатига, унинг қаламравига кирган ўлкалар бунгача қандай аҳволда эди, кимларга қарши курашишар, кимларнинг конини тўқишар эди – буни албатта билиш, эътиборда тутиш шарт. Ана шундай ўнларча беклигу, давлатлар тарихи кўздан кечирилса, Темурнинг аслида ким экани аён бўлади.

Амир Темурнинг энг буюқ хизмати шуки, у турк ва мусулмонларни бирлаштирди, бирлик ва баробарлик асосида бир байроқ остига кирита олди. Шунга кўра, бугун ҳам дуоимиз шудир: Оллоҳ турк ва ислом дунёсини ҳар доим орзусига мос айласин!

Азиз ЗИЁ\*

## ГУРБАТДАГИ ХАЁТИМ

Ҳикоя

Араб тилидан  
Муртазо САЙДУМАРОВ  
таржимаси

### ИЛК ТОНГ

Хаётимдаги биринчи тонг... Ўз хаётидаги биринчи тонгни ким ҳам эслай оларди. Ахир, ўша куни у хаётга эндигина қадам қўйган бўлади-ку! У аввал ғайришуурий, сўнг эса шуурий тарзда Ер юзидаги барча одамлар каби ўзининг ҳар тонги ва ҳар оқшомини кутиб олишни, самога тикилиб юлдузларни ва айниқса, шу юлдузлар орасида хилол хира нур сочиб, тўлин ойга айлангунча унга термилишни бошлайди.

Лекин мен... ҳар холда, хаётимдаги биринчи тонгни эслайман. Мен ҳозир умримнинг анча қисмини яшаб қўйган, болагимда кўз ўнгимдан юзлаб тонглар ўтган бўлса ҳам, биринчи тонгни ҳали-ҳануз эслайман...

Ўша тонгда, мен хаёт йўлимни бошлаган ўша соатда ёшим нечада бўлганини билмайман. Эрта тонгда – куёш дераза орқали хонага киришга талпинаётган пайтда мени уйғотишди. Улар бир нималар дейишар, дарҳол кўз очишим, иссиққина ўрнимдан туришим ва тез кийинишимни талаб қилишарди. Ёнимда жажжи болакай ҳам бор эди. У ҳам нуқул туришга интилар, қаёққадир бормокчи бўларди. Лекин ҳар сафар йиқилиб тушар ва оёқлари чалишиб кетарди. У, барибир, туришга интилар, беўхшов ҳаракатлар қилиб, бирор нарсани ушлаб олмокчидек, ҳадеб қўлини чўзарди. Кўпинча у ҳабаш кизнинг этагидан ушлаб олар, киз уни турғизиб қўяр, қўлидан тутиб олар ва у билан у ёк-бу ёкка юрарди. Бола

---

\*Азиз Зиё 1914 йили Мадинаи Мунавварада тугилган. Дастлабки саводини Мадинадаги куттабда, кейинчалик Ҳошимия мактабида чиқарди. Сўнг 1927 йили Маккаи Мукаррамадаги тиббиёт мактабида ўқиди. Бир муддат Қоҳирадаги ал-Худайвий Исмоил мактабида, кейинчалик эса Байрутдаги Америка университети ва Қоҳира унiversитетининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олади. Иккинчи Жаҳон уруши бошланishi туфайли у ўқишини яқунламай, Саудия Арабистонига қайтади. Инглиз, француз ва турк тилларини билган Азиз Зиё журналистлик фаолияти билан бирга, бир қатор ҳуқуқат муассасаларида фаолият олиб борган.

У ўттиздан ортиқ роман ва пьесаларнинг муаллифи ва таржимонидир. Байрутдаги Америка университетида таҳсил олаётган пайтида Оскар Уайлд, Сомерсет Моэм, Лев Толстой, Жорж Оруэль, Бернард Шоу, Робиндранат Тагор асарларини араб тилига таржима қилган.

Адиб 1997 йил Жиддада вафот этди.

йиғлаб қичқирса, рўмолчани сутга ботириб, оғзига тутар, шу рўмолчадан қўз узмас, тикилиб қолиб қизарса, оғзидан тортиб оларди. Фақат ўша тонгда билдимки, бу тиниб-тинчимас зумраша туғишган укам экан.

Мен ўша тонгдаги овқат хидини хануз эслайман. Бу хид менинг димоғимга тоабат ўрнашиб қолди. Кейинчалик бу овқатнинг “ҳиса” деб аталиши, у эзилган хурмо ва ёғли юпқа нондан тайёрланишини билдим. Ўша тонгда ҳиса пишираётган аёл онам эканини, онамни “ая” демай, “фаффам” деганим учун елкамдан пастрокка шапатиллаган қари чол – онамнинг отаси, бобом эканини англадим.

Бу – хотирамда муҳрланиб қолган биринчи тонг эди. Мен ўша тонгда атрофимда бўлган одамларни яхши эслайман: булар – онам, Хадича холам, укамни тиззасига ўтказиб олган ҳабаш қиз ва яна бир ҳабаш аёл эди. Ҳабаш аёлниг ёши каттароқ бўлиб, у кути ва сандиқларни беркитар, уларни ва бошқа лаш-лушларни хоналарга олиб кириб, эшикларни қулфлар эди. Унинг белида қора юнг тасмага боғланган калитлар осилиб турарди. Булар ҳам ўша тонгни яхши эслаб қолган бўлишса керак, чунки у нафақат мен, балки барча учун эсда қоларли тонг эди.

Мен уйимизни қандай тарк этганимизни эслайман. Елкамдан пастроғимга шапатиллаган бобом билан бирга “фаффам” деб билганим – онамни, ёш бола кўтариб олган кўхликкина холамни, жимит оёқчаларини ҳабаш қизнинг бели атрофида силкитаётган укамни, сандиқлар ва хоналарни қулфлаб, қора юнг тасмага калитларни боғлаган ҳабаш аёлни, улар билан бирга хиди бурним ва димоғимга ўрнашиб қолган, токи руҳсат беришмагунча бир лукма ҳам еёлмаганим “ҳиса”ни яхши эслайман.

Уйдан чиқар эканмиз, қўлимдан гоҳ онам, гоҳ холам тутиб оларди. Ҳиса солинган қозон ҳабаш қизнинг бошида, укам эса онамнинг елкасида эди. Бобом уйни маҳкамлаб қулфлади, ҳабаш аёл туркча нималардир деб хўнграб йиғлади. Сўнг қўлларини осмонга кўтарганча, бир лаҳза қотиб турди-да, бирдан ўзини остонага ташлади.

Биз бораётган ал-Қуфл кўчаси тор бўлгани учун бир-биримизнинг ортимиздан кета бошладик. Бу Мадинадаги ас-Саҳа маҳалласининг кўчаларидан бири эди. Мен туғилган уйда онам ҳам, холам ҳам, бир неча тоғам ҳам дунёга келган эди. Онам ўн ёшида вафот этган бир тоғамнинг номини сира тилидан қўймасди.

Ўша куни биз қандайдир бир жойга борганимизни аранг эслайман. Кекса бобом, онам ва унинг елкасида ўтирган укам, ҳабаш қиздан ҳисани олган холам – ҳаммамиз бир жойга тўпландик.

Барчанинг кўзидан ёш оқар эди. Фақатгина бобом йиғламас, у бир очиқ эшик олдида турарди. Мен бу – уйнинг эшиги бўлса керак, деб ўйладим, унга ёнма-ён бошқа кўшни уйлар ҳам бор эди. Шундай эшиги очиқ кўпгина уйлар қатор бўлиб турарди. Уларнинг шакл-шамойили ҳам, ранг-туси ҳам бир хил эди. Булар – темир ғилдираклар устидаги уйлар эди. Онам, холам ва укам билан бирга турган эдим, бирдан баланд овозда кўнғирок чалиндики, бу – жуда кўркинчи эди. Мен ортимга ўгирилиб, баҳайбат қора нарса келётгани, у ортидаги бор дунёни беркитиб қўйганини кўрдим. У дахшатли пишқирар, тепасидан бурксиб чиқаётган қора тутун осмон ва қуёшни тўсиб қўйган эди. Бу баҳайбат нарсанинг шовқини бутун майдонни қоплаб олди.

Кейин бирдан чор атроф тинчиб қолди. Бобом кўлини ҳабаш қизга узатди, у бобомга укамни берди. Бобом укамни қўлига олиб, бир ёни-

га ўтказди. Кейин онам мени кўтариб, бобомга берди – мен бобомнинг бошқа ёнига ўтирдим. Бобом яна кўлини узатиб, онам ва холамнинг тепага чиқишига ёрдамлашди, улар энди ёнимизда тикка турарди. Мен пастда қолганлар яна кўзёши тўкаётганини кўрдим. Хабаш киз укамдан кўз узмас, кўзларидан эса дувва ёш оқарди. Унинг ёнида яна анча одамлар бор эди. Кейин билсам, улар бобомни кузатгани чиккан дўстлари экан.

Биз чиккан уй ҳар хил хоналарга бўлинган, уларнинг ҳаммасида одамлар бор эди. Бу хоналар чоллар, эркаклар, йигитлар, аёллар, қизлар ва болалар билан, яна ҳар хил коф, сумка, тугун ва сандиклар билан, ўтинлар боғлами, саватдаги кўмир, тагин печкалар билан тўлган эди. Энг муҳими, бу ерда ҳиса солинган қозон ҳам бор эди. Унга қараш Хадича холамга юклатилган шекилли қозон, холамнинг кўлида эди. Холамга четроқдан, ойна ёнидан жой кўрсатишди. Укамни кўтариб олган онам ҳам унинг ёнига жойлашди. Укамнинг оғзида сутда ҳўлланган лагта бўлмаса ҳам, негадир жим эди. Бобом мени тиззасига ўтказиб, ўзи сумкалар қалаштирилган ўриндикка чўкди. Хонамиз ойнасидан ташқаридаги одамларни аниқ кўрдим, улар ҳадеб бир нималар деяр, кимларгадир насиҳат қилар, кимлардандир хавотир олар эди. Мен ўшанда биздек ғилдираклар устидаги уйлارни тўлдириб, жўнаб кетаётганлар ҳам, уларни пастда кузатиб қолаётганлар ҳам кўнглидан нималарни ўтказишини англамас эдим. Ўшанда мубҳам келажак олдидаги кўркув ҳиссию дарбадарликда юрганларнинг оғир қисмати менга мутлақо ноаён эди.

Мени қанча вақт уйку элитганини билмайман, лекин даҳшатли зилзила уйғотиб юборгани хануз ёдимда. Мен кўзларимни очдим-у, ҳайратдан котиб қолдим. Ер юрарди! Дераза ортидаги яккам-дуккам дарахтлар ҳам, тоғлар ҳам, одамлар ҳам юрарди. Улар юрмасалар ҳам, тезда ортда қолиб кетарди. Мен кўркув ичида бобомга боқдим. У узокка термулганча, маънос ўтирганини ва кўзидан ёш думалаб, соқолига тушганини кўрдим. У пайғамбаримизга салавот айтиб, Қуръон оятларини такрорларди. Мен бу оятлардан баъзиларини эслаб қолдим, чунки уларни шайх бобом такрор ва такрор айтар эди. “Инналлази фарада алайка ал-Қуръана ларааддука ила маад” (“Сизга ушбу Қуръонни фарз қилган зот, шак-шубҳасиз, Сизни қайтиш жойига қайтарувчидир!”)<sup>1</sup>.

Ўша пайтда, табиийки, уйкумни бузган зилзила сабабини билмасдим. Шуниингдек, нима учун уй жойида турибди-ю, лекин дераза ортидагилар – уйлар, дарахтлар, узокдаги тоғлар елиб бораётганини тушунмасдим. Нима учун улар ортда қолаётганини ҳам тушуна олмасдим. Чунки савки табиий билан ҳар қандай нарса фақат олдинга қараб ҳаракатланади, дея илгардим.

Лекин шайх бобомдан ҳеч нарса сўрамадим. Кўзидан оқиб, соқолига тушаётган ёшлар у ҳозир менга бирор нарсани тушунтириб берадиган ҳолатда эмаслигини айтиб турарди. Лаблари фақат пайғамбарга салавот айтишу Қуръон оятларини такрорлаш учун кимирларди.

Мен онам ва Хадича холам ўтирган ёкка қарадим, уларнинг ўртасида ҳиса солинган қозон турарди. Бобом уларнинг ёнига бормоқчилигимни тушуниб, мени охиста ерга қўйди. Уларнинг ёнига бориб, аввал укамга кўзим тушди, у онамнинг кучоғида пиш-пиш ухлар, онам укамни ҳижоби билан ўраб олган эди. Мен бу ёпинчикда ҳам, холамнинг ҳижобида ҳам ҳўл доғларни кўрдим. Онамнинг ҳам, холамнинг ҳам кўлида дастрўмол бўлиб, улар дам-бадам ҳижоб остидан кўзёшларини аргарди.

<sup>1</sup> “Қасас” сураси, 85-оят.

Жуда каттиққўл одам бўлмиш бобомни нимага йиғлатаётганини тушунмасдим. Бобом шунақаям каттиққўл эдики, эшик олдида унинг кадам товуши эшитилса, ҳамма жим бўлиб қоларди. Уйда аёлларнинг ғала-ғовури кўтарилса, бобом дарров таёғини ишга соларди. У аёллар овозини кўшнилар эшитиб қолади, деб чўчирди. Аммо бобом уришмаётган бўлса, унда нега онам билан холам йиғлаяпти. Мен ўз мурғак аклим билан тушуниб етдимки, буларнинг бари шу вақтда юз бераётган воқеа – коф, сумка, тугун ва сандиқлар устида ўтирган шу одамларга қўшилиб, биз қаёққадир кетаётганимиз билан боғлиқ. Мени ҳам кўрқув камраб олди, энди йиғлаб юборай деб тургандим, димоғимга хисанинг ҳиди урилди-ю, йиғидан очлик устун келди. Эрталаб уйғотиб юборишганидан бери ҳеч нарса емаган эдим-да. Лекин ҳозир катталарнинг кўнглига мен сиғаримдим, деб емак талаб қилмадим. Ноилож яна бир оз чидашга қарор қилдим-да, холамининг пинжига суқилдим. Холам мени кучоғига олиб, юмшоқ қўллари билан бошимни силади, мен ухлаб қолдим.

Кўп ухладимми ёки озми, билмайман-у, лекин мени уйғотишганида, барча дастурхон ёзиғлиқ стол атрофида ўтирар эди. Стол устида ҳиса солинган қозон, пишлок ва буғдой нони бор эди. Бобомнинг олдида чойнак турарди, у чой куйиб онам ва холамга узатди, сўнг уларга бир донадан оқ қанд берди. Шунда ҳам у тинмай пайғамбарга салавот айтиб, Қуръон оятларини такрорларди. Мен оч эдим, шу сабаб тонгдан бери иштаҳамни китиклаган ҳиса тўла қозонни олдимга тортмоқчи бўлдим-у, афсус, шайх бобом кичикларга ўзи овқат олишига рухсат бермайди-да. Хуллас, овқат солиб беришгунча, жим кутишим керак. Хайриятки, унча узоқ кутмадим. Бобом қошиқни олиб, аввал бир косага ҳиса солди, сўнг яна бир косага, ундан сўнг яна бир косага. Кейин пишлокдан кесди, нон синдирди-да, пиёладаги чойга оқ қанд солди.

Ўй-хаёлим ҳисада бўлиб, биз ўтирган жой парда билан тўсилганига диққат қилмабман. Шунинг учун ҳам онам ва холам юзидаги ёпинчиғини олди. Яна бари худди уйимиздагидек эди. Лекин столнинг кимираб туриши, пол остида нимадир тарақлаши давом этарди.

Бобом дуо ўқишдан тўхтади-да, бир хўплам чой ичди.

– Мадинада яқинда ҳеч ким қолмайди. Буларнинг ҳаммаси пошонинг буйруғи билан. У султондан рухсат олгандан кейин шундай буйруқ берган экан, – деди бобом.

– Лекин Муҳаммад Саид амаки билан хотини Фотима хола, Абдулкаюм амаки билан рафиқаси Хатун хола кетишдан бош тортишди, – деди онам. – Улар ўз уйларида қолишди-ку!

Бобом жилмайди:

– Пошо уларни кетишга мажбур қила олмайди. Аммо улар ўзига қаердан егулик топади? Бир ой ўтмасданок шаҳарда озик-овқат қолмайди. Ҳамма озик-овқат ҳарбийларга берилади.

– Ҳай, майли, – деди онам. – Лекин биз қаерга кетяпмиз? Бу одамлар-чи? – Дамашққа-да, албатта. Сизларга буни айтганимга бир ойдан ошди.

Ҳадича холам ҳадикланиб сўради:

– Дамашқда Абдулғанини топа олармиканмиз ишқилиб?

Бобом яна жилмайди:

– Абдулғанини, дейсанми? Қайдам... Унинг қаердалигини билмайман! Уни топиш Зоҳидни топишдан осон бўлмас-ов. Зоҳид уч ойда қайтиб ке-

ламан, деб дом-дараксиз кетди. Мана, ўгли тўрт ёшгаям тўлди. Зоҳиддан эса ҳеч бир хабар йўқ. Сени бўлса, Абдулганига узатдик. У – сенга амаки-вачча, таниям, жониям ўзимиздан, деб ўйладик. Лекин уям уйдан кетди, унданам хат-хабар йўқ.

– Эҳтимол урушда ҳалок бўлгандир, – дея овоз чиқариб хаёлидан ўтказди онам. – Мадинага шу поездда келганлардан урушда кўп одам ҳалок бўлганини эшитдик.

– Ҳалок бўлганмиш? Қанийди, шу гапларинг рост бўлса! Кофирларга қарши урушда шаҳид бўлган мусулмон Аллоҳ Таоло даргоҳида энг сеvimли бандадир. Лекин Зоҳид Ислон университети очгани россиялик мусулмонлардан пул йиғишга ўша юртга кетган. У ҳалиям Россияда, деб ўйлайман, йўлни беркитиб кўйган бу уруш тугамагунча биз уни энди кўрмаймиз.

– Абдулганига келсак, – бобом чойдан хўплаб, кўзларини пирпиратди, – унинг Хадичага уйланишига қанча эътироз билдирдим-а. Лекин, начора, тақдир экан. Худо раҳмат қилгур онангиз каттик туриб олмаганида борми... Абдулгани, ахир, унга қариндош эди-да.

Бобом шу сўзларни айтгач, кўкрак чўнтагидан дастрўмол олди-да, оғзини артди:

– Худо хоҳласа, уни Дамашқда топамиз. Қаердалигини бирор кимса айтиб қолар.

Шайх бобом сукутга чўмди. Сўнг Хадича холамга қаради. Унинг нигоҳидан холамга ҳамдард экани билан бирга унинг эрига ишонмаслиги ҳам зуҳур этиб турарди. Онам коса, чойнак-пиёлаю қошиқларни йиғиштира бошлади. Холам яна укамни қўлига олди. Бобом ўрнидан туриб, мени жойимизга олиб борди-да, бўҳчалар устига ўтириб, дуо ўқий кетди. Мен деразадан саҳрога боқдим, узоқларда тўқ яшил ёки оч қизил рангда тоғлар, улар бошида эса аҳён-аҳёнда булутлар кўринарди. Баъзи қояларнинг учини мутлақо кўриб бўлмасди. Баъзилари эса дилларни абадият сари чорларди.

## ПОЕЗДДА МАДИНАДАН ДАМАШҚҚА КЕЛДИК

Дамашқда осмондан шаффоф тошчалар ёққан кун эсимда қолди. Бозорда кетаётган эдик, тўсатдан ёмғир қуйиб қолса бўладими! Бобом қўлимдан тутиб, усти ёпик бозорга бошлаб кетди. Оломон дегани худди шу ёққа қараб чопарди. Ёмғир дастлаб томчилаб ёғди, кейин жалага айланди, сўнгра ўша шаффоф ва муздек тошчалар ёғди. Мен уйга қайтиб келганимдан сўнг бу тошчалар “дўл” деб аталишини билдим. Бобом онам ва холамга бу – ёмон белги эканини, бу – Аллоҳ қаҳри эканини айтди. Бобом аввал кўкдан муз ёққанини ҳеч кўрмаган экан. Онам ва холам жуда кўркиб кетишди-да, “Аллоҳнинг биз бандаларига раҳми келсин!” дея дуо қилишди. Сўнг бобом жойнамоз устида намоз ўқий бошлади. Онам ва холам уйда жимлик сақлаб турди. Бири укамни хонадан олиб чиқиб кетди, иккинчиси тушлик овқат тайёрлашга унади.

Дастурхон атрофида тушлик овқатга тўпланганимизда, мен шайх бобомнинг икки кундан кейин Ҳамага жўнаб кетишимиз ҳақидаги гапини эшитдим. Бу сафар ҳам поездда йўлга чиқар эканмиз. Мен жуда хурсанд бўлдим, чунки Мадинадан поездда сафар қилганимизни ҳали унутмаган эдим, ҳеч қачон унутмасам ҳам керак. Энг унутилмас таассуротим поездда

болалар кўп бўлгани ва менга улар билан ўйнашга рухсат беришгани эди. Айниқса, поезд бирор станцияга кириб келаётгани, бу станцияда узокрок тўхтаб туриши эълон қилинганда роса мазза бўларди. Катталар ўз ишлари билан кетишар, биз эса сандиқ, сумка ва саватлар орасида роса югурардик. Агар катталар рухсат беришса, тўғрироғи, тушиб-чиқишимизга ёрдамлашса, пастда – кўчада кум ва шағал устида ҳам ўйнардик. Мен учун болалар билан ўйнашдан ҳам кўра ёқимлироқ машғулот ҳиса эди. Поезддан тушганимиздан буён ҳисани сира кўрмадим, ҳатто ҳозир шу дастурхонда ҳам ҳиса йўқ эди. Мен икки кундан кейин яна поездга чиқсак, ҳиса ҳам бўлади, деб қаттиқ ишонардим.

Бобом тушлик пайти холамга Дамашқда Абдулғанани топа олмаганини айтди. Лекин бир одам унинг бу ерда бўлганию икки ҳафта олдин Ҳалабга жўнаганини эслабди. Отам Зоҳид ҳақида эса ҳеч кимдан ҳеч гап эшитмабди. Бобом менга юзланди-да, бошимни силаб туриб, Одессадан Истамбулга йўл ҳалиям берклигинини айтди.

Сўнг у онамга деди:

– Фотима, анави қопни олиб кел. Сизларга уст-бош, пойафзал сотиб олувдим.

Онам ўрнидан туриб, хона бурчагига борди, у ердан қопни олиб, бобомнинг олдига қўйди. Қопдан бобом харид қилган молларни олишга ёрдамлашди.

– Хавотир олма, – деди бобом қоп ичидан мен билан укамга бошмоқ чикмагач, – уларга эртага сотиб оламан. Биз Ҳамидия бозорига борувдик, эсимдан қандай чиқди, билмайман. Дўл дегани одамнинг хаёлини ўғирлаб қўйди-да! Тагин набирамни йўқотиб қўймай, деб роса кўрқдим, бўлмаса, у ҳам отасидек йўқолиб қолар эди!

Онам билан холам, барибир, хурсанд бўлишди. Кийимларни ўзлари ҳам кийиб кўришди, бизга ҳам кийгизишди. Сўнг онам янги кийимларни қайта тахлаб қўйди-да, бобомнинг қўлларидан ўпди. Хадича холам ҳам бобомнинг ёнига келди. Бобом иккаловини ҳам қучди-да, худди поезддагидек, кўзларида ёш пайдо бўлди. Лекин мен улар нега йиғлаётганини тушунмасдим.

Дамашқдаги бозор Ҳамидия деб аталарди. Бобом кийим-кечак ва пойафзалларни шу ердан сотиб олган эди. Икки тараф қатор ҳар хил дўкон, одам кўплигидан орада юриб бўлмасди. Бобомга мени етаклаб юриш ноқулай эди. У бир қўли билан мени етаклаб, бошқа қўли билан оғир қопни кўтариб борарди. Қопни тўлдириш учун бобом нуқул кўчанинг у юзидан бу юзига ўтарди. Биз жала қуйгунча шу зайлда юрдик, кейин дўл ёғди. Момақалдирик гулдираб, чакмоқ чакди. Ҳар сафар “момақалдирик” деган сўзни эшитсам, шу манзара кўз олдимга келади.

Ёмғир ёғишдан тўхтамади, биз эса бунни кутмай, қўлмақлар устидан ҳатлаганча, бозор адоғига югурдик. У ерда бобом от қўшилган арава ёллади, кейин билсам, у “файтун” деб аталар экан. Бобом ўриндиққа қопни ташлаб, мени аравага чиқарди. У ёнимга ўрнашиб ўтиргач, чўнтагидан дастрўмол чиқариб, бошим ва юзимни артди, сўнг бағрига босиб:

– Совқотмадингми? Жуда совуқ-а? – деб сўради.

Арава узун кўча бўйлаб кетар, ёмғир эса тинай демасди. Баъзи одамлар ким нима топса, шу билан бошини бурқаб чопар, баъзилар уйлар девори ёки дўконлар айвончаси остида ёмғир тинишини кутарди. Мен

бобомнинг пинжига сукилиб, жимгина борардим. Танамга иссиқ югурди, кўзим юмила бошлади. Саф тортиб кетаётган аскарларни кўрганымда, кўзларимни катта очдим. Елкалари ортидан темир таёқ чикиб турар, кейин билсам, уни милтик дейишар экан. Милтиқдан ўқ отилар эмиш-да, шу ўқ бирор кишига тегса, у ўлар эмиш. Ўқ отилганда яна баланд товуш эшитилар эмиш. Одамлар уруш бўлаётганини шу овоздан билармиш. Уруш пайтида аскарлар ҳам ўлар экан, чунки уларга карата бошка аскарлар ўқ отар экан.

Аскарлар ўтиб бўлгач, арава ёнбош кўчага бурилди, кўприқдан ўтиб, дарё ёкалаб кетди. Дарёнинг нариги ёғида ҳам кўча бўлиб, у ерда ҳам одамлар шошиб борар, чунки ёмғир бир тиниб, бир яна қуярди.

Ўша ёқда қандайдир узун аравалар отларсиз ўзи юриб борарди. Бундай араваларнинг олд қисмида – сандик орқасида бир киши ўтирарди – хўкизлар ҳам, отлар ҳам йўқ эди! Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин деб, бобомдан сўрамоқчи эдим, қўққис иккита от қўшилган катта аравага кўзим тушди. Уни бир солдат бошқариб борарди. Аравада одамлар жасади ётарди. Жасадлар шунақаям кўп эдики, бошлари арава четидан осилиб турарди. Мен ғалати қотиб қолган кўзларни кўрдим. Баъзиларининг оғзи ҳам очик бўлиб, улар атрофида пашшалар учиб юрарди. Бошлар ёнида кўкариб ёки қорайиб кетган яланғоч оёқлар ҳам осилиб турарди. Арава силкинганда, бош ва оёқлар унга қўшилиб силкинарди.

Мени нима кўпроқ кўрқитганини ўзим ҳам унча англамадим-у, лекин кўксимда шундай кўркув пайдо бўлдики, ваҳимадан қичқариб юборай дедим. Бобом кўзларимни беркитиб, “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибу” деди. Арава ёнимиздан ўтиб кетгач, у қўлларини юқори кўтариб, “Алҳамду лиллаҳи роббил-олайин,” деб нидо килди.

Тунда тўсатдан уйғониб кетдим. Ташқари ҳали қоп-қоронғи эди, лекин хира лампа хонани ёритарди – мен онамнинг юзини кўрдим. У менинг устимда энгашиб турарди. У кўчага чиққанда киядиган хижобда, лекин ёпинчиғи кўтарилган эди. Онамнинг қўлида бобом менга атаб бозордан олган иссиқ кийим бор эди. Онамнинг ниятини дарров англаб, тез ўрнимдан турдим. Онам уйқусираган ҳолимда кийинтирди, оёғимга янги қора ялтироқ туфли кийгизди. Ярим тунда мени қаёққа олиб кетишяпти? Холам, бобом ва укам қани? Мен шу заҳоти холамнинг йўталгани ва укамнинг йиғлаётганини эшитдим. Улар бобом билан қўшни хонада эди. Демак, ҳаммалари ярим тунда уйғонибди.

Мен онам билан ўша қўшни хонага ўтдим, ҳамма чиқишга тайёр бўлиб турган экан. Бобом уйнинг четида, жойнамоз устида Қуръон ўқиб ўтирар эди. У ҳар сафар намоздан кейин шу Китобни ўқирди. Баъзан Қуръонни онам ва холам ҳам ўқир эдилар. Бу хонада катта лампа осилиб турарди, унинг ёруғида бир нечта сумка ва саватни кўрдим. Поездга чиққанимизда шу саватдан овқатлар ва ҳиса солинган қозонни олишган эди.

Демак, яна поездда кетамиз, деб хурсанд бўлдим. Яна поездда болаларни кўраман, у ҳар бекатда тўхтаганида, биз сумка, сават ва сандиқлар орасида ўйнаймиз. Бобом мени яна тиззасига ўтказади, яна дераза ортидаги олис тоғларни, қўйлар подасини, туялар қарвонини кўраман. Яна бекатларда ҳар хил мазали овқат, ширинлик, мева, хурмо, тухум ёки помидорлар сотаётган одамларни кўраман. Поездда кетаётганлар улардан бирор нима сотиб олади, олдинги гал бобом ҳам сотиб олганди. У ши-

ринликни аввал менга тутган, кейин эса онам, холам ва укамга насиба берганди. Ёнимизда болалар ўйнаётган бўлса, уларни ҳам чақириб, уларга ҳам берарди. Кейин жилмайиб, боши ва юзини силаб қўярди. Дераза томонга қараб, ўзича “Ё Раб!” дер эди.

Мен поезддаги бу галги сафаримизни ҳам шундай хаёл қилардим. Бирок унғача хали анча вақт бор эди.

Дамашқдаги биз яшаган уйда узун йўлак бўларди. У деворга ўрнатилган машъала билан ёритиларди. Ўша кунни саҳарда, тўғрироғи, ярим кечаси бобом шу йўлак охирида туриб, нотаниш бир киши билан баланд овозда тортишди, у киши бобомни жеркиб берди. Бирдан машъала ўчди-да, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди. Энди қоронғилик қаъридан ҳалиги нотаниш кимса ва бобомнинг бақир-чақири эшитиларди. Вазият қўрқинчли, ваҳимали эди. Онамнинг кўлида укам чирқираб йиғлади. Унинг йиғиси анави одам билан бобомнинг бақир-чақирини босиб кетди. Фақат онам ва мени кўлимдан маҳкам ушлаб турган холам жим турарди. Кейин эшик қаттиқ тақиллагани эшитилди, ҳамма ёқ жим бўлиб қолди. Эшик очиқлиб, тонгги ёруғликда бир солдатни кўрдик. У бобомни сўради. Бобомни кўрсатишгач эса, у билан кўлини сиқиб сўрашди ва қандайдир пакет узатди. Солдат ҳали кетиб улгурмаган эдики, эшик олдида арава пайдо бўлди. Аравақаш ўриндиқдан сакраб тушди-ю, бобом билан сўзлаша кетди, сўнг жомадон ва саватларни аравага юклашга тутинди. Бобом ҳозиргина ўзи баҳслашиб турган кишига ўгирилди. У бўлса бобомни қаттиқ кучоклади-да, даҳлизда қолган лаш-лушларимизни юклашга уннади.

Аравага ўтирган заҳотимиз бобомнинг кучоғига жойлашиб, шу ондэк ухлаб қолдим. Кейин бобом мени вагонга олиб кираётганида уйғондим. Мен бошимни у ёқ-бу ёққа буриб, атрофга аланглай бошладим, бироқ Дамашққа келаётганимиздаги болалардан ҳеч бирини кўрмадим. Бунинг устига, жомадон ва саватларимиз орасида ҳиса солинган қозон йўқ эди! Аввалги сафар дераза ёнидаги ўриндиқда кетган бобом ҳам энди полдан жой эгаллаганди. У мени кучоғига ўтказди. Бу вагонда тўсиклар ҳам йўқ. Шунинг учун бобом ва мен онам билан холамини бошқалардан тўсиш учун олдинда ўтирдик. Аёллар юзини, одатдагидек, ҳижоб билан тўсиб олганди. Уларнинг кучоғи ёки тиззасида кичкина болалари ўтирар, бу болалар тинмай ҳиқилларди. Шу пайтгача холамининг кўлида ухлаб келган укам ҳам энди ҳаммадан қўра баландроқ йиғларди. У нуқул онамнинг кўкраги томон қўлчаларини чўзар, онам эса ҳар гал уларни итариб ташлар, шунда укамнинг йиғиси янада авжига чиқарди.

Нихоят, паровознинг узок хуштаги чалинди. Мен ҳадемай поезд бир силкиниб юриб кетишини, шу тобда кимлардир станцияда кўзёш билан яқинларини кузатаётганию яна кимлардир мева ва ширинликлар сотаётганини билардим. Вагонда нафақат тўсик, балки дераза ҳам йўқ эди, шу боис мен кузатаётганларни кўролмадим. Шунда бу гал одамлар, гарчи ўз жойида турса ҳам, орқага қараб кетиши, дарахт ва тоғлар ҳам шу тахлит ҳаракатланишини кўра олмаслигимни англадим. Албатта, бу ҳол мени хурсанд қилмади, лекин ҳиса солинган қозон йўқлиги кўпроқ хафа этди.

Вагон эшиги ёпилгач, поезд юра бошлади. Пастда ҳамма нарса тараклаши, тепада эса титраши билан болалар йиғиси ҳам тинди. Вагон шунақаям силкинар эдики, асти қўяверасиз. Бобом ҳар галгидек, дуо ўқиб, зикр айтарди. Мен эса ухлаб қолдим. Қанча ухлаганимни билмайман,

лекин бобом тиззасидан олганда, бирдан уйғониб кетдим. Шундан сўнг бобом шошиб ўрнидан турди-ю, доим ёнида олиб юрадиган кутчасини очиб, ичидан кичкина шиша идиш олди-да, вагоннинг нариги четида одамлар тўпланиб турган жойга борди. Уларнинг баъзилари юзида савол ва хавотир аломати бўлса, баъзилари: “Аллоҳдан ўзга куч-қудрат йўқ!” деб пичирлар эди. Бошқалари: “У етиб бормасдан ўлиши мумкин” деса, яна бирлари “Агар у ўлиб қолса, борганимизда ҳаммамизни карантинга тикишади”, дерди.

Мен бир аёл жон бераётганидан бўлак ҳеч нарсани тушунмадим. Агар бирор инсон ўлса, унинг узокларга олиб кетишларини билардим. Лекин у жой қаердалигини билмасдим. Менга у жой “жаннат” деб аталиши, у ер жудаям яхшилиги, чиройли гул ва дарахтлар ўсиши, сувлар мўллиги ва жаннат қушлари борлигини айтишганди. Менга Ҳамида бувим вафот этганларида шундай дейишганди. Уни ҳам ўша ерга олиб кетишган эди.

Мен ўрнимдан туриб, бобом кетган ёққа қарадим. У ерда иккита эркак, бир бола ва бир аёл полда ётган хотин устида энгашиб турарди.

– Аллоҳ қудратлидир! – деди онам холамга. – Дамашқда кўп одамлар ўлди. Айтишларича, бу касаллик бирор уйга кирса, бошқаларни ҳам олиб кетармиш.

– Аллоҳ қудратлидир! – дея қайтарди холам.

Бобом тезда ёнимизга қайтди-ю, юзида табассум билан деди:

– Худога шукур, кўрқинчли ҳеч гап йўқ! У аёлнинг боши айланибди, холос. Ҳомиладор экан, сафар машаққатларидан чарчаган-да...

Бир неча дақиқадан сўнг онам холамнинг кулоғига шивирлади:

– Сен калайсан, Хадича?

– Худога шукур!

Хадича холам хўрсинди. Сўнг укамга қараб, пешонасидан ўпди, бағрига босиб, яна қайтарди:

– Худога шукур!

Мен эса ўтирган жойимда жаннат ҳақида ўйлардим. Нега одамлар ўлган одамни ўша ерга олиб боришганда ўзлари ҳам шу жойда қолмаслиги менга тушунарсиз эди. Нега улар ўлганни ўша ерда қолдириб, ўзлари қайтиб келади? Ҳамида бувимни ҳам ўша ерга ташлаб келишган. Нега бувимнинг чилимини ҳам бирга олиб боришмаган? Бир куни чилимни ерга тушириб юборганимда, унинг чўғлиниб турган ўти ерга сочилиб кетганини эсладим. Ўшанда мен ўзимни полда суюкли чилимини чекиб ўтирган бувим кучоғига отган эдим.

### ДАМАШҚДАН – ҲАМАГА: ОТАМ ЗОҲИД ВА ХОЛАМНИНГ ЭРИ АБДУЛҒАНИНИ ИЗЛАБ

Ҳозир мен Дамашқдан Ҳамага қилган сафаримизни деярли эслаёлмайман. Фақат бизни станциядан ас-Собунийнинг уйигача олиб борган “файтун” аравани эслаймаман. Аравакаш турк эди ё турк тилида гапирарди. Бобом у билан қандай танишгани ё у бобомни қаердан танишини билмасдим. Бу арава ас-Собунийлар оиласига тегишли арава эканидан хабарим бор эди. Мен ўша арава уларнинг дарвозаси олдида турганини кўп марта кўргандим. Биз иккита хонага жойлашдик. Бу хоналар деразаси катта ховлига қараган, ховлида эса боғ бор эди.

Уйда яна кўпгина бошқа хоналар ҳам бўлиб, уларда жуда кўп одамлар яшарди. Вақт ўтиши билан мен бу кишиларнинг бари ас-Собунийлар оиласидан эканини билдим. Улар орасида қари чол ва ёш йигитлар, бола-бақралар, қари кампир ва ёш жувонлар бор эди. Бобом онам ва холамни менинг шўхликларимдан огоҳлантириб, биз бу ерда меҳмонлигимиз, демак, ўзимизни одобли ва камтар тутишимиз, ҳеч кимни хафа қилмаслигимиз лозимлигини таъкидларди.

Ўша уйда қанча меҳмон бўлганимизни эслаёлмайман. Лекин хотирамда Башир ҳожи исмли мухтарам бир қария сиймоси сакланиб қолди. Башир ҳожи уйга шомга яқин қайтар, у ховлига кирган заҳоти ҳамма ўсмир, қиз ва болалар унга пешвоз чопар ва қўлини ўпарди. Башир ҳожи уларнинг елкасига қоқиб қўяр, болаларни кучоклар ва уларга қўшилиб қулар эди. Кейин катта қизига ўгирилиб:

– Шайх шу ердами? – деб сўрарди.

У бобомни “шайх” деб атарди. Бобом аср намозидан қайтганини эшитгач, у жойлашган хона сари шошарди. Улар узок суҳбатлашиб ўтирар, Аллоҳга ҳамду сано айтишар ва бир-бирига нималарнидир ҳикоя қилиб беришарди. Сўнг шом намозини жамоа бўлиб ўқишарди, Башир ҳожи имом бўлар, намозда онладаги барча ўсмирлару ўғил болалар қатнашар эди. Шундан сўнг қоронғи тушар, уйда лампа ва машъалалар ёқилар, ўсмирлар ва ўғил болалар хонани тарк этар, оксоқоллар яна икковлон ҳуфтонгача ёлғиз қоларди. Хуфтон намозидан сўнг ҳамма кечки овқатни тановул қилгани бошқа хонада йиғиларди.

Овқатлар орасида шундайлари бор эдики, уларни эсласам, ҳали ҳам сўлагим оқади. Уларнинг “қубба” деб аталадигани бўларди, биз унинг ҳар хил туридан татиб кўрдик, яна “мағмум” ва “Довуд пошо” дегани ҳам бор эди. Нонуштага тортилажак таомлардан “шанжалиш” деб аталадиган жигарранг “зўлдирча”ларни, қаймоқ ва зайтун ёғини кўпроқ эслаб қолганман.

Мен Ҳамадаги ас-Собунийлар оиласи билан Мадинадан келган бобом ўртасида қандай алоқа борлигини билолмасдим. Ўзим гувоҳи бўлаётган воқеалар, онам ва холам, улар ва бобом ўртасидаги суҳбатлардан қулоғимга чалинган гаплар маъносини чақишга ҳали кичкина эдим. Улар менга топишмоқ бўлиб туюлар, нуқул уларни топишга уринардим. Бобом Мадинадаги “пошо”ю Истамбулдаги “султон” ҳақида, Мадинада яшаётган ва Дамашққа кўчаётган одамларнинг озик-овқати “пошо” буйруғи билан солдатларга берилаётгани ҳақида кўп гапирарди. Мен одамлардан “уруш” деган сўзни ва шу уруш сабаб бу ерга кўчганимизни кўп эшитардим. Лекин у ҳақда кам ўйлардим. Мендан фақат бир нарса талаб қилинарди: бобом қаерга борса, мен у билан бирга боришим керак эди. Бундан ташқари, мен онам ва холамнинг, бу уйдаги катталарнинг, улар ким бўлса ҳам, қаерда бўлса ҳам – кўчадами ёки ас-Собунийлар оиласидами – айтганини қилишим зарур, чунки улар катталар эди. Катталар айтганига қулоқ солишим кераклигини онам менга кичкириб уқтирарди. Агар бирор катта одамнинг айтганини қилмасам, онам дарҳол бақириб берарди. Бу эса менга ғалати кўринар эди.

Мени яна кўпгина ғалати нарсалар қуршаб олганди. Масалан, “пошо” ва “султон” сўзлари хотирамга каттиқ ўрнашиб қолган. Мен “султон” сиймосини кўз олдимга аниқ келтирардимми-йўқми эслолмайман-у, лекин “пошо” сиймосини аниқ кўз олдимга келтирардим. У менинг кўз ол-

димда Мадинадаги мурғаклик пайтларимда ҳам, бир жойдан бошқасига дарбадар кўчиб юрганзимда ҳам, кейинроқ ўзим катта одам бўлганимда ҳам аниқ гавдаланарди. Пошо дейилса, доим катта ҳокимият эгаси бўлган олиймаком ва қудратли шахс ёдга олинарди. Чунки одамлар қачон у ҳақда гапирмасин, доим овозида унга нисбатан ҳурмат ва тавозе, ҳадик ва кўрқинч сезилиб турарди. У одамларга Мадинадан кетинг, деб буйруқ берган эди. Қора тутуни осмонни қоплаганча, темир йўл узра чопадиган, кулоқни том битказганча, чўзиқ гудок чаладиган поезд ҳам ана шу пошога тегишли эди. Шу поездга мадиналиклар чикиб ўтиришига, аввал Дамашқ, кейин Ҳама, ундан эса яна аллақайси юрт ва шаҳарларга жўнашига буйруқ берган шу пошо эди. Шубҳасиз, у буюк ва қудратли эди, бу борада у бошқа бирор киши ёхуд Аллоҳнинг бошқа бандасига қийсслаб бўлмас жаноб эди.

Аввал ҳам айтганимдек, биз Ҳамадаги ас-Собунийлар уйида неча кун меҳмон бўлиб турганимизни эслаёлмайман. Лекин бобом ўзимизга янги уй топгани ва унга яқин орада кўчиб ўтишимизни айтган кун хотирамда яхши сақланиб қолган. У яна туркчалаб бир нималар деди, лекин мен бу гапларни тушунмадим. Бирок онамнинг роса хурсанд бўлганини кўрдим. У холамга хушxabарни айтишга шошилди: хайрият, ўз уйимизга кўчиб ўттиямиз!

Хадича холам ҳомиладор, ой кунни яқин эди, у бир оз бетоб бўлган, заиф ва ранги оқарган эди.

– Қачон кўчиб ўтарканмиз? – деб сўради у онамдан.

– Яқинда, эҳтимол уч кундан кейиндир. Ҳозир отам билан бозорга бориб, кўрпа-ёстик, чойшаб, козон-товоклар сотиб оламиз.

– Яхши. Ўзинг ўша уйни кўрдингми?

– Йўқ хали кўрмадим. Бугун кўргани бораман. Отам айтдиларки, у ал-Аса дарёси яқинида эмиш, уйнинг тўртта хонаси бор экан. Битта хона катта меҳмонлар учун, яна битта хона отамнинг ўзига, қолганлари – бизга. Биласанми, Хадича, янги уйда боғча ва суви чучук қудуқ бор экан. Биз ундан худди Мадинадаги боғимизникидек сув чиқарамиз.

– Менга Мадинани эслатма. Ҳар сафар тунда чархпалак овозини эшитганда, боғимиздаги сувғилдиракни эслайман. Ўша товушнинг худди ўзи. Эй Худо, биз қачон Мадинадаги уйимизга қайтамиз-а?

– Аллоҳнинг раҳмати буюк! Отам айтдики, олти ой, кўпи билан етти ойда уруш тугармиш.

– Эй Худо! Ўшанда Зоҳид билан Абдулғани ҳам қайтиб келади-а?

– Ҳа, эсим курсин, хали сенга айтмабман-ку! Отам Абдулғани ҳақида эшитибди. У ҳозир Ҳалабда эмиш.

– Ҳалабда? Ҳалаб қаерда?

– Буни ўзим ҳам билмайман. Лекин отам айтдики, Абдулғанига хат ёзиб юборибди. У хатни олгач, албатта жавоб ёзади, ҳол-ахволидан хабар беради.

– У нега Ҳалабда экан?

– Чунки у – эркак, Хадича. У – ёш йигит. Султон эса барча эркакларни ёнига чакиряпти – насронийлар ва кофирлар устидан ғалаба қозониш учун!

– Демак, Абдулғани султон учун жанг қиляпти экан-да?

– Йўқ, у жанг қилаётгани йўқ. Лекин ўзинг биласан-ку, у поездни яхши тушунади. Эҳтимол, темир йўлда ишлаётгандир.

– Мен ҳар куни Дамашқдан келадиган поезд гудоғини эшитаман. Нима деб ўйлайсан, Абдулгани бизни кўргани келармикан? Биз ҳам унинг дийдорига тўярдик.

– Эҳтимол. Лекин у бизнинг бу ерда, Ҳамада эканимизни билмайди-ку!

– Ҳа, бу – тўғри! У Дамашқда бўлганимизни ҳам билмаса керак. Энди эса бу ерларга келиб қолдик.

– У қаерданам билсин? Лекин отам хат ёзиб юборибди. Яқинда ҳаммаси маълум бўлади.

– Нима деб ўйлайсан, отам унга ҳомиладорлигим ҳақида ҳам ёзганмикан?

– Билмадим, Хадича. Лекин отамдан албатта сўраб боқаман.

Шу пайт онам суҳбатини бўлди-да, менга ўгирилиб:

– Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Ёки гапимизга ўғринча қулоқ соляпсанми? Абдулғафур қани? – деб сўроққа тутиб қолди.

Абдулғафур – менинг укам. Бу пайтда у атак-чечак юриб қолган эди. Сира бир жойда турмасди. Фақат онам укамни эмизганда ёки холам оёқларини узатиб, устига ёстик қўйиб, уни шу ёстикқа ётқизиб, чапга-ўннга тебратганида тинчир, холамининг алласига қулоқ тутарди. Холам “Уҳлаб ором олгин кичкинтойим, туяқушнинг патларида”, деб алла айтарди. У бўлса холамининг оёқлари устидаги “каравот”да пиш-пиш ухлаб қоларди.

Онам менга Абдулғафур хоналарда югургани ёки ҳовлига чиққанида унга қараб туришимни тайинлаган эди. Биз унинг ташқаридаги бирор ҳовузчага тушиб кетишидан кўрқардик.

Ҳозир “уйимизга” кўчиб ўтишга неча кун кетганини эслаёлмайман. Онам ва холам ўша уйни “уйимиз” деб атарди. Укамга кўпроқ Хадича холам қарар, чунки бобом янги уйимизга мебель сотиб олгани мени ўзи билан бирга олиб кетарди. Онам ҳам биз билан бирга борарди.

Уй истаралигина эди. Аса дарёси қирғоғидаги бошқа бинолардан уни мевали боғ ажратиб турарди. Бу бокка ёнбошдаги эшикдан кириш мумкин эди. Бобом бу эшикдан бегоналар кирмаслиги учун уни миҳлаб ташламоқчи бўлди, аммо онам уни тамба ўрнатишга зўрға кўндирди. Онам менга у ерга ёлғиз қўйиб юбормаслигини, албатта, катталардан бирортасига қўшиб жўнатишини уқтирди.

Бундан ташқари, уйимиз олдида ўз боғчамиз ҳам бор эди. Бу боғчада атиргул ва мирт деб аталувчи меваси ширин дарахтлар ўсар эди. Яна бу ерни нарғиз ва бошқа ҳар хил гуллар қоплаганди – улар чор-атрофни саҳар ва окшомда хуш бўйга тўлдирарди.

Қудукдан сув чиқарувчи жихоз бобом уни ишлатган заҳоти мени жуда кизиктириб қўйди. Сув отилиб чиқиб, жажжи ҳовузчага тушарди. Бу – менга ёқиб қолган янги “ўйинчоқ” эди. Янги уйга кўчиб келганимизда, уни маза қилиб ўйнайман, деб орзу қила бошладим.

Ас-Собунийлар уйини тарк этган кунимизни ҳозиргача эслайман. Башир ҳожининг Асма исмла катта кизи кўзёши тўкиб, онам билан узоқ хайрлашди. У Хадича холамга “доя” ва туғурук ҳақида гапирди, тагин кўркиб ўтирманг, бари яхши бўлади, дея тайинлаб, кўнглини хотиржам қилди.

Кетар чоғимиз Башир ҳожи, унинг қиз ва набиралари бизни дарвоза олди-гача қузатиб қўйди. Ўша лаҳзада улар бизни қанчалик яхши кўришини хис қилдим. Улар бизнинг кетаётганимиздан афсусда эди. Ўшанда мен ўзимга ўзим савол бердим: нега унда бу ердан бошқа уйга кетяпмиз? Бу ерда яшаш билан янги уйимизга кўчиш ўртасида нима фарқ бор?

## БИР ИЖОДИЙ БАҲС ХУСУСИДА

Ўтган асрнинг охирларида насримизнинг янги авлоди Ғарб, Лотин Америкаси ва Узоқ Шарқ насрига фавқуллода кучли кизиқиш билан қарай бошлади. Бу XX аср бошларидан шакллана бошлаган ва бекиёс шиддатла ривожланган миллий бадий проза анъаналарини инкор қилиш, янги йўл излаш натижаси эди. Жамият ҳаётидаги кескин бурилиш даврига тўғри келгани учун ҳам инкор руҳи ғоят кучли эди. Сир эмас, ўша шароитда биз – ўзидан аввалгилар суюб ўқиган асарларни “замона кемасидан улоқтирган” янги авлод ўқувчиларига Ғарб, Лотин Америкаси ва Узоқ Шарқ адабиётининг намуналари асл санъат намуналари бўлиб кўринди. Гўё улар – ижтимоийлик, ғоявийлик, мафкуравийлик каби “адабиётга мутлақо ёт” нарсалардан тамом фориғ, соф бадииятнинг тажассуми. Ҳақиқатда эса бу – ғирт янглиш тасаввур эди, зеро, улардаги образлар ҳам ўзлари яратилган ижтимоий макон ва замон билан чамбарчас боғлиқ<sup>1</sup>. Фақат ўша макон ва замондан узилганимиз учун ҳам бу асарлар мўъжиза кўринди – кўплаб ёш истеъдодлар уларнинг ифода усулига эргашди. Табиийки, катта авлод буни қабул қила олмади, ёшларни “тақлидчилик”да, “кўчирмачилик”да айблади, ёзганларининг “миллийликка хилофлиги”ю “мафкуравий хавфи”дан огоҳлантириб бонг урди. Ҳолбуки, бу жараён шунчаки ёшларнинг Ғарбга ҳаваслангани натижасида эмас, балки миллий адабиётда янгиланиш эҳтиёжи етилгани туфайли ҳаракатга келган эди. Иккинчи томони, хориж адибларига ҳар қанча эргашмасин, *миллий заминда етишган ва миллий тилда миллий турмушни акс эттираётган ижодкор* ҳеч қачон оддий нусхакаш бўлиб қолмайди – саналган омиллар бунга йўл бермайди. Чинакам истеъдод учун таъсир бир туртки – ўзга маданият вакили бўлмиш адиб бадий кашфини ўз миллати хизматига сафарбар этиш, у билан ижодий баҳсга киришишга даъватдир. Эндиги муддаомиз мазкур қарашни Хуршид Дўстмуҳаммад мисолида асослашдан иборатдир.

\* \* \*

Хуршид Дўстмуҳаммад “Жимжитхонага йўл” ҳикоясини “Тафаккур”да эълон қиларкан, уни мана бу мўъжазгина тақдим билан таъминлайди: “Кўп йиллар бўлди, италиялик машҳур адиб Дино Буццатининг “Етти

<sup>1</sup> Қаранг: Қуронов Д., Усмонов Х. “Идеал ва бадий яхлитлик” // Тафаккур.- 1996.- № 4.- Б.

кават” деган ҳикояси таъсирида юраман. Ниҳоят, ушбу фавкулудда ўзига хос ҳикояни бир қадар эркин таржима қилиб, унга “назира” ўларок ҳикоя битдим. Тажриба қандай самара берганини баҳолаш ўқувчига ҳавола..”. Таъкидлаш зарур бўлган нуқта шуки, ҳикоя 2001 йилда ёзилган ва шу йилиёқ “Тафаккур”нинг 3-сонида босилган – тандирдан узибок дастурхонга тортилган. Орадан 4 йил ўтиб, адибнинг “Беозор қушнинг қарғиши” номи ҳикоялар тўпламига киритилганида ҳам мазкур тақдим сақланиб қолган, фақат унинг биринчи жумласи ўзгарган: “Италиялик машҳур адиб Дино Буццатининг “Етти кават” ҳикоясини ўқидиму анча вақтгача унинг таъсирида юрдим”. Кўряпмизки, бунда феълнинг замон шакли ўзгарган, сирасини айтсак, шундай қилингани тўғри ҳам: тўрт йил кейин киритилган ўзгартириш “тақдим”ни айнан ҳикоя ёзилган вақт эмас, аниқлаштирилмаган вақтга (яъни барча замонларга) тааллуқли этади. Шу билан бирга, шаклдаги ўзгариш жумла мазмунида ҳам жиддий (биз учун ғоят муҳим) ўзгариш ясаганини ҳам таъкидлаш керак. Агар биринчи ҳолда Дино Буццати ҳикоясини “кўп йиллар” аввал ўқиган муаллиф ҳамон унинг “таъсирида юргани” англашилса, иккинчиси адиб руҳиятидаги мазкур жараён кечиб ўтиб бўлганини кўрсатади. Маълум бўляптики, адиб руҳиятида йиллар давомида кечган жараён “назира” ҳикоянинг ёзилиши билан яқун топмоқда. Бошқача айтсак, биз айтаётган жараён аслида назира ҳикоянинг яралиш жараёнидан бошқа эмас. Зеро, асарнинг яратилиши билан тугаган жараён ўша асар муаллиф онгида эмбрион ҳолида бино бўлган паллада – ижодий ният пайдо бўлганида ҳаракатга келган. Ижодий ниятнинг туғилиши эса бу ўринда маданиятлараро диалог – мулоқот натижасидир.

М.Бахтин “катта диалог” ҳақида сўз юритаркан, унинг “катта вақт” кўйнида кечиши, репликалари эса алоҳида асарлардан иборат бўлишини назарда тутди: “Асар – нуткий мулоқот занжиридаги халқа; худди диалог репликиси каби, у ҳам бошқа асарлар – репликалар билан боғлиқ..”<sup>1</sup> Олимнинг уқдиришича, диалог репликиси ўларок адабий асар ўзга (лар)нинг у ёки бу тарздаги жавоби, яъни жавоб реакциясини кўзда тутди. Ўз-ўзидан аёнки, нуткий мулоқот занжирининг ҳалқалари – адабий асарлар воситасида маданиятлараро мулоқот ҳам кечади. Шу боис ҳам Бахтин асарларида “катта диалог” тушунчаси талқини бир асар доирасида кечувчи ходисадан глобал қўламдаги универсал ходиса томон муттасил кенгайиб боради<sup>2</sup>. Буларни эслашдан мурод – “Жимжитхонага йўл” ҳикоясининг яратилиш жараёнини, уни ҳаракатга келтирган механизмларни тасаввур қилиб кўриш. Хуллас, ўз вақтида, Дино Буццати ҳикояларининг русча таржималари ўзбек адабий жараёни вақтига айланиши билан, табиийки, улар (ҳар бири)га жавобан у ёки бу тарздаги реакция ҳам юзага келади. Мазкур реакция, бизнингча, икки турли кўринишда намоён бўлади. Уларнинг биринчисини кўпроқ ўқувчи индивидуаллиги – туғма қизиқувчанлик, ҳайрат ва завққа ташналик, нотаниш хорижий нарса билан боғлиқ кузатув кабилар билан, иккинчисини эса ўқувчи мансуб

<sup>1</sup> Бахтин М. Эстетика словесного творчества.- М.: Искусство, 1986.- С.268

<sup>2</sup> Дуров А.А. Концепция “большого диалога” М.М.Бахтина как методологическая основа исследования народной культуры // Вестник Ставропольского государственного университета.- 2009.- № 60.- С.45 - 51

маданий контекст (ўхшашлик, зидлик, бегоналик каби) белгилайди. Яъни мазкур омиллар *беҳад ҳайратланиш, ҳафсаланинг тир бўлиши, алқаш ё бефарқ қолиш, кўшилиш ё баҳслашиш, қабул қилиш ё рад этиш* каби жавоб реакцияларини ҳосил қилади. Жумладан, Х.Дўстмуҳаммаднинг “кўп йиллар” Дино Буццати ҳикояси таъсирида юргани замирида ҳам айни омилларнинг бири ётадики, ҳозир шунини аниқлаб олиш зарурати бор.

Айтиб ўтиш жоиз, аввало, бу ўринда битта омилни қатъий белгилаш маҳол, иккинчидан, ўша омилнинг таъсирини мутлақлаштириш ҳам тўғри бўлмас – бошқаларининг ҳам озми-кўп таъсир этганлик эҳтимолини истисно қилиб бўлмайди. Шунга қарамай, назира ҳикоянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб асосий омилни тасаввур қилса бўлади. Фикри-мизча, бу ўринда маданий контекст билан боғлиқ юзага келган *баҳслашиш* тарзидаги жавоб реакцияси етакчилик қилади. Айни чоғда, ҳикоянинг сюжет-композицион қурилиши, адиб ўзи кўзлаган мазмун ифодаси учун яратган бадиий модель, санъаткорнинг маҳорати завқ ва ҳайрат уйғотгани ҳам шубҳасиз. Бирок, яхши маълумки, завқу ҳайратнинг умри қисқа – вақт ўтиши билан ҳар не мўъжизага кўникалади. Демак, “кўп йиллар” ҳикоя таъсирида юришнинг асосида “баҳслашиш” тарзидаги жавоб реакцияси ётади, яъни ёзувчи онгида шу йиллар давомида италян адиби билан ментал баҳс кечади.

Мазкур баҳс Х.Дўстмуҳаммад мансуб маданий контекстан ўсиб чиқувчи “кўшилмаслик”дан бошланади. Сирасини айтганда, Д.Буццати ҳикоясида қўлланган модель янгилик ҳам эмас – етти каватлилик (жараён, йўл, макон ва б.) жаҳон фольклори ва адабиётида жуда кенг тарқалган. Италия адибининг бадиий кашфиёти – алмисокдан қолган ўша қолипдан фойдаланиб ўзи мансуб жамиятдаги замондош инсон моҳиятини очиб беришга эришганида. Модельнинг шу моҳиятга мос тарзда ўзгартирилгани, яъни анъанадаги юксалиб боришнинг чаппасига айлантирилгани – янгилик, бу янгилик эса адиб бадиий идрок этишга чоғланган ҳаёт материали – Ғарб кишиси табиатидаги уни қониқтирмаётган ўзгаришлар билан боғлиқ.

Мутахассислар Буццатининг руҳан Кафкага яқинлигини бежиз таъкидламайдилар, Камю эса унинг айрим асарларини фарангига ўгирганки, бу ҳам, табиийки, руҳий яқинлик туфайлидир. Яқинлик эса энг аввал фикрий жиҳатдан, замонаси ва ундаги одамни англашда кузатиловчи муштаракликда намоён бўлади. Ҳар учала адиб ҳам индивидуализмни байроқ қилган жамиятдаги инсонни, унинг англаш мушкул оламдаги ўзига боғлиқ бўлмаган шарт-шароитлар измида ёлғизликка маҳкумлигида намоён бўлувчи фожиасини каламга олади. Маълумки, бу ҳолат – Ғарб кишиси ўз тақдирини ўзи яратишига ва шу туфайли Яратганга муҳтожлиги йўқлигига бешак инонган ҳолда оламни ақлга, яъни ўз талаб-эҳтиёжларига мувофиқ тубдан ўзгартириш йўлидаги чиранишлари зое кетиб, аро йўлда қолган вақт маҳсули. Шу боис ҳам у ёлғизликдан қийналиб, умидсизликка буткул таслим ҳолда умргузаронлик қилади, кўнгилни тамом бой берганидан молпарастга, шунчаки моддий бойликлар яратувчи ва истеъмол қилувчига айлана боради. Ҳар учала адиб ҳам мазкур ҳолат инсон табиатига мувофиқ эмас деб билади, изтироб чекади, яратган асарларида уни енгиб ўтиш чораларини излашади, турли ижодий экспериментларга қўл уришади. Хусусан, “Етти кават” ҳам шундай изланишлар натижаси.

Хикоя қаҳрамони Жузеппе Корте – деярли соғлом одам, касалхонада ўрнатилган тартибларга беихтиёр бўйинсунган, ўзи истамаган ва негалигини англамаган ҳолда қаватдан-қаватга муттасил пасайиб боради. Қизиғи, гарчи пасайиб боришга ич-ичидан қаршилиқ қилса-да, бу жараён аксар гўё унинг розилиги билан ёки бошқача бўлиши мумкин эмас-дек йўсинда амалга ошади, аниқроғи, ўзига (ўқувчига ҳам) шундай туюлади. Англаш қийин эмаски, яхлит олиб қараганда, касалхона – рамз, юқорида мухтасар таърифлаганимиз шахсни ихтиёридан айириб қомига тортиб кетаётган жамият рамзи ўлароқ яратилган. Шу жиҳатдан қаралса, ҳикоядаги деталлар қатидаги маъно очилиб боради. Аввало, касалхона биносининг мухташамлиги: русча таржимада унинг “меҳмонхоналарга ўхшаш” эканини айтиш билан кифояланилган бўлса, эркин таржима қилган Х.Дўстмуҳаммад ушбу детални бирмунча бўрттирган: “...касалхона эмас, нақ меҳмонхона дейсиз! Палаталари ҳам беш юлдузли мусофирхоналардан кам бўлмаса керак!” Палатанинг жиҳозланиши ҳам шу ҳашаматга яраша: “... ҳамшира аёл уни еттинчи қаватга бошлаб чиқди. Ёп-ёруғ палатага олиб кирди, хона шу қадар озода эдики, деворлари, анжомлари-ю жиҳозларидан тортиб, чойшабу дераза пардаларигача бимисоли нурга чайилгандек оппоқ эди. Пастак оромкурсиларга кийдирилган момик ғилофларнинг оклиги одамнинг кўнглини қитиклайдиган даражада мусаффо кўринди. Дино Кортенинг<sup>1</sup> руҳи, руҳига кўшилиб бутун вужуди ҳузурланди”. Мазкур деталлар комфортни ҳар недан устун ва аъло билувчи истеъмолчилик жамиятини характерлайди. Ўзбекча таржимада бу янада бўртиқ кўринади: палатадаги қулайликларни кўрган беморнинг руҳи ҳам, вужуди ҳам бирдек ҳузурланади, яъни руҳ ва вужуд озиғи битта – комфорт ва уни таъминловчи буюм-ашёлар. Русча таржимада палатадаги жиҳозлар санаб-таърифлангач, “Все здесь дышало спокойствием, гостеприимством и вселяло надежду” дейилганки, бу билан истеъмолчи инсоннинг умиди ҳам тамом комфортга боғлиқлиги таъкидланади. Қаҳрамоннинг бошига тушган ташвиш – фақат ўзиники, касалхонага келганидан бошлаб то сўнги дамига қадар ёнида бирон-бир яқин кишиси – на хотини, на бола-чақаси, на бир дўсти кўринади. Ушбу минус-деталь Жузеппе Корте маҳкум ёлғизлик, меҳр-окибат бадар кетган жамиятдаги инсоннинг бош фожиасини кўрсатишга хизмат қилади. Айтилганлардан нима учун хикояни ўқиган ўзбек адаби “кўшилмаслик” мавқеини эгаллаганини англаб олиш қийин эмас: у Ғарб кишисининг юқорида мухтасар таърифланган яшаш тарзи, аъмолларини, унинг тушунчасидаги ҳаёт мазмунини қабул қилолмайди – у ўзга маданият, ўзга дунёқараш бағрида шаклланган. Шу боис адиб итальян ҳамкасбининг бадий ифода бобидаги маҳорату кашфига ҳақ бергани ҳолда, бамисоли унинг кўзгудаги акси каби буткул терс талқинни яратади. Зоҳид Яқин босиб ўтган йўл Дино Корте йўлига терс йўналишда экани – бунинг юзада кўриниб турадиган асоси. Зоҳид Яқиннинг касалхонадаги йўли биринчи қаватдан бошланади – еттинчи қават томон кўтарилиб боради. Дино Кортедан фарқ қилароқ, у ўзининг тақдирига бефарқ бўлмаган яқинлари қуршовида – хотини, ўғли,

<sup>1</sup> Русча аслияда қаҳрамоннинг исми Жузеппе, эркин таржимада эса Дино деб берилган. Шунинг учун биз “Етти қават” хикоясининг русча таржимаси ҳақида гап борганида Жузеппе, “Жимжитхонага йўл” ҳақида сўз борганида эса Дино исмини қўллаймиз.

кайниси – ҳаммалари унинг саломатлиги ташвишида. Агар каватдан-каватга кўчилганда Дино Кортэ юрагини аксар ваҳима, кўркув эгалласа, Зоҳид Якин кўчишни шукроналик билан қабул қилади, унга кейинги кават аввалгисидан-да шинамрок, кулайроқ кўринаверади. Ўлим олдидан Дино Кортэ даҳшат ва жазавага тушса, Зоҳид Якин ўзини жалб этаётган недир ёқимли нарсани туяди – шукроналар келтиради. Негаки, Дино Кортэ учун ўлим – дунёнинг ниҳояси, Зоҳид Якин учун эса у – боқий дунёнинг бошланиши, ҳолос.

Шу ўринда яна адабнинг “бир қадар эркин таржима қилдим” деган иқрорига қайтиш, таржимадаги, таъбир жоиз бўлса, эркинлик даражасини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳикоя рус тилидан ўгирилгани учун, табиий, русча матнни аслият деб қабул қилишга тўғри келади. Аслиятда Жузеппе Кортэ сўнг дамларда даҳшатли жимлик ва коронғиликни ҳис қилгани айтилади-да, ҳикоя мана бу жумла билан яқунланади: “Он повернул голову к окну и увидел, как шторы, повинуваясь чьему-то таинственному приказу, медленно опускаются, преграждая доступ дневному свету”. Яъни бунда қаҳрамон ўзи ваҳима ичида ҳис этиб тургани “даҳшатли жимлик ва коронғилик” қаърига чўкиб кетаётганини бироз бошқача йўсинда айтиш билан кифояланилган. Аслида, ҳикоядаги исломий эътиқод кишисининг эътирозини кўзгайдиган нуқталардан бири ҳам – шу, ўлимдан кейинги даҳриёна йўқлик. Худди шу талкин ҳикояни ўқиган ўзбек адабида “қўшилмаслик” ҳиссини ҳосил қилган яна бир жиддий омил деб тушунилиши керак. Зеро, мазкур талкинга мутлақ “қўшилмаслиги” сабабли ҳам ёзувчи Зоҳид Яқиннинг сўнгги дамларини бунинг тамом аксича, яъни нурга чулғаб, жозиб ва умидбахш оҳангларда тасвирлаган.

“Жимжитхонага йўл” – Дино Буццати ҳикоясининг эркин таржимаси билан унга ёзилган назира ҳикоянинг қўшилишидан ҳосил бўлган асар, яъни янгидан таркибланган бутунлик. Шу бутунликни таъминлаш талаби билан аслиятнинг юқорида келтирилган финали ўзгартирилган, шундайки, эркин таржимада Дино Кортэ ёруғ дунёни тарк этди деган фикр келиб чикмайди, бунда қаҳрамон кўрқинч жимликни (коронғиликни эмас) ҳис қилиб даҳшатга тушади: “Дино Кортэнинг тили калимага келмади, қўлини базўр қимирлатиб кўзига ишора қилди. Энага халатининг чўнтагидан кўзойнак олиб, унинг қаншарига қўндирди. Бемор бетини дераза томонга бурди. Нажот истаб майда сим тўр қопланган деразадан ташқаридаги дарахтзорга чираниб қаради, аммо кўз олди чаплашиб кетди.

– Тунми?.. – деб сўради у аранг пичирлаб. – Соат неч...

Энага кампир алдамади:

– Кундуз, ука... соат уч... – деди оғир уф тортиб..”.

Аввало, русча аслиятда мазкур эпизод диалог шаклида берилган эмас, уни таржимон “сахналаштирган”; матннинг юқорида келтирилган охириги қисми эса тушириб қолдирилган. Шундан кейин назира ҳикоянинг сўнгги эпизоди берилади-да, иккиси учун умумий, яъни “Жимжитхонага йўл” ҳикоясининг алоҳида қисм сифатида ажратилган мўъжаз хотимаси берилади: “Ўша кунни бир-биридан олис Мағриб ва Машриқ шаҳрида бир пайтнинг ўзида икки бемор бандаликни бажо келтирди..”. Кўряпмизки, агар аслият ўзгартирилмаса, ҳикоя охиридаги мазкур хотима мутлақо

ортикча бўлиб қолур эди. Ҳолбуки, ҳозирги кўринишида у ҳикоядаги иккита мустақил ва бир-бирига зидланган қисмни ҳам шаклан, ҳам мазмунан умумлаштириб, бир бутунликка мансуб этувчи композиция бирлигидир. Яъни Дино Буццатининг “Етти қават” ҳикояси Х.Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитликка йўл” ҳикоясига қисм ўлароқ сингдириб юборилган. Қисм эса бутун таркибига механик тарзда эмас, балки бутун нуқтаи назаридан, унга ҳар жиҳатдан мувофиқлаштириб киритилади. Шу боис ҳам аслиятдаги қахрамоннинг йўқлик, мангу зулумот бағрига сингиб кетгани (яъни жон бергани)ни аниқ англатувчи “кимнингдир сирли амри билан кун ёруғини тўсиб аста-секин тушиб бораётган пардалар” тушириб қолдирилади-да, бироз мавҳумлаштирилиб, тун ё кун эканлигини англаб бўлмайдиган ҳолатга айлантирилади. Негаки, агар шундай қилинмаса, биринчидан, ҳикояда юқоридагича хотима мутлақо ортикча бўлиб қолур эди. Иккинчидан, мазкур ўзгартириш туфайли қиёсланаётган томонлар бир хил вазиятга – ҳаёт ва ўлим чегарасига қўйилади, уларнинг жон берардаги ҳолатларини қиёслаш орқали ҳар бирининг ҳаёти, аъмолларини тафтиш ва мушоҳада қилинади, ўқувчини ҳам шунга ундалади.

Юқорида айтдикки, индивидуализм касали асорати бўлмиш ёлғизликка мубтало Ғарб кишисининг фожиаси Дино Буццати ижодида кенг каламга олинган. Жумладан, ҳаста Жузеппе Кортенинг ёнида яқинларининг йўқлиги ҳам индивидуализм асосига қурилган жамиятда шахснинг ёлғизлиги, бас, бошига тушган ҳар қандай кулфат фақат унинг ўзиники бўлишини кўрсатадиган деталь. Бироқ ёлғизлик қахрамон ён-атрофида яқинларининг йўқлигидагина эмас, атрофидагиларнинг унга, унинг эса атрофидагиларга ё бир буюм, ё бир функция ўлароқ қараганларида ҳам кўринади. Масалан, касалхонадаги энагани олайлик. Русча таржимада у атиги уч бора тилга олинади:

1. Ҳикоянинг бошланишида, Жузеппе Кортэ ўзи билмаган ҳолда олтинчи қаватга тушишга розилик бериб қўйганига пушаймон бўлиб турган вақтида: “а там, может, еще сиделка будет покрасивее” дея ўзини овутади.

2. Ҳикоянинг охирида, ўлим ваҳимасига бўй берган Жузеппе Кортэ ўз кўзларига ишонмай кўзойнак сўрайди: “он вызвал сиделку и попросил сильные очки”.

3. Энаганинг кўзойнакни олиб келгани ҳақида ҳеч гап йўқ, Жузеппе Кортэ кўзойнак ёрдамида дарахт барглари кимирлаётганини кўриб, уларнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгани айтилгач, “Сиделка вышла” дейилади.

Эътибор берилса, адиб энага ҳақида ҳам худди палатадаги жиҳозлар ҳақида гапирганча вақт ажратаётгани, яъни унга ҳам ўша жиҳозларча қиймат бераётганини кўриш қийин эмас. Ҳикояда на Жузеппе Кортенинг энагага, на энаганинг Жузеппе Кортэга муносабати акс этган – гўё иккинсининг орасида инсоний алоқа-муносабат ришталари мутлақо боғланган эмасдек. Аниқроғи, Жузеппе Кортэ энагага бир буюм, бир функция ўлароқ қарайди, энаганинг унга қараши ҳам шунга монанд. Мазкур ҳол инсонийликка шу қадар зидки, қабул қилиш қийинлигидан бўлса керак, эркин таржиманда (юқорида келтирилган кўчирма) энаганинг муносабати бироз илтилади: жон бериш олдида алаҳлай бошлаган Дино Кортэга қараб туриб энага “оғир уф тортиб” қўяди. Назира ҳикоядаги энага кам-

пир эса булардан тамоман бошқача, унинг беморга муносабати кескин фарқ қилади:

1. Олтинчи каватдаги энага кампирнинг мулойим, беморни безовта қилиб қўймасликка тиришиб муомала қилишида, “барака топинг, ука” деган хитобида, бутун ҳатти-ҳаракатида инсоний меҳр уфуриб туради:

“Зоҳид Яқин мижджаларини аранг йириб очди-ю, хонанинг ёруғлигидан кўзлари камашди. Энага кампирни излади.

– Мен шу ерданман, ҳеч қаёққа кетмайман, – деди кампир беморнинг муддаосини англаб”. Эътибор беринг, энага гўё бемор гўдаги устида бедор она каби: боласининг безовталанганини нафас олишиданок сезади, сезибок уни тинчлантиришга шошади. Бу энди асло функция эмас, бу – меҳр, инсон тийнатига хос хусусият.

2. “Энага кампир шитоб юриб палатадан чиқиб кетди. Кампир шўрлик беморнинг ахволида бу қадар кескин ўзгариш юз беришини кутмаган экан, зум ўтмай икки эркак кишини бошлаб кирди”. Бундай қараганда, энага шунчаки ўзининг функцияси – хизмат вазифаси нуктаи назаридан қилиши керак бўлган ишни бажараётгандек: ўсаллаб қолган бемор қошига врачларни бошлаб кирди – шу ҳолос. Фақат шуниси борки, ўзбек ўқувчиси ҳолатни бу тарз жўнлаштириб қабул қилмайди. Негаки, у – инсоний муносабатлар ҳали тамом сийқалашиб, одамийлик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат туйғулари буткул йитиб кетмаган муҳит кишиси. Албатта, унинг миллий тийнатига хос мазкур сифатлар тилида зухур этади, бас, шу тил воситасида тасвирланган ҳаётий ҳолатда ҳам улар албатта акс этади. Юқоридаги жумлада қўлланган биргина “шўрлик” сўзи тасвирланган ҳолатни раҳм-шафқат, меҳр-оқибат туйғуларига йўғиради. Жумла қурилиши шундайки, “шўрлик” аниқловчиси “кампир” сўзига ҳам, “бемор” сўзига ҳам боғланавериши мумкин, ҳар икки ҳолда ҳам ҳиссий бўёқ ўзгармайди. Зеро, биринчи ҳолда – “кампир шўрлик” дейилганида, ёзувчи нигоҳи билан энаганинг яхши бир инсон ёруғ дунёни тарқ этаётган маҳали ожизлигидан шошиб қолган ҳолатини кўрамиз, кўз олдимизда “ўлим ҳақ” ё “ҳаммамиз ҳам ўламиз” тарзида ўйлаб хотиржам тура олмайдиган аёл гавдаланади. Иккинчи ҳолда – “шўрлик бемор” дейилганида, ҳолат кампир нигоҳи билан кўрилади, унинг беморга оналарча, чексиз раҳм-шафқат билан қараётганини ҳис этилади.

3. Зоҳид Яқин жон беряпти ва “... шу пайт ўзи ётган қаравот хавода муаллақ сузиб бораётганини сезиб қолди.

– Қаравотимнинг ғилдираги борми? – деб шошиб сўради у ҳамон тепа-сида гиргиттон бўлаётган энага кампирдан.

– Бор, – деди кампир, шундай деди-ю, кенг енгини оғзига босганча шовқин солмай йиғлаб юборди”. Энага кампирда оналарга хос беғараз меҳр борлиги бемор “устиди гиргиттон” бўлаётганида кўзга ташланади. Шу меҳр туфайли ҳам у ўзганинг тақдирига бефарқ бўлолмайди, унга фақат “вазифа” нуктаи назаридан қарай олмади. Энаганинг “кенг енгини оғзига босганча шовқин солмай йиғлаши” ҳам ўлим ҳақ эканлигига имон келтирган, турфа ўлимларни кўравериш кўзи пишган, бироқ хануз яхшилар ўлимига кўника олмаган одамнинг йиғиси – алам-изтироб ё исён эмас, меҳр изхоридир.

Кўриб турганимиздек, “Етти қават”даги энага билан назира ҳикоядаги энага кампир бир-бирининг мутлақ зидди сифатида яратилган. Аввало, уларнинг иккисида ҳам бадиий шартлилик даражаси юқори, иккиси ҳам муайян бир мазмунни – бири инсонлар орасида меҳр-оқибат йўқлиги, бошқаси эса мавжудлигини ифодалаш учун махсус яратилган. Шу боис борми-йўқ оралигида тасвирланган “Етти қават”даги энага ҳам, меҳрнинг тирик тажассуми бўлган энага кампир ҳам ҳақиқатдан йироқ – иккисида ҳам ифода максоди билан муболағалаштириш бор. Яъни бирининг вази-фасини жонсиз робот мисоли, бошқасининг эса инсоний меҳрга йўғриб бажариши бўрттирилган, натижада ҳар иккиси ҳам ўзи мансуб тиббий жамоага ҳос энг муҳим хусусиятни қуюқлаштириб ифода этади. “Етти қават”даги барча тиббий ходимларнинг – санитаридан тортиб профессор Даттига қадар – хушмуомаликлари ортида бефарқлик бор, ҳаммалари ўз функцияларини бекаму кўст бажарганлари ҳолда Жузеппенинг қаватдан қаватга энишини ҳиссиз кузатишади, ҳатто, тилёғламаликлари билан бунга қўмаклашишади ҳам. Назира ҳикояда эса аксинча, Зоҳид Яқинга бефарқ тиббий ходимнинг ўзи йўқ – бири ачиниб, бошқаси ҳавасланиб, тагин бириси ибрат кўзи билан қарайди унга, ҳаммалари унинг зиммаси-даги йўл азобини енгиллаштиришга интилади.

Дино Буццати талқинида абсурдга мойиллик бор: инсон дунёга келади, ўзига боғлиқ бўлмаган шарт-шароитлар измида, келиб-кетиши-дан матлаб нелигини ҳам дуруст англолмагани ҳолда муқаррар равишда интихо томон боради – унинг ҳаёти маънидан мосуво. Бу XVIII асрдан бошлаб зиёлилари яксара моддиюнчилигу даҳрийликка берилган Ғарб кишисининг XX асрнинг биринчи ярмига келгандаги ҳолати. Унда энди жамиятни ўзи истаганидек қайта кура олишию табиатни буткул ўз изми-га сола билишига ишонулмай қолган, бироқ шу ҳолида ҳам Холикнинг борлигини тан олишга бўйни ёр бермаётган одамнинг абгор руҳияти акс этади. Ундаги тушқунлигу кўркув, умидсизлигу саросимага йўғрилган абсурд кайфияти ўлимни охириги нуқта деб билганликдан озикланади. Ундан фарқ қиларок, “цивилизациядан ортда қолган”, кўпчилиги ҳатто даҳрий тузум зуғуми остида ҳам қўлидан келганича ибодатини қўймаган, лоақал таомдан кейин шукрона айтишу қабристон ёнидан ўтарда дуони қанда қилмаган, ўлмок интихо эмас – бокий дунёга ўтиш деб билувчи ки-шилар жамиятида абсурд кайфиятга ўрин йўқ. Ўлимни шундай англагани учун ҳам бу жамият кишиси ҳаётни имтиҳон деб, бокий дунё саодатига эришмок учун эзгу амаллар килиб ва мудом комилликка интилиб яша-шим керак деб билади. Тўғри, ҳамма ҳам бирдек амал қилмас-ку, бироқ аксарият кишилар онгида ҳар бир нафасим номаи аъмолимга ёзиб бори-лаётгир, Машҳар қуни Сарҳисоб қилинади деган ишонч ҳали буткул йи-тиб кетмагани ҳам бор гап. Зоҳид Яқин – шу жамият кишиси, шу боис ҳам унинг сафари тепадан паства эмас, пастандан тепага йўналган.

Зоҳид Яқин “шифоҳонада қаватдан-қаватга кўчиб-кўтарилиш дардига мубтало бўлганини кўпроқ ўйлаётгани” айтилади, яъни бу билан унинг ўтган умрини сарҳисоб этаётганига ишора қилинади. Инжик қайсарлик билан зинапоядан ўзи кўтариларкан, у бутун ҳаётини кўз олдидан ўтказди:

“У суянчикқа тирсагини қўйганича узоқ ўйга чўмди. Болалигини, ўсмирлигини, шўх-шаён ёшлигини кўз ўнгидан ўтказди.

Бир поғона кўтарилди.

Уйланди. Тўнғичи туғилган йиллари касб-корини тополмай обдон кийналди. Неки машаққат чекса, ичига ютди.

Зоҳид Яқин икки поғона кўтарилди.

Кейин, тиним билмади, иши хўп юришди. Егани – олдида, емагани – ортида, иззат-хурмати жойида...

Зоҳид Яқин икки-уч поғона кўтарилганини ўзи ҳам сезмади”.

Зоҳид Яқиннинг зинапоядан кўтарилишида умумлашма рамзий маъно касб этади: кўпчилигимизга турмуш ташвишлари билан елиб-югуриб “икки-уч поғона кўтарилганини сезмай қолиш” хослиги сир эмас. Яъни умрнинг елдек эсиб ўтиши ёки дарё мисол оқиб кетиши ҳақидаги гаплар шунчаки ташбех эмас. Айни фикр қаватдан-қаватга кўчишда яна бор таъкидланади: бемор ўзи сезиб-сезмаган ҳолатда учинчи қаватдан олтинчи қаватга кўчади. Қаватлардаги ҳамшираларнинг исми ҳам рамзий маъно касб этиб, қахрамон умри босқичларини ифодалайди: Шавқия – завқу шавққа тўла ёшлиқни, Мужоҳида – ҳаётдаги муқим ўрнини топишу турмуш ташвишларини аритиш йўлидаги тинимсиз ҳаракатда кечган йилларни, Мушоҳида – ўтган умрини мушоҳада қилиш даври, фоний дунёни тарқ этиш арафасини. Қахрамон Шавқиянинг завқли суҳбатидан уч кунлаб бахраманд бўлса, Мужоҳида билан қаватлар орасида йўл-йўлакайгина гаплашади ва шу ондаёқ Мушоҳиданинг қўлига ўтади. Худди шу вазиятда ўтиб бораётган Шавқия буларга гап котади:

“Зоҳид яқин бошини кўтариб кизчага қаради.

– Қақилдоқми?... – деди кулимсираб. Бир кўнгли Шавқия билан суҳбатлашгиси келди, бироқ шу топда унинг кўзига Қақилдоқ эмас, ҳатто, ҳозиргина бир кўришда маъқул кўриб қолган Мужоҳида ҳам эмас, Мушоҳида гўзалроқ, кўркемроқ кўриниб кетди...”

Зоҳид Яқиннинг бу ҳолати – ўлимини бўйнига олган, тақдирга таслим одамга хос: Шавқия билан гаплашгиси келади, Мужоҳидага ҳам бефарқ эмас, бироқ кўнгли энди Мушоҳидага мойил бўлиб боради.

Жузеппе Кортэ зулумотга – йўқликка кетиб борса, Зоҳид Яқин “сутдек нур оғушида ястаниб ётган кенг ва ям-яшил сайхонлик”, профессор айтмоқчи, “Зоҳид Яқиндек инсонларгагина насиб этадиган жозиба” томон боради. Қолбуки, Зоҳид Яқиннинг ҳаётида бундай ажратиб, ибрат этиб кўрсатгудек ҳеч нарса йўқ – кўп қатори умргузаронлик қилган одамдек. Унда нега, энага кампир айтганидек, “камдан кам одамга насиб қиладиган олтинчи қаватга кўтарилди?” Жавобни ҳам энага кампирнинг гапидан излаш керакка ўхшайди: “Ота-онангиз исмингизни билиб қўйишган экан, Зоҳид Яқинбой”. Аслида, илгарирок Шавқиянинг “нега исм-шарифингиз ғалати”, дея Зоҳид Яқинни саволга тутиши билан ўқувчи эътибори шу масалага – қахрамоннинг исми-шарифига қаратилган эди. Шавқия унинг исми-шарифига ўзича маъни берали: “Зоҳид”ни биламан, эшитганман, “Яқин” дегани... Одамга, кўнгилга яқинликни англатса керак-да, топдимми?!” Энага кампир танлов тўғри бўлган деганида Ҳаққа яқинликни назарда тутди, ҳушёр-хушсиз ҳолатдаги Зоҳид Яқин онгида эса унинг гапидаги “ота-она” ва “Яқин” сўзлари акс садо беради: “Ота-ю онамга... яқинман...”. Ўйлашимизча, айтилганлар эл-қатори яшаган Зоҳид Яқиннинг “олтинчи қаватга кўтарилиши” сабабларига ишора қилади.

Авалло, Зоҳид Яқин одамга яқин бўлди – Аллох мукаррам қилганга меҳр кўзи билан қаради; одамнинг кўнглига яқин бўлди – машойихларнинг кўнгилини Каъбага менгашлари бежиз эмас. Иккинчидан, Зоҳид Яқин ота-онасига яқин бўлди – теран томирларидан узилмади, шу боис-да ҳаёт сўқмоқларида оғиб-улоқиб кетмади. Ниҳоят, учинчидан, айтилганлар ва исмига монанд зоҳидона – ҳаромдан ҳазар қилиб яшагани Зоҳид Яқинни қалбан Ҳаққа яқин қилди: ҳамиша Унинг шафқат ва марҳаматидан умидвор, тақдирига таслим бўлиб, берганига шукрона айтиб яшади...

\* \* \*

Юқорида айтганларимиз ва таҳлил давомида хотирга келган ўйларни умумлаштириб келадиган биринчи хулосамиз шуки, “Жимжитхонага йўл” ҳикояси, бир томондан, Х.Дўстмуҳаммаднинг Дино Бушцати билан ижодий мусобақаси, иккинчи томондан, инсон ҳаётининг моҳияти ҳақида икки турли маданият вакили орасида кечган ғоявий баҳс ўларок қабул қилиниши керак. Аслида, ижодий таъсир натижаси ўларок яралган, ҳатто “Ғарбга кўр-кўрона тақлид” деб ёзғирилаётган ҳар қандай асарда ҳам мусобақа ва баҳс руҳи қуртак ҳолида мавжуд, фақат уларнинг қай даражада ривож олиши истеъдод кучи билан боғлиқдир. Демак, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб “Ғарбга тақлид” тамғаси уриб келинаётган асарларга қайтадан холис назар ташлаш ва муносиб баҳосини бериш зарур. Иккинчиси шуки, Дино Бушцати қаламига мансуб “Етти қават” ҳикоясининг Х.Дўстмуҳаммад амалга оширган эркин таржимаси “Жимжитхонага йўл” ҳикоясининг таркибий қисмига айланган, яъни янги бадий бутунлиқнинг мазмуни ва руҳига мувофиқ жиддий ўзгаришларга учраган. Шу боис “Жимжитхонага йўл” ҳикоясининг мазмун-моҳиятини англаш, итальян ва ўзбек адаби орасида кечган ғоявий-маънавий баҳсни кузатиш учун ё Х.Дўстмуҳаммаддаги кучли таассуротга асос бўлган “Етти қават” ҳикоясининг русча таржимаси, ё итальянча асли, ё унинг ўзбек тилига аслига монанд таржимаси (К.Бахриев)ни қиёс асоси қилиб олиш лозим бўлади.

*Дилмурод ҚУРОНОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор*



Маҳкам МАҲМУД

## ЧЎЛПОННИНГ ШОГИРДИ

*(Мирзакалон Исмоилийни эслаб)*

“Сўна” романи қаҳрамонлари Артур, унинг окила севгилиси Жемма, “Чоликуши” қаҳрамони Фарида, АҚШ адабаси Этель Лилян Войнич ҳамда турк ёзувчиси Раход Нури Гунтекин (Кунтегин) номларини жаҳонга машхур қилган. Ўзбек адаби устоз Мирзакалон Исмоилий таржимасида нашр этилган бу икки асар неча-неча ёш авлодни муҳаббат, жасурлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялади. Ушбу асарлар таржимаси ўзбек тилининг бойлиги ва нафосатини ҳам намоён қилди. Кейинги авлодга мансуб адиб, олим ва таржимонлар – Иброҳим Гафуров, Мирзиёд Мирзоидов, Асил Рашидов, Ҳасан Тўрабеков, Низом Комилов, Тўлқин Алимов, Ҳайриддин Султонов, Амир Файзулло, Орғикбой Абдуллаев, шу қаторда камина ҳам бадиий таржима соҳасида “Сўна”, “Тирилиш”, “Анна Каренина” асарлари таржимони Мирзакалон Исмоилий ва “Декамерон”, “Илиада”, “Уста ва Маргарита” асарлари таржимони Қодир Мирмуҳаммедовни, тарихий қиссалар муаллифи Мирқарим Осимни доимо устоз деб билганмиз, она тилимизнинг бойлиги, рангинлигини, ширдорлигини ифодалашда шу устозлардан таълим олганмиз. Бу икки устоз иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун инсониятни фашизм балосидан, кулликдан озод қилиш учун жангларда қатнашган, миллатпарварлиги сабабли қагагонга учраб, босқинчи шўроларнинг камоқ лагерларида азоб тортишган.

Илк ҳикоямни устоз Мирзакалон Исмоилийга “Ўқиб маслаҳат беринг, илтимос” деб топширдим. Устоз хамиша рост гапирарди. У ҳикояни қўлига олиб “Шу кунларда мен Москвага, Ижод уйига кетяпман, ўша ерда ўқийман,” дедилар. Устоз “Қайтиб келганимда ўқийман, сабр қил” дейиши мумкин эди. Мен ҳам “Устоз, сиз у ерда романингиз билан машғул бўласиз, сизни чалғитмай, қайтиб келганингизда ўқирсиз” дейишим керак эди. Буни кейинчалик тушундим.

Талабалик чоғларимда жаҳон адабиётининг дурдона асарларини (Аристофан, Эсхил, Софокл, Эврипид, Данте, Рабле, Шекспир, Бальзак, Дюма, Жорж Санд, Оскар Уайльд асарларини) ўқиб, илк ҳикояларимни ўзимча аъло билиб юрган эканман. Устоз Мирзакалон Исмоилий бир

ойдан сўнг менга ёзган мактубида “Ҳикоянгизда лиризм, тил равонлиги бор, аммо қаҳрамонларингиз характерида миллийлик ва ҳаётгийлик етишмайди, маъшуканинг нозиклигини, гўзаллигини кўрсатибсиз, лекин янги йил кечасида унинг кўлига май тўла қадах тутқазишингиз яхши эмас ва ҳоказо, ва ҳоказо, асарингиз ҳам жуда бўш”. Албатта, устознинг бу фикрларида ҳақиқат бор эди, аммо мактов кутган ёш ёзувчига бу танкидни кўтариш осон эмас эди. Аммо унчалик хафа бўлмадим. Университетда (1957–1962) биз билан олдинма-кейин Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Умарали Норматов, Раҳматилла Иноғомов, Абдулла Орипов, Тоҳир Малик, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сиёев, Бегали Қосимов, Рихсибой Муҳаммаджонов ўқирди. Устозларимиз Алибек Рустамов, Фозила Сулаймонова, Турсун Иброҳимов, Юсуф Тоҳирий, Анвар Шомаксудов, Сексанова, Перепелицина, Годеник, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Очил Тоғаев дарсларини тинглаб, олам-олам билимларни ўзлаштирдик, аъло ўқидик. Гоҳо ётоқхонада тонг отаргача дарс тайёрлар эдик.

Атоқли адибимиз Тоҳир Маликнинг “Озод инсон ҳақида кўшик” асари қаҳрамонларидан Лазиз Азиззода, Юсуф Тоҳирий, Наби Юсуфий, Мели Жўра (у асарда Мелиев дейилган), Рустам Абдурахмонов, Мумтоз Муҳаммадовлар билан камина кўп хамсухбат бўлганман. Булардан кўпчилиги II жаҳон уруш йилларида фронт газеталарида ишлаб, офицерлик унвонида эканлигини, буюк ғалабага ҳисса қўшганликларини билардик. Баъзилари билан “Ўздавнашр” да бирга ишладик. Тоҳир Маликнинг “Озод инсон ҳақида кўшик” китобида адиб М.Исмоилийнинг мардлик ва матонатга, азоб-изтироблар ва қаҳрамонликларга тўла ҳаёти, қатағонда катнашганлари муфассал тасвирланади.

Тоҳир Малик ўз қаҳрамони, тоғаси ва устози Мирзакалон Исмоилий ҳаётини чуқур ўрганиб, устозининг бошидан кечирганларини, калбидан ўтказганларини шу қадар муфассал ва равшан тасвирлаб берганки, бу асар миллий истиклол даври ўзбек биографик, мемуар адабиётида бебаҳо бўлиб, ватанни севган, соф виждонли китобхонларнинг калбини тўлқинлантиради. Тоҳир Малик бу асарида М.Исмоилий яшаган ва истиклол учун курашган даврнинг кўз кўриб, кулоқ эшитмаган фожияларини ҳаққоний тасвирлайди. Шўро басқинчилари халқимизнинг энг естєьдодли зиёлиларини, маънавий раҳномаларини шафқатсиз кириб, маҳбусликда саклаб, отиб, Сибир ўрмонларига сургун қилди. Уларни йўқотибгина қолмай, борларини ҳам камокқа олиш, террор йўли билан бир-бирига қайраб, сотқинлик қилишга мажбурлар эдилар. Советлар ўттизинчи ва эллингинчи йилларнинг бошларида инсон ҳуқуқлари, шахс дахлсизлиги, эркинлигини бўғиб, демократия ўрнига диктатурани кучайтирдилар.

Тоҳир Малик “Озод инсон ҳақида кўшик” китобида ҳатто Мирзакалон Исмоилийдек соф виждонли ижодкор ҳам ГПУ тазйики остида, ўз хотини ва болалари камалмаслиги учун ўзи севган миллий истиклолчиларни – Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Шокир Сулаймон, Элбек ва бошқаларни душман, миллатчи, деб ёзиб беришга мажбур бўлганлигини кўрсатади. Муаллиф ҳаққоний тасвирлашчи, камокхонада

адиб кўп ўйлаб, оқилона йўл тутган – ўттиз еттинчи йилларда қатл этилганларни ёмонлайверган ва ўз дўстлари, замондошлари Миртемир, Шайхзода, Ойбек ҳақида сира ёмон гап айтмаган, ўзи ҳақида эса, мен Чўлпон шеърларидан завқландим, унга котиб бўлиб, ашаддий миллатчи бўлдим, деб ёзиб бераверган.

Терговчи эса айёр ва маккор, “Бу эски гап, сен бизга янги душманларни топиб бер”, деб қийнаганлар. Эллагинчи йилларда ҳам ГПУ терговчилари, Москва буюрган режа бўйича кўпроқ зиёлиларни қамокқа олиш планини бажариш учун тинимсиз ишлар эди. ГПУ уруш даврида ўзбек журналистлари ва ёзувчилари Германия ва Польшада, ҳар бир шаҳарда ва хонадонда нима ҳақда суҳбатлашгани, ким советларга қарши нима деганини билиб олганлиги шўро жосусларининг ўта хийлакор бўлганини кўрсатади. ГПУ жосуслари ҳар бир ишхона, институтда айқоччилардан фойдаланиб, турли вилоятларнинг талабаларни бир-бирига қайраб, жаллод болтасининг сопини кесиладиган дарахтнинг ўзидан чиқарар эди. “Миллатни хароблик ботқоғига айнан маҳаллийчилик ботиришини у (М.Исмоилий) Ботунинг суҳбатлари орқали англагани. Тошкентлик фарғоналикни, самарқандлик хоразмликни, термизлик бухороликни кўролмас эди. Бугун билим олиб, эртага халқни ғафлат уйқусидан уйғотиши керак бўлган йигитларнинг ахволи миллат келажагига катта зарар келтирарди. М.Исмоилий эслашича, 1920-йиллар охирида Тошкентда Эрлар билим юрти билан Хотинқизлар билим юртининг бирлашган ҳаваскорлик драма тўғараги ташкил этилган. Шу тўғарақда қатнашганлар орасида Ҳамидахон деган кизга ҳамма йигитлар ошиқ бўлган, у бойнинг кизи бўлса ҳам, камбағал йигит М.Исмоилийнинг келажаги борлигини тушуниб, уни танлайди. Тошкентлик талаба йигитлар бахиллиги тутиб, “Энг сара қизимизни андижонлик келгинди олиб кетадими, буларни ўлдирамиз”, деб таҳдид килдилар. Бу ҳақда “Ер юзи” журнали ва Москвадаги “Комсомольская правда” газетасида танқидий мақолалар босилди. Ёшлар ташкилотида муҳокама қилиниб, М.Исмоилий комсомоллар сафидан ўчирилди.

Тоҳир Маликнинг мазкур китобида М.Исмоилийнинг ўзи ёзган нодир, бебаҳо маърифатга бой эсдаликларини ўқиб, ҳайратга тушамиз. Буларнинг кўпчилиги қамокхонада ГПУ тазйиқи билан ёзилган иқрорномалар бўлгани билан ватанимиз ҳам маданиятимиз тарихи учун жуда қимматлидир. “1928 йил. Билим юртини битириб, мустақил ҳаётга отландим. Мен ўқишга соф юрак ва яхши ниятлар билан кирган эдим, аммо у менинг қалбимга миллатчиликнинг қора уруғини сепиб чиқарди... Республикада ўзбек ёзувини араб алифбосидан лотин алифбосига кўчириш тайёргарлиги бормокда. Шу муносабат билан Маориф халқ комиссарлиги Самарқандда лотинлаштириш инструкторлари тайёрлайдиган уч ойлик курс очди. Комиссарлик мени ана шу курсга юборди. Самарқанднинг Қўшховузида жойлашган ушбу курсда Ғози Юнус, Фитрат, Қаюм Рамазон ва бошқа миллатчилар ўз кирдикорларини давом эттирардилар. Ғози Юнус Шайбонийхон қабиларни идеаллаштиради, Фитрат Бедил каби мистик, Хусайн Бойқаро каби мустабид шоирларни адабиёт дунёсининг кўқларига кўтарар эди. Бу курсда аслан миллатчилар тайёрланар эди...

Ўша машғум йилларда советлар, олий кенгаш, вазирлар кенгашининг ҳам ҳуқуқларини, бутун ҳокимиятни тортиб олган. ВКПБ Марказқўмининг

сиёсий бюроси миллатпарвар, элпарвар одамларни халқ душмани деб, учлик деб аталган сохта комиссияларнинг қарори билан отиб ташланар ёки 25 йилга озодликдан маҳрум қилинар эди. М.Исмоилий оиласи, фарзандларини қутқариб қолиш учун ўзининг отилишига рози эди. Шу сабабли, терговчи талаб қилган икромномаларда ўзининг “ашаддий миллатчи” Чўлпоннинг содиқ шоғирди эканлигини яширмади:

“Шундай қилиб, мен Чўлпоннинг котиби бўлиб қолдим. Энди биз тез-тез учрашиб турар, ишга (ижодга) оид, ишдан ташқари, хорижий масалалар ҳақида ҳам гаплашар эдик. Чўлпон янги ёзган шеърларини баъзан ўқиб туриб, йиғлаб юборар эди. Бир куни Чўлпон менга йиғлаб туриб, шу сўзларни айтди: “Миллат хароб бўлди. Унинг энг муқаддас нарсалари – хурлиги, шон-шарафи қўлдан кетди! Ҳар қадамда юрагимиз куш ҳадиғи билан уради. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси – миллатни шармандаларча куликдан, ҳақорат ва хўрликдан қутқазиб (яъни, руҳини кўтариш – М.М.) бўлиши керак!”

Шу икромномани М.Исмоилий бундай тугатади: “Курс тамом бўлди. Мен Тошкентга қайтдим. Аммо билим юрти юрагимга сепган миллатчиликнинг уруғини Самарқандда Чўлпон суғориб, ундириб қайтарди..”.

Маҳбусликда М.Исмоилий рус даҳо шоири Лермонтов ёзгандек:

*Ўтирибман қамоқда, заҳ зиндонда,*

*Мен ёш бургут тутқуликда, ҳижронда,*

дея, устози Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеърини ёдларди:

*...Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?*

*Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?*

*Нима учун кўзларингда туташувчи олов йўқ?*

*Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?*

*Нима учун борлигингда бу даража бузуқлик?*

*Нима учун ўч булути селларини ёгдирмас?*

*Нима учун Куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?*

*Эй, ҳар турли қулликларни сиздирмаган ҳур ўлка,*

*Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар қўланка?*

Бу дардли ва оловли сатрларни М.Исмоилий Ўшдаги етимхонада ўқиб, ёдлаб олган эди. Кейинроқ бу асарга раддия сифатида шоир Ғайратийнинг “Тузалган ўлкага” деган шеъри босилганини билди. Чўлпон бир мажлисдан кейин Ғайратийга дебдики: “Ҳозир сенга ўхшаган комсомолларнинг замони куляпти. Кейинроқ бориб, шарманда бўлишдан кўрқкин..”.

Устози Чўлпон, албатта, вақти келиб Туркистон, Ўзбекистон истиклолни қўлга киритишига ишончи, иймони комил эди.

Уруш йиллари М.Исмоилий СССРдаги барча кадрдон республикаларнинг тилларида чиқадиган “Қизил Армия” газетасининг ўзбекчасида бош муҳаррир ўринбосари эди. Жанглар бораётган вақтда ҳам фронтдаги миллий зиёлиларимиз Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон ноҳақ қатл этилганини эслаб, руҳан эзилар эдилар. Бу кайфиятдан фойдаланган айрим юртдошлар ўзбек журналист офицерларини Қизил Армиядан қочиб, Германия тузган Вали Қаюмхон, Мустафо Чўқаев бошлиқ миллий легионча ўтишга даъват қилар эдилар. М.Исмоилий босқинчи Германия хомийлигидаги бу легиондан тайинли иш чиқишига ишонмади. Аммо у Вали Қаюмхонни Туркистонни босқинчи советлар асоратидан озод этиш

истаги учун миллий қаҳрамон деб ҳурмат қилар эди. Бир куни дўстлари синаб кўриш учунми, Вали Қаюмхон жанговар дўстлари билан меҳмонда ўтирган суратини унга тақдим қилдилар. Мирзакалон Исмоилий бу кишини ҳурмат қилгани учун ўша расмни йўқотмай, сақлаб қўйди. Урушдан кейин кимнингдир чақуви билан ГПУ жосуслари уйни тинтув қилиб, ўша суратни, Браунинг тўппончасини топиб олдилар ва М.Исмоилийни фашистлар томонга қочиб ўтишни ният қилгансан, сен Ватан хоинсан, деб айбладилар. М.Исмоилий хибсада хўрлик ва хорлик, кийноқлардан кўра, ўлганим яхши деб, бундай нияти бўлмаса ҳам, “Ҳа, қочмоқчи эдим, мен хоинман,” деб ёзиб берди. Аммо ГПУ терговчилари бунга ишонмадилар, шу сабабли уни отиб ташламадилар.

Хуллас, адибни Худо асради. Устоз таржимон, муҳаррир, фашистлар қўлида асирликдан қочиб қутулган Қодир Мирмуҳаммедовни ҳам шундай айбнома билан қамаган эдилар. Аммо 1956 йилда Н.С.Хрушчев даврида катагонларга чек қўйилиб, ўлимлардан омон қолган зиёли махбуслар, шу жумладан, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Максуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Қодир Муҳаммедов, Шукрулло, Тўхтасин Жалолов, Миркарим Осим ва бошқалар ватанига, оиласи бағрига қайтиб келдилар ва истеъдоди, жўшқин ижоди билан, миллатига, халқига хизмат қилишда давом этдилар.

XX асрнинг саксонинчи йилларида Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб турган вақтимизда Миркарим Осим ҳақида китоб – адабий портрет ёзишни Наим Норкулов ва Маҳмуд Сатторга, Мирзакалон Исмоилий ҳақида китоб ёзишни ёзувчи ва олим Шодмон Отабекка топширилди. Улар ишга завқ билан киришдилар, шу тарика бу икки заҳматқаш, миллатпарвар адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида мўъжазгина китоблар пайдо бўлди.

Тоҳир Малик “Озод инсон ҳақида кўшиқ”да И.Исмоилийнинг қаҳрамонона ҳаётини ёрқин акс эттирган бўлса, Шодмон Отабек атоқли адибнинг бадний таржимачилик соҳасидаги ижодий изланишларини, бой тажрибасини, маҳорат сирларини муфассал ёритди.

Шодмон Отабек устози М.Исмоилий билан кўп марта суҳбат қуриб, аниқлашчи, адиб Э.Л.Войничнинг “Сўна” романини уч марта – 1934, 1936, 1956-йилларда нашр этилганини ва ҳар йилги нашрида адиб ўз таржимасида учратган камчиликларни тузатиб, сайқаллаб борганини айтди. Тадқиқотчи бу асар таржимасидаги бир жумланing уч нашрда бундай таҳрир қилинганини кўрсатади:

“Сўна”нинг 1934-йилги нашрида: Жемманинг чиройи ҳақида:

“Вой айланай, бугун қандай чиройли бўлиб кетибсиз-а!”

Асарнинг 1936-йилги нашрида:

“Вой айланай, бугун қандай очилиб кетибсиз-а?”

Романнинг 1956-йилги нашрида:

“О, бугун мунча ҳам куйдирмажон бўпсиз!”

Шодмон Отабек ёзади: “Сўна” романи айримлар ўйлаганидек, шунчаки бир инқилобчи ҳақидаги оддий асар эмас. Асар бошдан-оёқ юракни орзиктирувчи, самимий эҳтирос ва ажиб сеҳрли жозиба билан йўғрилган. Ана шу туйғуларни ўзбек китобхонида ҳам уйғота олгани М.Исмоилийнинг катта ютуғидир. Ҳа, таржимон асар руҳи, қаҳрамонларининг дарду қувончини китобхон қалбига ҳам кўчира олган.

АҚШда яшаган француз адибаси Этель Лилян Войнич ижоди ҳақида “Сўна” изидан” номли ажойиб китоб ёзган машҳур олима Евгений Таратута бир йили М.Исмоилийга хат йўллаб, роман таржимаси тарихи ҳақида ёзиб юборишини сўраган (хат нусхаси Шодмон Отабекнинг шахсий кутубхонасида сақланади).

1973 йил. Устоз Асқад Мухтор раҳбарлигида “Тулистон” журналида Ваҳоб Рўзиматов, Анвар Эшоннов, Мурад Хидир, Маҳмуд Саъдий, Хайридин Султон, Абдулла Шер каби истеъдодли адиблар, шоирлар, таржимонлар билан ишлаймиз. Асқад ака каминага “Маҳобҳорат”ни русчадан таржима қилишни топширди. Яна бир канча дурдона асарларни бошқаларга тавсия қилди. Ҳиндистонда ишланган “Маҳобҳорат” фильмини дўстимиз Амир Файзулло таржима қилаётганини билардим. Достонни ҳам хиндшунос Амир таржима қила қолсин дедим. Мен бир фантастик қисса устида ишлаётгандим. Шуни тугатиш учун Ёзувчилар уюшмасидан Қора денгиз бўйидаги Гагра курорти – ижод уйига йўлланма олдим. Учқичда Сочига, ундан хушманзара сўлим оромгоҳ Абхазиянинг Гагра ижод уйига бордик. Келган кунимиз устоз Мирзакалон Исмоилий йўлланма муддати тугаб, Тошкентга қайтаётган экан. Худди Андижонда, Булокбошида юргандай, бошида чуст дўппи, оёғида кирза этик, чопонини елгага ташлаб олибди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, кузатиб кўйдик. Айтишича, “Фарғона тонг отгунча” романининг давомини ёзибди. Ҳали тугамабди. Гагра ижод уйида шоир Маъруф Жалил ҳам бўлиб, у бир кеча кун аввал Тошкентга қайтган экан, вестибюлда суратларини кўрдик.

Ҳар гал устоз зиёратига борганимизда бизни руҳлантирар, пок виждон билан яшашга даъват қиларди. Афсуски, устоз истиклолни кўрмадилар. Агар Ўзбекистоннинг мустақилликни кўлга киритганини кўрганида қайта туғилгандай бахтиёр бўлар эди.





АЙСЕДОРА ДУНКАН

(1877 – 1927)

## САҲНАДАГИ АФРОДИТА<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Гулбаҳор САИД ҒАНИ  
таржимаси*

\* \* \*

Ёз бошланди. Мен саёҳатга йўл олдим. Тоде ҳам Германия шаҳарлари бўйлаб маърузалар ўқигани жўнаб кетди. Биринчи тўхтаган жойим Гейдельберг бўлди. У ерда талабаларга маъруза ўқиётган Генрихни тингладим. У санъат ҳақида нутқ сўзлай туриб, бирданига менинг исмимни айтиб, камина – америкалик қиз Европага олиб келган янги эстетик шакллар ҳақида сўзлай бошлади. Унинг мақтовлари мени ҳаяжонга солди.

Тоде хоним мен учун зиёфат берди. Бу кўнгли очик аёл менга Генрихга унчалик мос эмасдек туюлди. У айни рўзғорбоп хотин эди. (Генрих кейинчалик уни ташлаб, бир скрипкачи аёл билан кетиб қолди.) Тоде хоним эрини мендан рашк қилаётганини билдирмаслик учун ўзини жуда илтифотли тутарди. Тодени рашк қилган аёл ўзини хитой кийноғига маҳкум этган бўлади. Чунки Тоде аёллар, ёш кизларни ўзига мафтун қиладиган тоифадаги эркаклардан.

Рашкнинг моҳияти ҳақида ўйлаш қизиқ нарсда. Генрих билан кўп кечаларни бирга ўтказганимга қарамай, у менга ёмон кўз билан қарамаган. Менинг эса унга ташналигим ортиб борарди. Уни ич-ичимдан кизганардим. Бунақа пайтда иштаҳам бутунлай йўқолиб борар, борган сари озиб, қушдай енгил бўлиб қолардим.

Саёҳатга оксоч билан кетдим. Мен шу даражага етгандимки, тунлари уйқуда мени чакираётган Генрихнинг товушини эшитадиган бўлдим. Ундан қачон хат олишимни ҳам олдиндан билардим. Менинг озиб кетаётганим, ҳолсизлигим атрофдагиларнинг эътиборини тортди. Бора-бора кечалари ухлолмайдиган одат чиқардим. Тоде соғинчи мени тентиратиб қўяётганди. Туйғуларим шу қадар телбавор тус ола бошладикки, мен уни бир соат кўриш учун шаҳарма-шаҳар изғишга тайёр эдим. Лекин бу дамлар ҳам яқун топди. Ўша кунлари импресариом Россияга сафарга кетишимизни айтди. Берлиндан Санкт-Петербургдача бор-йўғи икки кунлик йўл эди. Лекин мен поездда кетар эканман, об-ҳаво туфайли охири йўқ қорли ялангликлару қоронғи ўрмонга тушиб қолгандек эдим. Изғирин ҳисларимни бироз совутгандек бўлди.

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Генрих! У мендан жуда узокда, Гейдельбергда эди. Мен эса корли кенгликлар, онда-сонда ғариб кишлоклар оралаб, ундан узоклашиб борардим. Кулоklarимда Тоденинг товуши узокдан келаётгандек заиф жарангларди. Вагонда ўтган ўша тунда туш кўрдим: ҳамма ёқ изгирин, ҳамма ёқни қор қоплаган, поезд эса елиб бормоқда. Бир маҳал мен яланғоч ҳолда вагон эшигини очдим, ўзимни музлаган далага отдим... Ғалати туш. Эй, Зигмунд Фрейд, сен бу тушим ҳақида нима деган бўлардинг?

\* \* \*

Тасаввур қилинг, эрталабки газетани очибок, ўлим ҳақида ўйламаган йигирмата темир йўл ҳалокати қурбони ёки сув тошқинида бутун бошли шаҳар йўқолиб кетгани ҳақида совук хабарни ўқисанг, кишига қандай таъсир этади? Бу дунёда тақдир ҳар биримизни алоҳида-алоҳида бошқаради, деб ўйлаш ғирт аҳмоқлик ва худбинлик эмасми? Ҳаётимда шунча ғаройиботлар борки, тақдирга ишонмай иложим йўқ. Петербургга бораётган поезд қор туфайли йўлда ушланиб қолди ва жадвал бўйича кундузи соат тўртда етиб борадиган рейс ўн икки соатга кечикди. Биз эрталабки тўртда етиб келдик. Вокзалда мени ҳеч ким кутиб олмади. Шаҳар ўн даража совук эди, мен бундай совукқа шу пайтгача дуч келмагандим. Қалин кийинган рус извошчилари исиниш учун ўзларини ўзлари муштлари билан урардилар.

Оқсочни буюмларга қараб тургани қолдириб, битта от қўшилган извошни олиб “Европа” меҳмонхонасига юришни буюрдим. Бир маҳал Эдгар По ижодини эсга соладиган машъум бир ҳолат устидан чиқдим. Узокдан тобутлар юкидан эгилган одамлар турнақатор бўлиб келардилар. Саф жуда узун ва қайғули эди. Извошчи отни бир қадам ортга олиб бош эгди ва чўкинди. Ғира-шира ёруғда қорайиб келаётган тобутлар сафига дахшат ичида бокдим ва извошчидан нима бўлаётганини сўрадим. Рус тилини билмасам ҳам тушундим. Бу 1905 йилнинг 9 январида бўлган машъум воқеа қурбонлари эди. Қишки сарой олдида шоҳдан ёрдам сўраб келган қашшоқ ишчиларнинг бари ўлдирилган экан.

Извошчидан тўхташини сўрадим. Охири кўринмас бу қарвон ёнимиздан ўтиб бўлгунича кўз ёшларимни тиёлмадим. Хўл ёноқларим музлаб қолганди. Нима учун уларни тонгда дафн этишаётганини биламан. Чунки кундузги дафн янги исёнларни келтириб чиқариши мумкин эди. Шунинг учун ҳали шаҳар аҳли уйқуда ётган паллада жасадларни кўмгани олиб кетишяпти.

Марҳум ишчиларни йиғлаб кузатдим. Ҳеч нарса бежиз эмас. Агар поезд ўн икки соатга кечикмаганида мен бу воқеани ҳеч қачон кўрмаган бўлардим. Бунга кўрмаганимда ҳаётим бутунлай бошқа йўлларда кечарди. Мана шу фожиани кўриб, бор кучимни халққа, хўрланган бечораларга хизмат қиламан деб, ўзимга ўзим сўз бердим. О, бу дахшат олдида менинг шахсий дардларим-у севги изтиробларим нақадар майда ва бемаъни! Бу фожа олдида ҳатто санъатим ҳам одамларга нафи тегмас, бемаъни бир машғулотдек бўлиб туюлди. Ниҳоят, сўнгги тобутни елкалаган одамлар ўтдилар. Извошчи кўз ёшларимни кўрди. У яна чўкинди ва отни меҳмонхонага ҳайдади.

Ҳашаматли хонага киришим билан юмшоқ ўринга ўзимни отдим, то ухлаб қолгунимча тўйиб йиғладим. “Европа” меҳмонхонасининг кенг

ва баланд, доимо зич ёпилган деразалари ҳеч қачон очилмасди. Мен кеч уйғондим. Импресарио келтирган гуллар ифори мени уйғотди. Икки кундан кейин Дворянлар анжумани залида Петербург зиёлилари олдида чиқиш қилдим. Дабдабали балет ишқибозлари менинг ҳарир хиторим ва оддий ҳаворанг парда фонида Шопен мусикасига тушган рақсларимдан ажабланган бўлса керак, биринчи рақсим тугаши билан қарсақлар янгради. Мен Шопеннинг қалбини қандай англасам, шундай рақсга тушардим; бир неча кун аввал тонгда тобутдаги қашшоқ жафокашларни деб йиғлаган қалбим тантиқ зодагонларнинг қарсақларидан ҳаяжонланар эди. Қизик!

Эртаси куни тонгда мени сувсар кийган, бўйнига марварид мунчок, қулоғига гавҳар кўзли зирак таккан, кичкина жуссали мафтункор бир аёл йўқлаб келди. У машҳур балерина Кшесинская экан. Очиғи, бундан ҳайратга тушдим. У мени иззатлаб, опера театридаги кечки спектаклига таклиф қилгани келибди. Балетга нисбатан муносабатим совуқ бўлса-да, унинг илтифоти менга таъсир қилди. Мени дабдабали каретада Опера театрига олиб кетдилар ва ложага ўтқиздилар. Мен ўзимнинг оддий оқ кўйлагим ва шиппагимда Петербург зодагонларидан кескин ажралиб турардим.

Балет менга ёлгон ва одамнинг ғашини келтирадиган санъатдек туюларди. Тўғрироғи, уни санъат ҳам деб ҳисобламасдим. Лекин Кшесинскаянинг эртақмонанд ижросига қарсақ чалмасликнинг иложи йўқ эди. У сахнада одам бўлиб эмас, гўё куш ёки капалак каби ҳаракатланарди. Спектаклдан сўнг Кшесинскаянинг уйига кечки овқатга таклиф қилиндим, у ерда князь Михаил билан танишдим.

Бир неча кун ўтиб, олдимга нафосатли Павлова келди, мен бу мафтункор балеринани “Жизель” балетидаги ижросини кўриш учун таклиф қилиндим. Мен Павлованинг сахнада қандай ҳаволаб учишини кўриб, олқишлашдан ўзимни тўхтатолмадим. Кшесинскаянинг саройичалик дабдабали бўлмаса ҳам, Павлованинг шинамгина уйда кечки дастурхон ёзилди. Зиёфатга Бакст ва Бенуа деган рассомлар ҳам келди. Бакст менинг суратимни чизди, унда мен бироз жиддий киёфада тасвирланганман. Бакст кафтимдаги чизикларга қараб, иккита хочни кўрсатди ва “Сиз мислсиз шон-шухратга эришасиз, лекин дунёда ҳамма нарсадан ортиқ севадиган икки нарсангизни йўқотасиз”, деди. Ўшанда бу башорат мен учун жумбок эди.

Кечки овқатдан сўнг Павлова яна рақсга тушди. Биз тонгги соат бешларда тарқалдик. Павлова “Агар менинг машғулотларим сизга қизик бўлса, саккиз яримда яна қайтиб келинг”, деди. Жуда чарчаган бўлсамда уч соатдан кейин яна уникага қайтиб келдим. Павлованинг ажойиб машқларини кузатиб, ҳайратландим. Унинг чиройли юзи жиддий тус олиб борди, шунга қарамай, бир дақиқа ҳам машқ қилишдан тўхтамади. Менимча, бу – тананинг кийин гимнастик ҳаракатларига фикрни зўрлаб сингдиришдек эди...

Соат ўн иккида овқатландик, лекин Павлованинг ранги оқарган, деярли ҳеч нарса емасди. Кейин мени кузатиб қўйиб, ўзи Император театрига, репетицияга кетди. Қаттиқ чарчоқ билан ўзимни каравотга ташладим ва балерина бўлмаганимга тақдиримдан миннатдор бўлиб уйкуга кетдим.

Петербургда бир ҳафта бўлиб, сўнг Москвага йўл олдим. Петербургга ташрифим таърифини буюк Станиславский шундай ёзган: “1908 ёки 1909 йилда, қачонлиги аниқ эсимда йўқ, менда улкан таассурот қолдирган ўз

даврининг икки буюк истеъдоди – Айседора Дункан ва Гордон Крэг билан танишдим. Айседора Дунканнинг концертига тасодифан кириб қолдим, унгача у ҳақда эшитмаган ва гастроль афишаларини ўқимагандим. Дунканнинг чиқиши дастлаб унчалик катта таассурот қолдирмади. Раққосанинг санъатини фаҳмлашим ва тушунишим бироз қийин бўлди. Дастлабки рақси учун кучсиз қарсақлар ва эжуръатсизгина ҳуштак эшитилди. Лекин кейингиларини кўриб ҳаммасини тушуниб етдим ва намоёйишкорона қарсақ чала бошладим. Антракт пайтида бу буюк санъаткорни табриклаш учун саҳна ортига шошилдим. Ўша кундан бошлаб Дункан гастролларининг бирортасини қолдирмадим. Ичимда санъаткорона бир куч мени у билан учрашишга ундарди. Кейинроқ унинг дўсти Крэгнинг қарашлари билан танишганимдан сўнг, бир ҳақиқатни тушундим. Ер шарининг турли бурчақларида бир-бирини танимайдиган турли кишилар битта ижод тамойиллини излаши, санъатнинг турли соҳаларида қарашлари ўхшаши бўлиши мумкин экан.

Айседора билан учрашувда ҳам шундай ҳолат юз берди. Биз ҳали гаплашмай туриб бир-биримизни тушундик. Дунканнинг Москвага биринчи марта келишида у билан танишиши бахтига сазовор бўлган бўлсам, иккинчи келишида мен уни ҳурматли меҳмон сифатида кутиб олдим.

Дункан ўз санъати ҳақида мантиқ ва тизим билан гапиришини билмайдди. Унга фикрлар кундалик ҳодисаларнинг кутилмаган натижаси каби тасодифий келади. Саҳнага чиқиш олдида унга халақит бериб пардозхонасига киришларини ёқтирмайди. “Мен бу йўсинда рақс туша олмайман. Саҳнага чиқишдан олдин мен қалбимни мотор каби юргизиб олишим керак. Мотор ишлашни бошлаганда, қўлларим, оёқларим ва бутун танам беихтиёр ҳаракатланади. Агар қалбимни ҳаракатга келтиришига улгурмасам, рақсга тушишга қийналаман”, дейди.

Мен айни ўша – санъаткор қалбини тўйинтирувчи ижодий қувватни излаш билан банд эдим. Спектакллар ва репетициялар давомида уни кузатардим ва ҳиссиётнинг қандай ривожланишини, юз ифодаси, чақноқ кўзларида бу қандай акс этаётганини кўрардим. Амин бўлдимки, биз санъатнинг турли соҳаларидан битта нарсани излар эканмиз. Дункан суҳбатларида замонавий театрнинг йирик намояндаларидан бири Гордон Крэгни кўп тилга оларди. “У фақат ўз ватани учун эмас, балки бутун дунё учун яратилган, дерди Гордон Крэг ҳақида. – Қаер унинг истеъдоди ва ижодий талабларига тўғри келса, у ўша ерда яшаши керак. Крэгнининг жойи сизнинг Бадиий театрнингизда”.

Крэгни Россияга келишга кўндиришди. Балет мени қанчалар дахшатга солган бўлса, Станиславский театри шунчалар мафтун этди. Станиславский мени тез-тез кўргани келарди, рақсларим моҳиятини ўрганишга интиларди. Москвага иккинчи марта келишимда унинг труппасидаги бир неча ёш кизларнинг рақсга тушишини кўрдим, лекин улар муваффақиятсиз чиқди. Станиславский кун бўйи театрда репетиция билан банд эди, шунинг учун менинг олдимга спектаклдан кейин келарди. Совуқ ҳаво, қор, рус таоми Тоденинг маънавий муҳаббати етказган қалб оғриқларимни даволади. Бутун борлигим энди Станиславский сиймосидаги кучли шахс билан мулоқотга ташна эди.

Бир куни кечкурун унинг келишган чиройли қомаги, кенг елкалари, чаккаларига озгина оқ оралаган сочлари хаёлимни олди. Кетишга

чоғланганида кўлларим бехос бўйнига чирмашди, уни ўзимга тортиб ўпдим. У ҳам менга майин бўса қайтарди, лекин нигоҳида балккан ҳисдан маълум бўлдики, унга бўсадан бошқа ҳаракат ортиқча эди. Мен унга талпинганим сари у ўзини орқага олди ва бақириб юборди.

– Болани нима қиламиз?

– Қанақа бола? – сўрадим мен.

– Иккаламизники-да. Уни нима қиламиз? Кўряписими, – салмоқлаб давом этди у, – мен боламни ҳеч қачон бегона жойда тарбияланишини истамайман. Мен оилали одамман, бошқача бўлишим мумкин эмас.

Ноодатий жиддийлик билан бола ҳақида гапирганидан ўзимни туюлмай хохолаб кулиб юбордим. У менга бўзрайиб каради-ю шарт бурилиб, меҳмонхона йўлаги бўйлаб кўздан йўқолди. Ўша гаплари эсимга тушиши билан ўзимни кулгидан тўхтатолмасдим, лекин бир тарафдан аччигим ҳам келарди.

Баъзи маданиятли кишилар ўз номига доғ тушишидан қанчалар кўркишини аниқ тушунганга ўхшардим. Мен аёл бўла туриб, бундан кўркмасдим. Кечаси билан тўлғониб, асабийлашиб чиқдим. Менга унча-мунча суҳбатлар зерикарли туюла бошлади. Албатта, ҳеч қайси давра мени Чарльз Галлэ ва Генрих Тодечалик суҳбатига ром этолмасди.

Қанча ҳаракат қилсам ҳам, Станиславскийнинг ҳисларини ўзгартиролмадим. У театрдан чиқиб олдимга киришга бошқа журъат қилолмади. Фақат бир марта шаҳар ташқарисидаги ресторанга чанада мен билан бирга борди. У билан фақат санъат ҳақида гаплашдик. Станиславскийни жалб этиш учун Цирцеянинг ўзи бўлиш кераклигига ишондим.

Йиллар ўтиб бу воқеани Станиславскийнинг хотинига айтиб берганимда, у қаҳ-қаҳ отиб кулди ва шундай деди: “Оҳ, у ўзи шунака! У ҳаётга жуда жиддий қарайди”.

Берлиндаги концерт шартномаси туфайли Россияга сафарим поёнига этди. Бу мамлакатда қисқа вақт бўлганимга қарамай, зиёлиларда катта таассурот қолдирдим, баҳс-мунозараларга сабаб бўлдим. Ҳатто бир мутаассиб балет ишқибози менинг бир мухлисими дуэлга чақирди. Менинг санъатим таъсирида рус балетига Шопен ва Шуман мусикаси кириб келди, юнон кийимларини қия бошлади. Баъзи балериналар шунчаликка бордики, менга таклидан пайпоқ ва туфлиларини ечиб, ялангоёқ ракс туша бошладилар.

\* \* \*

Берлинда ракс мактабимни ташкил қилишга астойдил киришдим. Онам ва Елизавета ёрдамида режа туздик. Груневальддан вилла сотиб олиб, ҳамма зарур шарт-шароитни хозирладик. Мактабимизга болаларни йиғиш учун газеталарга эълон бердик. Албатта, ҳеч қандай ташкилот ёрдамисиз, сармоясиз бирданига мактаб очиб қалтис таваккал эди, бу импресариони ташвишга солди. У дунё бўйлаб сафарлар уюштиришга шошарди, мен эса сафарга кетган йилларни йўқотиш деб ҳисоблардим. Мактаб очишдек оилавий ниятимизни амалга оширишга шошилардик.

Раймонд Копаносдан тобора ташвишли хабарлар жўнатарди. Қудук пулларни юходек ютарди-ю, сувга етиб бориш умиди сўниб борарди. Ибодатхона қурилиши харажатлари шундай ошиб кетдики, охири таслим бўлишга мажбур бўлдим.

Шундай қилиб, Копаносдаги қурилишимиз чала вайрона бўлиб қолди. У ҳали ҳам келажакка умид билан юксалиб турибди.

Мен барча маблағимни бутун жаҳон ёшлари учун хизмат қилувчи рақс мактабига сарфлашга қарор қилдим ва ўша пайтда менга фалсафа ва маданият маркази бўлиб туюлган Германияни танладим.

Эълонни ўқиб кўп болалар йиғилди. Кўчамиз болаларини етаклаган ота-оналарга тўлиб кетди. Ўшанда уларни қандай қилиб танлаб олганимизни ҳамон тасаввуримга сиғдиролмайман. Мен тезроқ болаларни Груневальдга келтириб, қиркга қаравотга жойлаштиришга шошилардим. Улардан раққосалар чиқадими-йўқми – буни ўйлаб ҳам ўтирмаганман. Бир куни Гамбургда олдимга фрак ва цилиндр кийган эркак кўлида халта билан келди. Халта ичида кўзлари катта-катта тўрт ёшлардаги индамас кизчани кўрдим. Қизча унсиз эди. Жаноб эса кетишга шошиларди. У мендан болани олиш-олмаслигимни сўради. Бола унга ўхшаб кетарди. Одатдаги калтабинлик билан болани олиб қолишга рози бўлдим. Жаноб тезда жўнаб қолди ва уни қайтиб кўрмадим.

Қизча кўғирчоқдек эди. Гамбургдан Берлинга боришда унинг ҳарорати баланд эканини сездим. У қаттиқ шамоллаган экан. Груневальдда уч ҳафта доктор Гофф ва икки ҳамшира кизчанинг ҳаёти учун курашдик.

Доктор Гофф менга доим “Бу мактаб, касалхона эмас. Бу болаларнинг ҳаммасида ирсий касалликлар бор, уларнинг ҳаётини сақлаш учун кучли парвариш керак бўлади. Мана кўрасиз. Уларга рақсени ўргатиш мушкул”, дерди. Доктор Гофф гоят мурувватли ва машҳур жаррох эди. Мактаб очилгандан бери у бизнинг шифокоримизга айланди, болалар саломатлиги ва мактабнинг озодалигини назорат қиларди. Тўғриси айтганда, унинг беминнат ёрдамисиз болаларни ўзим истаган натижага етказолмасдим. Бутун вақтимни мактабга сарфлай бошладим. Импреариоимнинг мендан норозиланишига, баъзан дўқ-пўписа қилишига қарамай, мен Берлиндан ҳеч қайсига кетмасдим ва ҳар куни болаларга рақс ўргатардим. Доктор Гофф болаларни вегетарианлик тартибига ўргатди. Сабзавот ва мевалар уларнинг соғлиги учун муҳим эди. Болалар мен истаган муваффақиятларга эриша бошлади. Ўша вақтда Берлинда мислсиз шуҳрат қозонгандим. Мени “Илохий Айседора” деб аташарди. Касал болаларни театрга, менинг олдимга олиб келишса, худди тузалиб кетадигандек ишониларди.

Бир куни кечкурун спектаклдан қайтаётганимда талабалар отларни экипаждан чиқариб, мени машҳур Зигес хиёбони томонга олиб боришди. Йўлда улар нутқ сўзлашимни талаб қилишди. Мен талабаларга қуйидаги сўзлар билан юзландим:

– Ҳайкалтарошлик санъатидан буюкроқ санъат йўқ. Лекин сизлар, санъат ихлосмандлари, қандай қилиб нақ шаҳарнинг ўртасида уни таҳқирлай оласиз? Мана бу ҳайкалларга қаранг! Сиз – санъат ихлосмандларисиз, лекин чиндан уни ўрганган бўлганингизда, кечаси тош отиб, мана бу ҳайкални йўқотган бўлардингиз. Бу санъатми? Йўқ, бу бор-йўғи подшонинг тасвири-ку!

Талабалар менга кўшилдилар ва шовқин-сурон бошланди. Шу дақиқада полиция етиб келмаганида, улар менинг истагимни бажо келтириб, Берлин ҳайкалларини парчалаб ташлаган бўларди.

1905 йили Берлиндаги кечки чиқишларимнинг бирида биринчи каторда ўтирган одам эътиборимни тортди. Спектаклдан сўнг пардозхонамга ўша киши жаҳл билан кириб келди.

– Сиз ажойибсиз! – хитоб килди у. – Сиз бошқаларга ўхшамагансиз! Лекин сиз менинг ғояларимни каердан ўғирладингиз, менинг безакларимни каердан топдингиз? – деди.

– Сизга нима бўлди? Нима ҳақда гапиряпсиз? Бу ўзимнинг хаворанг пардам. Мен буни беш ёшлигимда ўйлаб топганман ва ҳозиргача унинг олдида раксга тушаман!

– Йўқ! Бу менинг беағим ва менинг ғояларим. Лекин сиз – мен улар ичида тасаввур қилган – моҳиятсиз. Сиз хаёлларимнинг тирик рўёбисиз!

– Узр, сиз кимсиз?

– Мен Эллен Террининг ўғлиман.

Эллен Террининг ўғли! Эллен Терри..:

– Айседоранинг санъати шу қадар қизиқтираётган бўлса, сизни уйимизга кечки овқатга таклиф қиламан, – деди онам.

Крэг бизни кига овқатланишга келди. У тўлиб-тошиб санъатга оид қарашларини гапириб берди. У жуда истеъдодли ва шунга яраша шуҳратпараст ҳам эди. Мен унинг сўзларини қизиқиш билан тинглардим. Лекин онам ва бошқа она аъзоларимнинг уйқуси келиб қолди ва ҳаммаси турли баҳоналар билан бирма-бир туриб, ўз хоналарига кириб кетишди. Биз иккаламиз қолдик. Крэг театр санъати ҳақида гапиришда давом этарди.

– Лекин сиз бу ерда нима қиляпсиз? Сиз буюк санъаткорсиз, шундай ахволда яшаяпсизми? Қандай бемаъ依лик! Мен сизни хаёлларимда кўрганман. Сиз менинг илҳомим маҳсулисиз!

Крэгнинг юзи онасининг юзига ўхшарди. Эллен Террининг олтин сочли боласининг узокни яхши кўрмайдиган кўзлари кўзойнак ортидан кулранг учқун сочарди. У доим ўзининг тўртбурчак бош бармоқлари ҳақида худди қотилнинг бармоқлари ҳақида гапиргандек гапирарди: “Азизам, булар билан сизни бўғиб қўйсам яхши бўларди!”

Худди сеҳрлангандек, унга эғнимга пальтомни ташлаб қўйишга изн бердим. Кейин у қўлимдан тутди, биз югуриб кўчага чиқдик. У извошчини чақирди. Потсдамга йўл олдик. Тонгда кичик меҳмонхонага жойлашдик. У ерда қахва ичиб, куёш чикқанидан кейин Берлинга қайтдик. Биз онамнинг олдига қайтолмасдик, шунинг учун дугонам Эльза де Брюгерникига бордик. У бизни хурсандчилик билан кутиб олди. Шундан кейин Крэг мени баланд уйнинг энг юқори қаватидаги ательесига олиб борди. Пол қора рангда, мум суртилган, сунъий атиргул япроқлари сепилган эди. Қаршимда ёшлик ва даҳоликнинг мужассами турарди. Ногаҳоний муҳаббатдан юрагим ловуллаб унинг кучоғига ташландим. Мен ковурағасидан яралган инсонимни топгандек эдим. Унинг оғушида эриб кетдим. Биз икки учидан ёниб бораётган бир ришта эдик. Бошқа аёллар ўз маъшукларини қандай эслашларини билмайман. Лекин мен унинг навқирон жисмини ҳамон эслайман.

Ательеда на бир тўшак, на ўриндик бор эди, овқатланишга ҳам шароит йўқ эди. Тунда полга ётдик. Крэгнинг бир тийини ҳам йўқ эди, мен эса уйга пул олиш учун боришга журъат қилолмасдим. Икки ҳафтани бирга ўтказдик. Овқат егимиз келганида у қарзга овқат буюрарди.

Онам бечора бизни ахтариб полиция ва элчихоналарга борибди. Қизини йўлдан уриб, олиб қочган “ярамас”нинг устидан шикоят қилибди. Импресарио эса менинг бирданига йўқолиб қолганимни эшитиб, дахшатга тушибди. Албатта, қатор спектаклларни бекор қилишга тўғри келган. Газеталарга “Айседора Дункан шамоллагани сабабли спектакль қолдирилди”, деб эълонлар берган.

Икки ҳафтадан сўнг онамнинг олдига қайтдик. Онам Гордон Крэгни кўриб, “Йўқол, ярамас фирибгар!” деб бақирди. У мени Гордон Крэгдан, давримизнинг энг ажойиб истеъодларидан бири бўлган одамдан каттик кизғонарди. Тўғри, у театрнинг қундалик ҳаётида фаол иштирок этмаса ҳам, замонавий театр йўналишини жонлантирди. Усиз бизда Рейнхардт, Станиславскийлар мактаби бўлмасди. Усиз театримизда ханузгача эшиклари очилиб-ёпиладиган кути уйлар акс этган реализм ҳукмрон бўларди.

Крэг мен учратган камёб одамлардан бири эди. Эрталабки бир финжон қахвадан унинг тасаввури чақнарди. У билан кўча кезиш қадимги Фивадаги олий хоҳин билан сайр қилишга тенг эди. Йўлда учраган ҳар бир дарахт, куш ёки боладан ҳаяжон ва илҳом ола биларди.

Вақт ўтиши билан у тез-тез менинг гапларимдан тундлашиб қоладиган бўлди. Чунки, у фақат “Менинг ишим! Менинг ишим!” деяверар, мен эса “Ҳа, албатта, ишингиз хайратланарли. Сиз истеъодсиз, лекин билсангиз, менинг мактабим ҳам фаолият кўрсатади”, дердим. У столга муштини уриб, норозилик билдирарди. Ишининг муҳимлигини исбот қилмоқчи бўларди. “Сўзсиз, ишингиз муҳим. Лекин, тушунинг, сизнинг ишингиз – бу шароит, лекин биринчи ўринда тирик рух туради, қолган ҳамма нарса моҳиятга қараб ифодаланadi. Менинг мактабим – мукамал гўзаллик сари интилаётган инсоний моҳият, сизнинг ишингиз эса бу моҳият учун мукамал шароит”, дердим. Бу бахслар мудҳиш жимлик билан якунланарди. Шунда бирдан менинг санъаткор қисмим чекиниб, аёл қисмим уйғонарди: “Азизим, нахотки сизни хафа қилган бўлсам?”

– Хафа қилдингиз...

– О, йўқ! Сиз ҳам “менинг ишим”лаб жонга тегдингиз...

У эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетгач, қандай буюк фожиа юз берганини англадим. Мен унинг қайтишини кутиб, тун бўйи йиғлаб чикардим. Фожиа шунда эдики, биз санъаткор сифатида ўз “мен”имизни устун қўярдик. Мен истеъод ва муҳаббат уйғунлигига эришмоқчи эдим. Имконсиз уриниш! Эҳтиросга тўйишнинг биринчи ҳафталаридаёқ Гордон Крэг даҳоси ва менинг санъатим жўшқинлиги ўртасида шафқатсиз жанг бошланди.

– Нега сиз буни тўхтатмайсиз? – деди у. – Саҳнада қўлларингизни ўйнатишингиз шартми? Нима учун уйда ўтирмайсиз ва каламларимни йўнмайсиз?

Гордон Крэг санъатимнинг баҳосини биларди, аммо унинг иззат-нафси, санъаткорлик ҳасади аёл киши ҳақиқатдан ҳам буюк бўлиши мумкинлигини тан олишга қўймасди.

Тақдирнинг ишлари қандай ғалати! Агар мен Крэгни бир неча ой олдин учратганимда, сўзсиз, вилла ҳам, мактаб ҳам бўлмас эди. Мен Крэгнинг сеҳридан сўнг, мактабга асос солишга эҳтиёж сезмай қолган бўлардим.

Орадан бироз вақт ўтиб, ҳомиладор эканимни билиб қолдим. Тушимга ялтироқ кийимдаги Эллен Терри кирди, икки томчи сувдек ўзига ўхшаган

малла соч кизчани кўлидан етаклаб келди ва “Айседора. Сев. Сев... Сев..”, деб хайкирди. Шу ондан бошлаб ҳаётимда қандай ўзгариш содир бўлаётганини англадим. Бу бола менга кувонч ва кайғу бағишлаб келади. Кувонч қа кайғу! Туғилиш ва ўлим! Ҳаёт раксининг мароми!

Илохий хабар бутун борлигимда тантана килди. Мен саҳнада ракс тушишда, мактабда болаларни ўқитишда давом этдим. Бечора Крэг ўзини кўярга жой тополмасди. Бетоқат ва бахтсиз эди. “Ишим, ишим, менинг ишим!”... Табиатнинг санъатга ёввойи тажовузи. Лекин мени тушларимга буюк Элленнинг қайта-қайта кириб чиқиши тинчлантирарди.

Баҳор келди. Дания, Юнонистон ва Германия гастролларига тузилган шартномаларим бор эди. Стокгольмдаги муваффақиятли мавсумдан сўнг Германияга қайтдик. Пароходда ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим, вақтинча гастролларни тўхтатишим кераклигини тушундим. Мени ёлғиз қолиш истаги кийнарни, менга қизиқувчан одамлар нигоҳидан узокрок кетишни хоҳлардим. Июнь ойида Шимолий денгиз кирғокларига кетдим. Қумтепалардаги “Мария” деб аталадиган кичик оқ виллани ижарага олдим. У пайтлар туғишни табиатнинг оддий ходисаси деб ҳисоблардим. “Мария” вилласида август ойигача қолдим. Бу вақт давомида опам Елизавета билан тинимсиз хат ёзишдим, мактаб ишларига у қараб турди. Июль ойида мактабда дарс бериш қоидаларини тузиш билан шугулландим, ракснинг содда ҳаракатлардан мураккабларига ўтадиган ва ҳақиқий моҳиятини очиб берувчи беш юзта машқ туркумини ишлаб чиқдим.

Крэг асабийлашарди, ёнимга келар ва яна қайтиб кетарди. Бола борган сари ўзининг борлигини билдирарди. Менинг мармар каби баданим таранглашиб, ўзгарганини кўриб ғалати бўлардим. Асаблар қанча нозик, мия қанча сезгир бўлса, изтироб шунча кучли бўлади – табиатнинг дахшатли қасоси шундай. Уйқусиз кечаларни баланд қумтепаларга бокиб ўтказдим. Мен одамлар даврасидан қочардим. Улар шундай қабих сўзларни гапирардики, ҳомиладор аёлнинг муқаддас ҳолати билан кам ҳисоблашардилар. Бир куни кўчада ҳомиладор аёлни кўрдим. Ўткинчилар унга туғилажак ҳаётни кўтариб кетаётган аёл деб эмас, қулги уйғотадиган нарсадек бир-бирига истехзоли қараб қулардилар.

Эшикларим менга Гагадан велосипедда китоб ва журналлар олиб келиб турадиган йигитдан бошқага ёпиқ эди. Қолган вақтимни ёруғ оламга келишни бесабрлик билан кутаётган болам билан ўтказардим. Шимолий денгизнинг совуқ тўлқинлари шовқин солганида кайфиятим тушарди, ўзимни қопқонга тушиб қолган махлукқа ўхшатардим. Енгиб бўлмас бир югуриш истаги билан ўзимни ҳар ёнга урардим. Қаёққа югураман? Бу кайфият билан олишардим, лекин ундан қочиб қутулиб бўлмасди. Бошқалар ҳам мендан қочаётгандек туюларди. Онам мендан минг миль узоқда. Ҳатто Крэг ҳам бегоналашиб, иши билан машғул бўлиб қолди. Мен у ҳақда тобора кам ўйлай бошладим ва менга аталган ҳам кўрқинчли, ҳам мўъжизавий дард билан яшадим. Соатлар имиллаб ўтарди. Бутун ўтмишим менга узоқ ва туманли муқаддима, ҳар қандай аёл кечириши мумкин бўлган бола туғиш деган ходисанинг муқаддимаси бўлиб кўринарди. Жамики шухратпараст ўйларимнинг якуни шундай бўлди!

Нега ёнимда кадрли онам йўқ? У никоҳ шарт деган бемаъни хурوفотнинг қурбони эди. Унинг ўзи никоҳ келтирган чидаб бўлмас азоблар учун ажрашган. Менга ҳам ўша сиртмоқни раво кўришга уни нима мажбур

қилган? Мен бутун вужудим билан ҳамон никоҳга норозилик билдирардим. Агар кимдир сўзларимнинг адолатли эканига шубҳа қилса, санъаткорлар орасидаги ажралишлар ҳисоби ва сўнгги ўн йилликда Америкада бўлган ажрим жанжаллари билан бир қизиқиб кўрсин.

\* \* \*

Августда олдимга ҳамшира Мария Кист келди. Мен у каби сабрли ва сахий аёлни кўрмаганман, у менга катта мадад бўлди. Икрорман, ўша пайтда мени ҳар турли кўркувлар қийнай бошлаганди. Ҳамма аёл бола тукқан: бувимда саккизга бўлган, онамда тўртта. Лекин барибир кўркувда эдим. Нимадан кўрқардим? Ўлимдан эмас, албатта, хатто изтиробдан ҳам эмас, ноаниқ нарсадан кўрқардим.

Рақс ҳақида кўп ўйлардим, шунда мени пушаймонлик, соғинч ўртарди. Шундай пайтда қорнимда бола тепинганини сезардим-у беихтиёр табасум қилар, санъат аслида бор-йўғи қувонч ва ҳаёт мўъжизаларининг заиф тасвири деб ўйлай бошлардим. Бўртиб кетган танамни ҳайрат билан кузатардим. Қоматим қаёққа кетди? Орзуларим қаерда? Шуҳратим? Ох, тунги интизорликлар... Чап ёнга ётиш мумкинмас, чунки юрагим қийналади, ўнг томонга қараб ётиш ноқулай, фақат осмонга қараб ёта оласан... Ширин интизорликнинг шафқатсиз соатлари, саноксиз тунларнинг ҳаммаси шундай ўтди. Бир куни чой ичиб ўтириб белимнинг ўртасида каттик оғриқни ҳис қилдим, худди умуртқамни кимдир пармалаётгандек суякларим оғирди. Испан қийноқларини туғруқ оғриқларига қиёслаганда, эҳтимол, бир эрмакдек туюлар. Бу азоблар тез унутилади, деб айтишади. Мен кўзимни юмишим билан ўша пайтдаги ингроқларим ва бакириқларимни ҳамон қайтадан эшитаман. Аёл зотининг шундай даҳшатли азобларини енгиллатишга замонавий тиббиёт ҳеч нарса қилгани йўқ. Шу пайтгача аёлларнинг шундай азобларга зорланмай жим чидаши ё аҳмоқлик ёки муқаддас сабр!

Ифодалаб бўлмас оғриқ икки кечаю икки кундуз давом этди. Учинчи куни аҳмоқ доктор каттақон қискичларини чиқарди, наркоз ҳам юбормай, бу шафқатсизликни тугатди. Бошимдан ўтказган бу азобимга поезд тагида қолган одамнинг даҳшатида бошқа ҳеч нарсани тенглолмайман. Туғиш амалиётини оғирсиз ва енгил ўтиши учун ҳеч нарса қилмаган тиббиётга аёллар қарши чиқиши керак. Бу бепарволик ва айни жиноятнинг ўзидир. Мен бу қийноқ дастгоҳидан омон чиқдим, жони каттик аёлларнинг ўлишига ҳақлари йўқ.

Болани кўриб муқофотланганимни сездим. Ох, бола! Худди Купидонга ўхшаган, мовий кўзли, қўнғир сочли эди менинг болам. Мўъжизаларнинг мўъжизаси! Оғизчаси билан кўкрагимни кидиради ва тишсиз милқлари билан эмади. Ох, аёллар, шундай мўъжиза турганда нима қиламиз юристлик, рассомлик ёки ҳайкалтарошликка ўқиб? Ва ниҳоят, эркакка бўлган муҳаббатдан минг чандон олий муҳаббат борлигини туйдим. Қонимга бўялиб ётган жойимда қанчалар ҳолсиз, абгор бўлсам, боламни кўриб шунчалик бахт ва қучни ҳис этдим. Менга ҳаёт бахш этдинг! Қани менинг санъатим? Санъат ўзи меникимиди? Не бўлса ҳам менга барибир эмасми?! Мен ўзимни ҳар қандай санъаткордан буюқ, янги ҳаётни яратган худодек ҳис қилардим.

Боламнинг қўлимда ухлашини соатлаб томоша қилиб ўтирардим, баъзан мурғак нигоҳини тутиб олиб, ҳаётни англагандек бўлардим. Бу

бахтни қайси сўз билан ифода этиш мумкин? Биз Груневальдга бола ва азиз дўстим Мария Кист билан қайтдик. Болалар гўдакни кўриб роса хаяжонландилар. Елизавета: “У бизнинг кичкина ўқувчимиз бўлади”, деди. Крэг унга ирландча ажойиб исм топди – Дердре. Дердре – “Ирландия мухаббати” дегани.

\* \* \*

Бизга кўшни ҳашаматли виллада Жульетта Мендельсон бой банкир эри билан яшарди. У менинг мактабимга қизиқиб қолди ва бир куни мени ўзим севган Элеонора Дузе олдида рақсга тушишга таклиф қилди. Мен Дузегга Гордон Крэгни таништирдим, у ҳам Крэгнинг театр ҳақидаги қарашларига мафтун бўлди. У бизни Флоренцияга таклиф қилди, Крэг унга ўша ерда спектакль кўйиб берадиган бўлди.

Крэг Элеонора Дузе учун кўйиладиган Ибсеннинг “Росмерсхольм” асарига эскиз тайёрлади. Биз тезюарар поездда Флоренцияга жўнадик.

Йўлда бола билан бироз кийналдим. Аммо барибир хурсанд эдим. Крэг севимли иши билан машғул эди, Дузе эса ўз истеъдодига муносиб безакчини топганди.

Флоренцияга келгач, кичик меҳмонхонага жойлашдик. Крэг французчани ҳам, итальян тилини ҳам билмасди, Дузе эса инглизча битта сўзга ҳам тушунмасди. Шу ондан мен уларга таржимонлик қилар эканман, қанчалар ажабланарли бўлмасин, икки буюк санъаткор ўртасида душманлик муносабати пайдо бўлганини билиб қолдим. Уларнинг гапларини бир-бирига таржима қилишда, вазиятни юмшатиш учун бироз ёлғон ишлатишга мажбур бўлдим. Чунки, улар муқаддас иш устида баҳслашишарди. Спектакль юзага чиқишини истардим, агар Крэгнинг сўзларини Дузегга, Дузенинг буйруқларини Крэгга борича етказганимда бунга эришиб бўлмасди. Дузе асар бўйича бошқа нарсани талаб қилар, Крэг ўзи тасаввур этган сахна безагини Миср эҳромларининг ички кўриниши шаклида ифодаламоқчи бўларди. Дузе Крэгни менсимай, истаганча ҳақорат қиларди. Мен эса мулоҳаза билан гапни бошқача тушунтиришга уринардим. Бундай таржималар соатлаб давом этарди. Баъзан болани овқатлантириш керак бўларди, лекин, барибир, агар иш бузиладиган бўлса ўзимни айбдор ҳис қилишимни ўйлаб, сабр қилардим. Крэг кун бўйи театрда камалиб олиб, безакларни ўзи чиза бошлади, чунки итальян сахна ишчилари унинг ғоясини тушунмас эди. Мен унга овқат таширдим. Дузе мени театрда киритмай қўйди. У Крэг ишини тезроқ битиришини истарди. Мен у билан ғаройиб хайкалчалар кўйилган боғларда узоқ-узоқ сайр қилардим. Дузе оддий аёлга ўхшамас эди, Петрарка ёки Данте томонидан яратилган, беҳосдан ерга тушиб қолган илоҳий киёфа бўлиб туюларди. Лекин у инсониятни мен севганим каби севмасди.

Крэг ишини битирди. Белгиланган куни уни театрда олиб бордим. Шундай хаяжонда эдимки, театрда етгунча гапира олмадим. Уни сахнага бостириб кириш фикридан тўхтатдим ва ложага етакладим. Парда ортидан Крэгнинг “Жин урсин! Нимага уни бу ёққа қўймайсизлар? Нима учун айтганимни қилмаяпсизлар?” деб бақираётган овози эшитилиб қоларди. Кейин яна жимлик ҳукм сурарди. Мен эса Дузенинг қайсарлигидан, Крэгнинг меҳнати унга ёқмай, бақариб кетишидан кўрқардим.

Ва ниҳоят, парда секин кўтарилди.

О, бизнинг нигоҳларимиз қаршисида қандай саҳна пайдо бўлганини тасвирлаб беролмайман. Афинадаги сарой ҳам бу қадар гўзал бўлмаган. Улкан фазо, самовий уйғунлик, кўтарилаётган чизиклар ва бутун коинот кўриниб турган улкан деразада инсоннинг барча ўйлари, барча заминий кайғулари мужассам эди. Бу хона “Росмерсхольм”да бормиди? Ибсен нима деб ўйлаган бўлишини билмайману, лекин унинг ўзи кўрганида ҳам биз каби хайратдан жим қолган бўларди.

Элеонора кўлимни тутди. Кейин мени маҳкам қучоқлади, мен унинг чиройли юзида кўз ёшлари юмалаётганини кўрдим. Кейин саҳнага чиқдик. Дузе бор овози билан чақирди: “Гордон Крэг! Бу ёкка келинг!”

Крэг боладай уялиб ён тўсиқдан чиқиб келди. Дузе уни қучоқлади ва оғзидан итальянча мақтов сўзлари фавворадек отилди. Мен у сўзларни Крэгга таржима қилиб улгурмадим. Крэг бизга ўхшаб йиғламади, лекин узок вақт жим турди.

Кимсан Элеонора Дузе менинг буюк Крэгимнинг санъати олдида лол қолганидан ифтихорда эдим. “Росмерсхольм” спектакли премьерасида парда кўтарилганда зал ҳаяжондан нафас олишни унутиб қўйди. Флоренциянинг санъат билимдонлари ҳозиргача “Росмерсхольм”нинг ўша намойишини эслайдилар. Спектакль топширилгандан сўнг, банкка кириб ҳисобимни текширтурсам, маблағ батамом тугаган. Бола туғилиши, Груневальд мактаби эҳтиёжлари, Флоренцияга саёхатимизга маблағларимни сарфлаб бўлибман. Пул топиш учун яна ишлашим керак. Шу кунларда петербурглик импресариодан хабар келди, улар мени яна Россия бўйлаб сафарга таклиф қилишган эди.

Боламини Мария Кист қарамоғига, Крэгни эса Элеонора ихтиёрига топшириб Петербургга жўнадим. Бу сафар қандай кайғули бўлганини тасаввур қилолмайсиз. Менга боладан ажралиш жуда оғир эди. Ҳали уни сўздан чиқармагандим.

Бундан ташқари, охирги пайтларда Дузе ва Крэгга ўралашиб қолиб, ўз санъатим ҳақида деярли ўйламай қўйгандим. Ижодий сафарга ҳам мутлақо тайёр эмасдим. Аммо рус халқи мени аввалги ҳаяжон билан қутиб олди ва спектаклдаги нуқсонларимга эътибор ҳам бермади. Эсимда, саҳнада рақсга тушаётганимда кўкракларимдан сут оқиб, либосим ҳўл бўлиб қоларди. Бундан жуда ҳам хижолат чекардим. Аёл кишига ҳар қандай соҳада эркакларга нисбатан икки ҳисса қийин!

Хаёлим боламда бўлгани боис, сафарни имкон қадар қискартиришга ҳаракат қилдим. Йўлим Россиядан Голландияга йўналди. Амстердамда саҳнада ўйнар эканман, ўзимда тушуниксиз бир заифликни ҳис этдим. Иситмам кўтарилиб борарди, спектакль тугаши билан саҳнага йиқилдим. Мени меҳмонхонага кўтариб олиб боришди. У ерда ҳафталаб ётдим. Доктор менинг касалимга ҳали давоси топилмаган неврит деб ташҳис қўйди. Мен ҳеч нарса ея олмасдим, тез-тез хушимни йўкотар, жонимни азобдан афюн солинган сут билан саклардим.

Крэг аҳволимни эшитиб, Флоренциядан етиб келди. У менга тўрт ҳафта қаради, кейин эса спектакль намойиши туфайли Элеонора Дузе уни Ниццага чақириб олди.

Мен бироз ўзимга келдим. Аммо мадорсиз эдим, Ниццага келганимда мени поезддан кўтариб туширишди. Элеонора Дузе ҳам меҳмонхонада касал бўлиб ётарди. У менга ўз шифокори Эмиль Воссонни юборди. Ле-

кин соғайишим секин кечарди. Онам ва содик дўстим Мария Кист олдимга кизимни олиб келди. Биз меҳмонхонадан Мон-Боронга кўчдик. Деразамиздан денгиз кўриниб турарди, иккинчи томондан қачонлардир Зардушт илон ва бургут ҳамроҳлигида ўйга чўмган тоғ чўккилари кўриниб турарди. Мен ҳам қуёшли чўккидаги уйда аста-секин ҳаётга қайта бошладим. Лекин пулсизлик муаммоси туфайли яна Голландиядаги гастролларимга қайтдим.

Крэгни яхши кўрардим, аммо, барибир, айрилиқ муқаррарлигини ҳам билардим. Мен шундай тушуниксиз аҳволда эдимки, бир вақтнинг ўзида уни йўқотишдан кўрқсам, у билан яшай олмаслигимни ҳам сезардим. У билан яшаш санъатимдан ва ҳатто ақл-идроқдан айрилишимни билдирарди. Мен усиз яшашни танладим. Усиз яшаш рашк азобларига тутилиш деган гап. Крэгни ўзга аёллар кучоғидан кизганиш хиссидан ўзимни халос этишдан бошқа чорам йўқ эди. Чунки уни тушларимда ҳам бегона аёллардан рашк қилиб, азобланиб чиқардим. Назаримда, у “Айседора, аслида тоқат қилиб бўлмайдиган аёл!” деган фикрда эди. Мен бу ўйлар, шубҳа-гумонлар билан на ишлай олардим, на рақсга тушолардим. Мен санъатимсиз ҳеч ким бўлиб қолардим. Шунинг учун ундан воз кечишга қарор қилдим.

\* \* \*

Мен мақсад сари ишончимни мустаҳкамлаган ўша рақс мактабимда дарс бериш учун Груневальдга қайтдим. Ўқувчи кизларимни гоҳ Помпей фрескаларидаги севги маъбудига, гоҳ Донателлонинг ёш гўзалларига, гоҳ Титаниянинг ҳавойи аҳлига ўхшашни ўргатдим. Кун сайин улар илҳом нурига тўлиб борди. Лекин мактабни иқтисодий юритиш борган сари қийинлашди, бирор ҳомий топилишидан умидвор эдим. Бизга ёрдам беришларини сўраб кимларга мурожаат қилмадим. Аммо Германияда мактабимга кўмак берувчи топилмади. Оғир прусс тартиби орзуларимга халақит берарди. Шундан сўнг мен Россияга кетиш ҳақида ўйлай бошладим. Чунки у ёққа неча бор борган бўлсам, руслар санъатимни ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан муносиб баҳолаганлар.

Петербургда мактаб очишни режалаштириб, 1907 йилнинг январь ойида Елизавета ва йигирмата ўқувчим билан поездга чиқдик. Афсуски, иш бу ерда ҳам муваффақиятсиз кечди. Гарчи улар санъатимни хайрихоҳлик билан қабул қилишган бўлса-да, балет илдиз отган Россияда бир нимани ўзгартириш ҳақида ўйлаб бўлмасди.

Ўқувчи кизларимни балет ўқув юртидаги машғулотларни кўришга олиб бордим, балериналар уларнинг кўзига эркин учаётган қалдирғочдек бўлиб кўринди. Лекин Россияда инсон жисмининг эркин ҳаракатларидан туғилажак санъатни тарғиб қилиш фойдасиз эди. У ерда мактабимга ёрдам бера олиши мумкин бўлган ягона одам Станиславский эди. У ҳам бизга ёрдам бериш учун қўлидан келганча елиб-югурди, бироқ, барибир, бу режа амалга ошмади. Сўнг ғоямни амалга ошириш учун Англиядан имкон қидириб кўрмоқчи бўлиб, 1908 йилнинг ёзида ўқувчиларим билан Лондонга бордим. Машхур импресариолар Иосиф Шуман ва Чарльз Фроман биз учун герцог Йоркскийнинг театрида чиқиш ташкиллаб берди. Лондон жамоати менга ва ўқувчиларимга жозибали эрмак сифатида қаради, аммо бўлажак мактабимни астойдил қўллаб-қувватловчи кимса топилмади.

У ерда эски дўстларим Чарльз Галле ва шоир Дуглас Энсли билан кўришиш насиб этди. Қиролича Александра иккита спектаклимизга келди. Бир герцогнинг хотини менга ғоямни Лондонда қандай амалга ошириш борасида фикр берди. Шу мақсадда бизни Темзедаги уйига таклиф қилди, биз у ерда яна қиролича Александра ва қирол Эдуард қаршисида рақсга тушдик. Аввалига умидимни қаноатлантирган Англия бора-бора мактаб очиш орзуимни саробга айлангирди. Бу орзуни амалга ошириш учун қани бирор мамлакат, бирор бино ва етарлича маблағ топила қолса!

Ўқувчиларимни олиб юришга қаттагина маблағ сарф бўлди. Банкдаги ҳисобим қуриб битди. Ўқувчиларимни яна Груневальдга қайтаришга мажбур бўлдим. Ўзим эса Чарльз Фроман билан Америка бўйлаб сафар шартномаси туздим. Мактабдан, Елизаветадан, Крэгдан ва ҳаммадан кўпроқ – эндигина бир ёшга қираётган олтин соч қизалоғим Дердредан айрилиш оғир кечди. Аммо бошқа чорам йўқ эди. Мени бу вақтда бутун Европа танирди. Санъатда ўзимга хос янги оқим, мактаб яратдим ва фарзанд дунёга келтиргандим. Умуман олганда, ёмон натижа эмас. Лекин моддий аҳволим аввалгидан яхши эмасди. Шундай қилиб, Нью-Йоркка бораётган катта кемага чиқдим.

Чарльз Фроман таникли антрепренер эди, лекин у менинг санъатим кенг омма учун эмас, хослар учунлигини тушунмади. У мени сершовқин Бродвей ўртасига хўрак сифатида ташлади. Глюкнинг “Ифигения”си ва Бетховеннинг “Еттинчи симфония”сига рақсга тушдим. Натижа аячли бўлди. Оқшом бўлишига қарамай, ҳаво жуда дим. Устига-устак кам сонли томошабин нимани кўрганини ҳам англамай, залдан норози қайфиятда чиқиб кетди. Танқидга учрадим ва ватанга қайтганим катта хато бўлганини англадим.

Бир куни кечкурун пардозхонамда ҳолсизланиб ўтирсам, америкалик машҳур ҳайкалтарош Жорж Грей Бернард кириб келди. Унинг санъатимга жўшқин муносабати Нью-Йоркка келганимдан бери бошдан кечирган бутун кўнглисизликларимни ювиб юборгандай бўлди. У мени қўллаб рақсман ва шоирлар билан таништирди. Жорж Грей Бернарднинг хаёлига “Рақс тушаётган Америка” номли ҳайкалимни яшаш фикри келди. Ўша пайтда бутун вужудим билан унинг мохир қўлларида лой бўлишга тайёр эдим. Севимли шоирим Уолт Уитмен эса “Мен қуйлаётган Америка”ни эшитяпман”, деди.

“Рақсга тушаётган Америка” ҳайкали ғояси жўшқинлик билан бошланди-ю, афсуски, охирига етмади. Бернарднинг хотини оғир бетоб бўлиб қолгани сабабли, унинг энг буюк асари учун андоза бўлиш менга насиб етмади.

Чарльз Фроман Бродвейдаги чиқишларим муваффақиятсиз бўлгани учун кичик-кичик шаҳарларга концертлар ташкиллаштира бошлади. Аммо ҳеч бирида натижа яхши бўлмади. Охир-оқибат сабрим тугади. Фроманнинг олдига бориб, уни жуда тушқун қайфиятда кўрдим. “Америка сизнинг санъатингизни тушунмайди, – деди у, – чунки у америкаликлардан анча олдинлаб кетган. Сиз Европага қайтганингиз яхши”.

Мен иккимиз имзолаган олти ойлик шартномани унинг кўз олдида йиртиб ташладим ва “Энди сиз мендан ҳам, ҳар қандай масъулиятдан ҳам озодсиз”, дедим. Ўшанда ўзимни шу қадар таҳқирланган ҳис этдимки!

Жорж Бернардининг маслахатларига кўра, санъатимни кадрламаса ҳам Нью-Йоркда қолишга қарор қилдим. Нафис санъатлар биносини ижарага олдим, гилам тўшаб, мовий пардалар билан безадим, шоирлар ва рассомлардан иборат хос доира қаршида раксга тушиб овуңдим.

Орадан кўп вақт ўтмай, улкан оркестрнинг дирижёри Вальтер Дамрош билан танишувим менга омад келтирди. Унинг кўмаги билан менинг санъатим Америка аҳлини забт этди. Дамрош менга “Метрополитен” операсида кетма-кет концертлар ташкил этди, биринчи кунданок театрда бирорта бўш жой қолмади. Чарльз Фроман буни эшитиб хайратда қолди.

Вальтер Дамрош бошқарувидаги саксон кишилиқ оркестр билан ижодий сафарлар уюштирдик. Бу сафарларнинг барчаси муваффақиятли ўтди.

Аммо ҳар сафар ракс тушганимда ўқувчи кизларимни, боламни эслаб маънос тортардим. Бу ерда қувончим бутун бўлмаса ҳам, санъаткор сифатида ўзимдан мамнун эдим.

Вашингтонга сафаримизда мени қутилмаган “бўрон” қутиб турган экан. Айрим ҳукумат одамлари раксимга кескин эътироз билдирдилар. Шундай вазиятда ҳаммани хайратга солиб, имтиёзли ложада президент Рузвельтнинг ўзи пайдо бўлди. Менимча, унга раксларим маъқул бўлди. Кейинчалиқ у дўстимга шундай мазмунда хат юборди: “Бу министрлар Айседоранинг раксларида нима ёмонлик кўряптилар? У менга боғда тонгги қуёш нурларида ракс тушаётган ва ўз хаёлотининг ажойиб гуллари узаётган бегуноҳ гўдакдек кўриняпти”.

Рузвельтнинг бу сўзлари газеталарда босилди ва менга тазйик ўтказмокчи бўлганларни қаттиқ уялтирди. Агар боламни ва мактабимни соғинмаганимда Американи ҳеч қачон тарк этмаган бўлардим. Дўстларим мени кемага кузатиб қўйишди. Шундай қилиб, яна Европага жўнаб кетдим.

\* \* \*

Парижда мени Елизавета кизалоғим ва йигирмата ўқувчим билан қутиб олди. Хурсандлигимдан ичимга сиғмасдим – ахир боламни роппароса олти ойдан бери кўрмаганим! Дердре мени кўриши билан йиғлаб юборди. Мен ҳам йиғлаб бағримга босдим. Кейин бошқа болаларим – ўқувчиларимни бирма-бир қучдим. Ҳаммаси қатта бўлиб қолишганди.

Люнье Поэ Париждаги чиқишларимни уюштиришни ўз зиммасига олди. Элеонора Дузе, Сюзанн Депре ва Ибсен Парижга концертимни кўриш учун келдилар. Люнье Поэ Гётенинг Лирик театрини ижарага олиб, Колонн оркестрини жалб қилди. Натижада Парижни ҳам забт этдик.

Бир куни эрталабки спектакль олдидан қаттиқ кўркиб кетдим: қизим йўталиб, бўғила бошлади. Тезда такси тутиб, шифокорга югурдим. Шифокор жиддий нарса йўқлигини айтди. Мен боламни жуда яхши кўрардим, агар унга бирор нарса бўлса, чидолмаслимни билардим. Оналик туйғуси шундай қучли, шундай шиддатли экан! Дердре энди аллақачон юғуриб юрарди. У ниҳоятда чиройли эди, Эллен Террига қуийб қўйгандек ўхшарди. Бегона шаҳарда харажатларимиз қатта эди. Шу сабабли топган маблағимнинг кўп қисмини ишлатиб қўйдим.

Бир куни оксоч бир машҳур исмни айтиб, у мени сўраб келганини хабар қилди. Баланд бўйли, малла, жингалак соч, соқол ўстирган бир киши

кириб келди. У Лоэнгрин эди! У худди соқол ёпиштириб олган катта болага ўхшарди.

– Сиз мени билмайсиз, лекин мен сизнинг санъатингизга кўп бор тасанно айтганман, – деди у.

Мени ғалати туйғу камраб олди. Бу одамни аввал учратгандекман. Лекин қаерда? Эсладим, мен уни князь Полиньякнинг дафн маросимида кўрганман. Ҳозирги учрашувимиз эса ҳеч қандай тасодиф эмас, қисматнинг иши бўлиб туолди менга.

– Сизнинг санъатингиз ва мактаб ташкил этиш борасидаги жасоратингиз олдида таъзим қиламан. Мен сизга ёрдам беришни истайман. Мен нима қилишим мумкин? Ривьерадаги кичик виллада ўқувчиларингизга дарс ўтишни истайсизми? Нимаики харажатлар бўлса, ҳаммасини зиммаманга оламан, деди у.

Бир ҳафтадан кейин бутун оилам билан йўлга чиқдик. Лоэнгрин бизни вокзалда кутиб олди. У бизни денгиз бўйидаги гўзал виллага олиб борди, айвонга чиқиб, ўзининг оқ канотли яхтасини кўрсатди.

Болалар билан Болье вилласида жойлашдик, Лоэнгриннинг ўзи Ниццада янги меҳмонхонада турарди. У мени тез-тез тушликка таклиф қилиб турарди. Лоэнгрин карнавал муносабати билан кўпчиликни балга таклиф қилди. У ҳаммамизни бир хил кийинтирди. Мен у билан телбаларча раксга тушдим, бу хурсандчилик то мени телефонга чақиришмагунча давом этди. Телефонда эса виллада ўқувчиларимдан бири Эрикаданинг тоби қочганини хабар қилишди. Лоэнгрин телефон орқали шифокор чақирди. Иккаламиз телефон будкаси ичида хавотир ила турар эканмиз, беихтиёр лабларимиз бир-бирига қовушди. Кейин Лоэнгриннинг машинасига ўтириб, шифокорни олиб, Болье сари елдик. Кичкина Эрика бўғилар, юзи қорайиб кетганди. Доктор болани қутқариб қолди. Мен эса кўз ёшларим билан юзимдаги бўёқларни ювдим. Биз яна балга қайтиб бордик. Ўша кеча Лоэнгрин мен билан қолди. Унинг сахийлиги, болаларга жонқуярлиги муҳаббатимни қозонди.

Эртаси куни тонгда Лоэнгрин, мен ва қизалоғим Италияга қараб сузиб кетдик.

\* \* \*

Пулдор одамлар ҳамиша ўзларини бахтли ҳис қилишига ишонмайман. Лоэнгрин бадавлат, сахий киши бўлса ҳам, у бошқа дунёнинг, мен бошқа оламнинг вакили эдим. У менинг идеалларим билан ўзининг қарашлари орасида улкан номуносивлик борлигини тушуна бошлади. Бир куни унга Уольт Уитменнинг “Катта йўл қўшиғи”ни ўқиб бердим. Лоэнгриннинг чиройли юзи ғазабдан қийшайиб кетганди.

У орзу деганда ўзининг ўн иккита заводини кўз олдига келтирарди. Мен моҳиятан бир-биримиздан узоқ одамлар эканимизни билсам-да, у билан ҳаётимни боғладим. Чунки, у менга мактаб яратишимга ёрдам беради, деган умид билан овунардим.

Биз Помпейда бўлдик, Пестум ибодатгоҳида ой ёруғида унга ракс тушиб бердим. Ёмғир томчилай бошлади, биз яхтага ўтириб Неаполга жўнадик.

Лоэнгрин Урта ер денгизи бўйлаб сузишни давом эттиришимизни истади, лекин бирдан россиялик импресарио билан шартнома имзолаганим эсимга тушиб қолди. Биз Парижга қайтдик. Мени Россияга элтар поездга

кузатиб қўйди. Россиядаги сафарим аввалгиларидан муваффақиятлироқ кечди. Аммо ғалати бир воқеа бўлди. Кутилмаганда Крэг пайдо бўлди. Станиславскийнинг Бадиий театрида “Ҳамлет”ни қўйиш учун келган экан. Уни кўриб, бутун меҳрининг кучини қайта ҳис этдим, агар котибам келиб қолмаганида, ўзимни унинг бағрига отишдан тиёлмаган бўлардим. Тушлик вақтида Крэг мендан у билан қолиш-қолмаслигимни сўради. Нима деб жавоб беришимни билмасдим. У ҳеч кимга билдирмай, аччиқ устида Россиядан кетиб қолди. Станиславский унинг бу қилигидан қаттиқ ғазабланди. Мен энди истасам ҳам Крэг билан қололмас эдим.

Парижга қайтдим. Лоэнгрин кутиб олди. У мени Парижнинг энг яхши ресторанларига олиб борарди. Бош официантдан тортиб, ошпазларгача унинг кўнглини топишга ҳаракат қилардилар, Лоэнгрин ҳам худди қирол каби уларнинг пойига пул сочарди. Мен унинг ҳимматига ишониб, чиройли ва қиммат қўйлақлар кийиш завқига берилдим.

Лекин Лоэнгрин билан эрталабки сайрлар вақтида унинг юзидаги фожиона ифодани кўриб кўрқиб кетардим. Нимадан хафалигини сўраганимда у шундай жавоб берарди:

– Онамнинг тобутдаги юзи кўз олдимдан кетмайди. Ҳамма нарса ўлим билан тугар экан, яшашдан нима маъно бор?

Унинг мисолида бойлик ва ҳашамат бахт бермаслигини тушундим. Бу ҳаётда камбағалларга нисбатан бойларга қийин.

\*\*\*

Менинг санъатим – бу маънавий чегара. Менинг ҳаётим фақат икки оҳангдан иборат: муҳаббат ва санъат. Улар аслида бир-бирига зид кучлардир. Муҳаббат санъатни ҳалок қилади, санъатнинг амирона чакириғи эса муҳаббатга фожиавий яқун ясайди. Муҳаббат ва санъат ҳеч қачон бир-бири билан келиша олмайди. Улар ҳамиша курашади. Бу кураш мени бекарор ва тушқун аҳволга солиб қўйганида шифокор дўстимнинг олдига – Миланга йўл олдим.

– Сиз ноёб аёлсиз, дунёни санъатингиздан маҳрум қилишингиз имконсиз. Маслаҳатимга кулоқ тутинг ва инсониятга қарши бундай жиноятдан воз кечинг, деди у.

Мен Лоэнгриндан хомилалор эдим. Мен ўзимнинг санъат учун яралган жисмимга путур етишини истамасам-да, туғилажак ўғлимнинг юзини кўришни кўрқув билан кутардим. Дўстимдан ўйлаб кўришга бир соат беришини сўрадим. Кўп иккиландим, у билан тортишдим. У мендан аччиқланди ҳам.

Мен унга фарзандимни дунёга келтиришга қарор қилганимни айтиб, Венецияга қайтдим. Дердрени кучиб, унинг қулоғига шивирладим:

– Яқинда сенга ука олиб келаман.

Дердре қувончдан чапак чалди.

– Қандай яхши, қандай яхши!

– Ҳа, бу жуда ажойиб, тўғрими?

Лоэнгринга янгиликни телеграф орқали етказдим, у Венецияга ўқдай учиб келди. Унинг кўзлари муҳаббат ва қувончга тўла эди.

Вальтер Дамрош билан имзолаган иккинчи шартномамга мувофиқ октябрь ойида Америкага кетдим. Лоэнгрин ҳам мен билан кетди. У мени жуда эҳтиёт қиларди. Миллионер қайлигим билан саёҳатим жуда энгил

кечди: ҳашаматли меҳмонхонада тўкин-сочинликда, сертакаллуф хизматкорлар куршовида яшадим.

Концертларнинг бирида пардозхонамга бир хоним асабийлик билан киб келди ва “Дункан хоним, сиз ҳомиладор ҳолингизда раксга тушмаганингиз маъқул. Ахир бу биринчи қатордагиларга кўриниб турибди”, деди.

– Азизам, – эътироз билдирдим мен, – муҳаббат – аёл, ҳомиладорлик – баҳор. Мен рақсларимда айнан шуни ифодалашни истаганман. Боттичеллининг суратидаги унумдор ер – она бўлишга яқин ракс тушаётган уч гўзал... Мадонна... Ҳамма нарса янги ҳаётни ваъда қилиб шивирлайди. Менинг рақсим нимани англатишини тушунгандирсиз?

Хоним менга истехзоли каради-ю индамай чиқиб кетди. Америкада узоқ қолмадик. Менинг ой-қуним яқинлашаётгани боис, Европага қайтишни маъқул кўрдик.

\* \* \*

Мактаб ишларини опам Елизаветага қолдириб, Лоэнгрин билан қишни Нил бўйида ўтказдик. Эртақмонанд бу кунларда Лоэнгрин руҳиятидаги “неврастения махлуки” камдан-кам пайдо бўларди. Дердре Фиванинг қадимги кўчаларида югуриб юрарди. У Сфинксни кўриб: “Ойижон, бу кўғирчоқ унча чиройли эмас, лекин жуда ҳам баҳайбат экан!” – деди.

Биз фиръавнлар хилхонасини кўрдик, кўз олдимиздан сахро карвонлари ўтиб кетди, қумли шамоллар ҳар ёнга эсди. Миср биз учун тушлар мамлақати, бечора фаллоҳлар учун меҳнат мамлақати эди, лекин меҳнат билан гўзаллик яратиш мумкинлигини биладиган мамлакат.

Биз Францияга қайтдик. Лоэнгрин Больеда денгизга тушиб борадиган, айвонли виллани ижарага олди. У жудаям ҳаракатчан эди. Бир кун Ферратда бўлса, бошқа куни Парижга югурарди. Мен эса ҳаётни санъатдан ажратиб турувчи чуқур жарлик ҳақида ўйлар, аёл киши ҳақиқий санъаткор бўла оладими-йўқми, деган саволга жавоб излаб ёлғиз қолардим. Ахир санъатга ҳамма нарсангни беришинг керак. Нима бўлгандаям, мен айни дамда иккинчи бор санъатимдан узилган эдим. Биринчи май тонгида ўғлим туғилди. Бу сафар доктор Боссон оғрикни морфий билан енгиллаштирди. Дердре ёнимга илк опалик меҳри билан кирди.

– Қандай ёқимтой бола, ойи, – деди у хурсандлик билан. – Унга доим ўзим қарайман.

Парижга қайтганимизда Лоэнгрин мендан ўғлимиз шарафига берилажак зиёфат режасини тузишимни айтди. Менимча, бой одамлар ўзини қандай хурсанд қилишни билмайди. Уларнинг зиёфат уюштириши камбағал одамларникидан фарқ қилмайди. Пул етарли экан, меҳмонларни ўзгача меҳмон қилишнинг имкони бор. Ҳайратомуз байрам ташкил қилиш керак! Биз очик майдонда зиёфат уюштирдик. Парижнинг барча зодагонлари ва санъаткорлари келди.

Лекин энг қизиғи, тантананда Лоэнгрин иштирок этмади. Базм бошланишидан бир соатча олдин ундан телеграмма олдим – у қутилмаган тан жароҳати олганмиш, шунинг учун зиёфатда қатнашолмасмиш. Мен бой одамнинг бахт излашини худди Сизифнинг дўзахдан харсангни тоққа олиб чиқишидек қийин деб биламан.

Лоэнгрин никоҳга нисбатан қарашим салбийлигини билса-да, ўша ёзда мен билан никоҳдан ўтмоқчи бўлди.

– Санъаткор учун турмуш қуришдан ортиқ аҳмоқлик йўқ, — дедим мен, — Мен ҳаётимни дунё бўйлаб сафарларда ўтказаман, сиз ўз умрингизни имтиёзли ложада ўтириб, мени томоша қилиб ўтказолмайсиз-ку!

У мени санъатдан воз кечиб, уйда, яхтада унинг бор мулкига бека бўлиб ўтиришимни хошлаётганди.

Мен тушқунликка тушиб қолгандим. Колоннга “Ёзни Англияда ўтказаман, ишлашим керак, созанда юборинг”, деб телеграмма юбордим. Колонн оркестридан энг яхши скрипкачини жўнатибди. Ғалати кўринишли бу одам нимагадир менга умуман ёқмади. Аммо скрипкачининг менга ихлоси баланд эди. Мен Колоннга унинг ёқимсизлигидан қўп арз этардим. Бир куни Колонн бетоблиги туфайли “Тетэ Лирик”да дирижёрлик қилолмади, ўрнига ўша мусиқачини жўнатди. Мен жуда аччиқландим, агар у дирижёр бўлса, ракс тушишдан бош тортаман, дедим.

У пардозхонамга кириб “Айседора, мен сизни яхши кўраман, ҳеч бўлмаса бир марта дирижёрлик қилишимга рухсат беринг”, деб зорланди. Мен унга совук қарадим.

Лоэнгрин олдида шифокор билан ҳамшира бор эди, улар мен ўзимни қандай тутишим кераклигини каттиқ тайинлашар эди. Лоэнгринни ҳар қанака сабаблар билан безовта қилишим тақиқланди. У гуруч, макарон ва сув билан парҳез тутиб, хонасида камалиб ўтирарди. Шифокор тинимсиз унинг ёнига кириб турарди. Лоэнгриннинг касалидан юрагим сиқилиб кетди. Шунинг учун ёмон кўрсам-да, ўша созанда билан ишлай бошладим. Уни шундай таҳқирлар эдимки, хатто мусикани парда ортида туриб чалишга мажбурладим. Лекин бир кун келиб, уни эҳтирос ила севиб қоламан деб ўйламагандим. Унинг даҳолик яширинган кўзларини ногаҳон кўриб, буюк инсон эканини тушундим. Мен уни ўзимдан узокка кетишини истамайдиган бўлиб қолдим. Нафратдан ҳам муҳаббат туғилиши мумкин экан.

Лоэнгриннинг аҳволи яхши эмасди. Ўлими яқиндек туюлган бир одамнинг оромини сақлаб қолиш учун туйғумизни қурбон қилдик.

Кўзда Америкага кетдим. Ўз ҳаётимни энди санъатга бағишлайман, деб қарор қилдим. Бу сафар давомида Америкадан ҳам мактабга асос солиш учун ёрдам сўраб кўрдим. “Метрополитен” саҳнасида ниятимни оммага айтдим.

– Оддий театр қуринг. Уни ортиқча безаш шартмас. Чинакам санъат инсон руҳиятида юзага келади ва ташқи безакларга эҳтиёж сезмайди. Бизнинг мактабимизда костюмлар ҳам, безаклар ҳам йўқ. Фақатгина илҳомланган инсон руҳидан таралаётган гўзаллик бор. Мен санъатим билан сизларга фақат шуни ўргата оламан. Сиз ложалар эгаларининг бўйинларингизни безаб турган марварид шодасидан саҳнада қўл ушлашиб ракс тушаётган болалар гўзалроқдир. Бу менинг марваридларим! Имкон ва кучларни болаларга беринг. Санъатни унга эҳтиёжи борларга беринг.

Шу сўзларимни матбуотчилар “Айседора бойларни ҳақоратламоқда” деб пуфлаб, бутун бошли жанжалга айлантирдилар.

\* \* \*

Парижга қайтган кунимни ҳеч қачон унутмайман. Болаларимни сафарга кетишдан аввал Версалда, мураббия қўлида қолдирган эдим. Кетаётганимда ўғлим Патрик бешиқда эди. Эшикни очишим билан олтин сочли болакай қаршимга югуриб чикди.

1908 йилда Нельда Жервексининг бутхонага ўхшаш ательесини сотиб олди ва болалар билан ўша ерга кўчиб ўтди. Ательеда кун бўйи сергайрат пианиночи дўстим Генер Скин билан ишлардим. Бу ательеда Лоэнгрин тушлик ва баллар уюштиришни яхши кўрарди. Париждаги таникли кишилар, санъаткорлар меҳмонимиз бўларди. Бир куни кечкурун бизникига Габриэль д'Аннунциони олиб келишларини айтишди. Мен хурмат қилган Элеанора Дузегга нисбатан аҳмокона ишқий ўйинлари туфайли уни кўришни истамасдим. Лекин қарши бўлишимга қарамай, д'Аннунциони уйимга олиб келишди. Аввал юзма-юз кўришмаган бўлсак-да, чехрасидан нур ёғилиб турган бу одамни нега дунёнинг машҳур аёллари дарров севиб қолишларини пайкадим. Чиндан ҳам у ёқимтой ва истеъдодли, шу билан бирга жуда хушомадга уста эркак эди. Д'Аннунцио мени ҳам ўзига ром этишга уринди. Аммо бу мен учун шараф эмасди. Мен Дузегга бўлган эҳтиромим учун унга бепарво қарар, унинг хушомадлари ўтмаган ягона аёл бўлишни истардим. Бу ҳам бир қаҳрамонлик кутқуси эди.

Д'Аннунцио ҳар куни эрталаб гул билан шеър битилган варақа юборарди. Гулини олардиму, барибир, аҳдимида катъий турардим. Кечалари келиб кўнглимни овлашга бир неча бор уринди. Аммо мен бир дақиқа ҳам хиссиётга берилмадим. Баъзан у мендан сўрарди:

- Нима учун мени сева олмайсан?
- Элеанора туфайли.

Жавобим унга нимани англатарди, билмайман.

Боғимиздаги одатий зиёфатларнинг бири кутилмаган кўнгилизлик билан туғади. Меҳмонлар орасида эски дўстларимдан ёзувчи Анри Батайль ва унинг машҳур шарҳловчиси Берта Бади бор эди. Аввал айтганимдек, бизнинг ателье бутхонага ўхшарди. Қора баркут пардалар девордаги олтин ойналарда акс этар, қора гилам ва шарқ матоларидан тикилган ёстикли диванлар билан жиҳозланганди. Ойналар тақа-тақ берк, эшиклариди худди этрусқ кабрларини эслатувчи ғалати тирқишлар бор эди. Пуарэ безатган бу хоналар ҳам чиройли, ҳам хавфга тўла эди. Лоэнгрин уюштирадиган барча базмларда ўткир ичимликлар арик бўлиб оқарди. Ўша оқшомда ҳам керагидан ортиқ шампан ичилди. Тунги соат иккиларда Анри Батайль билан диванда ёнма-ён ўтирардик. Менга доим акалардек муносабатда бўлган ёзувчи шу дамда бошқача сўзларни гапирар, эҳтиросли ҳаракатлар қиларди. Шу пайт каердандир Лоэнгрин пайдо бўлди-ю, мени у билан кўриб, меҳмонлар олдида тўхтовсиз ҳақоратлай бошлади.

Сархуш меҳмонларнинг кайфияти ўзгариб кетди.

– “Изольданинг ўлими”ни чалинг, тезрок! Бўлмаса, оқшом расво бўлади! – буюрдим Герен Скинга. Кийимимни тезда алмаштириб саҳнага чиқдим. Лекин муқаррар фожиани тўхтатолмадим. Лоэнгрин Анри Батайль билан орамизда ҳеч нарса содир бўлмаганига ишонмади. У мен билан қайтиб кўришмасликка қасам ичди. Ёлворишларим беҳуда кетди, бўлган воқеадан хижолатда қолган Анри Батайль ҳам Лоэнгринга бир неча бор хат ёзишга-гача борди. Ҳаммаси беҳуда. Лоэнгринни яна бир бор гаплашиб олишни талаб қилиб қўймади. У мен билан фақат кўчада кўришишга рози бўлди. Машинада мени узок ҳақоратлади ва бирдангача машинани тўхтатиб, итариб тушириб юборди. Қоронғи кўчаларда аянчи аҳволда узок тентирадим. Ўткинчилар менга кўз қисишар, ҳар хил бўлмағур пичинглар қилиб, гап отишарди. Мен учун ўша пайтларда дунё дўзахга айланганди.

Икки кун ўтиб Лознгриннинг Мисрга жўнаб кетганини эшитдим. Ўша кунларда менинг ягона юпатувчим мусикачи Герен Скин эди. У менинг санъатимга жуда ихлос қўйган, софдил инсон эди.

1913 йилнинг январида биз у билан Россия бўйлаб сафар килдик. Бу сафар чоғида ғалати воқеа юз берди. Эрталаб Киевга етиб келгач, меҳмонхонага бориш учун чана ёлладик. Уйкусираган ҳолимда йўлнинг икки томонида кўтариб кетилаётган қатор тобутларни кўрдим, улар болаларники эди. Скиннинг қўлидан тутдим.

– Қаранг, болаларни дафн қилгани олиб кетишяпти!

– У ерда ҳеч нарса йўқ. Йўлнинг икки четида қор уюмларидан бошқа нарса йўқ. Қандай ғалати алахсираш. Сиз чарчагансиз.

Ўша куниёқ асабларимни тинчлантириш учун рус ҳаммомига жўнадим. Тахта устида ётардим, ҳаммомчи аёл чиқиб кетгач, иссиқдан бошим айланиб, мрамар полга йиқилдим. Мени беҳуш ҳолда меҳмонхонага олиб келиб, шифокор чақиришди.

– Иситмангиз баланд, сиз бугун рақсга тушолмайсиз...

– Лекин мен одамларни алдашни ёмон қўраман!

Қайсарлик қилиб, барибир саҳнага чиқдим. Дастур Шопен асарларидан ташкил топган эди. Дастур охишлаётганида Скинга “Шопеннинг “Дафн марши”ни чалинг”, дедим.

Мен бу куйга ҳали умуман рақсга тушиб кўрмаганман. Скин ҳайрон бўлди. Қайсарлик билан унга маршни чалдирдим ва рақсимда ишончсиз, охиста кадамлар билан қазо қилган яқинини сўнгги манзилга кузатиб бораётган аёлнинг ҳолатини тасвирладим. Мен кабрга жасақларнинг туширилишини, руҳнинг ўз зиндони – танадан айрилиши ва унинг юксакда нурга айланиб, қайта тирилишини кўрсатишга интилдим.

Рақс тугагач, зални ғалати жимлик босди. Мен Скинга қарадим. Унинг юзи мурда каби рангсиз, қўлларимни қисган қўллари муздек эди.

– Бошқа ҳеч қачон мени бу куйни чалишга мажбур қилманг, ажал қаноти билан менга нақ тегиб ўтгандек бўлди. Ҳатто дафн гулларининг исини туйдим ва болаларнинг тобутларини кўрдим, деди у.

Иккимиз ҳам ларзага тушган ва асабий эдик, бу окшом қандайдир руҳ бўлиши муқаррар ҳодисани бизга олдиндан сездиргандек туюлди.

\* \* \*

Россияга сафарим чоғида болаларим Елизаветаникида эди. Берлинга борганимда улар ёнимга келишди. Ўғлимдан ҳам, кизимдан ҳам соғломлик уфуриб тургани, шўх-шодонликларини кўриб кўнглим ёришди. Биз Парижга, Нельдаги катта уйимизга бирга қайтдик. Болаларимда ҳам рақсга мойиллик борлигини кўрардим. Кўпинча болохонада туриб, ўзича ҳаракатлар топиб, рақсга тушаётган Дердрени кузатардим. У ўзи тўқиган шеърларига рақсга тушарди. Катта ҳаворанг парда олдида туриб, “Мен ҳозир қушман, булутлар сари учяпман” ёки “Ҳозир мен қушга қараётган ва у ёқдан бу ёққа тебранаётган гулман”, дерди. Унинг майин овози ҳозиргидай қулоқларим остида жаранглаб туради. У мен тасаввур қилган санъатни давом эттиради, деб орзу қилардим. Патрик ҳам ўзи тўқиган аллақандай куйларга ўйинга тушарди, лекин ҳеч қачон унга ўргатишларига йўл қўймасди. “Йўқ”, дерди у тантанали оҳангда, – Патрик фақат ўзининг куйига рақсга тушади!”

Мен бахтли эдим, болаларимдан бир зум ҳам айрилгим келмасди. Иккаласи ҳам мусиқани ўлгудай яхши кўрар, мен репетиция қилаётганимда ательеда қолишни илтимос қилишарди ва жиддийлик билан менинг ҳаракатларимни кузатишарди.

Март ойи эди. “Трокадеро”да Шопеннинг “Дафн марши”ни яна бир бор Скин жўрлигида ижро этдим ва яна танамда ўлимнинг совуқ нафасини акс эттирдим. Ўртадаги ложада ўтирган Дердре раксимдан таъсирланиб йиғлаб юборди ва: “Нимага ойим бунча қайғули?” – дея чинқирди.

Инсоннинг рухий ҳолати реал воқеликда ўз аксини топади. Мени қандайдир машъум хатар кутаётгандек туюларди. Кўпинча кечалари кўркүвдан сапчиб уйғониб кетардим. Кечалари чирокни ёқиб кўядиган бўлдим. Бир сафар ярим кечада каравотим тўғрисидаги хочдан бир қора шарпа ажралиб чиқиб, оёқларимга яқинлашди. Дахшатдан қотиб қолдим, кейин югуриб бориб чирокни ёқдим. Шарпа йўқолди. Бунақа алаҳсираш менда вақт-вақти билан такрорлана бошлади. Шифокорим: “Сизда асаб зўриқиши бор, бир неча кунга қишлоққа кетишингизга тўғри келади”, деди. Олдинда турган ижодий шартномалар туфайли буни рад этдим. Спектаклларим муваффақиятли ўтди. Бир неча ой олдин Мисрга кетган Лоэнгрин кутилмаганда пардозхонамга кириб келди. У чиқишимдан жуда таъсирланганга ўхшарди. “Елисей далалари” меҳмонхонасида яшаётган акам Августин билан учрашмоқчи эдик. У ҳам биз билан бирга бормоқчи бўлди. Кеч кирди, биз дастурхон бошида уни кута бошладик, аммо у келмади. Мен унга ўғлини кўрсатмоқчи эдим. Уч соат ўтди, охири ҳафсалам пир бўлди. Уйимга келиб қотиб қоладим. Тонгда болалар, одатдагидай, каравотим устида сакраб мени уйғотишди. Кейин нонушта қилдик. Патрик жуда шўх эди, стулларни тескари тўнкариб- йикитиб хурсанд бўларди.

Шундан сўнг ғалати ҳолат бўлди. Шу орада менга кимдир юборган Варбей Дорвиль асарлари жилдини олиб келишди. Китобни стол устидан олиб, энди Патрика шовқин қилгани учун танбеҳ бермоқчи бўлганимда, беихтиёр китобда ёзилган сўзларга кўзим тушиб қолди: “Сен, муносиб фарзандларнинг гўзал онаси, сен билан Олимп ҳақида гаплашишганида кулдинг. Сен кўкрагингни қалқон қилиб ҳам тўсиб қололмайдиган Худоларнинг жазо ўқлари сенинг севиқли болаларинг бошига тегди...”

Бирданига юрагимни кўрқув босди. Китобни ёпдим ва кучоғимни очиб болаларни чақирдим. Дердре ва Патрик пинжимга тикилганда кўзларимдан ёш оқиб кетди. Мен бу ғалати ҳолатни ҳар сафар эскер эканман, бир жиҳатдан бўлиши мумкин бўлган бахтсизлик менга олдиндан ишора қилинганидан ҳайрон қолсам, иккинчи тарафдан буни ҳис эта туриб, эҳтиётсизлик қилганимга ўзимни айблар эдим.

Баҳорнинг бошқа бир тонгида болаларимга қўшилиб каравот устида сакраб раксга туша бошладим. Учаламизнинг қувноклигимизни кўриб мураббия ҳам қуларди. Шу пайт телефон жириглади. Лоэнгрин мендан кўришишни, болаларни ҳам ўзим билан олиб боришимни илтимос қилди. Эҳтимол, шу баҳона у билан ярашарман, деб ўйладим.

– Болалар, биласизларми, бугун қаёққа борамиз?

Мураббия “Бекам, ёмғир ёғади, шекилли. Улар уйда қолгани яхши эмасми?” деди. Мен унга кулоқ солмадим, бунинг учун умрим бўйи афсус чекаман.

Ҳаммаси мен кутгандай бўлиб чиқди. Лоэнгрин болаларни кўрганидан боши осмонда эди. Биз итальян ресторанида хуш кайфият билан

овқатландик. Лоэнгрин болаларни қизиқчилар салонига олиб бормоқчи бўлди. Лекин менинг репетициям бор эди, шунинг учун болалар ва мураббия билан Нельга қайтдим. Ательега киришдан аввал “болалар билан мени репетициядан чиқишимни кутиб турасизларми?” деб оксочдан сўрадим:

– Йўқ, бекам, – эътироз билдирди у, – Яхшиси қайтиш керак, кичкинтойлар чарчади.

Мен болаларни ўпдим ва тез қайтишга ваъда бердим. Кетиш олдидан автомобиль ойнасига Дердренинг кичкина лаблари ёпишди, мен ҳам энгашиб ойна ортидан уни ўпдим.

Мен ательега кирдим. Репетицияга ҳали бироз эрта эди. Озгина дам олиш учун кушеткага чўзилдим. Санъат, омад, бойлик, муҳаббат ва асосийси, ажойиб болаларим борлигини ўйлаб, ўзимни биз лаҳза бахтли ҳис этдим.

Шу пайт одамга хос бўлмаган ғалати кичкирик эшитилди. Ўрнимдан сакраб туриб, эшикда Лоэнгринни кўрдим. У маст каби чайқалиб турарди. У титраб-қакшаб йиғлаб юборди:

– Болалар... болалар... ҳалок бўлишди!

Эсимда, шу онда мени ғалати хотиржамлик эгаллаганди, нима бўлаётганини тушунолмасам ҳам, негадир уни юпатмоқчи бўлар, келтирган хабарининг ёлғонлигига ишонтирмоқчи бўлардим. Кейин атрофимда одамлар кўпайгандан-кўпайди. Бир одам ўзини шифокор деб таништирди ва уларни кутқаришини айтди. Унга ишондим, лекин улар мени акдан озишимдан кўркиб алдашганди. Атрофимдагилар йиғлаётган бўлса ҳам, менинг кўзларим куп-курук эди, негадир ҳаммани юпатгим келарди. Ўлим йўқ, муздек жонсиз қўлчалар менинг болаларимники эмасдек туюларди. Она фақат икки ҳолда – бола туғилганда ва ўлганидагина ўз фарёдини ўзи эшитиши мумкин. Биринчиси – олий шодлик кичкириғи, иккинчиси – ғам ҳайкириғини! Болаларимнинг совуқ қўлчаларини қўлимга олганимда уларни тукқан пайтимдаги ўша фарёдимни яна эшитдим...

\*\*\*

### НОШИРЛАРДАН\*

Ҳафсаласи пир бўлган, қариб, ёлғизланиб бораётган аёл 1914 йилда италиялик хайкалтарош Романо Романеллидан яна бир ўғил кўради. Аммо у ҳам гўдаклигидаёқ вафот этади. Бу фожиалардан кейин Айседоранинг санъатдан бошқа таскини қолмайди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг у Совет иттифоқига таклиф этилади. Унга бу ерда санъатнинг шу пайтгача кўринмаган шакллари яратиш имкон бордек туюлади. У тезда қарор қабул қилиб, Россияга кўчиб келади. Бу сафар уни бошқа манзара қарши олади. Вокзаллар қизил байроқлар билан безатилган, кўчалар ишчилар оммаси билан тўла. Совет ҳукумати Айседора Дунканга Пречистенкадаги Балашов саройини тақдим этди. Бу саройнинг жиҳозлари олтин ёғду сочар, қишки боғда эса пальма ва кактуслар гуллаб ётарди.

\* Айседора Дункан ўз мемуарини тугатмасдан вафот этган. Фожиали ўлим унга ҳаётининг сўнгги даврини ҳикоя қилувчи қисмини ёзиш имконини бермади. Шу қўшимча бобни Дункан ҳаётининг сўнгги йилларига бағишлаймиз. И.Шнейдер (1891 – 1980) рус театр арбоби, журналист. У 1921-24-йилларда А.Дунканнинг Россиядаги гастролларига котиблик қилган. 1922 йилдан 1946 йилгача А.Дункан номли ракс студияси ташкилотчи раҳбари бўлиб ишлаган. Тугалланмаган мазкур мемуарнинг сўнгги «Есенин билан учрашув» қисмини ёзган. Китоб илк бор 1965 йилда «Советская россия» нашриёти томонидан нашр этилган.

Айседора янги Москванинг хаёти билан таниша бошлайди, театрларга боради, инқилобий руҳдаги спектаклларни кўради.

Москвага келган биринчи кунлариданоқ янги санъат тарғиботчилари бўлган рассомлар, шоирлар ва мусикачилар жамоатига шўнғийди. У инқилобий санъат вакиллари тўпланадиган давраларда бўлади. “Энг янги” шоирларнинг шеърларини тинглайди ва аста-секин буларнинг баридан совий бошлайди. Интернационал мадҳиясига, пионер ва комсомоллар кўшиқларига раксга тушади. Лекин, бу кайфият узок давом этмайди. Кўз олдидаги ҳамма нарсанда бир хилликни кўради. Москва театрларининг заллари оддий одамлар билан тўла, уларга Дункан раксидан кўра, калта кийим кийган балерина Гельцер ракслари кизикарлироқ эди.

Кулоғига қалбаки овозлар ичида фақат битта товуш ўктам ва самимий бўлиб қиради. Бу Сергей Есениннинг овози эди. Айседора шоир билан Москва камер театри рассоми Якуловникидаги кечада учрашади. Айседора у ерга кечаси соат бирлар атрофида, инқилобий санъат ҳақидаги қизгин баҳс авжга чиққанда кириб боради. У залга кираркан, чарчоқ нигоҳ билан ўтирганларга бир-бир қараб чиқади. Бурчакда пастак диванда малла кўнгирок сочли, чиройли йигитни кўради. Оғир қадамлар билан у томонга йўналади. Бироз вақт ўтиб, Айседора унинг сочларини силаб ўтирганини кўришади. Бу манзарани кўрган Есениннинг якин дўсти, ёзувчи Мариенгоф ўзининг “Ёлғонсиз роман”ида ёзишича, ўша кеча Айседора Есенинни ўпади ва тонгги соат тўртларда иккаласи Якуловникидан кетадилар.

Есенин русча гапирарди. Айседора бу тилда фақат айрим сўзларнигина биларди, холос. Шунга қарамай, улар бир-бирларини сўзсиз тушуниб, якин бўлиб кетишади. Дунканнинг “Икорнома”сини ўқиганлар Айседора Есенин билан бу қадар тез дил топишганига ҳайрон бўлмайди.

Есенин билан учрашув Айседора хаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Есенин ҳар бир қадами ва ҳаракатида гўзаллиги сезилиб турган бу аёлга мўъжизага қарагандек қарарди. Дункан Есенинга биринчи марта раксга тушиб берганида, у ҳам бирдан ўрнидан сакраб туриб, оёғидан пойабзалини ечиб ташлаб, телбаларча ўйинга туша бошлайди. Айседора уни кўриб, “С’est la Russie! С’est la Russie!” (*Мана Россия! Мана шундай Россия!*) дея такрорлайди. Бу ракслар Есенин ва Айседора тақдирини боғлайди.

Неча-неча миллионерлару машҳур рассомларнинг никоҳ таклифларини рад этган Айседора Дункан Есенин билан никоҳдан ўтишга қарор қилади. Бироқ уларнинг бахти узок давом этмайди. Улар кўп жанжаллашишарди. Есенин кўп марта лаш-лушини йиғиштириб, Айседорадан қочиб кетади. Ҳар сафар қайтиб келиб, Айседорага этикларини отганида, у майин жилмайиб, русчада бир амаллаб “Сергей Александрович, мен сени яхши кўраман” деб айтарди...

Бора-бора Айседоранинг инсониятнинг озодлиги ва янги буюк санъат тантанаси ҳақидаги орзулари тўзғиб кетади. Мактаб яратиш орзуси ҳам амалга ошмади. Совет дунёси Айседора тасаввур килганидек бўлиб чиқмади, лекин у рус халқининг истеъдодини рад этмасди. Шундай маънавий ёлғизлик ва руҳий тушқунлик қабирида Есениннинг ҳиссиётлари қандай сўнаётганини ғамгин кузатарди. Унинг бошида борган сари “Ғарбга қайтиш керак” деган фикр айланарди. Европа уларни кутқарадигандай, Есенинни рус муҳитидан юлиб олиб кетса, ҳаммаси яхши бўладигандек туюлаверади. Ниҳоят, улар йўлга отланадилар. Иккаси ҳам Кенигсбергга

учадиган аэропланда ўзларини бахтиёр хис этишади. Берлинда яна ора-лариди тушунмовчилки, эски жанжаллар бошланади. Берлинга уларни кўргани келган Максим Горький ўз таассуротларини шундай ёзганди: “У минглаб гўзаллик шайдоларини ҳаяжонга солган машҳур аёл эди. Аёл ря-занлик кичкина жуссали ажойиб шоирга мутлақо керак бўлмаган нарса-нинг ифодасидек кўринарди... Есенин ва Дункан тизза ва тирсак билан туртишиб гаплашишарди... У рақсга тушганда, Есенин столда ўтирар, пешонасини артиб уни томоша қиларди... Чарчаган Айседора тиз чўкиб, шоирга севги билан табассум қилди. Есенин унинг елкасига қўлини қўйди, лекин юзини терс буриб олди... Кетаётганимизда Дункан бизни ўпиб қўйди. Есенин эса жазавали рашк саҳнасини ўйнай бошлади. Уни урди ва “Бегоналарни ўпма!” деб бақирди”.

Айседора моддий аҳволини яхшилаш учун Америкага гастролга бо-ришга қарор қилади, лекин у Есенинга турмушга чиққанида Америка фукаролигини йўқотганди. 1924 йилда кийинчилик билан виза олишга муваффақ бўлади. Ўз ватанида эса унга нисбатан душманона кайфиятга дуч келади.

Айседора иложсиз акаси ва дўстлари яшаётган Парижга қайтади. Есе-нин билан меҳмонхонада яшайди. Есенин кўп ичар, кечалари маст бўлиб келиб, қўлига нима тушса отиб, жанжал қилаверади. Меҳмонхонадагилар полиция чақиривади. Иш шундай яқунландики, Айседоранинг ўзи Есе-ниндан Россияга қайтиб кетишини сўрайди. Есенин кетади-ю, Бельгия чегарасидан яна қайтиб келади. Улар бирга Шарққа кетишади, Сибир бўйлаб саёҳат қилиб, Москвага қайтишади. Бу сафар Айседора Есенинни ватанида колдириб, ўзи Фарбга учиб кетади.

1925 йилнинг 28 декабрида Петербургдаги “Англия” меҳмонхонасида Есенин ўз томирларини кесгани ҳақидаги хабар Парижга, Айседорага етиб боради. У бирор нима дея олмайди. Жим яшайди.

Кўп ўтмай, Ниццага кўчиб ўтади ва сўнгги марта жамоат олдида чиқиш қилади. Окшомда Шубертнинг тугалланмаган симфониясига, “Худолар ҳалокати” мотам марши, “Изольданинг ўлими”га ўйнайди. Ниццада у сўнгги муҳаббати – ёш пианиночи Серовни учратганда, ҳаётга умиди уйғонади, роаги яна аввалгидек дуқиллаб уради. Лекин жуда кеч бўлган эди.

Бир куни америкалик кизлар иштирокидаги кечги овқат пайтида ким-дир кизлардан бирини ўпади. Серов бирдан ўрнидан сапчиб туради ва рашк исканжасида идишларни отиб чироқларни синдиради. Айседо-ра тушунадикки, Серов америкалик ўша кизни севади. У кизни етаклаб меҳмонхонага кириб кетади. Айседора уларнинг ортидан “У билан кет-санг ўзимни ўлдираман” деб кичқиради. Серов унга жавобан ошқора ку-лади... Айседора алам устида денгизга боради. Қўлларини кенг ёйиб сув-га тушиб, тобора чуқурроқ чўкиб бораверади. Уни тасодифан кирғокда кўриб қолган инглиз офицери кутқариб қолади.

1927 йилнинг 14 сентябрида Айседора қандайдир ички даъватга кулок тутиб, пойгачи машинага ўтиради. Узун рўмолининг бир учи автомо-билдан чиқиб, осилиб қолганини сезмай, уни бўйнига ўрайди. Машина юрганида қизил рўмолнинг учи орқа филдиракка ўралиб қолади. Айседо-ра бўғила-бўғила жон таслим қилади... Машина унинг жонсиз танасини узоқ олиб юради. Пойгачи эса қандай дахшатли фожиа содир бўлганини билмай, шамолдек олдинга еларди.

## ЎЗБЕК АНИМАЦИЯ САНЪАТИ

Анимацион фильмлар ёш томошабинлар орасида персонажларнинг кизикарли тасвири, жўшқинлиги, ранг-баранг кўринишга эга эканлиги билан машҳурдир. Буюк режиссёр С.Эйзенштейннинг фикрича, анимация санъати (мультипликация) нинг энг муҳим вазибаларидан бири – инсон тушунчаси, дунёда содир бўлаётган жараёнлар, табиат ҳодисаларининг анимизм феномени воситасида жонланишидир. Бундай фильмларни яратиш ниҳоятда мураккаб жараёни камраб олади. Машҳур кино назариётчиси И.Вайсфельд анимация санъати кинога қараганда, кўпроқ жиҳатларга эга эканлигини таъкидлайди. У томошабинга жисмоний ҳаракатнинг тасодифий жиҳатларини, аллегорик ва рамзий конструкциянинг муҳимлигини, мавҳум ва бирлаштирувчи фикрлар аҳамиятини аңлашга ёрдам беришини таъкидлайди.

Мультипликация санъати Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи ярмидан пайдо бўла бошлади. Кино ижодкорлар Ю.Петров ва Д.Салимов ўзбек мультипликациясининг дастлабки намоянадалари хисобланди. “Сахро осмонида” (1963), “Айлана” (1967), “Командирнинг қайтиши” (1968), “Тоғлар” (1972), “Бу кўрқинчли болалар автомашиналар пойгасида” (1974), “Шум бола” (1977) каби бадиий фильмлар режиссёри Д.Салимов безакчи рассом Ю.Петров билан ҳамкорлик мультипликацион фильм яратиш тажрибасини бошлаб беради. Ю.Петров мазкур санъат сирларини ўрганиш мақсадида 1936 йили Москвада ташкил этилган “Союз-мультифильм” студиясидан анимацион фильм яратишга доир қарийб 200 саҳифали йўриқнома келтиради. Уларни ўзлаштириш натижасида 1965 йил кўғирчок технологиясида “бхб квадратида” номли илк мультипликацион фильм яратадилар. Бу мультфильм кейинчалик қатор картиналарнинг яратилишига туртки бўлади.

Маълумки, мультфильмга мос адабий асар халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган афсона, ривоят ва дostonлар, эртақлар саралаб олинади. Ўзбек анимацион фильмлари асосан халқ эртақлари асосида пайдо бўлди. Жумладан, режиссёр ва рассом Мавзур Махмудовнинг буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonи асосида “Баҳром ва Дилором” (1996), “Фарход ва Ширин” (2010), “Ҳайрат ул аброр” дostonи асосида “Шер ила дуррож” (2010) мультфильмлари яратилди.

Кейинчалик жаҳон адабий асарларига ҳам мурожаат этиш аңбанаси бошланди. Истеъдодли режиссёр Қамара Камолова ўзбек мультиплика-

цион санъатида жаҳон адабиёти намуналари асосида бир қатор фильмлар яратилишга муваффақ бўлди. Унинг “Куёш ёғдуси” картинаси румин ёзувчиси Попеску ҳикояси асосида (сценарий муаллифи М.Ҳаким) яратилиб, унда-да ташки безаклар ва декорациялардан кўра персонажнинг ҳаракатларига, ғоявийлигига, персонаж психологиясини очишга кўпроқ эътибор қаратилган. Фильм расоми В.Гриднев декорацияни персонажлар характеридан келиб чиққан ҳолда ишлаган. Бу ҳақда киношунос М.Мирзамухамедова шундай ёзади: “Яроқсиз эскирган этик, синик патефон, қотиб қолган клей, ўйиб ташланган қоп-қоронғи ертўла ҳам оёғи синган раққосанинг кайфиятини ифодалайди”. Мультфильм бош қаҳрамони чиннидан ясалган раққоса бўлиб, у шу қадар жонлидек табиий ишланганки, рақслари томошабинга ҳақиқий раққоса ўйини каби таъсир этади ва эстетик завқ бағишлайди.

Режиссёр кейинчалик туркман халқ эртаги асосида “Кичкина деманг бизни” картинасини яратади. Кўғирчоқ технологиясида яратилган ушбу картинада мультипликация спецификасидан жуда ўринли фойдаланилади. Асарда сатирик персонажлар анча муваффақиятли чиқиб, уларнинг ташки кўринишини ҳақиқатдан ҳам муболаға дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам кадрда ижобий персонажлардан кўра салбий қаҳрамонлар таъсирчан ифодаланган.

Ўзбек мультипликацияси тараққиётида кўғирчоқ фильмлар билан бир қаторда чизма фильмлар ҳам яратилди. Улар орасида энг муваффақиятли фильмлардан бири режиссёр Н.Тўлахўжаев ва расоми С.Алибековнинг америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг ҳикояси асосида яратилган “Ёқимли ёмғир ёғади” (1984) фильмидир. Фильм мультипликацион усулда яратилган бўлса-да, мавзу жиҳатидан қатта ёшдаги томошабинлар учун мўлжалланган. Асарда санокли персонажлар иштирок этади. Фильмда келажак башорат қилиниб, ер юзида атом урушининг ҳавфи фалсафий кўринишда ҳикоя қилиб берилади. Ижодкорлар асар орқали инсон психологиясига чуқур кириб боришни кўзлайди ва мультфильм ғояси образлар ва тасвирий воситалар орқали ёритиб берилади.

Мазкур фильм Лейпциг халқаро кинофестивалида бош соврин “Олтин кабутар” ва Испаниянинг Бильбао шаҳрида ўтказилган кинофестивалда “Қумуш микельди” совринларига муносиб кўрилди. Фильм расоми С.Алибеков бугунги кунда Москва шаҳрида ижодини давом эттириб келмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмида бу санъат даргоҳига М.Маҳмудовнинг кириб келиши ўзбек мультипликациясининг мавзуси, тасвирий ифода услуби ва технологияларида ўзига хос бурилиш содир этди. У ўзбек мультипликацион фильмларига “перекладка” технологиясини олиб кирди. Мазкур технологияда асосида фильм яратиш учун англиялик ёзувчи Оскар Уайльднинг “Бахтли шахзода” номли ҳикоясини танлайди. Фильм икки қисмдан иборат бўлиб, унда инсоний туйғулар, персонажларнинг ҳаяжони, ўй-кечинмалари кучли талқин этилади. Мазкур мультфильм рус тилида талқин этилган бўлса-да, асар қаҳрамони умуминсоний характерда ифодаланган. Раҳмдил Ҳайкал ҳақидаги ушбу фильми учун режиссёр М.Маҳмудов Ўзбекистон кино арбоблари уюшмасининг Грифон мукофоти (1993) муносиб кўрилди.

Кейинчалик М.Махмудов рассом М.Қорабоев билан Г.Х.Андерсеннинг “Булбул” (1999) эртагини экранлаштирди. Ижодкор мазкур эртак асосида сценарий ёзиб, унинг сюжетини ўзбек томошабинига мослаштиради. Эртактаги Хитой императорининг саройида бўлиб ўтган воқеа фильмда Марказий Осиёда талқин этилади. Фильм сюжети подшоҳ саройида рўй бериб, персонажларнинг тасвирий кўриниши шарқ миниатюраси услубида тасвирланган. Рассом уларнинг либосларини сарой аёнларига хос кўринишда ёрқин колоритда ифода этган. Айниқса, фильм бош қаҳрамони ҳаққоний, жонли “булбул”нинг эмас, балки ясама, кўзни қамаштиргудек чиройли ўйинчоқ сохта “булбул” атрофида шоҳ ва унинг вазирлари маҳлиё бўлган вақтда кадрдаги тасвир ва ритм ўзаро мутаносибликда ёритиб берилган. Ушбу фильм 1999 йил Москвада ўтказилган болалар анимацион киноси Халқаро фестивалининг “Энг меҳрибон фильм” номинациясига сазовор бўлиб, бош соврин “Олтин балиқча” билан тақдирланди.

Жаҳон адабиёти намуналарини миллий мумтоз асарларимиз каби анимация экранда талқин этиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг тафаккур доирасини кенгайтишига ва дунёқарашини янада бойитишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда ўзбек мультипликация санъатида миллий анимацион фильмлар яратиш тенденцияси бошланиб, асосан, халқ эртаклари ва болалар адабиётининг миллий намуналарини экранлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Мультфильмлар ишлаб чиқарувчи хорижий йирик кинокомпанияларнинг ижодий тажрибасига эътибор қаратсак, уларнинг асосий муваффақият сири дунё болалар адабиётининг энг яхши намуналарига таянганлигидадир. Жаҳон адабиёти намуналари ва дунё халқлари эртакларидан унумли фойдаланиш миллий мультипликация соҳасини ҳар жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолаверади.

Нигора ХАЙДАРОВА,  
ЎзР ФА Санъатишунослик институти  
(PhD) таянч докторанти




## ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ТЕАТР

Озарбайжон театр санъати ҳақида сўз борганида, Шарқ мамлакатларига яхши таниш бўлган мусикали театр ҳаёлга келади. Бу бежиз эмас. Озарбайжон мусикий маданияти театр санъатининг тараққий этишига катта таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлганини эътироф этиш лозим. Бу миллат томоша санъати ҳам бошқа миллатлар театри каби анъанавий ҳаваскорлик ва профессионал шаклга ўтиш даврларини босиб ўтган. Бирок, шуниси эътиборга молики, озарбайжон профессионал театри тарихи нисбатан олисроқдан бошланади. Озарий зиёлиларининг театрчилик ҳаракатлари, мавжуд ҳаваскор жамоаларнинг профессионаллашув жараёни Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқларниқига нисбатан бироз эртароқ юзага келган.

Озарбайжон томоша санъатининг туб унсурлари халқ оғзаки ижоди, “Гизланпач”, “Кесалдигач”, “Келенек”, “Бенафше” халқ ўйинлари, “Нишан” (унаштириш), “Дуахгапма” (юз очди), “Той” (никоҳ тўйи) каби қадимий халқ маросимларида асосида шаклланган. Озарбайжон театр санъати, аввало, кўғирчоқ томошаларидан ўсиб чиққан. Масхарабозлар, раққослар, муаллиқчилар фаолиятида тақомил топиб боради. Театр томошаларининг дастлабки шакллари “Ялла” эркаклар жамоавий рақсида кўзга ташланади.



**Ташкил топган сана** – 1991 йил, 30 август  
**Майдони** – 86 600 км<sup>2</sup>  
**Аҳолиси** – 9 981 457 киши  
**Давлат тили** – озарбайжон  
**Пойтахти** – Боку шаҳри

“Коса-коса”, “Гаравелли”, “Шоҳ Салим”, “Қачал паҳлавон”, “Жайрон хоним”, “Марал ўйини”, “Қафтарқаш”, “Хон-хон”, “Топдик чўпон”, “Танбал қардош” каби халқ ўйинлари театрлашган томошаларнинг қадимги шакли ҳисобланади. Ўрта асрларда ислом эстетик қарашларини ифода этувчи ривоят, маддохлик, воизлик, қаландарлик каби шакллар вужудга келган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, миллий ёзма драматургия юзага келади. Мирзо Фаталий Охундов дастлабки ёзма шаклдаги комедиялари билан профессионал театр тамал тошини қўяди. М.Охундов, Ҳ.Зардобий, А.Ахвердиев, Ҳ.Вазиров, Ҳ.Гули, С.Ғанизода, Н.Наримонов, Ҳ.Махмудов каби маърифатлилар номи озарбайжон профессионал театрини оёкка қўйган намояндалар сифатида тилга олинади.

Биринчи озарбайжонча профессионал спектакль 1873 йил 10 март куни намоён этилган. Мазкур спектакль Ҳасанбек Меликов-Зардобий ҳамда унинг шогирди Наджофқулибек Вазиров томонидан сахналаштирилади. Мамлакатда ушбу сана “театр туғилган кун” сифатида ҳамон нишонланади. Мирзо Фаталий Охундовнинг “Ланкор хонлигининг Вазири”, “Қора Хожи”, “Мастали шоҳ” асарлари Бокуда театрчилик ҳаракатларини жалаллаштиради.

1881 йилда Шуша шаҳрида умумий мактаб, 1894 йилда хотин-қизлар бошланғич мактаби ва Ҳаррат Гулининг мусика мактаблари бирин-кетин очилиши маҳаллий зиёлилар катламининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Халқ орасида ёш хонандалар, томоша санъати ҳаваскорлари сони ортиб, театр труппаларига бирлашадилар. Шуша шаҳридаги мактабнинг рус-татар тили ўқитувчиси Ҳ.Вазировнинг “Уйланиш – сув ичиш эмас”, “Мисье Жордан, ботаник, дарвеш ва машхур афсунгар”, “Айик, қарқочлар устидан ғолиб” комедиялари ҳаваскор ёшлар томонидан сахнага олиб чиқилади.

XIX аср охирига келиб, мамлакатнинг Нух, Ганжа, Шемеха, Наҳичевон ва бошқа вилоятларида театр труппалари ташкил топади. Охундов драматургия мактабининг вакиллари Наждобек ва Ҳошимбек Вазировлар, Наримон Наримонов, Абдураимбек Окбердиев, Жалил Маматқулизода, Сулаймон Соли Охунов қабилар томонидан турфа спектакллар сахналаштирилади.

1897 йилда “Мусулмон драматик труппаси” номли биринчи профессионал театр жамоаси шаклланади. Мазкур профессионал театрда асосан маҳаллий драматурглар М.Ф.Охундов, А ва Ҳ.Вазиров, Н.Наримонов, А.Ахвердиев, Ж.Маматқулизодаларнинг асарлари сахналаштирилади. Н.Вазировнинг “Фахриддин тоғида”, “Ёмғир остида”, Ахверовнинг “Вайрон этилган ин”, “Бахтли йигит”, “Оға Муҳаммад шоҳ Кажар”, “Сехргар пари”, Н.Наримоновнинг “Нодонлик”, “Нодиршоҳ” асарлари шулар жумласидан. Кўп ўтмай, театр репертуари хорижий драматурглар асарлари билан бойиб боради. Европа классикларидан Шекспир, Шиллер, Мольер, рус адабиёти вакилларида Н.В.Гогол, И.Тургенев, Л.Толстой асарларига мурожаат қилина бошлайди. 1904 йилда илк бор У.Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини сахналаштиришга қўл урилади. Трагедияни Ҳ.Вазиров таржима қилади ва Отелло ролининг ҳам ўзи ижро этади.

XX аср бошларида мамлакатда бир нечта янги театрлар ташкил топади. Хусусан, 1920–1940-йиллар оралиғида Озарбайжон давлат театри,

Бирлашган давлат театри, Рус сатирик-ташвиқот театри, Максим Горкий номидаги Озарбайжон ёш томошабинлар театри, Боку турклари ишчи театри, Боку мусикали комедия театрлари юзага келади. 1923 йилда ташкил топган Боку театр мактабида актёрлар тайёрлаш амалиётининг бошланиши соҳадаги изланишлар самарадорлигини янада оширади.

Озарбайжонда театр мусика санъати билан уйғунликда ривожланади. Шарқ театр санъатининг ўзига хос шакли – мусикий театрнинг пайдо бўлишига замин яратади. 1897–1902-йиллар оралиғида Шуша ва Бокуда дастлабки йирик мусикали сахна асарлари пайдо бўлади.

1908 йилнинг 12 январь куни Бокуда биринчи миллий опера – “Лайли ва Мажнун” (У.Ҳожибеков) сахна юзини кўради. Айнан мана шу сана озарбайжон миллий профессионал мусикий театрнинг пардаси очилган кун сифатида эътироф этилади. Мусикали театр ўша йилларда сахналаштирилган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Шайх Санъон”, “Рустам ва Сухроб”, “Шоҳ Аббос ва Хуршида Бону” опералари, “Эр ва хотин”, “Ундай эмас, бундай”, “Аршин мол олон” сингари мусикий спектакллар билан ўзининг мустақкам ўрни ва киёфасига эга бўлади.

1920 йилда ҳозирги Озарбайжон давлат опера ва балет театри ташкил этилиб, фаолиятида миллий мусика ва Ғарб операси анъаналарини мужассамлаштиради. Турли йилларда Шарқ адабиётининг юксак намуналари бўлган Навоий, Фузилий асарлари ва халқ достонлари асосида “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ошиқ Ғариб”, “Шоҳ Исмоил” ҳамда “Демон”, “Евгений Онегин”, “Аида”, “Фауст”, “Кармен”, “Оққуш кўли”, “Жизель” каби йирик опера ва балетлар сахналаштирилади. Театр жамоаси мазкур спектакллар билан иттифоқ мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарлар уюштирадilar. Уларнинг спектакллари катта шов-шувларга сабаб бўлиб, бошқа халқларнинг театрчилик ҳаракатлари жадаллашувига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Сидқи Рухилло, Узеир Ҳожибеков, Қора Қораев, Зулфикор Ҳожибеков, Муслим Магомаев, Мирмахмуд Казимовский, Аббос Мирзо Шарифзода, Хусайн Араблинский, Муртазо Булбул, Хусайноға Ҳожибобобеков, Шавкат Мамедова, Фотима Мухторова, Агигат Рзаева сингари санъаткорлар ўз даврида озарбайжон мусикали театр санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган намояндалар ҳисобланади.

Бугунги кунда Озарбайжонда 26 та давлат театри мавжуд. Озарбайжон давлат санъат ва маданият институти барча санъат соҳалари бўйича мутахассис тайёрланадиган ягона олий ўқув маскани ҳисобланади. Мамлакатда театр санъатини ривожлантириш мақсадида қатор фестиваллар ташкил этилган бўлиб, “Сарҳадсиз театр”, “Музыка.Арт.Перфоманс”, “Мақом дунёси”, “Узеир Ҳожибеков”, “Қора Қораев” номли миллий ва халқаро микёсдаги театр ва мусика фестиваллари мунтазам ўтказиб келинади. Бугунги кун Озарбайжон театрлари ривожига Камрон Шоҳмардон, Александр Шаровский, Хусайн Алиев, Баҳром Усмонов каби таниқли режиссёрлар ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

*Омина АЗИЗОВА,  
ЎзРФА санъатшунослик институти  
(PhD) таянч докторанти*

Кавказ ортининг гўзал мамлакатларидан бири Озарбайжон кино санъати ўзига хос ривожланиш тарихига эга. 1998 йилда рус фотографи Александр Мишоновнинг “Биби Айбатдаги нефт фонтанининг ёниши”, “Болохонадаги нефт фонтани”, “Кавказча ракс” каби хужжатли сюжетлар асосида олинган дастлабки тасвирлари билан кино санъати кириб келади. Озарбайжонлик йирик киношунос Ойдин Козимзоданинг ёзишича, мазкур хужжатли тасвирлар 2 август куни халққа намоиш этилган бўлиб, ушбу санага “Миллий кино санъати туғилган кун” сифатида қаралади.

1915 йилда Бокуда кинопрокат контураси ташкил этилади. Дастлабки озарбайжонча овозсиз бадий фильмлар “Нефт салтанати ва миллионлар” (М.Мусабеков, 1915 й.), “Аршин мол-олон” (У.Ҳожибеков, 1916 й.) фильм-операси суратга олиниб, улкан тажриба йўли бошланади. 1922 йилга келиб, “Озарбайжонфильм” киностудияси, 1925 йилда Ш.Махмудбековнинг сазй-ҳаракатлари билан унинг таркибида миллий кино мутахассислар тайёрловчи ўқув студияси ташкил топади. Пудовкин, Шевченко, Чиаурели каби кино режиссёрлар, Гальперен, Фролов, Фельдман сингари тажрибали операторлар студияда ёшларга дарс беради. 20-йилларда Аббос Мирза Шарифзода, М.Микаилов, А.Кулиев ва Амбарсум Бек-Назаров каби режиссёрлар соҳага кириб келиб, “Бисмиллоҳ”, “Вулкон остидаги уй”, “Ҳожи Қора” каби бадий фильмлар суратга олинади.

Кино соҳасининг ажралмас тармоғи – мультипликация мамлакатда 1930 йиллардан сўнг шаклланиб боради. “Синбад – денгиз сайёҳи”, “Шоқол Шоқолнинг ўғли”, “Шунчаки орзу”, “Қиз минораси ҳақида афсона”, “Учар жирафа”, “Хумайнинг туши”, “Соҳибжамол Фотима”, “Карвон”, “Кўзгу”, “Сухбат-ул асмар” каби мультфильмлар Озарбайжон аниматорларининг Шарқ ва Ғарб адабиёти намуналари асосида яратилган ёрқин ижод намуналаридир.

40-йиллар ва Иккинчи жаҳон уруши даври озарбайжон кино санъати С.Мардонов, А.Ҳасанов, А.Дашашев, И.Афандиев, А.Кулиев, Г.Александров каби режиссёрлар фаолияти билан характерланади. Урушдан кейинги даврда Озарбайжон киноси бадий жиҳатдан такомиллашиб боради. “Фаталийхон” (В.Жиган), “Аракс томонларда” (И.Афандиев, Э.Шуб), “Учрашув” (Т.Токизода), “Аршин мол-олон” (Р.Тахмасибу) фильмлари айни шу йилларда суратга олинган.

60-йиллардан кейин Озарбайжон киносида муҳим ўзгаришлар бошланиб, У.Г.Саидзода, М.Хусайнзода, Л.Сафаров, А.Ибрагимбеков, Г.Исмоилов, Р.Ибрагимбеков каби ўнлаб янги ижодкорлар авлоди майдонга чиқади. “Ўғай она”, “Юлдуз”, “Аҳмад қаерда?”, “Аршин мол-олон”, “Қайнона” кинокомедиялари, “Гўрўғли”, “Лайли ва Мажнун”, “Насимий” каби йирик дostonлар ва шахслар ҳаётининг экран талқинлари иттифокдош мамлакатлар аро шуҳрат қозонади. Ўтган аср сўнггида Озарбайжон кино усталарининг ижодий салоҳиятини намоён этган “Тунги поезддаги котиллик” (А.Махмудов), “Ғазалхон” (Ш.Алекперов), “Қичкирик” (Ж.Мирзоев), “Ташқари” (В.Мустафоев), “Тахмина” (Р.Ожагов), “Истанбул тарихи” (Р.Ожагов) каби гўзал бадий фильмлар юзага келди.

Комедия ва мелодрама озар халқи табиатига яқин, етакчи кино жанрлардан бири бўлиб, ўтган асрда яратилган бир қанча кинокомедиялар

ҳозир ҳам кадрош халқлар томонидан севиб кўрилади. Озарбайжон замонавий кинематографияси кўплаб янги номлар ва ижодий тажрибаларга бойиб, миллий кино мактаби анъаналарининг жаҳон киноси тажрибалари билан уйғунлашувини кузатиш мумкин.

Замонавий кино санъатида Вокиф Мустафоев ижоди алоҳида ажралиб туради. Унинг “Миллий бомба”, “Ҳаммаси яхшиликка”, “Ташқари”, “Аблаҳ” бадий фильмлари ва кўплаб ҳужжатли фильмлари миллий ва халқаро микёсда эътироф этилган. Шунингдек, Октой Мирқосимов, Вокиф Мустафоев, Рамз Азизбейли, Шамил Нажафзода, Элхон Жафаров, Эмиль Қулиев, Мурод Ибрагимбеков каби режиссёрлар фаол ижоди озарбайжон кинематографиясининг бугунги қиёфасини ифода этади. Улар Шарқ ва Европанинг нуфузли кинофестивалларида иштирок этиб, озарий халқининг бадий тафаккурини жаҳонга танитишга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2012 йилда режиссёр Шамил Алиевнинг “Чўл” фильми “Оскар–2014” нуфузли кинофестивалида қатнашиб, “Энг яхши хорижий тилдаги фильм” номинациясида тақдирланди.

*Илҳом МАСАЛИМОВ,*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси*

## МУСИҚА

Озарбайжон халқи ўзининг мухташам мусиқа дунёси билан машҳур. Бу мамлакатнинг қулай иқлим шароити миллатнинг бадий тафаккури, ижодкорлик табиатига ўз таъсирини кўрсатган. Озарбайжон худудида топилган археологик материаллар бу худуд мусикаси илдизлари милoddan аввалги 5–3-минг йилликларга бориб тақалишини кўрсатади. Озарбайжон мусикаси фольклорга таянган профессионал йўналишларига эга. Меҳнат кўшиқлари, лирик ва ҳазил кўшиқлар кенг тарқалган. Озарбайжон мусикасининг элементлари, айниқса, рақс ритмлари Эрон мусикаси билан яқин туради. Кавказнинг бошқа мамлакатларида озарбайжон мусика маданиятининг асосан мақом тизимидан кенг фойдаланилади.

Озарбайжон мусикаси кўшиқ, рақс, мақом (муғом) ва ошиқ (ашуғ)лар ижодиётини ўз ичига олади. Энг кўп тарқалган халқ мусиқа асбоблари пуфлама тутак, боломон, конун, сурнай, тор, сознинг бир қанча навлари, камонча, даф, ноғора, кўшноғора, доира кабилардир. 2012 йилда озарбайжон тор ижрочилиги санъати Юнесконинг номоддий-маданий мерослар рўйхатига киритилган.

Озарбайжон халқ мусикаси еттига йўлга асосланади: рост, шур, сегоҳ, шуштар, баёти широз, чоргоҳ ва ҳумоюн. Уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга. Мақом анъанавий кўшиқ ва рақс уйғунлигидаги озарбайжон оғзаки мумтоз мусикасининг асосий жанрларидан бўлиб, одагда тор, камон ва доира жўрлигида ижро этилади. Шарқ мумтоз шеърини мақом оҳангларига солиниб қуйланади. Озарбайжон мақоми 2008 йилда Юнеско томонидан “Инсоният номоддий меросининг энг сара намунаси” сифатида эътироф этилган.

Профессионал халқ мусикасининг яна бир қисмини ошиқлар ижоди ташкил этади. Ошиқлар – куйловчи шоирлардир. Ошиқлар қадимги *озан*ларнинг издоши бўлиб, “ошиқ” атамаси Кавказ худудида XVI–XVII асрларда юзага келган. Ватан, чин муҳаббатни тараннум этувчи ошиқлар “Эл онаси” деб эъзозланган. Ошиқлар эпосларни соз жўрлигида ижро этадилар. Ошиқлар ижоди ғазаллама, устоднома, айтишув, дoston каби жанрларни камраб олади. 2009 йилда озарий ошиқлар ижоди Юнеско томонидан номоддий маданий мерослар рўйхатига киритилган.

XIX аср охирига келиб, Озарбайжон мусикаси анъаналари Европа мусика маданияти ютуқлари билан бойиб боради. Боқуда симфоник оркестр, опера труппалари юзага келади. Европа созлари учун асарлар ёзила бошлайди. 1932 йилда У.Ҳожибеков С.Рустам номидаги Озарбайжон халқ чолғулари оркестрига асос солади. Озарбайжон опера санъатига атокли композитор Узеир Ҳожибеков асос солган. Унинг Фузулий асари асосида ёзилган “Лайли ва Мажнун” операси, “Аршин мол олон” опереттаси, Абдулмуслим Магомаевнинг “Наргиз”, Фикрет Аминовнинг “Севиль” опералари дастлабки озарбайжонча опера намуналари ҳисобланади. Ҳожибеков маком-опера жанрига асос солади.

Озарбайжон мусика маданияти ривожига Узеир Ҳожибеков, Воқиф Мустафозода, Абдулмуслим Магомаев, Тофик Кулиев, Саид Рустамов, Ариф Маликов, Асиф Зейналли, Афшин Ализода, Ойдин Қамбаров, Аёз Қамбарли, Ориф Мирзоев, Азер Дадашев, Азер Рзаев, Жаҳонгир Жаҳонгиров, Жавоншир Кулиев, Жаҳонгир Зулфиқоров, Жамил Амиров, Жавдот Ҳожиёв, Эмин Собитўғли, Азиза Мустафозода, Афросиёб Бадалбейли, Афшар Жаванширов, Пўлат Булбул ўғли, Қора Қораев, Сиёвуш Каримли каби машҳур композиторларнинг хизматлари улкан аҳмамиятга эга.

Мамлакатда симфоник жанр 1920–1930 йилларда юзага келиб, М.Магомаев, А.Зейналли, Қ.Қораев ижодида миллий мусикий анъаналар замонавий Европа оҳанглари билан уйғунлашиб, озарбайжон мусикасининг мавқеи жаҳоний миқёсга кўтарилди. Юнесконинг номоддий оғзаки маданий мерос бўйича экспертларидан бири, санъатшунос Санобар Бакировнинг ёзишича, бастакорлар Фикрет Амиров озарбайжон мусика маданиятини Европа ропсодияларига яқин симфоник маком билан бойитган бўлса, Қора Қораев лирик-драматик симфонизм ривожига улкан ҳисса қўшди.

Озарбайжон мусикасига жаз 1930 йилларда кириб келади. Композитор Тофик Кулиев ва дирижёр Ниёзий ҳамкорлигида биринчи жаз оркестри ташкил топган. Ҳақиқий озарбайжонча жаз композитор Воқиф мустафозода ижодида намоён бўлади. У жаз оҳанглари ва озарбайжон анъанавий куйларини уйғунлаштириб, жазмаком жанрига асос солади.

Оммабоп кўшиқчилик тажрибалари 1920–1930 йилларда бошланиб, юксак поғоналарга кўтарилди. Майхона йўналиши оммабоп кўшиқчиликнинг ўзига



хос шакли бўлиб, сержило шеърӣй оҳанг етакчилик қилувчи мусиқий жанр ҳисобланади. Оммабоп хонандалик мактаби ривожда Шавкат Мамедов, Булбул, Муслим Магомаев, Рашид Бейбутов, Пулат Булбул ўғли каби хонандалар ижоди муҳим роль ўйнади. Озарбайжон поп-муסיқаси бугунги кунда ўзининг асл аъналарини сақлаган ҳолда ривожланиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Боқуда У.Ҳожибеков номидаги консерватория, Давлат муסיқа академияси, бешта муסיқа олий билим юрти, етмиш учта муסיқа мактаблари, У.Ҳожибеков номидаги Озарбайжон санъати илмий тадқиқот институти фаолият юритиб келмоқда.

## РАҚС

Озарбайжон миллатига хос ижодкорликни ёркин ифода этувчи соҳалардан бири рақс санъатидир. Озарбайжон миллий рақслари Шарқ оламида машҳур бўлиб, ижровий хусусиятларининг ёркинлиги, қувноқлиги ва суръатида миллий характерни ифода этиши билан ажралиб туради.

Халқ рақсларининг шаклланиши узок тарихий даврни босиб ўтган бўлиб, бевосита халқ оғзаки ижоди, муסיқа маданияти билан ҳамоҳанг равишда тараққий этган. Озарбайжон халқ рақсларининг қадимий шакллари ҳақида Гобустон ёдгорликларидаги тасвирлар гувоҳлик беради. Ўрта асрларда юзага келган озарий рақс турлари ҳозирги кунгача сақланиб, ижро этиб келинади. “Году году”, “Коса-коса”, “Хидир илѐс” сингари қадимий рақслар халқ меҳнат қўшиқлари асосида юзага келган. Аксарият аънавий халқ рақсларининг номи ўсимликлар ва жониворлар номи билан боғлиқ бўлиб, рақслар уларнинг хатти-ҳаракатлари, кўринишларига таклидан юзага келганини билдиради. “Жайроний”, “Лалэ”, “Бинафше”, “Иннабий” рақслари шулар жумласидан.

Озарбайжон рақслари келиб чиқиш тарихи ва мавзусига кўра бир қанча жанрларга бўлинади. “Чубоний” – меҳнат рақси, “Мирзойи”, “Туражи” – маиший мавзудаги рақслар, “Жанги”, “Зархора” рақслари эса ҳарбий-қаҳрамонлик мазмунини ифода этади. Энг машҳур рақс турлари бўлган “Ялла”, “Халой”, “Гитгилида”, “Иннабий”, “Жайран-балла” кабилар тўйлар ва бошқа халқ маросимларидан келиб чиққан.

Рақслар одатда халқ миллий чолғулари “Зурначей” (*иккита сурнай ва ногора*) ва “Созандари” (*тор, камонча, даф*) жўрлигида ижро этилади. Озарбайжонларнинг эркак ва аёллар рақслари ўзига хос қадимий либослари билан сақланиб қолган. “Мирзайи”, “Узундара” рақслари аёллар рақсининг энг қадимий намуналари саналади. Аёллар ва эркаклар рақслари алоҳида-алоҳида хусусиятга эга бўлиб, хореографик жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилади. Аёл рақсларида узун либослар ва гавданнинг юқори қисми – қўл, елка, бош ҳаракати ва юз мимикасига эътибор қаратилади. Аёллар рақсларида сокин, қувонч-шодликни ифода этувчи лирик руҳ етакчилик қилади.

Эркаклар рақслари тантанали, улуғвор ҳаракатларга бойлиги, жўшқин ва тезкор ритмикаси билан ажралиб туради. Эркаклар томонидан ижро этиладиган рақслар ўз навбатида якка ва жамоавий турга бўлинади.

“Мирзойи”, “Гайтаги”, “Аскарона” каби рақслар якка тартибда, “Ялла” (“Кочери”, “Танзара”), “Жанги” рақслари жамоавий ижро қилинадиган рақслар саналади. Эркаклар рақсларида оёқ техникаси катта аҳамиятга эга. Асосий ҳаракатлар оёқ ва тиззалар орқали бажарилади.

Озарбайжонда дастлабки профессионал рақс жамоаси 1938 йилда юзага келган. Мазкур жамоа ўз репертуарида турли этник ва замонавий халқ рақсларини жамлаган. Озарбайжон профессионал рақси ривожда хисса қўшган Амин Дилбозий, Роза Жамилова, Алибобо Абдуллаев, Туту Ҳамидов, Али Рамазонов сингари халқ артистлари ўша ансамблда камол топган.

Ўтган аср бошларида амалий ижодий ютуқларлардан ташқари миллий рақс тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилади. 1937 йилда чоп этилган рисолада озарбайжон миллий рақсларининг ўттиздан ортик тури қайд этилган. Миллий рақс тарихини ўрганишда Саид Рустамов, Тофик Қулиев, Зокир Бакиров, Маммед Солиҳов каби мусиқа билимдонларининг меҳнати катта бўлган.

Озарбайжон рақслари ритмик табиати, ифодавий ёркинлиги билан халқ характери ни ўзида акс эттиради ва ундаги шўхчан ва жўшқин ҳаракатлар бошқа халқлар рақс санъатидан алоҳида ажралиб туради. Умуман, озарбайжон халқи ўз ички дунёсини куй-қўшиқларда, рақсу базмларда ифода этишга моҳир ва мойил халқ. Бугунги авлод ҳам бу қадим анъанани давом эттириб, янада бойитиб келмоқда. Озарбайжон халқининг “Ялла” анъанавий жамоавий эркаклар рақси 2018 йилда Юнесконинг номоддий маданий мерослари рўйхатига киритилиши бу миллат ҳаётида мусиқа ва рақс санъатининг ўрни қай даржада улкан эканлигидан далолат беради.

*Феруза КАРАЕВА,*

*Ўзбекистон давлат санъат  
ва маданият институти ўқитувчиси*



## ОЗАРБАЙЖОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари маданияти, бадний адабиёти ва тасвирий санъати, хусусан, нафис миниатюра соҳасида умумий жиҳатлар кўп. Ўрта аср Озарбайжон санъати таракқиётида Низомий даври деб юритилган XII аср ва XIII асрнинг бошлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда хунармандчилик ривожланди. Қатор шаҳарлар маданий марказга айланди. Озарбайжон маданиятининг йирик вакиллари шу ерда яшаб ижод қилганлар. Шу даврда шаклланган маҳобатли меъморлик усуллари кейинги асрларда ҳам ўз қийматини йўқотмади. Меъморлик ва тасвирий санъатда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўрта асрларда Озарбайжон тасвирий санъатида миниатюра алоҳида ўринни эгаллайди. Дастлабки рассомлик санъати намуналари “Манафи ал-хайя” (хайвонлар тўғрисида) китобига ишланган иллюстрациялар бўлиб, уларни бир қанча рассомлар ҳамкорликда яратишган. Бу суратларда турли хайвонлар, уларнинг хатти-ҳаракатлари кўрсатилган. Айрим миниатюраларда нақш унсурлари етакчилик қилади. Бу хусусият Рашидиддиннинг “Йилномалар” тўпламига, “Шоҳнома”га, “Хамса”га ишланган миниатюраларда яққол сезилади. Миниатюрочи рассомлардан Султон Муҳаммаднинг асарлари чуқур лиризм билан сўғорилган. “Хусрав Шириннинг чўмилишини томоша қилмоқда”, “Базм”, “Китоб ўқиётган шахзода” каби миниатюралари унинг қимматли асарларидандир.

Озарбайжон маданияти тарихида тасвирий санъат бадний адабиётга нисбатан секинрок ривожланган. Озарбайжон санъатининг қадимий мероси ҳисобланган деворий суратларнинг энг мукаммали Уста Қамбар Қорабоғий (1830–1905) ижодида намоён бўлди. У Шекин хони саройининг таъмирлаш ишларида иштирок этган, Мехмандаров ва Рустамовлар уйининг ички деворларига суратлар ишлаган. Устанинг композицион бой ҳамда ранглар ечимига эга суратларида график чизиклар мураккаб ўсимликсимон нақшлар билан уйғунлаштирилган. Қорабоғийнинг кейинги ишларида реалистик тасвир сезиларли даражада ўсиб боради.

Озарбайжон рассомларидан яна бир йирик вакили Мир Махсун Наввоб (1833–1918) шоир, мусика назарийчиси ва ҳатот сифатида ном қолдирган. Унинг “Баҳр-ул Хазан” (“Бир дунё қайғу”. 1864 й. Боку, Озарбайжон Фанлар академияси Кўлёмалар фонди) деб номланувчи ўз кўлёмасига ишлаган иллюстрациялари энг машхур асарлари ҳисобланади.

XIX асрларга келиб, Озарбайжон рангтасвирида дастгоҳли шакллар юзага кела бошлайди. Бу даврда етишиб чиққан портрет устаси Мирза Қадим Эриво-

ний (1825–1875)нинг ижодида Ўрта аср Шарк миниатюраси анъаналари билан чамбарчас боғлиқликда юзга келган. “Раққоса”, “Дарвеш”, “Пахлавон”, “Суворий” каби портретлари Озарбайжон реалистик дастгоҳли рангтасвирининг дастлабки йирик намуналаридир. Баҳруз Кенгарли, Азим Азимзода каби йирик рассомлар ижоди ушбу йўналиш ривожига муҳим хисса бўлиб қўшилади.

Озарбайжон рассомларининг изланишлари натижасида тасвирий санъатнинг барча йўналишлари ривожланиб борди. Рассомлар ижодида миллий анъаналарини давом эттирган ҳолда янги ижодий тажрибалар янгиланиб борди. Матода мойбўёк билан ишлаш тажрибаси рассомликни мустақил ўрганган Алибек Хусейнзода (1864–1940) томонидан бошлаб берилди.

Азим Азимзоданинг сайи-ҳаракатлари билан профессионал рассомларни тайёрловчи Боку санъат билим юртига асос солинган, рангтасвирнинг барча йўналишлар бўйича ижодкорлар авлоди етишиб чиқади. Боку санъат мактабининг илк битирувчилари А.Рзақулиев, А.Қозиев, И.Кулиев, Г.Ҳолиқов, И.Охундов, Х.Мустафоев, С.Саломзода кейинчалик катта ижодий муваффақият қозониб, ўз даври санъатига мазмун бағишлайди.

XX асрнинг 50-йиллар Озарбайжон тасвирий санъати Т.Салоҳов, С.Бахлулзода, М.Абдуллаев, В.Наримонбеков, Р.Бобоев, Н.Абдурахмонов, А.Жафаров, В.Самедова, Н.Қосимов, Э.Рзақулиев, С.Қурбонов, Т.Нариманбековлар ижоди билан характерланади. Р.Бобоев, Ю.Хусейнов, А.Ҳожиевлар графикада, рассомлар, Э.Хусейнов, Ф.Нажафовлар ҳайкалтарошлик соҳасида забардаст асарлари билан ўзига хос мактаб яраган.

Манзара жанри Н.Қосимов, С.Бахлулзода, М.Тагиевлар ижодида чин маънода камол топади. Уларнинг асарларида Озарбайжон табиатининг бетакрор манзаралари моҳирнона муҳрланади. Мавзули (тематик) рангтасвир бўйича Э.Рзақулиев, Х.Ҳақбердиев, Б.Алиев, Л.Файзуллаев сингари рассомларнинг ижоди келгуси авлод учун муайян маънода намуна вазифасини ўтаб келмоқда.

Озарбайжонда қадимдан шаклланган тасвирий санъатнинг яна бир йўналиши – ҳайкалтарошликнинг янгиланишига XIX асрнинг иккинчи ярмида Бокуда шахарсозликнинг тез суръатларда ривожланиши, янги қурилаётган биноларни тарихий услубда ҳайкаллар билан безатиш, тошга нақш ўйиш санъатининг қайта тугилишига сабаб бўлади. Бокуда биринчи ҳайкалтарошлик устaxonаси С.Гордецкий томонидан ташкил этилган. Зейнал Абдинбек Алиев озарбайжонлик биринчи профессионал ҳайкалтарош саналади.

XX асрнинг 50-йиллари Москва ва Санкт-Петербургда таҳсил олган бир гуруҳ озарбайжон ҳайкалтарошлари ижодий майдонга чиқишди. Т.Мамедов, О.Элдоров, Х.Абдуллаев, М.Мирқосимов, С.Кулиев, К.Алиакбаров, Э.Шамиллов, Г.Сужадинов, А.Мустафоев, Ф.Нажафов, Э.Хусейнов каби ҳайкалтарошлар шулар жумласидан.

Озарбайжон замонавий тасвирий санъатида миллий анъаналар Ғарбий Европа санъатига хос йўналишлар билан бойиб бормоқда. Мустақиллик даврида дастгоҳли рангтасвир, минатюра, графика, ҳайкалтарошликда – тасвирий ва амалий санъатнинг барча йўналишлари мавзу ва жанрлар камрови ўзгара бошлади.

Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА,

Камолитдин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

(PhD) таянч докторанти

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

**“ГАЛАТЕПАЛИК АВЛИЁ”** – таникли ёзувчи Мурад Муҳаммад Дўстнинг сценарийси асосида суратга олинган қисқа метражи фильм. Фильм 1983 йилда “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган. Фильм режиссёри Темур Малик Юнусов, бадий раҳбар атокли рус кинорежиссёри Элдар Рязанов. Фильмда асосий роллари Ўзбекистон халқ артистлари Ҳамза Умаров (Махзум), Ҳусан Шарипов (Ҳожикул), Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева (Зубайда), Муҳаммаджон Раҳимов (Сайфил мулк)лар ижро этишган. Фильмнинг қисқача сюжет шундай: бош қахрамони Махсум – галатепалик оқил, доно киши. У хамиша одамларга яхшилик қиладиган, тўғри йўл кўрсатиб, хайрли ишларга бош бўладиган инсон. Шунинг учун уни одамлар “авлиё” санаб, хурмат қилишади. Махзум кишлоқдаги бева жувон Зубайдага қўшни кишлоқлик Ҳожикул номидан ўзи совчи бўлиб боради-ю, аммо ич-ичидан буни истамайди. У кўнгил тубида яширган туйғусини Зубайданинг ўғли Сайфил мулк сезади ва ҳаммага ошқор қилади. Ўзбек халқининг характери ва турмуш тарзи ёрқин акс этган мазкур бадий фильм миллий кино санъати тарихидан муносиб ўрин олган.

**“ГАЛДИР”** – ўзбек халқ ижодиётининг ишкий-маиший турига мансуб машхур қўшиқлардан бири. “Галдир” сўзи *“бошига ишқ савдоси тушган”* *“телба”*, *“демона”* деган маънони ифодалайди. “Бекасам тўнлар кийиб, бунча мани куйдурасан” мисралари билан бошланадиган қўшиқ мазмунига кўра, бошига ишқ савдоси тушган аёлнинг тилидан эркак кишига қарата айтилади. Авлоддан авлодга оғзаки ўтиб келган “Галдир” бугунги кунга қадар кўплаб ҳофизлар томонидан ижро этилган бўлиб, ўзбек мумтоз шеърятининг бир қанча намуналари мазкур куйга солинган. Жумладан, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Алимаҳзумов талқинида Зокиржон Фуркатнинг “Дард аро мен чекмаган жабру жафолардан бири” мисралари билан бошланувчи муҳаммаси куйланган.

**ГАЙДН ФРАНЦ ЙОЗЕФ** – австриялик атокли композитор, дирижёр, мусиқа назариётчиси. Классицизм даври Вена мумтоз мусиқа мактабининг йирик намояндаларидан бири. Гайдн 1732 йилда Жанубий Австриянинг Рорау шаҳрида дунёга келган, 1809 йилда Венада вафот этган. XVIII асрда Европанинг маданият ўчоғи бўлган Венада Гайдн, Моцарт, Бетховен ижоди асосида мухташам санъат мактаби шаклланади. Мусиқа дунёсида янги инструментал жанр ва йўналишлар шаклланиб, юксак даражада тараққий этади. Гайдн ижодий мероси “Асмодей ёхуд оқсоқ иблис”,

“Ацис ва Галатея”, “Маркизлар орзуи”, “Филемон ва Бавкида”, “Кутилмаган учрашув”, “Ойдаги олам”, “Кимсасиз орол”, “Армида”, “Орфей ва Эвридика ёхуд Қалб фалсафаси” каби 24 та опера, 104 та симфония, 83 та квартет, 52 та соната ва қатор увертюра, марш, оратория, кўшиқлардан иборат.

**ГВЕРЧИНО** – италян мусаввири. 1591 йилда Италиянинг Ферра-ра шаҳрида туғилган, 1666 йилда Болоньяда вафот этган. Болонья санъат мактаби вакилларида бири. Борокко услубидаги портрет ва диний мавзудаги асарлари билан ном қозонган. “Уйқудаги Эндимион”, “Клеопатра”, “Мария Магдалина”, “Авлиё Екатерина изтироби”, “Сусанна ва қариялар”, “Илохий Ромуальдо”, “Танкред ва Эрминия”, “Авлиё Петр изтироби” сингари асарлари дунёнинг нуфузлари музейларида сақланиб қолган.

**ГЕНРИХ БЁЛЛ** – атоқли олмон ёзувчиси, шоир, публицист. 1917 йилда Германиянинг Кёльн шаҳрида туғилган, 1985 йилда вафот этган. Бёлл ўтган асрнинг 50-йилларида “Поезд ўз вақтида келади” номли кассаси билан адабий майдонга кириб келган. “Қаерда эдинг, Адам?”, “Почта ёрлиғи”, “Хабар”, “Ўтган йилларнинг нони”, “Эгасиз уй”, “Бир аскар халтаси ҳақида ҳикоя”, “Доктор Борзиганинг бир пиёла чойи”, “Ирланд кундалиги”, “Доктор Муркенинг сукунати”, “Масхарабоз кўзлари”, “Аёлларнинг жамоавий портрети”, “Ихтиёрий чекиниш”, “Катарина Блуснинг йўқотилган номуси”, “Рейн соҳилидаги аёллар”, “Миналанган ҳудуд”, “Жароҳат” каби асарлари билан дунё адабиёти ривожига хисса қўшган. Адиб 1972 йилда “Аёлларнинг жамоавий портрети”(1971) романи учун Нобель мукофоти совриндори бўлган.

**ГЕНРИК ИБСЕН** – норвегиялик атоқли драматург, Европа адабиётида “янги драма” оқимининг асосчиси. 1828 йилда Норвегиянинг Шиен шаҳрида таваллуд топган, 1906 йилда вафот этган. Ибсен адабий оламга XIX асрнинг 50-йилларида кириб келган. Унинг дастлабки драмаси қадимги Рим тарихига оид “Катилина” пьесасидир. Ибсен ижодининг биринчи босқичида “Эстротлик Фру Ингер”(1854), “Севги комедияси”(1862), “Тахт учун кураш”(1864), “Бранд”(1865) ва “Пер Гюнт”(1867) каби пьесалари ёзилади. Ижодининг иккинчи – юксалиш даврида ёзилган “Тедда Габлер”(1871), “Кўғирчок уй” (1879), “Шарпа”(1881), “Халқ душмани”(1882), “Ёввойи ўрдак”(1884), “Солнес қурувчиси”(1892) каби асарлари жаҳон драматургиясининг энг сара намуналари ҳисобланади. Ибсен драматургиясида замон ва инсон руҳияти эврилишлари теран таҳлил этилиб, Европада “янги драма” ижодий оқимининг шаклланишига асос бўлган. Генрик Ибсен номи “норвегиялик Чехов” дея шарафланади. Бугунги кунга қадар унинг деярли барча асарлари дунё театрларида такрор-такрор сахналаштирилган ва экран талқинлари яратилган.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА*  
*тайёрлади*



## РЕЗЮМЕ



••• Июньский номер журнала посвящен азербайджанской литературе, где вместе с материалами о современной жизни Республики Азербайджан, социально-культурной среде и искусстве страны публикуются стихи и рассказы современных поэтов и писателей.

••• В этом году исполнилось 220 лет великому русскому поэту Александру Сергеевичу Пушкину. На узбекский язык его произведения переведены такими мастерами, как Чулпан, Айбек, Усман Насыр, Миртемир, Зульфия, Аскад Мухтар, Рамз Бабаджан, Шухрат, Тураб Тула, Мамарасул Бабаев, Хамид Гулям, Абдулла Арипов, Мухаммад Али. В номере публикуются новые переводы стихов Пушкина, осуществленные Минхажиддином Мирзо, в которых переводчик пытается заново открыть неповторимые грани таланта великого русского поэта.

••• Исторический трактат известного турецкого писателя Ахмеда Шимширгиля “Амир Темура” подробно рассказывает о роли великого государственного деятеля и полководца в мировой истории и истории тюркских народов, его военных походах, а также социально-культурной жизни периода темуридов. Данное произведение является одним из авторитетных исследований о Сахибкиране, изданном в Турции, где автор объективно оценивает его деяния и выражает свое отношение к личности и духовному миру Амира Темура.

••• Спустя сорок лет после смерти известного немецкого писателя Стефана Цвейга в западногерманском издательстве “Фишер” вышел его роман “Угар преображения”, который изначально был назван писателем “Кристина Хофленер”. Роман с новым названием, данным издателями, получил широкую известность на Западе. Идейный смысл данного произведения направлен против всякой войны, приносящей бесчисленные бедствия человечеству; главное устремление автора – жажда справедливости, устремление к социальному равенству, мирной и полноценной жизни. На узбекский язык роман переведен Абдухамидом Пардаевым.



## RESUME



●● This issue of the magazine is dedicated to the literary of Azerbaijan. Articles about literary, social-cultural world, also some works from modern Azerbaijani prose and poetry are presented in this issue.

●● This year we celebrate the 220th anniversary of Aleksandr Sergeevich Pushkin. Pushkin's poetry was translated into Uzbek by Chulpon, Oybek, Usmon Nosir, Mirtemir, Zulfiya, Asqad Mukhtor, Ramz Bobojon, Shuhrat, Turob Tula, Mamarasul Boboev, Hamid Gulom, Abdulla Oripov, Mukhammad Ali. These translations presented by well-known poet and translator Minhajiddin Mirzo show the geniality of Pushkin again.

●● "Amir Temur", the historical book by popular Turkish writer Ahmad Shimshirgil is about the place of Amir Temur in history of Turkic nations, military campaign and cultural-social life in Temurid's period. This book is one of the most popular works about Temur in Turkey. Author tries to describe Temur's character and personality in realistic manner.

●● Well-known Austrian writer Stephan Zweig's novel "Cristine" (this name was changed in the western Germany's "Fisher" publishers into "Drunk by Transformation") was published after forty years from the death of the author. This book became popular in Europe.

●● This novel was written against all wars which are great tragedy of humankind. The author tries to extol ideas of justice, social equality, stability and welfare in this work. The novel was translated into Uzbek by Abduhamid Pardaev.

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБ

Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ

Мусаххих: Ш.НИЁЗМЕТОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинмиши шарт.

## Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий

боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 08.07.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 2018 нусха. 566 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида  
териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

## Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

**ALSKOM®**

SUG'URTA KOMPANIYASI  
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ



# ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Автотранспорт олишда гаров  
таъминоти муаммо бўлмоқдами?

**БУНИ ТЕЗ ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН.**

“ALSKOM” суғурта компанияси (Бош офиси ёки республиканинг барча вилоят шаҳарларида жойлашган) офисларига мурожаат қилинг. Сиз танлаган шартларда гаров таъминоти сифатида полис тақдим этилади.

Тел.: 147 11 00:

Факс.: 147 22 00:

Манзил: Тошкент ш.,

Амир Темур к., 109.



Латофат Маметова. «Оқ либосли аёл»

**ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Журналинг обуначиларга етказилишида  
муаммо пайдо бўлса, кунидаги маълумот  
мурожат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тўра кўчаси,  
2-йў. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муқоламизда:

Элдор Бобозода. «Хаёлот»